

ekit

O'qi va ko'taril!

 ekituz

Марк ТВЕН


ШАҲЗОДА ВА ГАДО

*Болалар адабиёти давлат нашриётининг
1961 йилги нашридан Нурбек таржимаси*



Н. Цейтлини расмлари

NI²⁰⁴⁷⁰/₃



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
„ЕШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1962

БУ КИТОБНИ ЁЌИМТОЙ ВА ОДОБЛИ
БОЛАЛАР СУЗИ ВА КЛАРА КЛЕМЕНС
ЛАРГА УЛАРНИНГ ОТАСИ ЗУР МУЊАБ-
БАТ БИЛАН БАЊИШЛАЙДИ.

Сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган бу қиссамни мен бировдан эшитганман, у отасидан эшитган экан, унинг отаси эса бувасидан, буваси ҳам ўз отасидан эшитган экан ва ҳоказо. Хуллас, уч юз йил, балки бундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида оталар буни болаларига ҳикоя қилаверганлар ва шу тариқа бу қисса бизгача сақланиб келган. Эҳтимол бу воқеа чиндан ҳам бўлгандир, эҳтимол ривоят ёки афсонадир, лекин ҳар ҳолда бундай воқеанинг бўлиши мумкин. Балки илгари замонда бунга фақат донишманд ва ўқимишли кишилар ишонгандирлар, балки ўқимаган оддий кишилар ҳам ишониб, бу қиссани яхши кўриб қолгандирлар.

Твен Марк.

Шаҳзода ва гадо. Нурбек таржимаси.
Н. Цейтлин расмлари. Т., «Еш гвардия», 1962.

224 бет.

Твен Марк. Принц и ниций. Повесть,

И(Амер)



*Қўш баракат бор раҳмдилликда;
Раҳм қилган ҳам хушбахт, раҳм қилинган ҳам.
Кучлилар раҳмдил бўлса, қандай соз.
Қиролларга у тождан ҳам кўпроқ ярашур,
Шекспир, Венеция савдогари.*

1606

ШАҲЗОДАНИНГ ВА ГАДОНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бу воқеа ўн олтинчи асрнинг иккинчи чораги охирларида бўлган эди.

Куз кунларининг бирида қадимий Лондон шаҳрида ҳамбағал Ксентининг оиласида бир ўғил туғилди, бу ўғил оилага мутлақо керак эмасди. Худди шу куни бадавлат Тюдорлар оиласида бошқа бир инглиз боласи дунёга келди, бунга фақат оилагина эмас, бутун Англия интизор эди. Англия кўпдан бери уни худодан тилар, кутар, умид қилар эди, шунинг учун у дунёга келган куни инглизлар бениҳоя қувонганларидан ақлдан озаёздилар. Бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган кишилар ҳам

шу кунни қучоқлашиб, кўришишар, ўпишишар ва йиғлашарди. Шу кунни ҳеч ким ишламади, ҳамма камбағаллар ҳам, бойлар ҳам, оддий фуқаролар ҳам, аслзодалар ҳам байрам қилди, ўйнади, кулди, қўшиқ айтди, вино ичди, хуллас бир неча кун-тун шундай кайф-сафо давом этди. Кундуз кунлари Лондон ғоят гўзал бир манзара кашф этарди: ҳар бир балконда, ҳар бир томда ҳарир байроқ ҳилпираб турарди, кўчалар байрам либосига бурканган одамлар билан тўларди. Кечалари ҳам ажойиб томошалар бўларди; чорраҳаларнинг ҳаммасида катта гулханлар ёқилар, гулханлар атрофида халойиқ тонг отгунча ўйин-кулги қиларди. Бутун Англияда фақат инглиз тахтининг вориси янги туғилган Эдуард Тюдор ҳақида гаплашишар, у эса шойи, атласларга ўралиб, бу тантанаю шовқин-суронларни пайқамай, атрофида аслзода, лорду ледилар парвона бўлаётганини билмай, ҳаммасига парво қилмай ётарди. Бироқ, бошқа бир чақалоқни, латта-пугталарга ўралиб ётган Том Кентини ҳеч ким тилга олмасди. Унинг тўғрисида фақат ўзи туғилган ўша қашшоқ оиладагина унинг дунёга келиб кўп ғам-ташвиш ордиргани ҳақида гапиришар эди.

II боб

ТОМНИНГ БОЛАЛИГИ

Бир неча йилни орқада қолдириб кетайлик.

Лондон ўн беш асрдан буён мавжуд бўлиб, ўша замоннинг энг йирик шаҳарларидан ҳисобланарди. Унда юз минг киши яшарди. Баъзи бировлар бундан икки ҳисса кўп аҳоли яшаган деб ҳам тахмин қилишади. Кўчалар тор, эгри-бугри ва ифлос эди, айниқса шаҳарнинг Том Кенти яшаётган қисми, Лондон кўпригига яқин жойлар жуда ҳам ифлос бўларди. Улар ёғочдан қурилган бўлиб, биринчи қаватнинг устидан иккинчи қават унинг устидан учинчи қават туртиб чиқиб турарди. Уйлар баландликка кўтарилган сари кенгая борарди. Уларнинг пойдевори қўш синчли бўлиб, жуда мустаҳкам қилиб ишланган, синчлар ораси пишиқ материаллар билан тўлдирилиб, устидан сувалган эди. Тўсинлар қизил, кўк ёки қора рангга, ишқилиб, уй эгасининг дидига қараб бирор рангга бўялар, шу сабабдан уйлар хилма-хил

рангда чиройли кўринар эди. Деразалар кичкина, кўзлари ромба шаклида қўйилган бўлиб, ошиқ-мошиқлари эшикка ўхшаб ташқарига очиларди.

Томнинг отаси яшайдиган уй Мечкайлар растасининг орқасидаги сассиқ ҳид анқиб турадиган боши берк кўчада эди. Бу кўча «Чиқиндилар Ҳовлиси» деб аталарди. Уй кичкина, шарти кетиб парти қолган, ғирт қашшоқликнинг тимсоли эди. Кентининг оиласи учинчи қаватдаги ҳужрада турарди. Отаси билан онаси каравотга ўшхаган бир нарсанинг устида ётишарди. Том, унинг бувиси, Бэт ва Нэн исмли икки опаси эса бундай ноқулай нарсада ётишмас, чунки полнинг ҳаммаси уларнинг ихтиёрида, дуч келган жойга ётиб ухлашаверар эди. Икки-учта эски одеялнинг бурдалари уларга кўрпа, бир-икки қучоқ келадиган ифлос, тўзиган похол тўшак хизматини ўтар эди. Эрталаб бу латта-путта ва похолларни йиғиштириб, уйиб қўйиларди-да, кечқурун ҳар қайсиси яна ўзига керагини тортиб кетаверарди.

Бэт билан Нэн ўн беш ёшли эгизак қизлар бўлиб, ирkit-исқирт жулдурвақи ва жуда жоҳил эдилар. Она ҳам улардан деярли фарқ қилмасди. Болаларнинг отаси билан бувиси эса шайтоннинг худди ўзгинаси эдилар; қўлларига пул тушди дегунча ичиб маст бўлишар, ичган пайтларида ҳам, ичмаган пайтларида ҳам оғизларидан боди кириб шоди чиқар, ҳар нафасда сўкишишар, жанжаллашишарди. Жон Кенти ўғри, унинг онаси эса гадой эди. Улар болаларни тиланчилик қилишга ўргатдилар, аммо ўғри қилиб етиштира олмадилар.

Томлар турадиган уйда яшовчи гадой ва ўғрилар орасида уларга қўшилмайдиган бир киши бор эди. У бир ҳоксор руҳоний чол бўлиб, қирол унга арзимайдиган уч-тўрт чақа пенсия белгилаб, бечорани кўчага улоқтирган эди. Шу чол болаларни ўз хонасига чақириб, ота-оналаридан яширинча уларга ҳалол, тўғри одам бўлиб ўсишни насиҳат қиларди. У Томга ўқиш, ёзишни ҳам ўргатди, Том ундан лотинчани ҳам унча-мунча билиб олди. Чол Томнинг опаларига ҳам савод ўргатмоқчи бўлган эди, аммо улар дугоналари жулдур отинчалар деб масхара қилишидан қўрқиб, бунга кўнмадилар.

Бутун Чиқиндилар Ҳовлиси Кенти турадиган уйга ўхшаш газандалар уяси эди. Ичкиликбозлик, жанжал ва ёқалашишлар бу ерда одат тусига кириб қолганди, бундай ғурбат ҳар оқшом бошланиб, деярли эрталаб-

гача давом этарди. Ёрилган бошларни кўриш очлик сингари оддий воқеага айланиб қолганди. Шундай бўлишига қарамай кичкина Том ўзини бахтсиз ҳисобламасди. Баъзан жуда ночор аҳволда қолган пайтларида ҳам бунга парво қилмасди, чунки Чиқиндилар Ҳовлисидаги ҳамма болалар шунақа эдилар, шунинг учун Том ҳаёт бундан бошқача бўлишини тасаввур этолмасди. У кечқурун уйга қуруқ қайтса отаси сўкиши ва уришини, бувиси ҳам жазосиз қолдирмаслигини яхши биларди. Шундай пайтларда бечора онаси қолган-қутган бир бўлак нон ёки овқатни ўзи емай, кечаси қоронғида яшининча Томга тутқизарди. Бу иши учун у эридан тез-тез калтак еб турарди.

Шунга қарамасдан Том ўз аҳволидан хафа эмасди, айниқса ёз кунлари яйраб қоларди. У отасининг дўппослашидан қутулиш учунгина унда-бунда бир тиланчилик қиларди, чунки гадойликка қарши қонунлар шафқатсиз эди, гадойларни қаттиқ жазолардилар. Том кўпинча руҳоний Эндрью ҳузурида ўтириб, унинг ажойиб-ғаройиб эртакларини, баҳайбат ва митти одамлар, жодугарлар ва парилар, сеҳрли қалъалар, улуғ қироллар ва шаҳзодалар тўғрисидаги афсоналарини тингларди. Боланинг фикри-хаёли бу ажойиботлар билан тўлиб-тошган эди, кечалари қоронғида қаттиқ, баданга ботадиган доҳол устида чарчаган, оч, калтак еган ҳолда ётиб, хаёлга берилар ва қирол саройидаги арзанда шаҳзодалардан бирининг ширин турмушини кўз олдига келтириб хафалигини ва танасидаги оғриқни ҳам унутиб юборарди. Бир кўрсам эди, деган орзу кечаю кундуз хаёлидан нари кетмасди. Бир кун у ўзининг бу орзусини Чиқиндилар Ҳовлисидаги ўртоқларига гапирганида, улар Томни роса мазах қилиб кулишди, шундан кейин Том уларга ўз орзу-хаёлларини ҳеч гапирмайдиган бўлиб қолди.

Том руҳонийнинг уйида кўпинча қадимий китобларни ҳам ўқирди. Бола китобдаги сўзларнинг маъносига тушунмаса чол унга тушунтирар, баъзан ўша воқеаларга қўшимча тарзда ўзи ҳикоялар айтиб берарди. Орзу-хаёллар ва китоблар боланинг қалбида из қолдира бошлади. Унинг хаёлидаги қаҳрамонлар шу даражада тоза ва нафис кийимлар кийган бўлардиларки, уларга ўхшаб ўзи ҳам озода ва яхши кийиниш ҳақида ўйлаб, исқирт, жулдур кийимларидан уяла бошлади. Тўғри, у

ҳозир ҳам илгаригидек кўпинча ифлос жойларга ағанаб кетаверарди, аммо Темза дарёсида энди эрмак учун эмас, ювиниш учун чўмиладиган бўлиб қолган эди.

Том май ойида Чидсайддаги гул ва байроқлар билан безатилган узун хода атрофида бўладиган сайлни ёки ярмаркаларни томоша қилишни яхши кўрарди. Бундан ташқари унга бошқа лондонликлар каби шўри қуриб қолган бирор катта амалдорни йўлдан ёки дарёда қайиқ билан Тауэр¹ турмасига олиб кетаётганларида кўчада бўладиган ҳарбий парад жуда завқ бағишларди. Ёз кунларининг бирида у Смитфилдда бечора Энн Эскью² билан яна уч кишини гулханда куйдиришганини кўрди; ўшанда аллақандай бир епископ уларга узундан-узоқ ваъз ўқиганини эшитди, лекин Том унинг сўзларига унча қизиқмади. Хуллас Томнинг ҳаёти завқли ва кўнгилли эди.

Бора-бора ўқиган китоблари ва қиролларнинг ҳаёти ҳақидаги хаёллари унга шу қадар кучли таъсир қилдики, у кўчадаги ўртоқлари майна қилишига қарамай, ўзини *шаҳзода деб ҳис этиб юрадиган* бўлиб қолди. Унинг сўзлари, қилиқлари дабдабали тус ола бошлади. Чиқиндилар Ҳовлисида кундан-кунга унинг таъсири ортиб, ниҳоят тенгдошлари унга улуғ бир зотга мурожаат этгандай ҳурмат билан гаплашишга одатлана бошлади. Унинг ғалати нутқлар сўзлашига, ажойиб ишлар қилишига ўртоқлари қойил қолишарди, уни кўп нарса биладиган бола деб ўйлашарди! Чиндан ҳам ўзи ақлли, билимдон эди! Болалар Томнинг ҳар бир гапини, ҳар бир қилиғини катталарга гапириб беришарди, тез орада катталар Том Кентига ғоят қобилиятли, ниҳоятда истеъдодли бола деб қарай бошладилар. Катталар баъзи бир қийин масалаларда ундан маслаҳат сўрашар ва унинг доно сўзлари, чуқур мулоҳазаларини эшитиб ҳайрон қолишарди. Уни таниган-билган ҳамма одамлар қаҳрамондек улуғлашар, фақат ўз уйидагиларгина уни назарга илишмас эди.

Тез кунда Том атрофига ўртоқларини тўплаб ўзича қирол саройи ташкил этди. Ўзи шаҳзода бўлди; энг яқин

¹ Тауэр — Лондондаги лорд, герцог ва қироллар қамаб қўйиладиган қалъа.

² Энн Эскью (1521—1546) — ҳужумрон католик черкови билан диний ихтилофда бўлгани учун қаттиқ қийноққа солиниб, Смитфилдда гулханда куйдириб ўлдирилган.

7

ўртоқлари шахсий соқчи, хазиначи, шталмейстер, сарой аҳли, сарой хонимлари, қиролнинг яқин туғишганлари бўлишди. Ҳар куни сохта шаҳзодани Том қадимий романларидан ўқиб билган тантанали ва дабдабали маросим билан кутиб олишарди; ҳар куни унинг хаёлий давлатига доир буюк ишлар қирол кенгашида муҳокама қилинардиган; ҳар куни шаҳзода олий ҳазратлари ўз армиясига, флотига ва денгизнинг нариёғидаги мулкларига фармойишлар бериб турарди.

Шундан сўнг у эгнидаги жулдур кийимда тиланчилик қилишга кетар, аранг бир неча фартинг¹ тўплаб, уйига қайтар ва бир бўлак қотган нон билан кундалик насибаси — таёқ еб, сўкиш эшитиб, сассиқ похол устига чўзилар ва яна ўзининг шаҳзодалик хаёлларига бериларди. Ҳаммадан ҳам лоақал бир марта бўлса-да, чинакам шаҳзодани кўриш истаги унда кун сайин, ҳафта сайин ортиб борарди, ниҳоят бу истак унинг бирдан-бир орзусига айланиб қолди.

Январь кунларининг бирида у одатдагича тиланчилик қилиш учун кўчага чиқди. Бир неча соат оёқ яланг, қалтираб, ғамгин ҳолда Минсинг Лэйн билан Литтл Ист Чип атрофида дайдиб юрди, ошхоналарнинг деразаларига суқланиб тикилди, ойна ичидаги пиширилган лахм чўчқа гўштарини ва умрида кўрмаган айни ажойиб таомларни кўриб тинмай сўлагини ютиб турди. Назарида бунақа таомлар фақат жаннатдаги ҳурларга муяссар бўладиганга ўхшар, чунки буларни илгари тушида ҳам кўрмаганди. Кун совуқ, булутли, майдалаб ёмғир ёғиб турар эди. Кечга яқин Том шалаббо бўлган, толиққан, оч ҳолда уйга кириб келди, уни кўриб ҳатто отаси билан бувисининг ҳам бир оз раҳми келди шекилли, бу гал атиги бир-икки мушт билан зиёфат қилишди-да, ухлашга жўнатишди. Том очлиги ва еган мушти зарбидан, шунингдек қўни-қўшнилари билан бўралаб сўкишлари ва муштлашишларидан алламаҳалгача ухлай олмади, ниҳоят яна хаёл уни жуда олис, ажойиб мамлакатларга олиб кетди ва у бошдан оёғигача олтин ва қиммат баҳо тошларга бурканган шаҳзодалар орасида ётгандек ухлаб қолди. Шаҳзодалар ҳашаматли саройларда туришар, мулозимлар улар қаршисида тиз чўкиб таъзим қилишар ёки уларнинг буйруқларини бажо келтириш

¹ Ф а р т и н г — қиймати бир тийиндан кам чақа пул.

учун учиб кетишарди. Кейин бундай қараса, ўзи ҳам шаҳзода бўлиб қолибди. Тун бўйи у ўзининг буюк қироллиги нашъасини суради; тун бўйи уни сарой хонимлари ва лордлар қуршаб олишади; чарақлаб турган қуёш нурида димоғига муаттар ҳидлар урилиб, ёқимли музыка садосидан завқланиб, улар орасидан виқор билан қадам ташлаб бораркан, атрофидагиларнинг таъзимларига жавобан гоҳ жилмайиб, гоҳ шоҳона бош ирғаб қўяди.

Эрталаб уйқудан туриб, ўзининг қашшоқ ҳаётини кўрганда бутун атрофи, одатда шунақа тушлардан кейин кўринганидек, илгаригидан ҳам бешбаттар ёмон, хароб кўрина бошлади. Кўнгли ғам-ҳасратга тўлиб, кўзларидан беихтиёр ёш оқиб кетди.

III боб

ТОМНИНГ ШАҲЗОДА БИЛАН УЧРАШГАНИ

Том ўрнидан жуда очиқиб турди ва шу очлигича уйдан кўчага чиқди, бутун фикри-хаёли кўрган ширин тушини эслаш билан банд эди. У қаерга кетаётганини, атрофида нималар рўй бераётганини деярли сезмай, кўчаларда паришон кезди. Бировлар уни туртиб ўтар, бировлар сўкарди, аммо қаттиқ хаёлга берилганидан ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч гапни эшитмасди. Шундай қилиб, охири Темпл Бар дарвозаси олдига бориб қолди. Илгарилари бу томонларни ҳеч кўрмаган эди. Том бир дақиқа тўхтаб, қаерга келиб қолганини ўйлай бошлади, кейин яна хаёл олиб қочди; бир вақт шаҳардан четга чиқиб кетганини пайқаб қолди. У пайтларда ҳали Стренд қишлоқаро катта йўл эмасди, кўча ҳисобланарди, аммо чинакам кўча деб ҳам бўлмасди, чунки бир томонида қатор уйлар тизилиб кетган бўлса, иккинчи томонида уйлар сийрак, онда-сонда эди — булар бой дворянларнинг ҳашаматли кўрғонлари бўлиб, атрофи боғ-роғлар билан ўралган эди, боғлар чўзилиб дарёга туташарди. Бизнинг замонамизга келиб ана шу боғлар ўрнида тош ва ғиштдан қурилган ғиж-ғиж тунд бинолар пайдо бўлди.

Том аста-аста юриб, Черинг қишлоғига етиб келди ва бир вақтлар бир қирол бевақт вафот этган рафиқасининг хотираси учун қабрига чиройли қилиб ўрнаттирган бут ёнида бир оз дам олди; кейин яна жимжит теп-

текис йўлдан бир-бир қадам ташлаб кетди, кардиналнинг ҳашаматли саройидан ўтиб, бундан ҳам улуғвор сарой — Вестминстер томон юрди. У хурсандлигидан ҳайратда қолиб, кенг қанот ёйган улкан бинога, ваҳимали қўрғон ва минораларга, панжараларига тилла суви юритилган катта тош дарвозаларга, ҳарсангтошдан ишланган улкан шерларга, англиз қироли ҳокимиятининг гербига ва бошқа символик белгиларига мафтун тикилди. Наҳотки унинг орзуси рўёбга чиқадиган пайт келган бўлса? Ахир бу қирол саройи-ку. Худо Томга раҳм қилиб, ҳозир чинакам, ростакам шаҳзодани кўришни насиб қилса ажаб эмас-ку?

Тилла дарвозанинг икки ёнида қадди-қомати келишган, бошидан оёғигача ялтироқ пўлат совут кийган икки солдат ҳайкалдек қотиб турарди. Саройдан анчагина нарида қирол оиласидаги кишилардан лоақал биронтасини кўришга интизор бўлган тўп-тўп деҳқонлар ва шаҳарликлар кўзга ташланарди. Сарой дарвозаларидан башанг кийинган жаноблар ўтирган шинам енгил аравалар кириб-чиқиб турарди, араваларнинг орқаларида тик туришган малайлар ҳам башанг кийинишган эди.

Уст-боши бир аҳволда бўлган бечора Том дарвозага яқинлашди-да, қоровуллар олдидан қўрқа-писа секингина ўтди, юраги дук-дук урарди, кўнглида умид учқуни йилтирагандек бўлди. Шу пайт тилла панжаралар орасидан шундай ажойиб манзарани кўрдик, қувончидан бақриб юборишига сал қолди. Дарвозадан ичкарида суқсурдай бир бола турарди, кўп ўйнаганидан ва очиқ ҳавода гимнастика машқлари қилганидан офтобда бир оз қорайган, эгнидаги шойи, атласларга қадалган қиммат баҳо тошлар кўзни қамаштирар эди; у белига ёниб турадиган тошлар билан безалган кичкина қилич ва ханжар тақиб олганди, оёғида қизил пошнали, қўнжи узун гулдор этик, бошида укпарли, қиммат баҳо тош қадалган ажойиб қизил шапкача. Унинг ёнида жуда олифта кийинган бир неча жаноб бор эди, булар шубҳасиз унинг хизматкорлари эди. О, бу аниқ шаҳзоданинг ўзи! Чинакам, тирик шаҳзода-я! Ҳеч қанақа шубҳа бўлиши мумкин эмас! Бечора гадой боланинг тилак-ибодатлари инobatга олинибди-да!

Том энтикиб нафас ола бошлади, ҳайрат ва қувончдан кўзлари чақнаб кетди. Шу дақиқада унинг бутун вужудини бошқа истаклар йўлини тўсган бир истак



қамраб олди: шаҳзодага яқинроқ бориб, унга тўйиб-тўйиб тикилгиси келди. Ўзини унутиб беихтиёр дарвозанинг панжараларидан ушлади. Бироқ шу ондаёқ солдатлардан бири унинг елкасидан тутиб қишлоқлик анқовлар ва шаҳарлик бекорчилар тўдаси томонга итариб юборган эди, бола чирпирак бўлиб учиб кетди.

— Бу ерда сенга нима бор, дайди!— деди солдат.

Томошабинлар кулишди, аммо шу пайт кичкина шаҳзода зардали чеҳра билан ғазабдан кўзларини чақнатиб:

— Бу болани ранжитишга нима ҳаддинг бор? У менинг отам — қиролнинг фуқароларидан ҳатто энг тубани бўлганда ҳам бунақа қўполлик қилишга нима ҳаддинг бор? Оч дарвозани, ичкарига кирсин у!— деб қичқирди.

Хушомадгўй, бетайин, беқарор халойиқнинг бирдан етти букилиб таъзим қилганини, бош кийимларини олиб, бараварига: «Яшасин инглиз тахтининг вориси!»— деб қичқирганини бир кўрсангиз эди!

Солдатлар ойболталарини эгиб, ҳурмат бажо келтирдилар-да, дарвозани очдилар ва титилиб попултириғи осилиб ётган кийимдаги гадолик шаҳзодаси ёнларидан ўтиб, Беҳисоб Бойликлар шаҳзодаси билан қўл бериб кўришган пайтда яна таъзим бажо келтирдилар.

— Сен оч, чарчаган кўринасан,— деди унга Эдуард Тюдор.— Ҳафа бўлма. Юр орқамдан.

Бир гуруҳ сарой хизматкорлари негадир ҳовлиқиб олдинга югуришди, афтидан улар бу ишга аралашмоқчи эдилар. Аммо шаҳзода қўл силтаб, уларнинг гапига қулоқ солмаслигини билдирган эди, улар ҳайкалдек жойларида қотиб қолдилар. Эдуард Томни саройдаги жуда ғалати қилиб безатилган хонага олиб кирди, бу хонани кабинетим, деб атади. Унинг буйруғи билан шунақа таомларни келтиришдики, буларни Том умрида кўрмаган, фақат китобларда ўқиган эди. Эдуард шаҳзодаларга хос илтифот ва олижаноблик билан, хизматкорлар жирканиб қараб, бу ювош меҳмонни уялтирмасинлар деб уларни хонадан чиқариб юборди. Ўзи эса Томнинг ёнида ўтириб, овқатланиб бўлгунча унга саволлар бериб турди:

— Исминг нима, бола?

— Том Кенти, илтифотингиз бош устига, сэр.

— Ғалати исм экан¹... Қаерда турасан?

¹ К е н т и (canty)— шўх, чаққон (инглизча).

— Лондонда, жаноб олийлари. Мечкайлар растасининг орқасидаги Чиқиндилар Ҳовлисида.

— Чиқиндилар Ҳовлиси! Яна бир ғалати ном!.. Отананг борми?

— Ота-онам бор. Кўпда кўнглим хушламайдиган бувим ҳам бор, бундай дейиш гуноҳ бўлса, тавба қилдим!.. Яна эгизак икки опам ҳам бор. Исмлари Нэн билан Бэт.

— Демак бувинг сени яхши кўрмас экан-да?

— У ҳеч кимни ҳам яхши кўрмайди, жаноб олийлари. Бағри тош, ўйлагани, қилгани ёмонлик, холос.

— Сени хафа қиладими?

— Фақат ухлаганда ёки маст бўлиб ақлини йўқотгандагина урмайди. Сал ўзига келиши билан урмаганининг ҳиссасини чиқариб юборади.

Кичкина шахзоданинг кўзлари дарғазаб чақнади.

— Нима? *Уради* дейсанми?— деди у.

— Уриш ҳам гапми, жаноб олийлари!

— Шунақа дегин! Сендек кичкина кучсиз болани-я! Кулоқ сол! Қош қорайди дегунча унинг қўл-оёқларини боғлаб, Тауэрга қамайдилар. Қирол, менинг отам...

— Сэр, сиз унинг паст табақадан эканлигини унутяпсиз. Тауэр аслзодалар учун-ку.

— Рост, бу нарса эсимга келмабди. Уни қандай жазолаш кераклигини ўйлаб топаман. Отанг хафа қилмайдими?

— Бувимдан қолишмайди, сэр.

— Энди билсам ҳамма оталар бир хил экан. Менинг отам ҳам шунақа. Жуда қаттиққўл, аммо мени урмайди. Сўкишга келганда, оғзига келганини аямайди. Онанг қалай?

— Онам меҳрибон, сэр. У мени ҳеч урмайди, хафа қилмайди. Нэн билан Бэт ҳам шунақа.

— Неча ёшда улар?

— Ўн бешда, марҳаматли сэр.

— Менинг опам Елизавета хоним ўн тўрт ёшда. Амакимнинг қизи Жэн Грей хоним мен билан тенгдош; иккови ҳам ёқимли, хушмуомала, аммо бошқа опам Мэри хоним жуда баджаҳл... Айт-чи, опаларинг ўзи хизматкорлари кулса койишмайдими, кўп кулиш гуноҳ бўлади, деб жеркиб беришмайдими?

— Менинг опаларимми? Сиз, сэр, уларнинг хизматкорлари бор деб ўйлаяпсизми?

Кичкина шаҳзода кичкина гадога бир дақиқа ўйчан тикилиб қолди-да, сўнг деди:

— Албатта-да, бўлмаса улар хизматкорларсиз қийналишмайдами? Ухлашга ётишганда уларни ким ечинтириб қўяди? Эрталаб ўринларидан турганларида ким кийинтиради, ахир?

— Ҳеч ким, сэр. Сиз уларни ҳайвонларга ўхшаб кечаси кийимсиз ётишади, деб ўйлайсизми, сэр?

— Қийимсиз? Нима, уларнинг кўйлаги фақат биттами?

— Э, жаноб олийлари, иккита кўйлакнинг нима кераги бор? Ахир, уларнинг танаси иккита эмас-ку?

— Бу ғалати, қизиқ фикр бўлди-ку! Кулганим учун кечир, сени масхара қилаётганим йўқ. Меҳрибон опаларинг Нэн билан Бэтнинг бир нечтадан кўйлаклари, хизматкорлари ҳам бўлади, тез орада бўлади: хазиначимга айтаман. Қўй, ташаккур билдирма, арзимайди. Сен чиройли, силлиқ гапирар экансан. Сени ўқитишганми?

— Нима десам экан, сэр. Саховатли руҳоний Эндрью савоб учун мени китоб ўқишга ўргатган эди.

— Лотинчани биласанми?


— Биламан дейишга ҳам ҳайронман, сэр, жуда оз биламан.

— Уқийвер, азизим, дастлаб шунақа қийин туюлади. Юнон тили оғирроқ, аммо на лотин, на юнон ва на бошқа тиллар Елизавета хоним билан амакимнинг қизига қийин эмас. Бу ёш хонимларнинг бегона тилда қандай гаплашганини бир эшитсанг эди! Қани менга Чиқиндилар Ҳовлиси ҳақида гапириб бер-чи. Хушвақт яшайсанми у ерда?

— Жуда ҳам хушвақт, сэр, аммо қорним тўқ пайтларда, албатта. Бизларга Панч ва Жуди¹ни, маймунларни кўрсатиб туришади. Шунақаям ғалати эрмакки қўйверасиз! Қийимлари жуда олифта! Кейин, ғалати томошалар бўлиб туради: артистлар ўйнашади, қий-чув кўтаришади, ёқалашади, кейин бир-бирларини ўлдиришади, ўликлар ерга таппа-таппа йиқилишади. Хуллас жуда антиқа томошалар бўлади, ҳаммасига атиги бир фартинг тўлайсиз; лекин баъзан шу бир фартингни топиш қиёматдан қийин бўлади, жаноб олийлари.

— Хўш, яна қандай томошалар бўлади?

¹ Панч ва Жуди — инглиз халқ кўғирчоқ театрининг персонажлари.



— Биз, Чиқиндилар Ҳовлисидаги болалар баъзан чинакам уста қиличбозлар сингари таёқлар билан қиличбозлик қиламиз.

Шаҳзоданинг кўзлари чақнаб кетди.

— Эҳе! Бундай ўйинни мен ҳам яхши кўраман. Хўш, яна!

— Яна, ким ўзарга ўйнаймиз, сэр! Чопишамиз.

— Бу ўйин менга ҳам жуда ёқади! Яна!

— Ёзда, сэр, анҳорларда, дарёда чўмиламиз, сузамиз, бир-биримизга сув сепамиз, бир-биримизнинг бўйнимиздан тутиб сувга шўнғитамиз, қичқиришамиз, сакрашамиз ва...

— Эҳ, бир кунгина шундай ўйинлардан баҳраманд бўлиш учун отамнинг ҳамма хазинасини беришга тайёр эдим! Хўш, яна гапир!

— Чипсайда май сайлида гулхан атрофида қувнаб ашула айтамиз, оёқ ўйинига тушамиз; бир-биримизни қумга кўмамиз; балчиқдан пирог қиламиз... О, шундай яхши балчиқки, дунёда бизга бундан кўп ҳузур берадиган нарса йўқ. Балчиқда маза қилиб ағанаб ётамиз, бу гапларим сизни ранжитмасин тагин, сэр!

— Зинҳор бундай дема, ўтинаман! Бу жуда нашъали! Қани энди мен ҳам сенга ўхшаб кийиниб олсам, оёқ яланг юрсам, ҳеч бўлмаганда бир мартагина лойда ағанаб ётсам, ҳеч ким мени уришмаса, халақит бермаса, жон-жон деб подшолик тожидан кечардим.

— Мен... мен бўлсам жаноб олийлари, сизникидака кийимни бир мартагина кийиб кўрсам эди...

— Э, шундайми? Нима бўбди, хоҳлаганинг бўла қолсин! Жулдурингни еч, менинг бу кийимларимни кийиб ол! Бахтимиз кўпга чўзилмаса-да, ҳар ҳолда хурсанд бўлганимиз қолади. Бошқалар келгунларича ўйнаймиз, куламиз, кейин яна ечиниб, ўз кийимларимизни кийиб оламиз.

Орадан беш минут ўтар-ўтмас инглиз тахтининг кичкина вориси Томнинг жулдурларини кийиб олди, кичкина гадо эса шаҳзоданинг ажойиб гулдор кийимларини кийиб олди. Иккаласи ҳам тош ойна олдига бориб қарашди: о қандай ажойиб! Назарларида кийимларини мутлақо алмаштирмаганга ўхшашарди. Улар бир-бирларига қарашди, кейин яна ойнага боқишди, кейин яна бир-бирларига қарашди. Ниҳоят шаҳзода ғоят тааж-жубланиб:

— Бунга нима дейсан?— деб сўради.

— Эй, жаноб олийлари, мендан бу саволга жавоб талаб қилманг. Мен бир гадога бунақа масалалар ҳақида гапиришни ким қўйибди.

— Ундай бўлса, мен гапирай. Сенинг сочинг ҳам, кўзларинг ҳам, овозинг ҳам, қадам босишинг ҳам, бўйинг ҳам, гавданг ҳам, юзинг ҳам худди меникига ўхшаркан. Агар шундай чиқсак, ишон, қайси биримиз сен-у, қайсимиз инглиз шаҳзодасилигини ҳеч ким ажратолмайди. Сенинг кийимингни кийиб турганим учун боя солдат сени хўрлаганда ўзингни қандай ҳис қилганингни яхши сез... Тўхта, қўлинг нега кўкарган?

— Ҳечқиси йўқ, жаноб олийлари! Кўрдингиз-ку, ўша бераҳм қоровул...

— Бас! У шармандаларча ва шафқатсизларча иш қилди!— деб қичқирди кичкина шаҳзода, яланг оёғи билан ер тепиниб...— Мен келмагунимча, бу ердан қўзгалма! Менинг фармойишим шу!

Шундай деб у тез стол устидан подшоликнинг қандайдир бир муҳим нарсасини олиб, қаергадир яширди-да, эшикдан отилиб чиқиб, жулдур кийимда югуриб кетди. Юзлари қизарган, кўзлари чақнарди. Катта дарвозага бориб, темир панжаралардан ушлади-да, силтаб-силтаб:

— Оч! Оч дарвозани!— деб қичқира бошлади.

Томни хафа қилган ўша солдат дарҳол бу талабни адо этди; шаҳзода ғазабдан ёниб баланд дарвозадан чиқиши билан солдат уни бошлаб бир тарсаки урган эди, шаҳзода думалоқ ошиб йўлга бориб тушди.

— Мана сенга, гадовачча, сени деб жаноб олийларидан дакки еганим учун!— деди солдат.

Дарвоза олдидаги оломон қаҳ-қаҳ уриб кулди. Шаҳзода лойдан туриб, қаҳр билан соқчига юзма-юз келиб:

— Мен шаҳзодаман! Менинг шахсим дахлсиздир, менга қўлингни теккизганинг учун осиласан!— деб қичқирди.

Солдат қўлида тутиб турган ойболтаси билан честь берди-да, масхара қилиб:

— Шаҳзода олий ҳазратларига саломатлик тилайман!— деди, кейин жаҳл билан бақирди:— Йўқол бу ердан, тентак гадойвачча!

Оломон қаҳ-қаҳ кўтариб, бечора шаҳзодани ўртага олди, уни мазах қила-қила йўлдан ҳайдаб кетди.

— Қирол ҳазрат олийларига йўл беринглар! Инглиз тахтининг ворисига йўл беринглар!— деб уни анчагача эрмак қилиб боришди.

IV боб

ШАҲЗОДАНИНГ БОШИГА ҚОРА ҚУНЛАР ТУШГАНИ

Бекорчи халойиқ шаҳзодани бир неча соат эрмак қилиб тентиратди, кейин орқага қайтиб, уни ёлғиз қолдирди. Шаҳзода авом халқ қўлидан чиқишга ҳаракат қилиб, уларни шафқатсиз жазолаяжагини уқтирар, қиролларга хос фармойишлар бераркан, бу гаплар ҳаммани завқлантирарди; ниҳоят шаҳзода қаттиқ чарчаб жимиб қолганида халойиқ унга қизиқмай қўйди, одамлар шундан кейин ўзларига бошқа эрмак излаб қолдилар. Шаҳзода атрофига аланглаб қаради, аммо бу жойлар нотаниш эди; фақат ўзининг Лондондалигини биларди. Боши оққан томонга юра бошлади. Бир оздан кейин уйлар сийраклашаверди, йўловчилар ҳам борган сари кам учради. Қаварган оёқларини ҳозирги Фарингдон-стрит кўчаси ўрнидаги анҳорга тиқиб, бир неча дақиқа дам олди-да, яна йўлга равона бўлди. Салдан кейин тартибсиз қурилган бир неча бино ва катта черков олдидаги майдонга етиб борди. Шаҳзода бу черковни таниди. Черков хавозалар билан ўралган, ишчилар ишламоқда, черковни қайта қурмоқда эдилар. Шаҳзода тетиклашди. У, энди бахтсизликларим тугади, деб ўйлади. «Бу жоҳил монахларнинг қадимий черкови эди, буни менинг қирол отам боқимсиз ва камбағал болалар асраладиган жойга айлантирган, унга Исо даргоҳи деб янги ном берган эди. Бу ердагилар ўз пуштипаноҳларининг ўғлини албатта қувонч билан кутиб олиб, унга хизмат қиладилар, ахир ҳозир мен ҳам ўша бу ердан бошпана топганлар сингари ғариб, бечораман, деб ўйларди у ўзича.

Тез орада у сакрашиб, югуришиб, копток ўйнаб, бир-бирларининг устидан ҳатлашиб юрган болаларнинг олдига бориб қолди. Ҳар ким ўз севган ўйини билан машғул эди, ҳаммаси қаттиқ қичқиришарди. Болалар ўша замонлардаги шогирд ва хизматкор болалардек бир хилда кийинишган эди. Ҳар бирининг бошида косага ўх-

шаган қора шапкача бўлиб, кичкиналиги туфайли бошни унчалик ҳимоя қилмас, яхши ҳам кўринмас эди; пешоналарига доира қилиб қирқилган, фарқи очилмаган сочлари тушиб турар, бўйинларида руҳонийларникига ўхшаган ёқалар, эгниларида энглари кенг, баданга чиппа ёпишиб турадиган, бари тиззагача тушадиган кўк камзул, сербар қизил белбоғ, тиззадан юқорига тортиб боғланган сариқ пайпоқ, оёқларида тўқали туфли. Умуман жуда кўримсиз кийим кийишган эди.

Болалар ўйинларини тўхтатиб, шаҳзоданинг атрофини ўраб олишди. У шаҳзодаларга хос оҳангда деди:

— Эй, яхши болалар, бошлиқларингизга бориб айтинг, инглиз тахтининг вориси Эдуард сиз билан гап-лашмоқчи, денг.

Бу сўзни эшитган болалар бирдан кулиб юборишди, беодоброқ бир бола:

— Жулдурвақи, сен ўша шаҳзоданинг элчисими-сан-а?— деди.

Шаҳзоданинг юзида ғазаб ифодаси намоён бўлди. У шартта белига қўлини чўзган эди, аммо олмоқчи бўлган нарсасини тополмади. Ҳамма барабар қаҳ-қаҳ урди, болалардан бири:

— Кўрдингларми? Худди шаҳзодадек, ёнимда қиличим бор деб ўйлаган экан!— деди.

Бу кесатиққа яна ҳамма кулди. Эдуард қаддини мағрур ростлаб, деди:

— Ҳа, мен шаҳзодаман! Отамнинг шафқатидан баҳраманд бўла туриб, мен билан бунақа муомала қилишингиз одобсизлик!

Унинг бу сўзлари янада қизиқроқ туюлди, ҳамма яна кулди. Ҳаммадан олдин гапирган бола ўз ўртоқларига қичқирди:

— Эҳ, чўчқалар, қуллар, нега ахир бу жаноб олийнинг қирол отасининг шафқатидан баҳраманд бўла туриб, кўрнамаклик қияпсизлар? Ҳаммаларинг бу шаҳзоданинг жулдур кийимларига тиз чўкинглар дарров!

Болалар кула-кула мазах қилиб тиз чўкишди.

Шаҳзода олдидаги болани бир тепди-да, ғазаб билан деди:

— Бу сенга закат, эртага дорга остираман!

Эҳе, бу ҳазил эмас-ку! Ҳазил бунақа бўлмайди! Кулги бирданига тўхтади, кулги ўрнини ғазаб эгаллади. Унга яқин бола барабар қичқира бошлади.

— Ушланглар уни! Ҳовузга отинглар! Итлар қани? Олкиш, Шер! Олапар, ол, тишла!

Шундан кейин нима бўлганини асло қўяверинг, Англия бундай воқеани ҳеч қачон кўрмаган: плебейлар тахт-мероси — муқаддас шахсга қўл кўтариб қолдилар, уни итларга талата бошладилар, итлар ғажиб қўйишига сал қолди.

Кечаси шаҳзода ўзини шаҳарнинг гавжум жойида кўрди. Баданлари кўкарган, қўллари қон, жулдур кийимлари лой эди. У кўчама-кўча юриб, борган сари умидсизликка тушаверди, тинкаси қуриб, ҳолдан кетди, бемажол зўрға қадам ташларди. Йўловчилардан ҳеч нарса сўрамай қўйди, чунки унинг саволига фақат ҳақорат билан жавоб қайтарардилар. У ўзича минғирларди:

— Чиқиндилар Ҳовлиси! Бир амаллаб, йиқилиб қолмай ўша ерга етиб борсам бас эди! У боланинг қариндошлари мени саройга олиб бориб, менинг улар оиласига мансуб эмаслигимни, чинакам шаҳзодалигимни айтишди, кейин яна ўз ўрнимни эгаллайман.

Исо даргоҳидаги болалар уни хафа қилганлари эсига тез-тез тушиб, ўзича дерди:

— Вақти келиб қирол бўлганимда уларга иссиқ жой ва овқат бериш билан кифояланмай, уларни китоб ўқишга ҳам ўргатардим, ахир, юрак билан ақл оч бўлганда тўқ қорин ҳеч нарсага ярамайди. Бу воқеани эсимдан чиқармасликка ҳаракат қиламан, чунки бу менга бир сабоқ бўлди, беҳуда кетмасин. Менинг халқим жоҳилликдан жафо тортмасин. Билим қалбни юмшатади, кишини раҳмдил ва шафқатли қилади.

Уйларда чироқлар ёнди, шамол турди, ёмғир ҳам ёғди, нам ва совуқ кеча бошланди. Бошпанасиз шаҳзода, инглиз тахтининг вориси ҳамон ёлғиз дайди, қашшоқлик ин қурган эгри-бугри, тор, лой кўчаларга кириб борар эди.

Тўсатдан баланд бўйли, ғирт маст аллаким унинг ёқасидан ушлади-да, деди:

— Шу маҳалгача дайдиб, уйга бир фартинг ҳам келтирмадинг-ку! Қараб тур! Агар ёнингда пул бўлмаса, чўпдек қовурғаларингни синдираман. Синдирмасам, Жон Кенти отимни бошқа қўяман!

Шаҳзода мастнинг қўлидан чиқиб, у тутган ёқасини жирканиб қоқа туриб, қичқирди:

— Э, сен унинг отасими? Худого шукур! Мени отаонам қошига олиб бор, ўғлингни олиб кел.

— Унинг деганинг ким? Нима деб довдираётганингни билмайман, лекин мен сенинг отанг бўламан... ҳозир бошлаб таёқ еганингда...

— Э, ҳазиллашма, мугомбирлик қилма, тез бўл! Мен чарчадим, жароҳатларим бор, ортиқ чидолмайман! Мени отамнинг олдига, қиролнинг ҳузурига олиб бор, у сенга тушингда ҳам кўрмаган совғалар инъом этади. Ишон гапимга, ишон, ёлгон гапираётганим йўқ, чин гапиряпман! Менга бир

ёрдам қил, қутқар мени! Ростдан инглиз тахтининг вориси бўламан!

Жон Кенти болага ҳайрат билан тикилиб турди-да, бош чайқаб деди:

— Ақлдан озибсан-ку, жиннихонадан чиқдингми?

Кейин у яна шаҳзоданинг ёқасидан ушлади-да, тиржайиб, сўкинди:

— Эсинг жойидами, йўқми, билмайман, аммо бувинг билан биргаликда қовурғаларингни синдиришимиз аниқ!

У зўр бериб оёқ тирашига, қаршилиқ кўрсатишига қарамай, шаҳзодани судрай кетди ва кўчадаги қаланғиқасанғиларнинг қаттиқ ва қувноқ қичқириқлари остида яқиндаги уйларнинг бирида кўздан ғойиб бўлди.



У б о б

ТОМ—ШАҲЗОДА

Шаҳзоданинг кабинетида ёлғиз қолган Том Кенти ёлғизлигидан аъло даражада фойдаланди. Катта кўзгуга гоҳ ундай, гоҳ бундай қараб, ўзининг башанг кийимига маҳлиё бўлди. Кейин кўзгу олдидан кетиб, шаҳ-

зоданинг қоматига тақлид қилиб, ойнада аксини кўраркан, нималардир қилди, кейин чиройли қилични қинидан чиқариб, таъзим қилиб, тигини ўпди ва бағрига босди. Беш-олти ҳафта бундан муқаддам унинг кўзи олдида олижаноб бир рицарь машҳур лордлар Норфольк ва Сэррейларни¹ турмага қамаш учун топшира туриб, Тауэр комендантига честь берганида шундай қилган эди. Том белида осиглиқ қиммат баҳо тошлар билан безатилган ханжарни бир оз ўйнади, нафис ва асл жиҳозлар тўла хонани роса томоша қилди, кўркам креслоларнинг ҳар бирига бирма-бир ўтириб кўрди, Чиқиндилар Ҳовлисидаги болалар уни бир кўрганларида ўзини қандай тутишини ўйлаб, гўдайиб ҳам қўйди. Уйига қайтганидан кейин унинг ажойиб ҳикоясини эшитган болалар ишонишармикин ёки бошларини тебратишиб, ўзини шаҳзодага солиб юриб, охири ақлдан озиб қолибди, деб ўйлашармикин?

Шундай хаёллар билан орадан ярим соат ўтди. Шунда бирдан шаҳзоданинг анчадан бери келмаётганини эслади. Ўзини ёлғиз ҳис қилди. Тез орада бекорчиликдан зеркиб, нотинчлана бошлади; ҳар бир товушга катта эътибор билан қулоқ солди. Дастлаб ҳеч нарсага парво қилмади, кейин ташвишга тушди, кейинроқ эса ваҳима босди. Борди-ю, тўсатдан бировлар келиб қолиб, уни шаҳзода кийимида кўрса, шаҳзода эса йўқ, бўлган воқеани уларга тушунтириб берадиган одам ҳам йўқ. Кейин уни шу заҳотиёқ дорга осишади-ку, унинг қандай қилиб бу ерга кириб қолганини суриштириб билишади, ахир. Аслзодалар бунақа майда-чуйда ишларни кўп кенгашиб ўтиришмайди, тез ҳал қилишади, деб эшитган эди Том. Уни ҳаяжон босди. Баданига қалтироқ турди-да, аста қўшни хонанинг эшигини очди. Шаҳзодани тезроқ излаб топиш керак, деб ўйлади у. Шаҳзода ҳимоя қилади, бу ердан чиқариб юборади. Шу пайт ниҳоятда яхши кийинган олти хизматкор ва аслзодалар авлодидан бўлган, қўғирчоқдек кийинган икки ёш мулозим йигит дик этиб ўринларидан туриб, унга таъзим қилишди. У шошилиб орқасига тисарилди-да, эшикни бекитиб олди.

¹ Томас Норфольк, герцог ва унинг ўғли — инглиз шоири граф Генри Сэррей 1546 йил 12 декабрда давлатга хиёнат қилишда айбланиб, Тауэр турмасига қамашган.

«Булар мени мазах қилишяпти!— деб ўйлади у.— Ҳозир шаҳзода ҳузурига бориб менинг ҳақимда гапиришади... Уҳ, нега мен бу ерга келиб қолдим, ўз бошимга ўзим бало орттирдим-ку!».

У ташвиш ва ҳаяжон ичида хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлади, ҳар бир тиқ этган товушга қулоқ солди. Бирдан эшик очилди-да, шойига бурканган мулозим кириб:

— Жэн Грей хоним келдилар,— деди.

Эшиклар ёпилди, нафис, нозик кийинган чиройли қизча унга томон югуриб келди. Унинг ёнига келгач, бирдан тўхтади-да, хафа бўлиб:

— Вой! Нега бунча хафа кўринасан, милорд?— деб сўради.

Том бир дақиқа жим қолди, ниҳоят зўрға тили калимага келди:

— Уҳ, раҳминг келсин менга! Мен милорд эмасман, лондонлик бир бечора Том Кентиман, Чиқиндилар Ҳовлисида тураман. Сендан илтимос, шаҳзодани кўришга ёрдамлаш, у раҳм қилиб, менга жулдур кийимларимни берсин, бу ердан омон-эсон кетишимга ёрдамлашсин, раҳминг келсин, мени қутқар!

Бола тиз чўкиб, қизга қўл чўзиб фақат сўз билан эмас, мўлтираб боқишлари билан ҳам ёлвора бошлади. Қиз бу аҳволни кўриб нима дейишини билолмай бир лаҳза анқайиб турди-да, сўнг:

— О милорд, ҳали менга тиз чўкяпсанми!— деб қичқирди ва қўрқиб қочиб чиқди.

Том умидсизланиб ўзини полга ташлади ва пичирлаб деди:

— Ёрдам ҳам йўқ, умид ҳам! Ҳозир келиб, мени қамоққа олишади.

Том эхонаси чиқиб полда ётган пайтда саройда даҳшатли хабар тарқалди. Хизматқорлар, лордлар, хонимлар пичирлашиб бу хабарни бир-бирларига етказдилар, саройда ҳамма вақт пичирлашиб гапиришади — «Шаҳзода ақлдан озипти! Шаҳзода ақлдан озипти!»— деган миш-миш узун коридорга, қаватдан қаватга, залдан залга бир зумда тарқалди. Ҳар бир меҳмонхонада, ҳар бир мрамар залда аъло кийинган лорд ва ледилар ҳамда насаби пастроқ бўлса ҳамки ўшалар қатори кўркам кийинган кишилар бир-бирлари билан пичирлашар, ҳар бирининг юзида қайғу ифодаси акс этар эди. Тўсат-

дан серҳашам кийимли бир сарой аёни пайдо бўлди-да, ҳамманинг ёнидан бир текисда қадам ташлаб ўтиб, даб-дабали равишда:

«ҚИРОЛ НОМИ БИЛАН!

Бу ёлгон ва бўлмағур хабарни тарқатишда, уни муҳокама қилишда ва саройдан ташқарига маълум қилишда айбланганлар ўлим жазосига маҳкум этилади. Қирол номи билан!» деб эълон қилди.

Ҳамма гунг бўлиб қолгандек, шивир-шивирлар бирдан тўхтади.

Тез орада асаларилар гувиллагандай, коридорларда ҳамма пичирлаб қолди:

— Шаҳзода! Қаранглар, шаҳзода келяпти!

Бечора Том унга эгилиб таъзим қилаётган сарой аҳли олдидан ўтаркан, уларга ҳам шундай таъзим билан жавоб қайтаришга ҳаракат қилар, кўзларини жавдиратиб, паришонхотирлик билан одамларга тикиларди. Икки амалдор руҳини кўтариш, дадил қадам ташлашига ёрдамлашиш учун уни икки томондан қўлтиқлаб олди. Сарой врачлари ва бир неча хизматкор орқасидан эргашди.

Бир оз юргандан кейин Томни саройнинг серҳашам бир хонасига олиб киришди-да, орқасидан эшикни ёпишди. Кузатиб келганлар унинг атрофини ўраб олдилар.

Бир неча қадам нарида серсавлат, юзлари гўштдор, қарашлари хунук, семиз чол ёнбошлаб ётарди. Катта бошидаги сочлари оппоқ, юзини ўраган бакенбардлари ҳам оппоқ. Эгнидаги кўйлаги қиммат баҳо матодан тикилган, аммо кўп қийилган, баъзи жойлари титилган эди. Шишган оёқлари остига ёстиқ қўйилган — оёқларидан бири бинт билан ўралганди. Хона жимжит, Томдан бошқа ҳамманинг боши кўксига эди; жиддий қиёфали бу одам жаҳлдор, чўлоқ Генрих VIII эди. У гап бошлаган эди, бирдан чеҳраси очилиб кетди:

— Хўш, милорд Эдуард, шаҳзодам? Нима сабабли сени жонидан яхши кўрадиган меҳрибон отангни — қиролни қайғуга соладиган ҳазил қилгинг келиб қолди?

Бечора Том гангиган ҳолда унинг сўзларига қулоқ солди, «меҳрибон отангни, қиролни» деган гапни эшитиши билан худди ўқ теккандек ранги бўздек оқариб, бирдан тиз чўкиб қолди, қўлини баланд кўтариб, беихтиёр қичқириб юборди:



— Сен қиролми? Энди ростакам ажалим етибди-да!

Бу сўз қиролни ҳангу манг қилиб қўйди, унинг кўзлари ҳузурида турганларга бежо югурди, ниҳоят болага қадалди. Чуқур хўрсиниб, умидсизлик билан деди:

— Ҳайҳот, миш-мишлар ҳақиқат эмас, деб ўйлаган эдим, афсуски, янглишибман.— У қаттиқ хўрсиниб, Томга мулойимлик билан деди:— Отангга яқинроқ кел, жигарбандим. Тобинг йўқми?

Томни турғизишга ёрдамлашдилар, у қўрққанидан титраб-қақшаб Англия қироли жаноби олийларининг олдига борди. Қирол икки кафти билан боланинг икки чеккасидан ушлаб, балки ақли ҳуши жойига келаётгандир, деган умидда унинг ваҳимали юзига меҳр билан тикилиб қаради, кейин боланинг жингалак сочли бошини бағрига босиб, эркалаб силади.

— Наҳотки ўз отангни танимаётган бўлсанг, болагинам?— деди у.— Кекса юрагимни доғлама, танийман де! Танияпсан-а мени, шундайми?

— Ҳа. Сен менинг буюк подшоҳимсан, қиролимсан, сени худо ўз паноҳида асрасин!

— Тўғри, тўғри... баракалла... Тинчлан, қалтирама. Бу ерда ҳеч ким сени ранжитмайди, ҳамма яхши кўради. Энди анча дурустсан, ёмон туш ўтиб кетди, шундай эмасми? Яна ўзингга келяпсан, ўзингни танияпсанми? Ҳозир менга айтишди, ўзингни бегона ном билан атабсан. Энди ўзингни бошқа киши деб билмассан, шундайми?

— Илтимос қиламан, раҳм қил, менга инон, буюк шоҳим: мен чин ҳақиқатни гапиряпман. Мен сенинг энг паст табақадан бўлган фуқаронгман, гадой бўлиб туғилганман, тасодифан бу ерга келиб қолдим, лекин ҳеч қанақа гуноҳим йўқ. Мени ўлдирма, ҳали ёшман. Бир оғиз сўз билан сен мени ўлимдан сақлаб қола оласан. О, айт, подшоҳим, ўлдиришмасин!

— Ўлдириш? Бу ҳақда гапирма, азиз шаҳзодам, тинчлан. Безовта руҳинг ором топсин... сен ўлмайсан.

Том хурсанд бўлиб кетганидан тиз чўкиб деди:

— Марҳаматинг учун худонинг ўзи ёрлақасин, улуғ қиролим, мамлакатимиз бахтига умрингни узоқ қилсин!

Том дик этиб ўрнидан турди-да, ёнидаги лордлардан бирига деди:

— Эшитдингми? Мен ўлмаслигим керак! Қиролнинг ўзи шундай деди!

Ҳамма тавозе билан таъзим қилди, аммо ҳеч ким жойидан қўзғалмади, ҳеч нима демади. Том ҳайрон бўлиб, бир дақиқа тикилиб турди-да, кейин қиролга юзланиб, қўрқув аралаш сўради:

— Энди кетсам майлими?

— Кетсам дейсанми? Кетгинг келаётган бўлса, майли. Яна бир оз қошимда туришни хоҳламайсанми? Қаёққа кетмоқчисан?

Том ерга қараб, итоаткорона жавоб қайтарди:

— Мен хато қилганга ўхшайман; энди озод бўлдим деб ўйлаган эдим, кулбамга, туғилиб ўсган жойимга, онам, опаларим яшаб турган ерга кетмоқчийдим; меннинг уйим ўша кулба, мен бунақа ҳашамат ва дабдабаларга одатланмаганман.. Раҳминг келсин, подшоҳим, кетишга рухсат эт!

Қирол ўйга чўмиб, бир лаҳза жим қолди. Қалбида борган сари зўраяётган оғриқ ва алам юзида акс этди. Аммо гапирганда овози умидворлик билан янгради:

— Балки шу тўғрида гапирганида ақли қочар, бошқа нарсалар тўғрисида гапирганда ақли жойига келар? Илоҳо шундай бўлмай. Бир синаб кўрайлик-чи!

У Томга лотинча савол берди. Том унга чала-чулпа қилиб лотинча жавоб қайтарди. Қирол қувониб кетди, қувончини яширмади. Лордлар ва врачлар ҳам ўз қувончларини билдирдилар.

— Билими ва қобилиятига кўра бундан яхшироқ жавоб бериши мумкин эди,— деди қирол.— Бу жавоби эси сал хиралашганини кўрсатиб турибди, аммо бутунлай ақлдан озган деб бўлмайди. Сизнинг фикрингиз қандай, сэр?

Савол берилган врач таъзим қилиб, деди:

— Гапингиз жуда тўғри, подшоҳим, мен ҳам худди шундай фикрдаман.

Қирол афтидан катта билимдон унинг фикрига қўшилганидан хурсанд бўлиб, янада қувноқ кайфият билан:

— Жуда соз! Ҳаммангиз қараб туринг-чи, яна синаб кўрамиз уни,— деди.

Шундан кейин у Томга французча савол берди. Том бир зум жим қолди, у ҳаммаинг ўзига тикилиб турганидан гангиб қолган эди, тортиниbroқ деди:

— Афв этасиз, сэр, мен бу тилни билмайман.

Қирол орқасига ташланиб, ёстиққа ёнбошлаб қолди. Бир неча хизматкор унга ёрдамлашишга шошилди, аммо қирол уларни четлатиб, деди:

— Мени тинч қўйинглар... бу бир дақиқалик дармонсизлиқ холос. Сал кўтариб қўйинглар мени. Ҳа, шундай, бўлди. Бу ёққа кел, шўрлик болам, ажаб савдо тушган бошингни отангнинг кўкрагига қўй-да, ором ол! Тезда тузалиб қоласан, бу ўткинчи савдо, кўрқма! Тез кунда соғайиб кетасан.

Кейин у бошқаларга юзланди, меҳрибонлик акс этиб турган юзини бир зумда даҳшат қоплади, кўзларида ғазаб чақнади.

— Ҳаммангиз қулоғингизга қўрғошиндек қўйиб олинг!— деди у.— Уғлимнинг ақли хиралашган, аммо бу вақтинчалик ҳодиса. Ҳаддан ташқари кўп машғулот қилгани ва одамларга кам аралашгани уни шу ҳолга келтирган. Китобларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам кўзидан йўқотинг! Уйин-кулги билан унинг кўнглини очинг, руҳини тетик қиладиган ва соғлиғини тез яхшилайдиган эрмаклар топинг!

Қирол ёстиқдан янада баландроқ кўтарилди-да, сўзини виқор билан давом этдирди:

— У қанчалик ақлдан озган бўлмасин, барибир менинг ўғлим, инглиз тахтининг вориси. Ақли жойида бўлса ҳам, бўлмаса ҳам барибир подшолик қилади! Гапимни яхшилаб эшитиб олинглар-да, ҳаммага эълон қилинглари: унинг саломатлиги ёмонлиги ҳақида оғиз очган одам Британия давлатининг тинчлиги, осойишталигига қасд қилган киши сифатида дорга осилади!.. Менга сув беринглари... юрагим куйяпти... қайғу куч-қувватимни қирқяпти... Бўлди. Пиёлани қўлимдан олинг... Суянг мени... Шундай, яхши. Уғлим ақлдан озбдими? Минг марта баттарроқ жинни бўлса ҳам — барибир у инглиз тахтининг вориси, мен, қирол буни расмий равишда эълон қиляпман. Энди қадимий тантана маросимга тўла риоя қилиб, бугун уни расмий равишда меросхўр-шаҳзода лавозимига тайин қиламан. Дарров бу фармойишимни амалга оширишга киришинг, милорд Гертфорд!

Лордлардан бири қиролнинг тўшаги олдида тиз чўкиб, таъзим қилди:

— Қирол олий ҳазратларига маълумдирки, Англия-

нинг меросхўр гофмаршали Тауэрга қамалган. Қамоқдаги кишига...— деди.

— Бас қил! Бу қабиҳ номни ортиқ қулоғим эшитмасин! У ўлмади, мен қутулмадим! Наҳотки менинг шохона истакларимга у доимо тўсиқ бўлиб тураверса? Англиянинг гофмаршали давлатга хиёнат қилишда айбланиб қамоққа олинганлиги, меросхўрнинг мартабасини тасдиқлашга номуносиблиги учун наҳотки ўғлим меросхўр сифатида ўз ҳуқуқидан фойдалана олмаслиги керак? Йўқ, парвардигори олам номига қасам ичманки, бунга йўл қўймайман! Парламентимни огоҳлантириб қўй, эрталаб қуёш чиққунча Норфолькка ўлим жазоси беришга қарор қилсин, шундай қарор чиқарилмаса, парламент мендан шафқат кутмасин!

— Қиролнинг амри-вожиб!— деди лорд Гертфорд ва ўрнидан туриб, олдинги жойига бориб турди.

Қиролнинг юзидан ғазаб ифодаси аста-секинлик билан ғойиб бўлди.

— Кел, мени ўп, шаҳзодам!— деди у.— Балли... Нега бунча қўрқасан? Ахир мен сенинг отангман-ку, сени яхши кўраман-ку.

— Сен менга меҳрибонсан, аммо мен муносиб эмасман, эй марҳаматли, мурувватли подшоҳим, бунга шакшубҳа йўқ. Аммо... лекин бир одамнинг ўлиши кераклиги ҳақидаги фикр мени гангитяпти, унга мен...

— Ана, энди ўзингга келяпсан, ўзингга келяпсан! Ақлу ҳушинг хиралашган бўлса ҳам, қалбинг ўз ҳолича қолганига имоним комил эди, сен доимо меҳрибон эдинг. Аммо бу герцог сенга ва сенинг олий шон-шарафингга тўсиқ бўлиб турибди. Унинг ўрнига мен бошқа бировни, сенга ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган бошқа кишини тайинлайман. Тинчлан, марҳаматли шаҳзодам, бу ҳақда ўйлаб, бечора жонингни беҳуда қийнама...

— Подшоҳим, унинг ўлимини тезлатишга мен сабаб бўляпман-ку, ахир! Мен бўлмаганимда у яна кўп йиллар яшаган бўларди.

— Бу тўғрида ўйлама, шаҳзодам! Парво қилма. Мени яна бир марта ўп ва ўйин-кулги билан кўнгилхушлик қилишга кетавер! Қасал тинкамни қуритди; менга осойишталик керак. Гертфорд амакинг ва мулозимларинг билан биргаликда жўна, дам олай, соғлиғим яшшиланганидан кейин яна ҳузуримга кел.

Том қиролнинг ҳузуридан кўнгли ғамга тўлиб чиқ-

ди, қиролнинг сўнги сўзлари унинг озодликка чиқиш ҳақидаги умидларини чиппакка чиқарган эди. Яна у одамларнинг шивирлашиб: «Ана шаҳзода, шаҳзода кел-япти!»— деяётганларини эшитди.

Зар-зарбофга ўралган, эгилиб таъзим қилаётган икки қатор, сарой аъёнлари ўртасидан ўтган сари Томнинг руҳи туша борди, ўзини тутқун, балки бир умр олтин қафасда қолиб кетадиган ҳис қилди, бирор қадрдон дўсти бўлмаган бечора шаҳзода худонинг ўзи раҳм этмаса, бу қафасдан чиқармаса, аҳволим оғир бўлади деб ўйлаб, кўпроқ қайғу чека бошлади.

У қаёққа қарамасин, буюк герцог Норфолькнинг кесилган боши ҳавода учиб юргандек кўринар, бахтсиз герцог бунга таъна билан тикилиб қараётгандек бўларди.

Унинг яқиндагина шаҳзодаликнинг орзу қилиб юрган хаёллари жуда ширин туюлган эди, энди эса шаҳзодалик жуда қайғули ва дардисар бўлиб чиқди!

VI б о б

ТОМГА НАСИХАТ УҚДИРИШГАНИ

Томни катта залга олиб кириб, креслога ўтқизишди. Бироқ у ўзини жуда ўнғайсиз ҳис қилди, чунки кексалар ва аслзодалар унинг атрофида тик туришарди. Том уларни ўтиришга таклиф қилган эди, улар Томга таъзим қилишиб, миннатдорчилик изҳор этишиб, тик тураверишди. Том уларни яна ўтиришга ундаганди, «амакиси» граф Гертфорд унинг қулоғига шипшиди:

— Милорд, лутфан уларни кўп қистама, сенинг ҳузурингда улар ўтирмасликлари керак.

Шу орада лорд Сент-Жон келганини маълум қилишди. Лорд ҳурмат бажо келтириб, Томга таъзим қилди ва деди:

— Мен қиролнинг топширувига мувофиқ махфий иш билан келдим. Шаҳзода олий ҳазратлари ижозат этсалар, граф Гертфорддан мустасно, бу ердагилар гашқарига чиқиб турсалар қандай бўларкин?

Том нима дейишини билмай, жим туравергач, Гертфорд унинг қулоғига, агар гапиргингиз келмаётган бўлса, сарой аҳлига қўл ишораси билан амр эта қолинг, деб шипшиди.

Мулозимлар чиқиб кетганларидан кейин лорд Сент-Жон гап бошлади:

— Жаноб олийлари амр этдиларки, муҳим ва муътабар давлат манфаатлари нуқтаи назаридан шаҳзода жаноб олийлари ўз саломатликлари жойида эмаслигини яширгайлар, то тузалиб, яна аввалги ҳолатларига келмагунларича ўзларини сездирмасликка ҳаракат қилмоқлари керак. Яъни масалан, ҳеч кимнинг олдида чинакам шаҳзода эканликларини, буюк Англия давлати тахтининг вориси эканликларини инкор этмасликлари лозим, ворис-қиролга муносиб ўз ҳурматларини сақлашлари, мулозим, аъёнларнинг сизга ҳурмат эҳтиромларини бемулозимат қабул этмоқлари лозим, зотан бу қадимдан расм бўлиб келаётган қироллар анъанаси; қирол яна амр қилдиларки, зинҳор ўзингизни гўё паст табақаданман деб бировга гапира кўрманг, чунки касаллик ва чарчаш оқибатида мавжуд бўлган бундай ҳаёлатнинг маҳсули фуқароларда ёмон таассурот туғдиради; хотиранинг сусайганлигидан илгари таниш бўлган кўп одамларни таний олмай қолган тақдирингизда, паромушлик ёйинки ҳайрат белгиларини зоҳир қилмай, хотиржам вазиятда тургайсиз. Тантанали қабул маросимларида нима қилиш, нима дейишни билмай қолгудек бўлсангиз, одамлар олдида сир бой бермай, содиқ қуллари камина билан ёки лорд Гертфорд билан маслаҳатлашгайсиз, чунки граф билан мени қирол махсус шу ваздан ҳузурингизга йўллади, бу ҳақдаги фармон бекор қилингунча сизнинг хизматингизда бўламиз. Қирол жаноб олийларининг амри шу, у сиз жаноб олийларига салом йўллаб, зўр меҳрибонлик билан худодан сиҳат-саломатлигингизни тилади, тезроқ шифо топишингизга умид билдириб, доимо сизга мададкорлигини айтди.

Лорд Сент-Жон таъзим қилиб, четга ўтди. Том иткорлик билан жавоб қайтарди:

— Қиролнинг фармойиши бошим устига. Унинг буйруғини бажармасликка ёки уни ўз манфаати йўлида ўзгартишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Қиролнинг амри вожиб.

Лорд Гертфорд деди:

— Қирол жаноб олийлари сизнинг китоб ўқиш ва шунга ўхшаш чарчатадиган ишлар билан машғул бўлмаслигингизни лозим кўрди, шунинг учун сиз жаноб

олийларининг кўнгил очадиган, зериктирмайдиган машгулотлар билан шуғулланишингиз маъқуллиги сабабли, зиёфатдан воз кечишни лозим топмасмикинсиз?

Томнинг юзида таажжуб ифодаси пайдо бўлди, у лорд Сент-Жонга савол назари билан қаради, унинг хафалигини пайқаб, қизариб кетди.

— Ҳамон эс-ҳушингиз жойига келмаяпти,— деди лорд,— шунинг учун ҳам менинг гапим сизни ҳайрон қиляпти; аммо парво қилманг, бу тез ўтиб кетади, тезда тузаласиз. Милорд Гертфорд шаҳардан ташқарида бўладиган зиёфат тўғрисида гапирди; икки ой бундан муқаддам қиролимиз сиз жаноб олийларининг унда қатнашишингизни таъкидлаган эди. Эсингизга тушдими энди?

— Таассуф билан эътироф этаманки, ростдан ҳам эсим айниб қолибди,— деди Том қўрқа-писа ва яна қизариб кетди.

Шу пайтда Елизавета билан Жэн Грей хонимлар келганлигини маълум қилдилар. Лордлар бир-бирларига қараб олишди. Гертфорд тез эшикка чиқди. Ёш қириличалар ёнидан ўтаётганларида лорд уларнинг қулоғига пичирлади:



— Сизлардан илтимос, хонимлар, баъзи нарсаларни эслай олмаса, ҳайрон бўлмангиз, эси жойида эмаслигини сездирмангиз... тез-тез шундай бўляпти, хафа бўлманг.

Бу орада лорд Сент-Жон ҳам Томнинг қулоғига шивирлади:

— Сэр, сиздан илтимос, қирол жаноб олийларининг хоҳишини унутманг: илож борича эслаб кўринг, эсингизга келмаётган нарсаларни ҳам гўё эслаётгандек бўлинг. Соғлигингиз ўзгарганлигини уларга сездирманг. Ахир, болалиқдан бирга ўйнашиб ўсаётган бу қироличалар билиб қолнса, хафа бўлишади. Мен шу ерда турсам майлими, сэр?.. Амакингиз ҳам турсалар майлими?

Том бош силкитиб розилик билдирди ва алланима деб пичирлади. Ургатганларини қилди, қиролнинг фармойишини иложи борича виждонан бажаришга тиришди.

Ҳар қанча насиҳат қилинишига қарамай, Том билан қироличалар ўртасидаги суҳбат баъзан сушлашиб турди. Ростини айтганда, Том бир неча марта бутун ишни чиппакка чиқариб, шаҳзода ролини ўйнашга қодир эмаслигини, жуда қийналаётганини айтмоқчи бўлди, аммо қиролича Елизаветанинг муомаласи бунга имкон бермади. Иккала лорд ҳам эҳтиёткорлик билан қараб, икки-уч оғиз гап билан Томга ёрдам бериб туришарди. Кенжа қиролича Жэн Томдан:

— Бугун қиролича хонимнинг ҳузурига кириб, саломлашиб чиқдингизми, сэр?— деб сўраб қолди.

Том бу саволни эшитиб ўзини йўқотиб қўяёзди, нима деб жавоб қайтаришни билмай тургач, лорд Сент-Жон ҳар қандай ноқулай ҳолатдан чиқа оладиган сарой аъёнига хос усталик билан деди:

— Албатта, хонимлар! Қиролича хоним шаҳзода жаноб олийларига соғлиги анча яхши бўлиб қолганини айтиб, уни хурсанд қилдилар. Шундай эмасми, жаноб олийлари.

Том нимадир деб пичирлади. Бунини маъқуллаяпти, деб ўйлаш мумкин эди, аммо у ўзининг нобоб аҳволда қолаётганини ҳис этиб хафа бўлди. Бир оздан кейин суҳбатда шаҳзоданинг бир қанча муддатга ўқишни йиғиштириб қўйиши зарурати ҳақида гап очилди.

Кенжа қиролича куюниб деди:

— Эҳ, эсиз! Жуда яхши ўқиётган эдингиз. Майли, зарари йўқ, кўпга бормас. Отангизга ўхшаган олим бўлиш ва у билгандек кўп чет тилларни ўрганиб олишингиз учун вақтингиз бор, улгурасиз.

— Отам?— деди бирдан ўзини унутиб қўйиб Том.— У чет тил у ёқда турсин, ўз она тилида шунақа расво гапирадики, гапига фақат оғилдаги чўчқаларгина тушуниши мумкин! Унинг олимлигини айтсам...— у бошини кўтарган эди, милорд Септ-Жоннинг эҳтиётликка ундовчи кўзига кўзи тушиб, тутулиб қолди, қизариб кетди, кейин хафа бўлиб, секингина деди:— Эҳ, касал мени яна гангитяпти, фикрларим чувалашиб кетяпти. Жаноб олийларни шаънига тил тегизмоқчи эмасдим.

— Албатта биламиз буни, шаҳзода,— деди Елизавета мулойимлик билан, у «укаси»нинг қўлини қўллари орасига олиб, эркалаб,— бунга хафа бўлманг! Сиз айбдор эмас, касаллик айбдор.

— Сиз париштадек меҳрибонсиз, азиз хоним,— деди Том миннатдорлик билан,— ижозат этсангиз, бутун қалбимдан миннатдорчилик изҳор қиламан сизга.

Бир гал маҳмадона Жэн хоним Томга юнонча гапириб қолди. Ҳушёр қиролича Елизавета шаҳзоданинг ҳайрон бўлганини тез пайқаб, синглисига Том учун юнонча бир неча жарангдор гап қилди-да, кейин гапни бошқа ёққа бурди.

Вақт кўнгилли ўтди, умуман суҳбат яхши бўлди. Англашилмовчилик ва турли тўсиқлар борган сари камая борди, ҳамма ёрдам қўлини чўзаётганини, довдирашига ларво қилмаётганини кўрган Том ўзини эркин ҳис эта бошлади. Қироличалар кечқурун шаҳар ҳокиминикида бўладиган зиёфатга шаҳзодани бирга олиб боришлари маълум қилинганда, Том бегона одамлар даврасида ёлғиз бўлмаслигини билиб, қувониб кетиб, завқланиб нафас олди, ҳолбуки бир соат бундан илгари қироличалар у билан бирга боришларини айтганларида, уни катта ваҳима босган бўларди.

Томнинг соқчи паришталари бўлган иккала лорд бу суҳбатдан бошқаларга қараганда унчалик мамнун бўлмадилар. Улар ўзларини катта кемани хавфли бўғоздан олиб ўтаётгандек ҳис қилишди. Ҳамма вақт эҳтиёт бўлиб туришди, ўзларининг вазифалари ўйинчоқ эмаслигини фаҳмлашди. Ёш хонимларнинг ташрифи ниҳоятига етиб, лорд Гилфорд Дадли ҳақида гапирилганда,

лордлар шаҳзодани ортиқча чарчатиб ўтириш, ўзларини ҳам ташвишга қўйишни истамадилар-да, қўл остиларидаги кемани яна янги хавfli сафарга чиқаришдан воз кечиб, кемани орқага қайтаришни маъқул кўрдилар — Томга зиёфатга боришдан воз кечишни ҳурмат билан маслаҳат бердилар. Том бундан ҳам хурсанд бўлди, аммо шунда бирдан Жэн хоним хўмрайди, туппа-тузук укасининг бирга бормаслиги уни ранжитди.

Орага жимлик чўкди. Ҳамма ниманидир кутаётган кўринарди, аммо Том улар нимани кутаётганини билолмай турди. Шунда у лорд Гертфордга кўз қирини ташлади, лорд унга аллақандай имо қилганди, бунга ҳам тушунмади. Елизавета хоним ҳушёрлиги туфайли уни бу қийин ҳолатдан қутқаришга шошилди. У тиз букиб таъзим қилди-да:

— Шаҳзода жаноблари, укагинам, кетишимизга рухсат этасизми?— деб сўради.

— Чин кўнгилдан, хонимлар, нима хоҳласангиз шунга рухсат этишим мумкин,— деди Том.— Яна ҳар қандай илтимосларингиз бўлса, токи иложим бор экан, жон-жон деб розилик берардим, ҳамсуҳбатим бўлиб турганликларингиз қандай яхши эди, аммо на чора, хайр, худо сизга ёр бўлсин!

У жилмайиб қўйди-да, ичида: «Яхшиямки китоб ўқиб, шаҳзодалар жамиятида хаёлан бирга яшаган, уларнинг ажойиб фасоҳатли ибораларини ёдлаб олган эканман!»— деб қўйди.

Қироличалар кетганидан кейин Том ўзининг назоратчиларига ҳорғинлик билан мурожаат этди:

— Милордлар, марҳамат қилиб, шу ерда бирор бурчакда салгина дам олишга ижозат этмайсизларми?

— Ихтиёр жаноб олийларида, нимаики буюрсангиз — фармойишингизга бўйсуниб бизнинг бурчимиз,— деди лорд Гертфорд.— Дарҳақиқат дам олишингиз керак, тезда Лондон бўйлаб сайр этишга тўғри келади.

Лорд қўнғироқчани жиринглатди, мулозим югуриб ичкари кирди ва сэр Вильям Гербертни чақириб келиш ҳақида топшириқ олди. Сэр Вильям тезда кириб келиб, Томни сарой ичкарисидаги ётоқхонага олиб кетди. Том хонага кирган заҳоти пиёлага қўл чўзган эди, ипак-шойнларга ўралган мулозим шу ондаёқ пиёлани олиб, олтин патнис устига қўйди-да, бир оёғи билан тиз чўккан ҳолда унга тутди.

Шундан кейин чарчаган бечора тутқун ўтириб, атрофидагиларга рухсат сўрагандек мўлтираб қараб, ботинкасини ечмоқчи бўлганди, ипак-шойи кийинган бошқа мулозим унц бу ташвишдан халос қилиш ниятида тиз чўкди. Том унинг ёрдамисиз ўзи ечишга ҳаракат қилганди, бу ҳаракати фойдасиз бўлди: хизматкор оёғига ёпишди. У ниҳоят таслим бўлиб, итоаткорона хўрсиниқ билан:

— Балоба қолдим, балоба! Ҳали бу одамлар мен учун нафас ҳам олишмаса яхши бўлар эди!— деб ичирлади.

Оёғида туфли, серҳашам халат билан у ниҳоят диванга чўзилди, аммо уйқуси келмади: боши хилма-хил фикрлар билан, хона одамлар билан тўла эди. Фикр-хаёллар бошидан, хизматкорлар ётоқхонадан сира кетмади, Томнинг ва ўзларининг таъбилари хира бўлишига қарамай хонадан чиқмадилар.

Том дам олиш учун кетгандан кейин, хонада икки мураббий лордлар қолишди. Анча пайтгача иккаласи ҳам ҳеч нарса демай, хаёлга берилиб, уй ичида у ёқдан-бу ёққа юриб туришди. Ниҳоят лорд Сент-Жон гап бошлади:

— Виждонан гапир-чи, бунга нима дейсан?

— Виждонан айтсам, қиролнинг умри оз қолди, жияним эса ақлдан озган, жиннилигича тахтга ўтиради, тахтда ҳам жиннилигича қолади. Ишқилиб Англияни худонинг ўзи асрасин! Тез кунда у худонинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолади!

— Рост, шунақага ўхшайди. Аммо... сенда ҳеч қанақа шубҳа йўқми... бу... бу...

У тутилиб қолди, гапиришга журъат этолмади: савол жуда ҳам қалтис эди. Лорд Гертфорд Сент-Жоннинг олдида, унга кўз қадаб тургач, деди:

— Гапиравер! Гапингни мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди. Нимага шубҳаланяпсан?

— Милорд, хаёлимга келгани сўз билан ифодалагим келмаяпти, сен унинг қариндоҳисан. Агар сени ранжитиб қўйсам, мени кечир, эс-ҳушининг қочиши уни шунчалик ҳам ўзгартириб юборганига ишонгим келмаяпти. Мен унинг гап-сўзлари ёки қиёфаси ўзининг шоҳона улуғворлигини йўқотди, демоқчи эмасман, аммо ўзини тутнишига, майда-чуйдаларга ҳам аҳамият берганда, илгариги шаҳзодага *мутлақо ўхшамайди-ку*,

ақлдан озиш унинг юзидаги айрим белгиларни ҳам йўқотгани ғалати туюляпти; атрофида одам турганида, уларга ҳурмат ифодаларини ҳам билмаяпти-ку; қизиқ эмасми, лотинчани унча унутмаган ҳолда грекча билан французчани наҳотки мутлақо унутиб юборган бўлса? Хафа бўлма, милорд, мен сенга юрагимни очдим, кечир мени, менинг ташаккуримни ол! Унинг сўзлари шуни кўрсатяптики, у шаҳзода эмас ва мен...

— Тилингни тий, милорд! Бу гапларинг — хиёнат! Қиролнинг фармойишини эсингдан чиқардингми? Билиб қўйки, гапингга қулоқ солиб туриб, сен қилган жиноятга мен ҳам шерик бўляпман.

Сент-Жоннинг қути ўчди ва шоша-пиша деди:

— Мен хато қилдим, мени кечир, ўтинаман, бу гап шу ерда қолсин! Бундан кейин ҳеч қачон бу ҳақда ўйламайман ҳам, гапирмайман ҳам. Жонимга раҳм қил, бўлмаса нобуд бўламан.

— Майли етар, милорд. Ҳақоратомуз фикрларингни бундан кейин менга ҳам, бошқа бировга ҳам айта кўрма, туя кўрдингми — йўқ. Бемаъни шубҳаларингни қўй! У опамнинг ўғли, унинг товушини, юзини, ташқи қиёфасини чақалоқлигидан бери биламан, ахир. Ақлдан озиш бундан баттароқ қилиб қўйиши ҳам мумкин. Эсингдан чиқдимми, кекса барон Марли ақлдан озганида ҳатто олтмиш йилдан бери билган ўзининг юзини ҳам тамом унутганди, бу юз меники эмас, бошқа бировники деганди, ҳатто, мен Мария Магдалинанинг ўғлиман, менинг бошим испан шисасидан қилинган, деганди, айтишга ҳам кулгили, бошимни синдириб қўясизлар, деб ҳеч кимни қўл текизгани қўймаганди... Шубҳаларингни қув, азиз милорд. Бу ҳақиқий шаҳзода, мен уни яхши биламан, яқинда у сенинг қиролнинг бўлади. Ана шу ҳақда кўпроқ ўйла, сенга шу фойдалироқ.

Суҳбат давомида лорд Сент-Жон ўзининг ҳалиги гаплари бутунлай нотўғри айтилганини қайта-қайта таъкидлади, ҳақиқатни билиб олганини, энди ҳеч қачон шубҳа қилмаслигини айтди. Лорд Гертфорд ҳамкор оғайниси билан хайрлашди, шаҳзодага қараш учун ёлғиз қолди. Хаёлга ғарқ бўлиб, хаёл сурган сари юраги нотинчланаверди. Ниҳоят ўрнидан сапчиб турди-да, хонанинг у ёғидан-бу ёғига юра бошлади.

— Бўлмагур гап! Шаҳзода шунинг ўзи бўлиши керак! — деб пичирлади у. — Икки оилада туғилган, ота-

онаси бошқа бўлган икки бола эгизаклардек бир-бирига ўхшаши мумкин деб айтадиган одам мамлакатда топилмайди. Бир-бирига ўхшаганда ҳам у бола саройда нима қилади! Бирор ақлга сирмайдиган ҳодиса рўй бериб, улар жойларини алмаштирган бўлишлари мумкин, деб ўйлаш янада бемаънилик бўлади! Йўқ, бу ғирт бемаъничилик, ғирт бемаънилик.

Бир қанча вақтдан кейин лорд Гертфорд ўзига ўзи деди:

— Агар у сохта шаҳзода бўлиб, ўзини шаҳзода деб эълон қилса — бу бошқа гап эди; бунда мантиқ бор. Аммо қиролдан тортиб бутун сарой аҳли шаҳзодалигини тан олиб турганида, мен шаҳзода эмасман, деб ўз ҳуқуқларидан кечиб, иззат-ҳурматларга бефарқ қарайдиган сохта шаҳзода ҳам бўлармикин? Йўқ! Авлиё Свинтинга қасам ичаманки, у чин шаҳзода, фақат ақлдан озган, холос!

VII б о б

ТОМНИНГ БИРИНЧИ ШАҲОНА ОВҚАТЛАНГАНИ

Кундузи соат бирга яқинлашганда Том овқатланиш учун кийинтириларкан, бу машаққатга ҳам чидам берди. Унга яна илгаригидек серҳашам кийим кийгизишди, илгариги кийимини — ёқадан пайпоққача ечтириб, янгилашди. Шундан кейин катта тантана билан уни яхши жиҳозланган кенг залга олиб боришди. Бу залда бир киши учун стол устига дастурхон ёзилганди. Асбоб-анжомларнинг ҳаммаси қўйма тилладан, нафис қилиб ишланган, бебаҳо, Бенвенуто¹ ишлагани билиниб турар эди. Хонага аслзода мулозимлар йиғилишганди. Капеллан² дуо ўқиди, очиқиб кетган Том овқатга ташланмоқчи бўлган эди, бўйнига салфетка ўраётган милорд граф Беркли уни тўхтатиб қолди. Инглиз шаҳзодаларининг бўйнига салфетка ўраб қўйиш вазифаси бу лорднинг оиласида отадан ўғилга мерос бўлиб келарди. Бу ерда вино қуювчи ҳам турарди, Томнинг ўз қўли билан вино қўйишига қўймади. Бу ерда овқатларнинг мазасини

¹ Бенвенуто Челлини (1500—1571)— Италиялик машҳур ҳайкалтарош ва металл буюмларга нақш соладиган уста.

² Капеллан — католик черковининг руҳонийси.



татиб кўрадиган бошқа бир лорд ҳам бор эди: у талаб этилган ҳолда дарҳол инглиз тахтининг вориси танавул қиладиган ҳамма овқатларни татиб кўриши ва шундай қилиб заҳарланишга тайёр туриши керак эди. Ҳолбуки қирол ошхонасида бу одамга мутлақо эҳтиёж йўқ, чунки у кўпинча ўз вазифасини бажармас эди; аммо қадим замонларда, Генрих VIII га қадар татувчи вазифаси жуда хавфли эди, шу сабабли бу фахрли вазифада узоқ ишлаш камдан-кам одамга nasib қиларди. Шуниси қизиқки, бу вазифани бирор итга ёки алхимикка топширилса ҳам бўларди, бироқ сарой одадини бузишга кимнинг ҳадди сиғарди! Бу ерда биринчи камергер милорд д'Арси ҳам бор, аммо нега, нима учун кераклиги номаълум, ишқилиб, у ҳам бор эди. Яна бош сарой оғаси ҳам ҳозир эди. У Томнинг орқасида туриб, шаҳзодани овқатлантириш тантанасининг икир-чикиригача риоя қилиниши устидан назорат этиб турарди. Овқатлантириш маросимига лорд бош хизматкор билан лорд бош ошпаз бевосита бошчилик қилиб туришар, улар Томнинг ёнида эдилар. Булардан ташқари, шаҳзоданинг яна уч юз саксон тўрт хизматкори бор эди, чамаси уларнинг ҳаммаси ошхонада эмас, тўртдан биригина бу овқатни тайёрлаш билан овора эди. Уларнинг бор-йўқлиги Томнинг парвойига ҳам келмасди.

Томнинг ҳузурида турганларга аввал роса бир соат ваъз ўқилиб, шаҳзоданинг эс-ҳуши вақтинча жойида эмаслиги, шу сабабли унинг ғайри-табiiй ҳаракатларига, ғалати қилиқларига парво қилмаслик кераклиги ҳақида панд-насиҳат уқдирилди.

Кўп ўтмай уларнинг кўзлари олдида ўша «ғалати қилиқлар» намоён бўлди, аммо буларга ҳеч ким кулмади, ҳамма қайғурди, хафа бўлди. Хизматкорлар севимли шаҳзодаларининг бу оғир касалга мубтало бўлганидан қаттиқ изтироб чекдилар.

Бечора Том овқатни қўл билан ея бошлади, аммо ҳеч ким илжаймади, буни кўрмагандек тураверишди. У ўзининг салфеткасини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди, чунки у жуда нафис, чиройли матодан қилинган эди; кейин эса соддадиллик билан:

— Марҳамат қилиб буни олиб қўйинглар, тагин бехосдан ифлос қилиб қўймай,— деди.

Ота мерос салфетка боғловчи лорд эътироз билдирмасдан эҳтиром билан уни ечиб олиб қўйди.

Том шолғом билан салатга синчков назар ташлаб, булар ейиладиган овқатми, деб сўради. Чунки шолғом билан салатни Голландиядан олиб келиб, Англияда ўстира бошлаганларига ҳали кўп вақт бўлмаганди. Унинг бу саволига ҳурмат билан, жиддий жавоб беришди, бу саволдан кўп таажжубланганликларини сездиришмади. Овқатдан кейин ширинлигу мевалардан қорнини роса тўйдиргач, чўнтакларини ёнғоққа тўлдириб олди; бунга ҳам ҳеч ким ҳайрон бўлмади — ҳамма ўзини кўрмаганга солди.

Аммо кўп ўтмай Томнинг ўзи ножўя иш қилиб қўйганини тушунди. Шунча вақт ичида биринчи марта ўз қўли билан иш қилганидан жуда хижолат тортди, қироллик лавозимига номуносиб иш қилдим деб ўйлади. Иш бундай бўлди, Томнинг бурни қичиб, юзлари бужмайди, ҳадеганда босилавермагач, ҳаяжонни ортаверди. Атрофини қуршаб олган лордларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига мўлтираб боқди, ҳатто кўзларида ёш ҳам пайдо бўлди. Лордлар ташвишланиб унга яқинлашишди, нима бўлганини ёлвориб сўрашди. Том астойдил хафа бўлиб деди:

— Айбга қўшмайсишлар, милордлар: бурним ўлгудек қичияпти. Бундай фавқулодда ҳолатларда қандай урф-одатларга риоя қилишим керак? Марҳамат қилиб, тезроқ жавоб қайтаринглар: ортиқ чидаб туришга тоқатим қолмади!

Ҳеч ким кулмади. Аксинча, ҳамманинг юзида қайғу, саросималик аломатлари кўринди, лордлар довдираб ўзаро маслаҳат сўрагандай бир-бирларига қараб олишди. Уларнинг қаршисида баланд девор турарди. Бу девордан қандай ўтиш йўлини бутун Англия тарихи билмасди. Бош удумчи йўқ эди, бу тубсиз денгизда сузишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди, бу жиддий муҳим масалани ҳал қилишга ҳеч кимда журъат йўқ эди. Афсус! Англияда ота мерос бурун қашийдиган лавозим йўқ эди. Борган сари кўз ёшлар қирғоқдан ошиб, Томнинг юзларида думалай бошлади. Бурун эса тобора қашини талаб қиларди, ниҳоят табиат сарой одобқоидаларидан устун келди ва Том ичида, бу ишим беодоблик бўлса кечиринглар, деб атрофидагиларни катта ташвишдан қутқазиб, бурнини ўзи қашиб қўя қолди.

Том овқатланиб бўлганидан кейин лордлардан бири дарҳол оғиз чайиш ва қўл ювиш учун хушбўй сув со-

линган олтин жом келтирди. Ота мерос дастурхончи со-
чиқ тутиб турди. Том сувга қараб, нима қилишга ҳай-
рон бўлиб турди-да, жомни қўлига олиб, дангал бир
қултум ичиб юборди. Кейин хизматкор лордга қайта-
риб:

— Йўқ, милорд, бу менга ёқмади. Ҳиди яхши экан-у,
мазаси унча эмас,— деди.

Шаҳзоданинг ақли жойида эмаслигини яна бир мар-
та исботловчи бу телба ҳаракатни кўриб, ҳамма ниҳоят-
да ачинди, ҳеч ким уни мазах қилмади, кулмади.

Том эса ўзи билмай туриб яна бир ножўя иш қилиб
қўйди: сарой руҳонийси у ўтирган кресло ёнига келиб,
қўлларини кўтариб, кўзини осмонга қадаб энди дуо
ўқимоқчи бўлган пайтда Том жойидан туриб, столдан
узоқлашди. Шаҳзоданинг бу қилиғини ҳам кўрмаганга,
пайқаманганга олишди.

Шундан кейин бизнинг бу кичик дўстимизни ҳадеб
илтимос қилаверганига кўра инглиз тахти вориси каби-
нетига олиб бориб, ўз ҳолига қўйдилар. Кабинет де-
ворларида, дуб панелларда махсус илмоқларга олтин
безакли ялтироқ пўлат яроқ-аслаҳалар осиб қўйилган
эди. Буларнинг ҳаммаси шаҳзоданики эди, буларни
унга яқинда қиролича Парр¹ хоним совға қилган эди.

Том болдирга кийиладиган кийимларни, қўлқоплар-
ни, уқпарли телпак ва бошқа бировларнинг ёрдамисиз
кийиб бўладиган кийимларни кийди; қўлларини ювиш-
га ёрдамлашишлари учун хизматкорларни чақирмоқчи
бўлган эди, овқатлана туриб, чўнтақларига ёнғоқ сол-
гани эсига тушди-да, ота мерос мулозим лордларнинг
ёрдамисиз ўзи ёлғиз ҳолда ёнғоқ чақиш қанчалик ҳузур
бўлишини ўйлаб, қувонди. Худо гуноҳларим учун мени
шаҳзода қилганидан бери ҳаловатим йўқолган эди, ма-
на энди бир ҳузур қилай деб ўйлаб, ёнғоқларни маза
қилиб чақа бошлади. Ёнғоқларни еб битиргач, жавонда
ғалати номлар ёзилган бир неча китоб кўриб қолди. Бу
китобларнинг бири инглиз қиролининг саройидаги урф-
одатлар ҳақида эди! У серҳашам диванга ётиб олиб,
бу илмни ўрганишга берилди. Биз ҳам уни маълум
вақтгача шу ерда қолдириб тураимиз.

¹ Парр Екатерина (1512—1548)— қирол Генрих VIII
нинг олтинчи хотини.

МУҲР МАСАЛАСИ

Соат бешга яқин Генрих VIII босинқираб, кўзини очди ва ўзича тўнғиллади:

— Қўрқинчли туш, қўрқинчли! Ой-куним битганга ўхшайди, тушимда аён бўляпти. Нафас олишимнинг су-сайиб бораётгани ҳам тушимнинг белгиларини кўрса-тиб турибди.

Бирдан қиролнинг кўзларида ғазаб учқуни аланга-ланди, зўрға эшитиладиган қилиб:

— Аммо у мендан олдинроқ ўлади!— деди.

Қиролнинг уйқудан турганини кўргач, сарой аҳли-дан бири жаноб олийларига таъзим қилиб, қўшни хо-нада кутиб турган лорд-канцлерни қабул қилармикин-лар, деб сўради.

— Қирсин! Қирсин!— деб бетоқатлик билан қичқир-ди қирол.

Лорд-канцлер ичкарига кирди, қиролнинг тўшаги олдида тиз чўкиб, деди:

— Жаноб олийларининг фармонлари билан сизга тобе пэр¹лар байрам либосларида Герцог Норфольк-ни ўлимга ҳукм қилиб, суд залида туришибди, жаноб олийларининг фармойишларига мунтазирлар.

Қиролнинг юзи қувончдан ёришди.

— Мени турғизинглар!— деб фармойиш берди у.— Парламентимга ўзим бораман, ҳукмга ўз қўлим билан муҳр босаман ва у...

Унинг тили тутилди, чеккаларидаги қизиллик йўқо-либ, кул ранг тусга кирди. Хизматкорлар уни ёстиққа ётқизишди, дорилардан фойдаланиб, уни ўзига келти-ришга уринишди. Бир оздан кейин қирол деди:

— Ҳайҳот, бу ширин дақиқани қандай интизорлик билан кутаётгандим, аммо кўп кечикиб келмоқда, бу кутилган воқеадан завқланиш насиб бўлмайдиганга ўхшайди менга. Бор, тез бор, бу қувончли бурчни май-ли бошқалар бажаришсин, ўзим бажарардим, афсус мадорим йўқ. Катта муҳримни махсус давлат комиссия-сига ишониб топшираман; бу комисоия қайси лордлар-дан иборат бўлиши сенинг ихтиёрингда, ишга тез кири-

¹ Пэр — юқори табақа феодаллар унвони.

шинглар. Шошилинглар, деяпман сенга! Қуёш чиқиб яна ботгунча менга Норфолькнинг бошини келтир, ўз кўзим билан уни кўрай.

— Қиролнинг амри вожиб. Жаноб олийлари фармойиш берсалар, катта муҳрни менга топширсалар, бу ишни ўзим қилсам қандай бўларкин?

— Муҳрни? Ахир муҳр ўзингда туради-ку!

— Жаноб олийлари, кечирасиз. Икки кун олдин мендан ўзингиз олдингиз, герцог Норфолькка ўлим жазоси берувчи ҳукмга ўз қўлингиз билан муҳр босмагунингизча бунга ҳеч ким тегмасин, дегандингиз.

— Ҳа, эсимга тушди... Ростдан ҳам олувдим... эсимда... Уни қаерга қўйибман?.. Жуда дармонсизланибман... Кейинги пайтларда хотирамда ҳеч нарса турмайдиган бўлиб қолди. Ғалати, жуда ғалати-ку...

Қирол нимадир деб ғудурлади, оипоқ сочли бошини тебратди, муҳрни нима қилганини ўйлади, аммо ҳеч эслай олмади.

Ниҳоят милорд Гертфорд тиз чўкиб туриб, унга эслатди:

— Жаноб олийларига эслатишга журъат этмоқчиман: бу ердагиларнинг кўпчилиги, шу жумладан мен ҳам яхши эслаймиз, сиз катта давлат муҳрини сенда турсин деб шаҳзодага топширган эдингиз, токи ўша кунни...

— Тўғри, чин ҳақиқат!— дея хитоб қилди қирол.— Олиб кел. Тезроқ, вақт кетяпти!

Лорд Гертфорд Томнинг олдига югура кетди, аммо кўп ўтмай хафа бўлиб қуруқ қайтди.

— Қирол жаноб олийларига оғир ва нохуш хабарни айтмай иложим йўқ: худонинг хоҳиши билан, шаҳзоданинг касали ҳали тузалмаган, катта муҳрни олган олмаганини мутлақо эслай олмаяпти. Жаноб олийларига етказишга шошилганимнинг бонси шуки, шаҳзодага қарашли қатор кенг хоналардан муҳрни излаб топишга кўзим етмайди. Излаб ўтирсак, қимматли вақтни беҳуда кетказган бўламиз ва...

Қиролнинг оҳ ургани унинг сўзини бўлди. Қирол чуқур қайғу билан деди:

— Уни безовта қилманглар! Бечора бола. Ёш бошида худонинг оғир кўргилиги бор экан, унга раҳмим келганидан ва қайғурганимдан юрагим ёрилгудай бўлади, аммо на чора, уни осойишта ва бахтиёр қилиш учун

оғир юкини ўзимнинг кекса ва серташвиш елкамга олишга қурбим етмайди.

Қирол кўзларини юмиб, нимадир деб тўнғиллади-да, жимиб қолди. Анчадан кейин кўзларини яна очди. У атрофига маънисиз назар ташлади, тиз чўкиб турган лорд-канцлерга яна қаради. Бирдан юзларида ғазаб акс этди.

— Ҳали ҳам шу ердамисан? Худо ҳақи қасам ичманки, хонини бугуноқ йўқотмасанг, эртага танангдан бошинг жудо бўлади, шляпанг савил қолади!

Канцлер титраб-қақшаб ёлворди:

— Раҳм қилинг, жаноб олийлари, меҳрибон қиролим! Мен қироллик муҳриши кутиб турибман.

— Сен телба бўлиб қолганга ўхшайсан, азизим! Илгари мен чет элларга борганимда олиб юрадиган кичик муҳр хазинамда турибди. Каттаси йўқолган бўлса, кичкинаси кифоя қилавермайдими? Жўна! Эшитяпсанми? Қошимга унинг бошисиз келма!

Бечора канцлер ўтакаси ёрилиш даражасида қўрқиб шовилганича қиролнинг ғазабидан ўзини олиб қочди; комиссия эса Англиянинг биринчи пэри, бахтсиз герцог Норфолькни кейинги куни эрталаб қатл этиш ҳақидаги парламент ҳужумини шошилишч тасдиқлади.

IX БОБ

ДАРЁДА БАЙРАМ

Кечқурун соат тўққизда саройнинг дарёга қараган кенг фасадидида чироқлар чарақлади. Дарёнинг шаҳар томони балиқчиларнинг қайиқлари ва кўнгил очадиган кемалар билан қопланди; турли рангдаги фонарлар осилган бу флотилия тўлқинда енгил чайқалиб, гуллари майини шабадада қимирлаётган кўркам бепоён боққа ўхшарди. Тош зинапоялари сувга тушадиган айвон шу қадар ҳашаматли, улугвор, кенг эдики, унга бирор немис князипининг армияси бемалол сиғиши мумкин эди. Айвонда яроғ-аслаҳалари, ойболталари ярқираб турган қирол солдатлари саф тортдилар, кўп сонли мулозимлар пастдан юқорига, юқоридан пастга ғивирлашиб, сўнгги тайёргарлик ишлари билан машғул эдилар.

Ниҳоят кимнингдир буйруғи янгради, шу заҳотиёқ айвонда бирорта ҳам жонли зот қолмади. Ҳатто ҳаво

ҳам музлагандай бўлди. Бутун дарё одамга тўла эди, улар қайиқларда кўзларини ёруғ машъаллар ва фонарлар ёғдуси қамаштирмаслиги учун қўлларини пешоналарига тутиб, диққатларини саройга қаратган эдилар.

Саройнинг зарҳал юритилган кемалари айвон зинапоялари сари сузди. Улар қирқ-элликта бор эди. Ҳар бир кема узун бурунли, қўйруқ қисми оаланд бўлиб, чиройли нақшлар билан безатилган эди. Кемаларнинг баъзилари байроқлар ва энсиз байроқчалар билан, баъзилари герб тикилган заррин ва хилма-хил рангли матолар билан, баъзилари эса шойи байроқлар билан безатилганди. Мана шу шойи байроқларга сон-саноксиз кумуш қўнғироқчалар осилган бўлиб, енгил шабадада ҳам ўз-ўзидан жараглаб, атрофини ёқимли музика овозига тўлдирарди. Инглиз тахти ворисининг лордларига мансуб бўлган кемалар янада ажойиб безатилган: уларнинг бортларида турли герблар чизилган гулдор қалқонлар осиб қўйилган. Ҳар бир қироллик кемасига битта кичкина кемача уланган. Бу кемаларда эшкакчилардан ташқари шлем ва совутлари ярқираб турган солдатлар, музикачилар ҳам бор эди.

Бош дарвозаларда ўтказилиши кутилаётган бу катта тантананинг авангарди — ойболта тутган солдатлар отряди кўринди.

«Ойболталилар йўл-йўл-қўнғир рангли қора шим, кумушдан қилинган атиргул қадалган бахмал телпак, тўқ-қизил ва ҳаво ранг мовутдан тикилган, кўкрагига учта зар пат шаҳзоданинг герби қадалган камзул кийган эдилар; ойболталарининг дастаси қизил бахмалга ўралган бўлиб, тилла суви юритилган миҳчалар қоқилган, попуклари ҳам тилладан эди. Улар сарой дарвозасидан сувга қадар зинапояларда икки четда икки сафга тизилишди. Ана шу икки саф орасидаги зинапояларга шаҳзоданинг хизматкорлари қип-қизил тусдаги бир матони—гилам бўлса керак—пояндоз қилиб ёзишди. Пояндоз ёзилиши билан саройдан трубаларнинг овози янгради, қайиқлардаги музикачилар унга жўр бўлишди, тантанага бошчилик қиладиган икки киши чўқмор тутиб, секин, улуғвор қадам ташлаб, виқор билан сарой дарвозасидан чиқишди. Улар орқасидан ҳасса тутган офицер, унинг орқасидан қўлида қилич тутган бошқа бир офицер, унинг орқасидан шаҳар соқчиларининг бир неча сержанти байрам либосида чиқишди; кейин

Тасма орденига мансуб мантия кийиб, устидан совут таққан герольдмейстер¹, ундан кейин қўлқоплари оқ гулли тўрдан бўлган Ҳаммом орденининг бир неча рицари, орқаларидан уларнинг яроғбардорлари; кейин қизил мантия ва телпак кийган судьялар; кейин жияклар оқ сувсар мўйнасидан тикилган, олди очиқ тўқ қизил мантия кийган Англиянинг лорджанцлери, ундан кейин тўқ-қизил плашларда шаҳар гильдиясининг депутатлари ва ниҳоят ясан-тусан билан граждандар жамиятларининг бошлиқлари чиқиб келишди. Буларнинг орқасидан кўкрагига тилла тасмалар тортилган оқ шойи камзул, астари нофармон шойидан бўлган қизил бахмал калта плаш, тиззага тушиб турадиган тўқ-қизил рангли кенг шим кийган ўн икки француз амалдори чиқди. Булар француз элчихонасининг вакиллари эдилар. Улардан кейин ҳеч қанақа безаксиз қора бахмал кийинган испан элчисининг ўн икки вакили дарвозадан чиқди. Уларнинг орқасидан эса ўз аъёнлари билан бир неча англиз арбоблар чиқишди».

Саройда трубалар янгради ва дарвозада шаҳзоданинг тоғаси бўлажак буюк герцог Сомерсетский кўринди. У «қора кимхоб камзул ва кумушдан тўр қилиб, орасига тилладан гул тикилган майин атлас плаш кийган эди». У орқасига ўгирилди-да, уқпарли телпагини баланд кўтарди, қаддини эгиб таъзим қилиб, орқаси билан юриб шу тарзда таъзим қила-қила зинапоялардан туша бошлади.

Шунда фанфарларнинг товуши ва «жаноб олийларига, қудратли шаҳзода Эдуардга, англиз тахтининг ворисига йўл беринглар!» деган ҳайқириқ янгради.

Сарой деворлари тепасидан бир йўла отилган мушаклар осмонда қизил тилларини чиқарди; момақалдироқ бўлгандек гумбурлаган овоз эшитилди, дарёдаги халойиқ шаҳзодани табриклар ҳайқирди ва бу тантананинг сабабчиси ва қаҳрамони Том Кенти бошини шоҳона силжитиб, айвонда намоён бўлди.

Унинг эғнида «Кўкракпеш қизил кимхобдан бўлган, олмос кукун сепилган, атрофига сувсар мўйнаси ҳошия қилинган ажойиб оқ атлас камзул бор эди. Унинг устидан зар кимхобдан тикилган плаш кийган

¹ Герольдмейстер — феодаллар рўяхатини тузувчи, уларнинг герби, фахрий унвони ва насл-насабини текшириш ишлари билан шуғулланувчи шахс.

эди. Астари ҳаво ранг атласдан бўлган бу плашда уч пат тасвиридан иборат герб кашта қилинган, гавҳар ва бошқа қиммат баҳо тошлар қадалган тўқаси брильянтдан эди. Бўйнига Тасма ордени осилган, кўкрагида кўпгина чет эл орденлари бор эди», унга нур тушганида, кўп сонли қиммат баҳо тошлар кўзларни қамаштириб ярқирарди. О! Том Кенти! Тор кулбада туғилган, Лондоннинг бадбўй ариқларида чўмилиб ўсган, жулдур кийимлар, қашшоқлик ва ирқитлик ошмаси бўлган бола энди қанақа тантанали томошага сабабчи бўлиб турибди-я!

Х Б О Б


ШАҲЗОДАНИНГ МУСИБАТЛАРИ

Биз Жон Кенти чинакам қонуний шаҳзодани Чиқиндилар Ҳовлисига судраб кетаётган пайтда қолдирган эдик. Қаланғи-қасанғи одамлар эса шовқин-сурон билан, янги эрмакдан завқланишиб, Кентининг жетидан эргашиб боришарди. Бечора болани фақат бир кишигина ҳимоя қилди, аммо унга ҳеч ким қулоқ солмади, унинг гапини ҳеч ким эшитолмасди ҳам, чунки қий-чув шовқин баланд эди. Шаҳзода бўйнидан тутган кишининг бераҳм — золимлигидан ғазабланиб, типирчилар, аммо унинг қўлидан қутулолмасди. Жон Кенти ниҳоят охирги сабр-тоқатини йўқотиб, жаҳл билан шаҳзодага қўлидаги калтакни ўхталди. Шу пайт боланинг бирдан-бир ҳимоячиси югуриб келиб калтакни ушламоқчи бўлган эди, калтак зарб билан унинг қўлига тегди.

— Нега сен тумшуғингни тикяпсан?— деб бақирди Жон Кенти.— Мана сенга, керак бўлса!

Бечора ҳимоячининг қоқ бошига калтак тушди, инграган овоз чиқди ва қора кийинган гавда одамларнинг оёғи остида йиқилди. Бир минутдан кейин ўлган одамнинг жасади қоронғида ёлғиз қолди, бекорчи томошабинлар тўдаси бу ҳодисага парво қилмай, Кен-





тига эргашиб кетаверди, бировнинг ўлими уларнинг завқ-шавқига халақит бермади.

Қўп ўтмай, шаҳзода Жон Кентининг турар жойига етди. Ташқари эшик бегоналардан бекитиб олинди. Шиншанинг озгига ўрнатилган шамнинг хира ёруғида шаҳзода ифлос кулбани ва унда яшайдиган кишиларни зўрға кўролди. Бурчакда, девор тагида шафқатсизларча муомалаларга кўникиб қолган, ҳайвонлардек ирkit икки қиз ва ўрта яшар аёл полда букчайиб ўтиришган эди; улар титрашиб ҳозир дўппослаш бошланганини сезиб турарди. Саксовулдек озгин, сочлари оппоқ, тўзиган, кўзларида ғазаб чақнаган ялмоғиз кампир уйнинг нариги бурчагидан судралиб келди.

— Йўқол, халақит берма!— деди унга Жон Кенти.— Ғалати ҳангома бўлиб турибди. Ҳозирча тўйгунингча томоша қил, кейин истаганингча дўппосларсан. Қани, бу ёққа кел-чи, азизим! Ҳалиги аҳмоқона гапларингни унутмаган бўлсанг яна бир такрорла-чи. Отинг нима? Кимсан?

Бу сўзлар шаҳзодага алам қилди, чеккалари қизариб кетиб, Жонга дарғазаб тикилди.

— Уятсиз!— деди у.— Мендан гапиришни талаб қилишга ҳақинг йўқ. Яна такрор айтаман сенга: мен Эдуардман, инглиз тахтининг ворисиман, тушундингми?

Шум кампир бу сўзлардан шунчалик ҳайрон бўлиб қолдики, оёқлари полга қоқилгандай бир жойда қотди, нафас олишини ҳам тўхтатди. Кампирнинг шаҳзодага бунақа бақрайиши унинг ваҳший ўғлининг кулгисини қистатди, у хохолаб кулиб юборди.

Том Кентининг онаси ва опаларига шаҳзоданинг гаплари бутунлай бошқача таъсир қилди: бир минутгина бундан муқаддам улар отаси бахтсиз болани дўппослайди деб ўйлаган эдилар, бу ваҳима бошқаси би-

лан алмашинди. Алам ва даҳшат билан улар шаҳзоданинг олдига югуриб келишди-да:

— Оҳ, бечора Том, бечора бола!— деб юборишди.

Она шаҳзоданинг олдига бориб тиз чўкиб, қўлини унинг елкасига қўйди ва кўз ёшлари орасидан ҳаяжон билан унинг кўзларига боқди.

— Бечора болагинам!— деди у.— Сенинг бемаъни китобларинг охири яхшилик келтирмади, ақлдан оздирибди сени. Нега бунча берилиб ўқидинг, а? Неча марта айтгандим сенга! Энди доғингда юрагим тилка-пора бўлади-ку!

Шаҳзода унинг кўзларига дадил қараб, иззат-иқром билан деди:

— Ўғлинг соғ-саломат, ақлдан озгани йўқ, меҳрибон аёл! Тинчлан! Ҳозир у саройда, мени саройга юбортир, у ерда менинг отам бўлган қирол уни сенинг олдинга тез юбортиради.

— Отанг — қирол?! О, болагинам! Бу гапни бошқа айта кўрма, қариндошларингни балога қўйма, бу гап учун ўлдиришади-ку! Бўлмағур уйқудан кўзингни оч! Эсинг оғибди, эсингни йиғ, болам. Менга бир қара, сени туққан меҳрибон онанг мен эмасманми?

Шаҳзода бошини тебратиб, истар-истамас деди:

— Худо шоҳид, хафа бўлсанг ҳам айтай, мен сени биринчи марта кўришим.

Аёл яна полга ўтириб дарди-ҳасрат билан ҳўнграб йиғлади.

— Хўш, ҳангомани давом эттираверинглар!— дея бақирди Кенти.— Э Нэн, Бэт! Нодонлар! Нега шаҳзоданинг ҳузурида тик турибсизлар? Гадойваччалар, унга таъзим қилиб, тиз чўкмайсизларми?— у яна масхара-лаб хохолаб кулди.

Қизлар қўрқа-қўрқа укаларини ҳимоя қилишди.

— Уни ухлашга жўнат, ота!— деди Нэн.— Ухлаб турса, дам олиб, эси жойига келади. Ётишга буюр.

— Ҳа, уни қўй, ётсин,— деди Бэт.— Кўрмаяпсанми, бугун жудаям чарчабди. Ухлашга қўйсанг, эртага бе-малол хайр сўраб, уйга қуруқ қайтиб келмайди.

Бу сўзлар отага унутганини эслатди, қувноқлиги бир зумдаёқ йўқолди. Рўзғор ташвишига тушди. Шаҳзодага қайрилиб, дарғазаб қичқирди:

— Эртага бу катакнинг эгасига икки пенс тўлашимиз керак! Ярим йилга икки пенс... анчагина... Тўла-



масак, кўчага ҳайдаб юборишади. Қани, бугун қанча пул топганингни кўрсат-чи! Сен ялқовга садақа сўраш ҳам малол келади!

Шаҳзода деди:

— Тубан гаплар билан мени ҳақоратлама! Сенга яна такрор айтаман: мен — қиролнинг ўғлиман.

Гурсиллаган овоз эшитилди — Жон Кенти қадоқ қўли билан қулочкашлаб туриб, шаҳзоданинг елкасига мушт туширди. Томнинг онаси ушлаб қолмаганида шаҳзода ер парчин бўларди; она болани бағрига босиб, ўзини қалқон қилиб мушт ва тегики зарбидан уни ҳимоя қилди. Жон-пони чиққан қизчалар бурчакка тикилишди, кампир эса жон-жаҳди билан ўғлига ёрдамга ташланди. Шаҳзода мисолсиз Кентининг қўлидан чиқиб, қичқирди:

— Мен учун сиз таёқ емаслигингиз керак, хоним! Қўяверинг, бу чўчқалар мени эрмак қилаверсинлар.

Бу сўзни эшитиб, «чўчқалар» шу қадар дарғазаб бўлишдики, дам ўтмай яна шаҳзодага ташланишди, уни беаёв дўппослашди, унга раҳмдиллик қилганлари учун қизлар билан уларнинг онасини ҳам ўлардек уришди.

— Энди ҳаммаларингиз ухланг! — деди Кенти. — Бу маш-маша жонимга тегди!

Шамни ўчиришди, оила уйқуга ётди. Жон билан кампир хуррак ота бошлаган пайтда қизлар шаҳзода ётган жойга боришди-да, совуқ емаслиги учун уни сомон ва латта-путталар билан ўраб қўйишди. Юраги эзилган бечора она кейин яширинча унинг сочларини силади, юпатиб, қулоғига алланималар деди. Она унга бир оз овқат олиб қўйганди, аммо таёқ зўридан боланинг иштаҳаси йўқолган, қолаверса қотган қора нон бўлақларини егиси ҳам келмас эди. Шаҳзодага аёл тортган жафолар ва унинг дадиллиги қаттиқ таъсир қилди, унга миннатдорчилик билдирди, бориб ухлашни ва бу қайғуни унутишини маслаҳат берди. Кейин яна қирол отаси унинг бу яхшилигини, раҳмдиллигини мукофотсиз қолдирмаслигини айтди. «Жинчилик»нинг яна қайталангани бечора онанинг юрагини баттарроқ эзди, у болани қайта-қайта бағрига босиб, йиғлай-йиғлай жойига бориб ётди.

Она ётиб йиғларкан, рўй берган бу воқеа ҳақида хаёл сурди, бу бола соғми, жинними, ишқилиб, унда ўз ўғли Том Кентида бўлмаган, бошқаларда учрамайдиган

аллақандай, деярли сезилмайдиган бир белги борлигини ҳис этди. Шубҳа туғилганини у айтолмасди, аммо оналик ҳис-туйғуси бу боланинг бегоналигини сездирган эди. Борди-ю, у ростдан ҳам ўз ўғли бўлмаса-чи? О, бемаънилик! Бу фикр хаёлига келгач, қайғу-алами қанчалик зўр бўлмасин, салгина жилмайиб қўйди. Тез орада у бу фикр хаёлдан ҳеч кетмаётганига ҳайрон бўлди. У ташвишлана бошлади; аёл бу фикрни бошидан чиқариб ташлашга ожизлик қилаётган эди. Ниҳоят у болани яхшилаб синаб кўриб, тўла ишонч ҳосил қилмагунча шубҳа уни руҳан қийнашини тушунди. Ҳа, ростдан ҳам бу ваҳимали шубҳадан қутулишнинг энг яхши усули эди, шу сабабли у нима қилиб синаш ҳақида ўйлай бошлади; аммо қанчалик ақл югуртирмасин, тўла ишонч ҳосил қилдирадиган бирор нарса эсига келавермади, хаёлига келган тадбирлари фойдасиз бўлиб туюлаверди. Миямни беҳудага қотирыпман, бу фикрдан бутунлай воз кечишим жерак, деб ўйлади у шунда. Ана шу хулосага келган заҳотиёқ боланинг бир текис, эркин нафас олаётгани қулоғига кирди: бола ухлаб қолган эди. Она унинг нафас олишига қулоқ бериб турди. Тўсатдан шаҳзода секингина қичқирди, афтидан у ваҳимали туш кўраётган эди. Бу воқеа онага янги фикрни эслатди. У апил-тапил товуш чиқармай, шамни ёқа бошлади. Ичида:

«Шу минутда уни кўролганимда бутун ҳақиқатни билган бўлардим. Гўдак чоғида, кўзи олдида порох портлаганидан буён кўзини жафтининг ичкарисси билан эмас, тескарисси билан бекитадиган бўлиб қолганди, бошқа ҳеч бир бола бунақа қилмасди. Уйқу маҳалида Томни кўрқитилса ёки у чуқур ўйга ботган маҳалда ҳамма вақт бу одатини такрорларди. Мен юз марталаб кўрганман, ҳамма вақт бир хилда ўша одатини қиларди. Мана энди билиб оламан, билиб оламан»,— деб ўйлади она.

Қўлида шам билан секингина ухлаб ётган болага энгашди, ҳаяжонидан зўрға нафас олиб, шамни унинг кўзига яқин тутди, ёруғликни тўсаётган қўлини олиб қўйди-да, унинг қулоғи остида, полни бармоғи билан қаттиқ дукурлатди. Ухлаб ётган бола кўзларини катта очди, атрофига аланглаб қаради, аммо Том қилладиган қилиқни қилмади.

Бечора она таажжуб ва қайғудан ҳушидан кетиши-

га сал қолди, аммо ўз ташвишини яшириб, болани юпатди, бола яна уйқуга кетди: шундан кейин аёл ўз тажрибасининг қўрқинчли натижаси ҳақида ўйлай-ўйлай унинг ёнидан кетди. Ақлдан озгани туфайли болам ўз одатини унутган бўлса керак, деб ўзини юпатмоқчи бўлди, аммо жўнгли тинчланавермади.

«Йўқ,— деб ўйлади у,— қўллари ақлдан озган эмаску, ахир! Эски одатининг дарров йўқолиши мумкин эмас. Оҳ, бу кун менга қанчалик оғир бўлди!»

Унинг қалбида шубҳа билан ишонч бетўхтов алмашина бошлади, бир фикрга келишга қийналди; биринчи тажрибаси туфайли ҳосил қилган хулосаси уни тинчлантиролмасди. «Яна бир синаб жўришим керак, балки бу тасодифдир»— деб ўйлади. У иккинчи ва учинчи марта болани тўсатдан уйғотиб кўрди, аммо бола Том қиладиган қилиқни қилмади. Шундан кейин она ўз тўшагига алам билан зўрға судралиб бориб, уйқуга бош қўйди.

«Барибир ундан воз кечолмайман! Йўқ, воз кечолмайман, кечолмайман! Бу менинг болам бўлмаслиги мумкин эмас».

Бечора она шаҳзодани тинч қўйгач, алами аста-секин босилиб, ҳордиқ устун келди-да, қаттиқ уйқуга кетди. Соатлар ўтди, бола ҳамон қотиб ухлаб ётарди. Шу тарзда орадан тўрт ёки беш соат ўтди. Уйқу аралаш қимирлаб, минғирлади:

— Сэр Вильям!

Бир минутдан кейин яна минғирлади:

— Сэр Вильям!

Яна гапира бошлади:

— Сэр Вильям Герберт, бу ёққа кел, ғалати туш кўрдим, эшит... Ҳеч қачон бунақа туш кўрмагандим. Сэр Вильям, эшитяпсанми? Тушимда мени алмаштирган эмишлар, гадо бўлиб қолганмишман... Эй, келсангчи! Соқчилар! Сэр Вильям! Узи нима гап, ҳатто навбатчи хизматкор ҳам йўқми? Тўхтаб туринглар ҳали, кўргиликларингизни кўрсатаман!..

— Нима бўлди сенга?— деди пичирлаб кимдир.— Кимни чақиряпсан?

— Сэр Вильям Гербертни чақиряпман. Сен кимсан?

— Менми?.. Опанг Нэнман, ким бўлардим? Том, эсимдан чиқарибман... Ҳали ҳам ўзингга келмадингми? Бечора! Сени жинни ҳолингга кўргандан кўра, уйқудан

сира уйғонмаганим яхшироқ эди. Аммо сендан илтимос, тилингни тий, бўлмаса сен туфайли ҳаммамиз яна калтак еймиз.

Таажжубланган шаҳзода ўрнидан турган эди, таёқ оғриғи уни ўзига келтирди, яна инграб, ифлос похол устига йиқилди.

— Ия, демак туш эмас экан-да!—дея хитоб қилди у.

Қаттиқ уйқуга кетган маҳалда унутилган ваҳима ва хафагарчиликлари яна уни қийнай бошлади: у энди ўзини халқ зўр муҳаббат билан қарайдиган қиролнинг севимли ўғли эмаслигини, гадо, хўрланган, латталарга ўралган тутқун эканлигини, йиртқичлар инига ўхшаган хароб кулда ётганини, ўғрилар ва гадойлар орасидалигини эслади.

Қайғули ўйларга ғарқ бўлиб турган шу маҳалида қўшни хоналардан қаттиқ чинқириқлар эшитилди. Бир минутдан кейин эшикни қаттиқ тиқиллатишди. Жон Кенти хуррак отишини тўхтатиб:

— Ким тиқиллатяпти? Нима керак?— деб сўради.

Кимдир жавоб қайтарди:

— Кеча кимни уриб ўлдирганингни биласанми?

— Билмайман, билишни ҳам истамайман.

— Бир оздан кейин ҳолинг бошқачароқ бўлади. Қутулиб қолишни истасанг, думингни тугиб қоч! У ўляпти, поимиз Эндрью ота экан.

— Парвардигор, ўзинг раҳм қил!— деб қичқирди Кенти. У бутун оиласини уйғотиб, бўғиқ овоз билан буюрди:— Тезроқ туринглар, қочинглар, бўлмаса ҳалок бўласизлар!

Беш минутдан кейин Кентининг оиласи ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун кўчада қочиб кетаётган эди. Жон Кенти шаҳзодани қўлидан ушлаб, тор қоронғи кўчада судраб борар, унинг қулоғига шивирларди:

— Ақлдан озган тентак, номимизни айта кўрма. Полициячи итларни чалғитиш учун ўзимга янги ном қўяман. Гапим қулоғингда турсин, тилингни калта қил!

У бошқаларга қараб деди:

— Агар бир-биримизни йўқотиб қўйсак, ҳар ким Лондон кўпригига борсин, энг четдаги мовутфуруш дўкони ёнида бошқаларни кутиб турсин. Кейин ҳаммамиз Саутворкка жўнаймиз.

Шу пайтда Кентининг оиласи кутилмаганда қоронғиликдан Темза соҳилидаги ойдин, гавжум майдонга

чиқиб қолди. Одамлар ашула айтишар, рақсга тушиб, бақирришарди; қирғоқнинг юқорисидан қуйисигача қатор гулханлар ёниб турарди. Лондон кўприги ҳам, Саутворк кўприги ҳам яхши ёритилган эди. Темзанинг ҳамма ёғи хилма-хил чироқлар билан жилваланар, ҳар дақиқада осмонда мушаклар ёрилар, кўзни қамаштирувчи нур ёмғири тунни деярли кундузга айлантириб, ҳар ёққа сачрар, бутун Лондон кўчага чиққандек эди.

Жон Кенти дарғазаб сўкиниб, аламини тарқатди ва ҳамроҳларига дарров орқага, қоронғи кўчага қайтишни буюрди, аммо кечиккан эди. Унинг оила аъзолари бир-биридан ажралган, одамлар юқими орасида эди: Шаҳзода бу оилага бегона бўлса ҳам Жон Кенти унинг қўлини қўйиб юбормасди. Бола қутулишни умид қилиб, қувониб кетди. Одамларнинг орасидан суқилиб, ўтиш учун Кенти қаттиқ маст бир дўкондорни туртган эди. у қадоқ қўли билан уни елкасидан ушлаб олди-да, деди:

— Қаёққа шошиляпсан, биродар? Ҳамма хурсандчилик қилиб турган, жаноб олийларининг ҳамма фуқароси байрам қилаётганда сенга нима ташвиш бор?

— Бировнинг ишига тумшуғингни тикма!— деди Кенти қўполлик билан. — Торт қўлингни, йўл бер.

— Йўқ, биродар, агар шунақа бўладиган бўлса, шаҳзоданинг соғлиғига ичмагунингча сени қўйиб юбормаймиз. Эшитяпсанми, қўйиб юбормаймиз!— деди дўкондор, унинг йўлини бутунлай тўсиб.

— Коса беринглар, тезроқ, тезроқ беринглар!

Шу маҳалда буларга бошқалар ҳам қизиқиб қарай бошлади.

— Севги косаси! Севги косаси!— деб қичқиришди улар.— Бу сўтакни севги косасини шимиришга мажбур қилинглар, ичмаса уни балиқларга ем қиламиз.

¹ Севги косаси ва у билан боғлиқ бўлган урф-одат Англия тарихидан ҳам қадимроқ даврдан буён давом этиб келади. Уни инглизлар Даниядан қабул қилганлар, деган тахмин бор. Қанчалик узоқ асрларга назар ташламанг, бирорта ҳам инглиз базми шу севги косасисиз ўтказилмаганини кўрасиз. Ривоятларнинг бирида бу маросим шундай тушунтирилади: урф-одатлар қўпол ва шафқатсиз бўлган қадим замонларда оқилона эҳтиёткорлик шуни талаб қилган эканки, севги косасидан ичиб, базм қуриб турган икки шахснинг иккала қўли ҳам банд бўлиши керак экан, чунки бундай пайтларда бири иккинчисига пичоқ уриш хавфи бўлган (автор изоҳи).

Улкан севги косасини келтиришди. Дўкондор косанинг бир дастасидан ушлаб, қадимги одатга кўра, иккинчи қўли билан салфетка ушлади. Жон Кенти эса бу қадимги одатга риоя қилиб, бир қўли билан косанинг иккинчи дастасини тутди. У иккинчи қўли билан косанинг қопқоғини очиши лозим эди. Шундай қилиб, бир зум шаҳзоданинг қўлини қўйвориб туриши керак эди. Шаҳзода ана шу фурсатдан фойдаланиб, одамларнинг оёғи остидан қочди, бир минутдан кейин тиқилинч сон-саноқсиз одамлар орасидан уни топиш Атлантик океанига ташланган тангани топиш билан барабар эди.

Шаҳзода буни билгач, Жон Кенти ҳақида бош қотирмай, ўз ташвиши билан овора бўлди. Шаҳар унинг ўрнига бошқа бировнинг шарафига — ўзини шаҳзода деб эълон қилган сохта шаҳзода шарафига байрам қилаётганини тушунди.

Кичкина гадо, Том Кенти ўзининг фавқулодда ҳолатидан фойдаланиб, ҳокимиятини виждонсизлик билан қўлга киритибди, деган фикрга келди у.

Шаҳзода энди Ратуша¹ йўлини топиб, у ерга бориши, сохта шаҳзодани фош этиши керак эди. Шаҳзода шу онда Томни худога тавба қилдириш учун бир неча кун сақлаб, кейин исканжага солиб, қаттиқ қийнаб, осиб ўлдириш лозим деган қарорга келди. Ўша пайтлардаги қонунга кўра, давлатга хиёнат қилишда айбланганларга шунақа жазо бериларди.

XI БОБ

РАТУШАДА

Қиролнинг кемаси ажойиб флотилия кузатган ҳолда Темза бўйлаб яхши ёритилган кемалар орасида тангана билан сузиб борарди. Ҳамма ёқда музика янграр, дарё қирғоқларида байрам машъаллари кўзларни қамаштирар, шаҳар сон-саноқсиз гулханлар, алангаси ичида ажойиб кўринар, гумбаз, минора ва томлар тепасига ўрнатилган найзалар аланга мавжида қиммат баҳо тошлар билан безатилган узун найзаларга ўхшаб ялтирарди. Флотилияни йўлақай қирғоқдаги оломон-

¹ Ратуша — шаҳар бошқармаси жойлашган бино.

халойиқ қичқириқлар билан ва бирин-кетин замбараклардан ўқ узиб табриклашарди.

Шойи ёстиқлар орасида ўтирган Том Кентига бу товушлар ҳамда томоша мисли кўрилмаган улуғворлик, ажойибот бўлиб кўринарди. Аммо унинг ёнидаги ҳамроҳларига — қиролича Елизавета ва қиролича Жэн Грейга ҳеч қанақа таъсир қилмаётган эди.

Даугэйтда флотилия Баклерсбери томон бурилди, Уолбрукнинг тишиқ сувида сузиб, (бу дарёнинг ўзани тупроқ билан тўлганига ва қатор бинолар тагида қолиб кетганига икки аср бўлди) яхши ёритилган уйлар ёнидан ва кўприклардан ўтиб, қадимий Лондоннинг марказий қисмида, ҳозир Барж Ярд ўрнидаги ҳавзада тўхтади. Том беҳад кўркам кийинган мулозимлари билан қирғоққа чиқди, Чипсайдни кесиб ўтиб, Эски Жури сари озгина юриб, Бэзингхолл кўчасидан ратушага борди.

Томни ва қироличаларни байрам мантиялари кийишган, елкаларига олтин занжирлар осган шаҳарнинг лорд-мэри ва оқсоқоллари катта тантана билан кутиб олдилар. Уларни катта залдан олиб ўтиб, серҳашам тахтиравон турган қирол столига олиб бордилар. Жарчилар олдинда уларнинг ташриф буюрганини маълум қилишди, ҳасса ва қиличлар кўтарган амалдорлар уларнинг ортидан юрдилар. Томга ва қироличаларга хизмат қиладиган лордлар креслоларнинг орқасида турдилар.

Қуйироқдаги бошқа стол атрофида амалдорлар ва бошқа аслзода меҳмонлар шаҳар оқсоқоллари билан ўтиришди. Залнинг ўрта қисмидаги кўп-столларда жамоа палатасининг аъзолари ўтиришди. Шаҳарнинг қадимий соқчилари — яжуж-мажужнинг улкан ҳайкаллари ўзлари одатланиб қолган бу воқеага баландликдан, пьедесталлар устидан бепарво қараб туришарди: улар кўп авлодни кўрган эдилар. Трубалар янгради, жарчилар зиёфат бошланганидан хабар бердилар, чап девор тагидаги баланд тахта супада семиз бош сарой сғаси кўринди, унинг орқасидан мулозимлар тантанали равишда ҳўкизнинг ярмини, буғланиб турган, пичоққа мунтазир чинакам қироллар таомини кўтариб келишди.

Дуодан кейин Том (ун илгаритдан огоҳлантириб қўйишган эди) ўрндан турди (унинг ортидан бошқа-

лар ҳам ўринларидан туришди) ва улкан олтин «севги косаси»дан шимирди, кейин уни қиролича Елизаветага берди, у ичиб, қиролича Жэнга узатди. Шу тарзда коса бутун зални айланиб чиқди. Шундай қилиб, зиёфат бошланди.

Ярим кечаси, зиёфат айни қизиган чоғда зиёфатдагиларга ажойиб бир томошани, аждодларимиз завқланган томошани кўрсатишди. Бу томошанинг таърифни уни кўрган тарихчининг тавсифида баён қиламиз:

«Ўртадан нарсаларни олиб, жой ҳозирлашди, кейин граф ва барон келди, улар турк одатига кўра, шойи кимхобдан қилинган узун яхтак кийган эдилар; бошларида печи олтин сочиқлик майин бахмал салла, ҳар бирининг энлик олтин камарига иккитадан эгилма қилич осилган. Уларнинг орқасидан яна граф билан барон чиқди, булар сариқ атласдан тикилган узун кафтан кийганлар. Кафтанлар оқ йўл-йўл гулли бўлиб, ҳар оқ йўл ўртасида қизил атласдан тасма тикилган, рус одатига кўра, кул ранг мўйна телпак ва учи қайрилма этик кийган, ҳар бирининг қўлида болтача бор эди. Улардан кейин аллақандай рицарь, унинг орқасидан лорд-адмирал ва бош дворян келди, дворянлар майин бахмал камзулда бўлиб, орқа этаги узун, олдинги этаги эса кўкракда; кўкракларида кумуш занжирлар ярқирар; камзуллар устидан майин атлас калта плаш кийишган, бошларида тустовуқ пати қадалган телпак бўлиб, раққосларнинг бош кийимига ўхшарди — булар прусс одатига кўра кийинган эдилар. Булардан кейин юзга яқин машъал кўтарган кишилар келишди, улар арабларга ўхшаб қизил ва яшил атлас кийган эдилар; юзлари қора эди. Кейин ниқоб кийиб олган ниқобпўшлар келишди. Уларнинг орқасидан сайёр музикачилар рақс тушиб, томоша беришди, улардан кейин келган лордлар ва хонимлар ҳам шундай завқ билан ўйинга тушдиларки, киши томоша қилиб асло тўймасди».

Том ўз тахтиравонидан туриб бу «завқли» ўйинни томоша қиларкан, ўйинчиларнинг ранг-баранг, кўз қамаштирадиган кийимда гирдикапалак бўлиб айланишидан кўз узоқмай турган бир пайтда, пастда жулдур кийинган, аммо инглиз тахтининг чинакам вориси бўлган бола ратуша дарвозасида баланд овоз билан ўз ҳуқуқини талаб этар, ўз дардидан шикоят қилар, сохта

шаҳзодани фош этиш учун ичкарига киритишни сўрар эди. Унинг бу сўзлари бекорчи томошабинлар тўдасини кулдирадди. Ҳамма бўйнини чўзиб, кичкина исёнкорни кўриш учун олдинга интиларди, кейин бекорчилар унинг жаҳлини баттарроқ чиқариш учун ҳазиллашиб, мазах қила бошладилар. Ҳақоратланган, таҳқирланган ҳолда у ҳамон ўз айтганида турар, қиролларга хос баландпарвоз гаплар билан бошқаларга дўқ қиларди. ҳазил-мазахлар тўхтайвермади, янгидан-янги хўрлашлар уни жингиртоб қилиб юборгач, ниҳоят чидолмай қичқирди:

— Жоҳил кўппаклар тўдаси! Сизларга айтяпманки, мен — шаҳзодаман! Гарчи ёлғиз бўлсам ҳам, дўстларимдан ажралиб қолган, яхши сўз айтадиган бирор кимса, оғир кулфатда ёрдам берадиган ҳеч кимим йўқ бўлса ҳамки, ўз ҳуқуқимни бировга бериб ўтирмайман, уни талаб қиламан!

— Шаҳзодамисан, шаҳзода эмасмисан, барибир: аммо ботир бола экансан, ҳозирдан эътиборан дўстим йўқ, деб зинҳор шикоят қилма! Мана, қараб тур, мен ёнингда туриб, ҳалиги гапларинг нотўғрилигини исботлайман. Қасам ичаманки, Майлс Гендон сен истаган дўстингдан асло кам эмас. Азизим, тилиннга дам бер, мен бу ярамас каламушлар билан ҳозир уларнинг ўз тилида гаплашаман.

Бу гапларни гапирган киши новча, келишган, мускулли йигит эди. Кийими, ҳаракати ва ҳатто ташқи қиёфаси билан у Дон Цезарь де Базанга ўхшарди. Унинг камзули ва шими қиммат баҳо материалдан, аммо ранги ўчиб кетган, йиртилган, зар уқалари эса ялтирашини йўқотган эди; кўйлагининг ёқасидаги тўр бежамадор бурма ҳошиялар эзилган, титилган, шляпасининг кенг соябонлари эгилиб пати синган, кир ва умуманғижимланиб кетган бўлиб, кийиб юришга арзимайдиган даражага келган эди; нотаниш кишининг белида занглаб кетган темир қинли узун қилч тебраниб турарди. Йигитнинг серғайрат жуссаси унинг чаққон жангчилигини сездириб турарди. Бу ажойиб жангчининг гаплари мазах ва қаҳ-қаҳа билан кутиб олинди. «Мана, ниқобли шаҳзодалардан яна бири!»—«Биродар,

1 Қашшоқлашиб қолган испан дворяни, йўлтўсарлар, тўдасининг бошлиғи, қувноқ, олижаноб рицарь (Виктор Гюгонинг «Рюи Близ» асари).

тилингни тий, ундан балога қоласан!» — «У, кўзларидан қўрқасан киши» — «Болани ол унинг қўлидан, ит-ваччани сувга итариб юбор!» — деган хитоблар эшитилди.

Бу гапга кимдир дарров талтайиб кетиб, шаҳзоданинг ёқасидан тутди, аммо бегона йигит эпчиллик билан қиличини қинидан чиқарди-да, бир зарб билан уни ерга чалқанча йиқитди. Буни кўриб ўнлаб кишилар: «Бу итни ўлдириш керак! Ур уни! Ур!» — деб бақаришди. Одамлар унга ташланишди; у эса деворга қапишиб, узун қиличини ўқталиб, ўзига ташланганларни ерга йиқитаверди. Чапу ўнгда одамлар бирин-кетин йиқилаётганига қарамай, уларни босиб, қаҳрамонга шиддат билан бостириб келаверишди. Унинг бир неча минутлик умри қолганди, ўлгани муқаррар эди, шу маҳалда тўсатдан карнай овози янгради, кимнингдир баланд товуши эшитилди:

— Қиролнинг чопарига йўл беринглар!

Отлиқ отряд тўғри одамлар тўдаси устига бостириб келаверди. Ҳар ким ҳар ёққа қочди, ботир нотаниш йигит эса, шаҳзоданинг қўлидан тутиб, тезда тўдадан узоқлашди ва хатардан қутулиб қолди.

Энди ратушага қайтайлик. Байрам қилаётганларнинг шовқин-суронини залда тўсатдан бурғунинг тиниқ овози босди. Бир зумлик тинчлик бошланди, жимжитликни фақат бир овоз — саройдан юборилган хабарчининг овози бузди. Ҳамма гур-р этиб ўрнидан туриб, диққат билан қулоқ сола бошлади.

Хабарчининг гапи тантанали хитоб билан тугади:

— Қирол вафот этди!

Команда берилгандек, ҳамма бирдан бошини эгди, бир неча дақиқа жимжитлик чўкди, кейин ҳамма Томнинг қаршисида тиз чўкди, унга қўл чўзишиб, бутун зални ларзага келтириб, қичқаришди:

— Яшасин қирол!

Бечора Том кишини гангитувчи бу томошадан ҳайрон бўлиб, нима қилишини билмай, атрофга бир-бир назар ташлади, олдида тиз чўкиб турган маликаларга, кейин эса лорд Гертфордга тикилди. Унинг бир қатъий қарорга келгани қиёфасидан кўриниб турарди. У лорд Гертфордга эгилиб, қулоғига шивирлади:

— Виждон ва инсоф билан ростини айт! Қиролдан бошқа киши беролмайдиган буйруқ берсам, шу буйруқ-

ни бажаришадими? Ҳеч ким қаршилик қилмайдими, ҳеч ким «йўқ» демайдими?

— Ҳеч ким, подшоҳим, бутун қиролликда ҳеч ким «йўқ» дея олмайди. Энди сен Англиянинг ҳукмдорисан. Сен қирол бўлдинг, сенинг ироданг — қонун.

Шунда Том қатъий оҳангда, завқланиб, руҳланиб деди:

— Бугундан эътиборан қиролнинг иродаси қон тўкишдан эмас, раҳмдилликдан иборат бўлсин. Тур ўрингдан ва тезроқ Тауэрга бор! Қиролнинг иродасини маълум қил: герцог Норфолькский қатл этилмасин!

Бу сўзлар бир зумдаёқ оғиздан-оғизга ўтиб, бутун залга маълум бўлди. Гертфорд залдан чиқиб улгурмаган ҳам эдики, кучли хитоб ратуша деворларини ларзага келтирди:

— Золим подшолик тугади! Яшасин Англия қироли Эдуард!

XII б о б

ШАҲЗОДА ВА УНИНГ ХАЛОСКОРИ

Майлс Гендон билан кичкина шаҳзода оломондан қутулгач, турли баланд-пастдан, ташландиқ жойлардан ва жинкўчалардан дарё томонга қараб юрдилар. Улар товуш чиқармай, тез юриб Лондон кўпригига чиқишлари билан яна катта оломонга дуч келдилар. Гендон шаҳзодани, тўғриси қиролни қўлидан маҳкам ушлаб олди, халқни тўлқинлантирган бу янгилик бир зумда бутун шаҳарга тарқалган, бола минглаб кишилардан «Қирол вафот этди!»— деган хабарни эшитган эди. Бу шум хабар бахтсиз, бошпанасиз етимчанинг қалбини музлатди, бутун баданини титроқ босди. Отадан ажралиш қанчалик катта жудолик эканлигини ҳис этиб, қаттиқ қайғурди, бу золим ҳукмдор ҳаммани қўрқувдан титратса ҳам, ҳамма вақт унга меҳрибон эди, ҳамма вақт уни севарди, эркаларди. Боланинг кўзлари ёшланди, атрофида бутун борлиқ туман орасида кўринаётгандек бўлди. Ана шу дақиқада у ўзини дунёдаги энг унутилган, энг хўрланган ва кимсасиз ҳис қилди. Аммо шу пайтда бошқа бир чақириқ тун пардасини ёриб, момақалдироқ товушидек гулдураб эшитилди:

— Яшасин қирол Эдуард Олтинчи!

Бу хитоб шаҳзоданинг кўзларини чақнатди, бошдан-оёқ фахрланиб кетди у.

«Эҳ, қандай ажойиб, қандай ғалатики, мен қиролман!» — деб ўйлади у.

Иккала дўстимиз ҳам кўприкнинг устидаги гавжум оломон орасидан қийналиб-қийналиб зўрға ўтишди. Бу кўприк шаҳарнинг энг сайлгоҳ жойи ҳисобланарди: у олти юз йилдан бери энг гавжум ва серқатнов жой бўлиб қолганди, йўлнинг иккала томони бўйлаб, бир қирғоқдан то иккинчи қирғоқчага омборлар, юқори қаватида одамлар яшайдиган уйлар ҳамда дўконлар саф тортганди. Кўприк мустақил шаҳарчага ўхшарди: бу ерда ошхоналар, пивохоналар, нонвойхоналар, турли кичик дўконлар, озиқ-овқат бозорлари, ҳунармандчилик устахоналари, ҳатто черков ҳам бор эди. Бир-бирига қўшилиб турган икки қўшни шаҳарни — Лондон билан Саутворкни бу ерда шаҳарнинг четлари деб ҳисоблаш мумкин эди, кўприкда яшовчилар уларга шундай муносабатда бўлардилар ҳам. Лондон кўпригида яшовчилар бир уюшмани ташкил этарди; уларнинг шаҳарчаси тор, узунлиги бор-йўғи бир милиянинг бешдан бири бўлган кўчадангина иборат эди. Бу ерда, қишлоқлардаги сингари, ҳар киши ҳамма сирдан огоҳ бўлиб турар, қўни-қўшниларининг авлод-аждодларини, оилавий сирларини биларди. Ҳамма жойда бўлгандек, кўприкнинг аристократияси — авлод-аждодлари билан иззатли қассоблар, нонвойлар ва бошқа бир дўконда беш юз-олти юз йилдан бери савдо қилиб келаётган, кўприкнинг ва ундаги ишларнинг ипидан-игнасигача биладиган оилалар бор эди; булар ўзларига мос «кўприк тилида гапиришар, «кўприк»часига фикр юритишар, оғизларига тўғри келган гап билан аврашар, фақат шу ердагиларгагина хос бўлган усулда кишиларни алдаб, аҳмоқ қилишарди. Кўприк аҳолиси жоҳил, калтафаҳм, такаббур эди. Бошқача бўлишлари мумкин ҳам эмасди; болалари кўприк устида туғилиб, кўприкда ўсишар, қаригунча кўприкда яшаб, шу ерда вафот этишар, дунёга келиб, шу ердан бошқа жойни кўрмай ўлиб кетишарди. Бу одамларнинг тасаввурида оламнинг лаззати кўприкдан кун-тун доимий ўтиб турадиган намойишкорона юришлардан, қичқириқ, шовқин; суронлардан, отлар кишнашидан, қўй ва сигирларнинг

маърашидан, узоқ-узоқлардан Эшитилган момақалди-роқ товушига ўхшовчи оёғу туёқларнинг дукур-дукурдангина иборат эди. Кўприкда яшайдиганлар ўзларини мулкдорлар ҳисоблашарди. Уша пайтларда қирол ёки бирор қаҳрамон она Ватанига эсон-омон қайтаётгани шарафига тантанали намоиш уюштирганда, кўприк аҳолиси томошабинлардан маълум даражада ҳақ олиб, кўчадан саф тортиб ўтаётганларни томоша қилдиришарди, узундан-узоқ саф тортган колонналарни тузук-роқ томоша қиладиган бошқа жой Лондонда йўқ эди.

Кўприкда туғилиб ўсган бу одамлар бошқа жойларда ҳаёт чидаб бўлмайдиган даражада зерикарли ва бемаъни деб ҳисоблашарди. Айтишларича, аллақандай бир чол етмиш бир ёшга кирганида кўприкдан кетиб, умримнинг охириги кунларини осойиштароқ ўтказай деб бир қишлоққа борган экан-да, у ерда тўшакда нуқул тўлғанавериб, ухлай олмаган экан, ҳаддан ташқари жимжитлик уни ваҳимага солган, қўрқитган экан. Қийналиб-қийналиб, у яна ўз юртига кўприкка ориқлаб, бир ҳолатда қайтган экан-да, дарёнинг шилдираб оқиши, оёқ товушлари, шовқин-сурон, умуман Лондон кўпригининг ғов-ғуви уни аллалаб, ширин уйқуга кетган экан.

Биз тасвир қилгётган ўша пайтларда бу кўприк ўз фарзандларига Англия тарихидан «дарс» ҳам бериб тураркан, кўприк дарвозалари устида машҳур кишиларнинг темир таёқларга суқиб қўйилган бошлари кўкариб, сасиб ётаркан... Биз мавзудан четга чиқиб кетдик, воқеага қайтайлик.

Гендон кўприк устидаги ошхонадан бир хонани ижарага олган эди. У ўз ҳамроҳи билан эшикка яқинлашганда, бировнинг дағал овози эшитилди:

— Ахир келдингми! Энди қочиб қутулолмайсан, билиб қўй! Суякларингни шунақаям талқон қилайки, кечикиш қанақа бўлишини билиб оласан... Биласанми, қанча кутдирдинг?!

Жон Кенти болани ушлаш учун қўлини чўзди.

Майлс Гендон унинг йўлини тўсди:

— Ҳовлиқаверма, биродар! Менинг билишимча, беҳуда сўқиняпсан. Нима ишнинг бор бу болада?

— Бировнинг ишига тумшуғингни тикқинг келаётган бўлса, билиб қўй, у менинг ўғлим бўлади!

— Ёлғон!— деб қичқирди ёш қирол дангал.



— Роса бопладинг, ишонаман сенга, азамат, ақл-ху-
шинг жойидами, йўқми, барибир ишонаман. У отангми
ёки йўқми, мендан ажралгинг келмаётган бўлса, бу
ярамаснинг қўлида қийналишингга йўл қўймайман.

— Шундай, тўғри... Билмайман уни, бу ярамас одамни
танайман, у билан кетишдан кўра, ўлганим яхшироқ.

— Бўлди, етарли, бошқа гапнинг ҳожати йўқ.

— Ҳожати бор-йўқлигини ҳали кўрамиз!— дея қич-
қирди Жон Кенти, бола сари юриб, Гендонни четга ита-
риб.— Мен унинг кўзини очиб...

— Бир тегиб кўр-чи, икки оёқли ҳайвон, қилич би-
лан биқинингдан дарча очиб қўяй!— деди Гендон унинг

йўлини тўсиб ва қўлига қиличини олди. Кенти орқага тисарилди.— Қулоғингга қуйиб ол,— деди унга яна Гендон,— сенга ўхшаган бир тўда ярамас уни ўртага олганда, мен ҳимоя қилдим, уни ўлдириб қўйишларига сал қолганди. Бошига бир қузғун қўнмоқчи бўлганда, энди ташлаб кетармидим? Отасимсан, отаси эмасмисан, ҳар ҳолда гапинг ёлғонлиги кўриниб турибди, бу бола сен ҳайвон билан бирга яшагандан кўра ўлганим яхши, деяпти. Шунинг учун тезроқ даф бўл, бемаънилар билан гаплашишга тобим йўқ, сабрим ҳам чидамайди.

Жон Кенти дўқ қилиб, сўкина-сўкина одамлар орасида ғойиб бўлди. Гендон эса овқатни келтиришгандир деб ўйлаб, ҳамроҳи билан учинчи қаватга кўтарилди. Хона фақирона жиҳозланган бўлиб, эски каравот, синган, титилган жиҳозлар кўзга ташланиб турар, икки шам хона ичини хира ёритарди. Очлик ва йўл машаққатидан тинкаси қуриган кичкина қирол каравотга зўрға чиқиб, ётиб олди. У кун бўйи ва кечаси анча маҳалгача оёқда юрган, дам ололмаган, ҳозир соат иккидан ошган бўлса ҳам ҳалигача оч-наҳор эди. Уни уйқу босаркан, ҳорғин говуш билан:

— Дастурхон ёзганларида уйғотарсан,— деди-ю, тезда ухлаб қолди.

Гендон жилмайиб, ўз-ўзига деди:

«Бу кичкина гадо бировнинг квартирасида, бировнинг каравотида худди ўзиникидек ётиб қолди, худди ўз уйидек, «руҳсат этинг», «марҳамат қилиб, ижозат этинг» ёки шунга ўхшаш бирор сўз демади-я. Эс-ҳуши жойида эмаслигидан ўзини инглиз тахтининг вориси ҳисоблаб юрибди, қилиқлари шаҳзодадек. Бола фақир, бечора етимча! Шубҳасиз, у билан йиртқичлардек шафқатсизларча муомала қилганлари учун ақлидан озган бу! Майли унга мен дўст бўламан, уни сақлаб қолдим, унга ўрганиб ҳам қолдим; бу шарттаки мағрур болани яхши кўриб қолдим. Ярамаслар тўдаси билан довюракларча, чинакам солдатдек олишди! Қайғу-ғамларини унутиб, ухлаб ётганида қандай ёқимли, чиройли, паристали! Энди ўзим ўқитаман, даволайман; унга ака бўламан, ғамгузарлик қиламан. Уни ранжитиб, хафа қилмоқчи бўлганлар ўзларига кафан бичтираверсинлар, зарур бўлиб қолса, бу болани ҳимоя қилиб, ўтга ҳам кираман!».

Ў шаҳзодага эгилди, унга раҳми келиб, меҳрибонлик

билаи тикилди, юзларини силади, пешонасига тушган қўнғир сочларини қадоқ қўллари билан орқасига қайтарди. Бола беихтиёр билинар-билинмас сесканди.

«Буни қара,— деди пичирлаб Гендон, устига бирор нарса ташламабман-а. Шамоллаб қолиши ҳеч гап эмас! Нима қилсам экан? Кўтариб, кўрпанинг орасига ётқизсам, уйғониб кетади, ухлаб, яхшироқ дам олиши керак».

Гендон боланинг устига ёпиш учун бирор нарса топилмасмикин, деб хонага кўз югуртириб чиқди, бироқ ҳеч нарса кўринмади. У камзулини ечиб, шаҳзодани ўраб қўйди.

«Мен аёзга ҳам, юпқа кийимга ҳам ўрганиб қолганман,— деб ўйлади у.— Совуқ ҳам, намгарчилик ҳам менга қор қилмайди».

У ўзига-ўзи гапириб сал усиниб олиш учун хонанинг у ёғидан-бу ёғига юра бошлади:

«Бу бечора бола ақлдан озиб, ўзини шаҳзода ҳисоблаб юрибди. Бу ерда, менинг ёнимда Англия тахтининг вориси бўлиши ғалати бўлурди, чинакам шаҳзода аллақачон қирол бўлиб қолди... Бечоранинг мияси зарарланган-да, бу хаёл миясига қаттиқ ўрнашиб қолган, шаҳзодаликдан воз кечиш, қироллик ҳақида бош қотирмаслик кераклигини хаёлига ҳам келтиролмайди... Ётти йилдан бери бегона юртларда дайдиб юрибман, уйимдан нима гаплар борлигини билмайман, агар отам тирик бўлса, бу бахтсиз болага менинг ҳурматим учун бошпана беради, акам Артур буни ўз тарбиясига олиши мумкин. Укам Гью эса... ярамас, айёр тулки, бу ишга аралашса, бошини узиб ташлайман! Ҳа, биз уйга жўнаймиз, иложи борица тезроқ бориш керак».

Хизмагкор буғланиб турган овқат олиб кириб, қарагай стол устига қўйди, стулларни суриб, бунақа арзон баҳо ижорадорлар ўзларига ўзлари хизмат қилаверадилар, деб ўйлаб чиқиб кетди. Қаттиқ ёпилган эшикнинг тақиллагани болани уйғотди; у сакраб ўрнидан турди-да, атрофига хурсанд назар ташлаб, каравотга ўтириб олди; аммо бирдан юзида ҳасрат ифодаланди, чуқур хўрсиниб, пичирлаб тўнғиллади:

— Аттанг, туш кўрган эканман-да! Шўрим қурсин, шўрим!..

Шунда у устига Майлс Гендоннинг камзули ёпилганини сизди, Гендоннинг ўзи совқотиб, уни иситганини фаҳмлаб, жилмайиб деди:



— Менга меҳрибонсан!
Ҳа, жуда ҳам меҳрибонсан!
Ол, камзулингни ўзинг кийиб ол, энди керак эмас, бўлди.

Шундан кейин у ўрндан қўзғалиб, уй бурчагида турган умивальник ёнига келди-да, бир зум кутиб турди.

Гендон қувноқлик билан деди:

— Ажойиб кечки овқат буюрдим! Маза қилиб овқатланиб оламиз: Иссиқ ва мазали. Кўп қайғурма, уйқу билан яхши овқат сени яна аслинга келтиради!

Бола ҳеч нарса демади, новча рицарга ажабланиб, ҳатто хўрлиги келиб, жиддий тикилиб тураверди.

Гендон унинг бу ҳолатидан ҳайрон бўлиб, сўради:

— Нима керак сенга?

— Муҳтарам сэр, мен ювинмоқчи эдим...

— Фақат шуми? Майлс Гендондан рухсат олмай туриб, истаганингни бемалол қилаверишинг мумкин бу ерда. Ўз уйингдек ҳис қилавер, тортинма.

Аммо бола қараб тураверди, ҳатто оёқчалари билан икки марта ер тепинди. Гендон жуда таажжубланди.

— Ўзи нима гап, марҳамат қилиб, гапир-чи?

— Марҳамат қилиб, қўлимга сув қуй, кўп гапирма!

Гендоннинг қаҳ-қаҳ ургиси келди-ю, аммо ўзини тутиб, ичида ўзига: «Муқаддас авлиёларга қасам ичманки, бу менга ёқади!»— деди ва беандиша меҳмонининг илтимосини бажаришга— унга хизмат қилишга шошилди. Қўлини ювиб бўлгандан кейин, яна нима қилишим керак экан, дея ҳайрон бўлиб қотиб турганди, янги буйруқ уни ҳаракатга келтирди:

— Сочиқ!

Майлс боланинг деярли бурни тагида қозикда осилиб турган сочиқни олиб, ҳеч нарса демай, унга тутди.

Шундан кейин ўзи ювина бошладн, унинг асранди ўгли эса столга ўтириб, овқатланишга ҳозирланди. Гендон тезгина ювиниб, стулни суриб, ўтирмоқчи бўлган эди, тўсатдан бола таажжубланиб қичқирди:

— Тўхта! Сен қирол ҳузурида ўтирмоқчи бўляпсанми?

Бу буйруқ Гендоннинг таъбини хира қилди.

«Бечора!— деб пичирлади у.— Жиннилиги борган сари авжига чиқяпти; тушунарли, давлатда юз берган катта воқеадан кейин, энди ўзини қирол ҳисоблайпти! Нима ҳам қилардинг, майли, бошқа илож йўқ, у мени Тауэрга қамашга буюрмасин тағин». Шундай деб ҳазиллашган ҳолича, у ўз стулини орқага тортди, ўзи қиролнинг орқасида тик турди-да, билганича сарой хизматкорига тақлид қилиб хизмат қилиб турди.

Овқатлана туриб, боланинг қиролларга хос қаҳри бир оз сусайди, сал қорни тўйгач, гаплашгиси келди:

— Сен ҳали отим Майлс Гендон деб айтдинг шекилли, шунақами?

— Ҳа, тақсир,— деди Майлс ва ичида бу сўзларга қўшиб қўйди: «Бу бечора боланинг тентаклиги инobatга олинса, унга ё подшоҳим, ё жаноб олийлари деб мурожаат қилишга тўғри келади, бошқа илож борми, эҳтиёт бўлиб муомала қилмасам бўлмас, акс ҳолда уни ранжитиб қўйиб, унга меҳр-шафқат, олижаноблик қилмаган, бир бечора болага яхшилик қилолмаган бўламан».

Иккинчи стакан винони ичиб тугатгач, қирол жуда қизишди ва деди:

— Мен сени яхшироқ билиб олгим келяпти. Бошдан кечирганларингни гапириб бер! Довюраксан, кўринишинг олижаноб. Дворянмисан?

— Мен унчалик бой аслзодалар авлодидан эмасман, жаноб олийлари. Отам майда барон, дворянлардан чиққан, номи сэр Ричард Гендон, Кентдаги Монксгоlm яқинидаги Гендон қўрғонидан.

— Бу фамилияни эслай олмаяпман. Майли, гапиравер, бошдан кечирганларингни ҳикоя қил!

— Ҳикоям қисқа, жаноб олийлари, гапирсам гапира қолай, сизни ярим соатга овулар. Отам, сэр Ричард олижаноб ва бадавлат одам. Мен болалигимда онам вафот этган. Биз уч оға-инимиз. Артур акам қалби, юриштиришлари отамнинг худди ўзи; укам — Гью эса паст-

каш, ҳасадли, бeбурд, ярамас, фирибгар, жуда разил йигит. Болалигида ҳам шунақа эди, охири марта уни кўрганимда, ўн йил муқаддам, яъни ўн тўққиз ёшида ҳам етук аблаҳ эди, мен ўшанда йигирмада эдим, Артур йигирма иккида эди. Уйда, бизлардан ташқари, жияним Эдит хоним ҳам яшарди, ўша пайтда у ўн олти ёшда, чиройли, самимий, соддадил қиз эди; графнинг кенжа қизи бўлиб, катта мол-мулкка меросхўр эди, графлик титулини сақлаб қолган, отам уни ўз тарбиясига олган эди. Мен уни яхши кўриб қолгандим, у ҳам мени севади. Аммо болалигида у Артурга унаштириб қўйилган эди, сэр Ричард бу аҳд-паймон бузилишини пайқаса, тоқат қилолмасди. Артур эса бошқа бировни севиб юрар, бизларга умидсизликка тушмасликни маслаҳат берар, вақт ва тақдир иккаламизни ҳам мамнун қилажagini уқдирарди. Гью эса Эдит хонимнинг мол-мулкни кўзлар, ўзини қизни севиб қолганга солиб юрарди. Унинг нияти ҳамма вақт шунақа: тилида бир нарса, дилида бошқа нарса бўларди. Аммо унинг бу маккорлиги фойда бермади: Эдитни барибир ўзига ром қилолмади, фақат отамнигина алдай олиши мумкин эди. Отам уни ҳаммамиздан ҳам яхши кўрар, унга жуда ишонарди. Гью кенжа ўғил эди, бошқалар ёмон кўришидан фойдаланиб, отамнинг раҳмини келтирарди. Тилёғламаликни жудаям ўрнига қўяр, ёлғончиликка жуда уста эди, бу сифати билан у отамнинг соддадиллигидан фойдаланиб, уни алдарди. Мен тентак эдим, ростини айтганда, фирт тентак эдим, тентаклигим беғуноҳ бўлиб, ҳеч кимга зарар келтирмади-ю, ўзимга зиён етказди. Мен ҳеч кимни шарманда қилганим йўқ, ҳеч кимни хонавайрон қилмадим, жиноят қилиб ўзимга иснод келтирган эмасман, аблаҳлик қилганим йўқ, умуман авлодимга иснод келтирадиган ҳеч иш қилган эмасман.

Укам Гью менинг ҳаракатларимдан фойдаланди. Артурнинг соғлиғи ёмонлигини, мени узоқлаштириб, акамнинг ўлимидан манфаатдор бўлиб қолишга интилди... Умуман, гап кўп, ҳимматли подшоҳим, айтиб ўтиришга арзимаиди, қисқасини айтганда, менинг айрим камчиликларимни катта қилиб кўрсатди, жиноят даражасига кўтарди ва ўз аблаҳлигини ниҳоясига етказиб, менинг хонамга ўзи ипак нарвон ташлаб, уни отамга кўрсатди. Сотқин хизматкорлар ва бошқа ёлғончи гувоҳлар ёрдами билан мен гўё Эдитни олиб қочиб, отамнинг иро-

дасига қарши ҳолда, гўё унга уйланиш ниятида эканлигимни разилона исботлади.

Отам мени уч йил бадарға қилишга қарор қилди. «Англиядан ва оиладан уч йил олисда бўлишинг,— деди у менга,— сенинг балки одам ва жангчи бўлишингга ёрдам берар, сенга ҳаётни ҳам ўргатар». Бу йилларда мен бегона ўлкаларда жангларда қатнашдим, кўп муҳтожликларни бошдан кечирдим, тақдирнинг аччиқ-чучукларини кўп кўрдим, кўп воқеаларни бошдан кечириб, сўнгги жангда асир тушдим, бегона мамлакатнинг турмасида роса етти йил ётдим. Эпчиллигим ва мардлигим туфайли турмадан қочиб, яқинда бу ёққа келдим. Тузукроқ кийимим ҳам йўқ, пулим ҳам; етти йилдан бери Гендон қўрғонида нима гаплар бўлганидан, ким бору ким йўқлигидан хабарсизман. Мана энди, тақсир, бошимдан нималар кечгани бир оз маълум бўлгандир сизга!

— Шармандаларча ёлғон гапнинг қурбони бўлган экансан,— деди кичкина қирол унга, кўзларини чақна-тиб.— Аммо мен ҳуқуқингни тиклаб бераман, муқаддас санам номига қасам ичаман! Билиб қўйки, сенга қирол ваъда беряпти!

Майлсинг бошдан кечирган жабру-жафоларидан таъсирланган қирол гапга тушиб кетди, у ҳам ўз бошдан кечирганларини ҳикоя қилиб, тингловчисини беҳад ҳайратда қолдирди.

У ҳикоясини тугатгач, Майлс ичида ўзига-ўзи деди:

«Бу боланинг тасавури бунча бой! Катта талант эгаси у, шундай бўлмаганда, соғми, жинними, осмондан олинган бу эртакни чиндан ҳам рўй бергандек қилиб, ажойиб ҳикоя қилиб беролмасди. Ақлдан озган бечора бола! Мен тирик эканман, у ёлғиз эмас, бошпанасиз ҳам қолмайди. Енимдан бир қадам узоқлашгани қўймайман уни; у менга эрмак, кичкина ўртоқ. Даволаймиз уни, эси жойига келади, шуҳрат қозонади, унинг номи бутун мамлакатга машҳур бўлиб қолади, мен: «Уни топиб олганман, у уйсиз, бошпанасиз жулдуз кийимли эди, ўша пайтлардаёқ унинг қудратини пайқаган эдим, ҳамма унинг тўғрисида кўп нарсаларни билиб олишни сезгандим. Қаранг унга, мен ҳақ бўлиб чиқдимми, йўқми?»— дея фахрланаман.

Шунда қирол чуқур мулоҳазага берилиб, салмоқли говушда деди:

— Сен мени шармандалик ва хўрликдан қутқардинг,

ҳаётимни, бинобарин тожи-тахтимни ҳам сақлаб қолдинг. Бунақа хизмат катта мукофот талаб қилади. Айтчи, нима талабинг бор, қирол сифатида мен сенинг ҳар қанақа талабингни бажо келтираман.


Бу фантастик таклиф Гендонни ҳаёл олаmidан уйғотди. У қиролга ташаккур билдириб, ўз бурчинигина бажарганлигини, ҳеч қанақа мукофотнинг ҳожати йўқлигини айтиб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлган эди, миясига ажойиб бир фикр келди-да, бу таклиф ҳақида бир неча минут ўйлашга рухсат сўради. Қирол беш силкиб, улуғворлик билан рухсат этди, бунақа катта аҳамиятга эга бўлган ишларда шошилиш керак эмаслигини айтди.

Майлс бир неча минут ўйлаб, ўзига ўзи деди:

«Ҳа, ана шу марҳаматни тилаш керак ундан. Акс ҳолда, унга эришиб ҳам бўлмайди, бир соат ўтган вақт тажрибаси шуни кўрсатадики, гап-сўзни кўпайтириб ўтиргандан кўра, марҳамат тилай қолай, яхши ҳам бу қулай фурсатдан воз кечмаган эканман».

У тиз чўкиб, муддаосини баён қилди:

— Мен қилган арзимас хизмат ҳар қандай содиқ фуқаронгиз кўрсатадиган хизматдан ортиқ эмас, шунинг учун ҳам уни диққатга сазовор ҳисоблаб бўлмас. Агар сиз, жаноб олийлари, уни тақдирлашни лозим топар экансиз, сиздан шундай илтимосим бор. Жаноб олийларига маълумдирки, тўрт юз йил муқаддам Англия қироли Жон билан француз қироли ўртасидаги низо пайтида ҳар иккала томондан биттадан жангчини ўртага чиқариб, жанжални худонинг хоҳиши билан ҳал қилмоқчи бўлишган. Иккала қирол, яна Испания қироли ҳам яккама-якка олишув бўладиган жойга борганлар; француз жангчиси ўртага чиққач, дарғазаб ва девкорлиги билан инглиз рицарларини чўчитиб юборган, у билан олишишга ҳеч бир рақиб журъат қилолмаган. Шундай қилиб, бу муҳим жанжал французлар фойдасига ҳал қилинадиган бўлган. Шу пайтларда Тауэрда лорд де Курси — Англиянинг энг кучли жангчиси бутун молмулкидан, обрўсидан маҳрум қилинган ҳолда кўпдан бери қамоқда ётган экан. Унга мурожаат қилишган; у рози бўлиб, яккама-якка жангга бошдан-оёқ шайланиб келган. Француз жангчиси унинг улкан гавдасини кўриб, шонли номини эшитиши билан майдондан қочган. Шундай қилиб, французлар қироли ютқизган. Қирол Жон де



Курсига унинг мансаби ва мол-мулкини қайтариб бериб: «Нима истасанг, сўра; агар қироллигимнинг ярмига тенг бўлса ҳамки, истаганингни бажараман»,— деган. Ушанда де Курси худди менга ўхшаб, тиз чўкиб: «Тақсир, агар шундай бўладиган бўлса, менга ва менинг авлодимга, токи қироллик ҳокимияти мавжуд бўлар экан, Англия қироллари олдида бош кийимини олмасдан ўтиришга рухсат эт»,— деган экан. Унинг илтимоси инобатга олингани сиз жаноб олийга ҳам маълумдир, тўрт юз йилдан буён де Курсининг авлоди қирол ҳузурида шляпасини ёки шлемини ечмай туради¹, бошқа ҳеч ким бунақа имтиёзга эга эмас. Ана шу қадимий воқеага тақлид қилиб, қиролдан фақат бир нарсанигина сўрайманки, шунинг ўзи менга катта мукофот. Бу илтимос шундан иборат: менга ва менинг авлодларимга инглиз қироли ҳузурида ҳамма вақт ўтиравериш имтиёзи берилса.

— Тур ўрнингдан, сэр Майлс Гендон, мен сени рицарь қилиб оламан,— деди тантанали вазиятда қирол, Майлсининг елкасига унинг қиличи билан ура туриб,— туриб ўтир. Илтимосинг инобатга олинади. Англия мав-

¹ Де Курси авлоди бўлмиш лорд Кингсэллар ҳозиргача шу имтиёздан фойдаланадилар (автор изоҳи).

жуд бўларкан, қирол ҳокимияти мавжуд бўларкан, сен бу фахрли имтиёзга эга бўлиб қоласан.

Жаноб олийлари хаёл суриб четга томон юрди, Гендон эса стол ёнидаги стулга ўтириб, ичида деди:

«Калламга хўп яхши фикр келган экан-да, бу фикр менга иш берди, «оёқларимда дармон қолмаган эди. Бу жинни болага ақл кирмагунча бир неча ҳафтагача унинг ҳузурида нуқул тикка туришга тўғри келарди.— Яна бир оздан кейин гапини давом эттирди: шундай қилиб, уйқу ва рўялар подшолигининг рицари бўлиб қолдим! Хаёл суришга одатланмаган мендек одам учун бу ғалати ва ажойиб унвон. Яна кулиб юбормай тагин, худо сақласин! Мен учун йўқ бўлган бу нарса унинг халёлида мавжуд. Унинг бу гаплари бир жиҳатдан менга ҳам маъқул: бу — унинг қалби қанчалик меҳрибон ва олижаноблигини кўрсатади.— Бир оз ўйга ботиб, яна деди:— Борса-ю бошқаларнинг олдида ҳам мени шу унвон билан чақира бошласа, нима бўлади? Рицарлик унвоним билан устимдаги кийимларим одамларга роса кулги бўлади-ку! Майли, барибир менга кўнглига нима маъқул бўлса, шу унвон билан чақираверсин. Хафа бўлмайман ундан...»

ХIII б о б

ШАҲЗОДАНИНГ ҒОЙИБ БУЛИШИ

Овқатдан кейин иккала ўртоқни ҳам мудроқ босди.

Қирол:

— Бу латта-путталарни олиб қўй!— деди (ўз кийимларини кўзда тутиб).

Гендон ҳеч нарса демай, уни ечинтирди ва каравотга ётқизиб қўйди, кейин хонанинг ичига кўз югуртириб, хўрсинди: «Яна менинг каравотимга ётиб олди-ку. Жин урсин! Мен қаерда ётаман!»

Кичкина қирол уйқу аралаш гапириб, ўйлаб турган Гендонни ўз бурчинини адо этишга ундади.

— Сен эшик ёнида ётиб, қоровуллик қил,— деди у.

Бир минутдан кейин эса қаттиқ уйқуга кетди.

«Бечора! У асли қирол бўлиб туғилса ҳам бўларкан!— деди шавқ билан пичирлаб Гендон.— Худди қиролга ўхшаб ҳаракат қилади-я.

У мамнун ҳолда эшик тагига, полга чўзилди. «Етти

йил аҳволим бундан ҳам баттароқ бўлганди, бу ҳолимдан ношукурлик қилсам бўлмас, худонинг қаҳрини келтираман».

Тонг отишига яқин ухлаб қолиб, туш пайтида жойидан турди, қотиб ухлаётган боланинг устидан кўрпани секин кўтариб, ип билан унинг бўй-бастини ўлчади.

У ўлчаб бўлган ҳам эдики, қирол уйғониб кетди. Кўзларини очди, уйнинг ичи совуқлигидан шикоят қилиб, Майлснинг нима қилаётганини сўради.

— Мен ишимни тугатдим, тақсир, — деди Гендон. — Шаҳарда бир оз ишим бор, тез қайтаман. Яна ухлай-вер: яхшилаб дам олишинг керак. Ёт, бошингни ҳам ўраб қўяй — исийсан.

Гендон гапини тугатган маҳал қиролни яна уйқу босган эди.

Майлс оёқ учида хонадан чиқиб, ўттиз ёки қирқ минутдан кейин яна аста кириб келди — қўлида болага кийим бор эди. Костюм арзон баҳо матодан тикилган бўлиб, анча кийилган, аммо топ-тоза. Иссиқ, йилнинг шу фаслига жуда мос эди.

Майлс ўтирди ва харид қилиб келган нарсасини кўра туриб, ўзига-ўзи пичирлади:

«Ҳамён семизроқ бўлганда тузукроғини олишим мумкин эди; ҳамён қуруқ бўлгандан кейин, нарсани танлаб ўтирмайсан киши...»

Бир гўзал яшарди шаҳарчамизда.

Бизнинг шаҳарчада яшарди...

Қирол назарида қимирлаб қўйгандек бўлди; қаттиқ ашула айтиш керакмас, уйғотиб қўймай уни, ҳали кўп йўл юриши керак, бечора жуда чарчаган... Камзул ҳар ҳолда ёмон эмас, баъзи жойларини тикилса лоппа-лойиқ келади. Иштон ундан тузукроқ, аммо унинг ҳам у ер — бу ерини чатиш керак... Ботинка эса мустаҳкам, ҳали чидамли; нам ўтказмайди, оёқни иссиқ тутади. У, албатта, қишин-ёзин яланг оёқ юриб ўрганиб кетган, ҳар ҳолда тузук бўлди! Эҳ, нон ҳам ипдек арзонгина бўлса эди-я! Бир фартингга олган ипим бир йилга етади, каттагина ажойиб игнани эса текинга беришди... Аммо, жин урсин, бу игнага ип ўтказиш машаққат бўлади-да».

Ростдан ҳам игнага ип ўтказишга кўп овора бўлди. Майлс ўзига қадар ва ўзидан кейинги эркакларга ўхшаб уқувсизлик билан қўлига игна тутганди: у игнани маҳ-

кам ушлаб, ипни тўғридан-тўғри ўтказа бошлади, аёллар эса ипнинг учини химариб, игнани унга тўғрилашади. Ип игнанинг гоҳ чап, гоҳ ўнг томонидан ўтиб, букила-верди, аммо Гендон тоқатли эди, солдатлик пайтидан бунақаларга кўникиб қолганди. Ниҳоят игнага ип ўтказилди; тиззаси устидаги костюмни кўлига олиб, кўклашга киришди.

«Уй ҳақи берилган, бўлажак нонуштанинг пули ҳам тўланган. Иккита эшак сотиб олишга ва Гендон холлга-ча етиб боргунча икки-уч кунлик овқатимизга ҳам пул бор, борганимиздан кейин ишимиз жойида бўлади..»

У гўзал севарди эрини жуда...

Жин урсин, игна кўлимга кириб кетди-ку!.. Майли, бу ҳеч гап эмас, биринчи марта кўраётганим йўқ-ку... Ҳар ҳолда, яхши эмас.. Эҳ, биродар, ишонавер, сен билан маза қилиб яшаймиз ҳали! Машаққатлардан қутулсан, ақл-ҳушинг ҳам жойига келади...

У гўзал севарди эрини жуда,
Аммо унинг ўзини...

Мана бу катта қавиқ яхши бўлди.— У камзулни баланд кўтариб, завқ-шавқ билан кузатди.— Тиккандан кейин ана шунақа туядек-туядек қилиб тикиш керак-да, бунинг олдида тикувчиларнинг майда тикиви кўзга кўринмай кетади...

У гўзал севарди эрини жуда,
Аммо унинг ўзини севарди биров...

Мана, тайёр бўлди-қолди! Чакки иш қилинмади, муҳими тез тикдим. Энди уни уйғотай, кийинтирай, сўнг ювинтириб, овқатлантирай. Кейин Саутворкдаги Табард ошхонаси ёнидаги бозорга боришимиз керак».

— Уйғонинг энди, жаноб олийлари!— деди у баланд овозда.— Жавоб қайтармаяпти-ку..— Ҳей, жаноб олийлари!

«Жуда қотиб ухлар экан-ку, эшитмаяпти-я, жаноб олийларини энди кўлим билан туртиб хафа қиларканман-да. Нима гап ўзи?..»

У кўрпани кўтарган эди, қараса... бола йўқ!

Гендон ҳайрон бўлиб қолди, атрофга қараб, боланинг жулдур кийимлари ҳам жойида йўқлигини пайқади. У дарғазаб бўлиб, шовқин-сурон билан хўжайинни

чақирди. Шу пайтда ношушта кўтариб хизматкор кириб қолди.

— Сен, иблисвачча айт-чи, нима воқеа бўлди. Айт-масанг, жонингдан умидингни уз!— деб бақирди жангчи ва унинг ёнига югуриб борди, хизматкор эса таажжуб ва қўрқувдан ўзини бутунлай йўқотди. Бир дақиқа тили калимага келмай, қотиб қолди.— Бола қани?

Хизматкорни қалтироқ босди ва дудуқланиб-дудуқланиб, изоҳ берди:

— Сиз чиқиб кетишингиз билан, афандим, бир йигит югуриб келди-да, сиз, афандимнинг, Саутворк томонидаги қирғоқда, кўприкнинг охирида болани кутиб турганингизни айтди. Мен уни бу ерга бошлаб келдим, у болани уйғотди ва ҳалиги гапни унга айтди. Бола «барвақт» уйғотилганидан хафа бўлиб, бир оз тўнғиллади, аммо жулдур кийим-бошини тез кийиб, йигит билан чиқиб кетди, фақат ўзингиз келмай бегона бировни юборганингиздан ранжиди... Афтидан...

— Афтидан, аблаҳсан! Аблаҳсан, аҳмоқсан, осонгина алданавераркансан-да, уруғ-аймоғинг билан осиш керак сени! Балки ҳали ёмон ҳодиса рўй бермагандир. Балки, болани хафа қилиш ниятида эмасдирлар. Мен излаб топиб, бирга олиб келаман. Сен дастурхон ёзиб тур! Тўхта! Кўрпани атайин биров ухлаб ётгандек қилиб қўйибди-ку, тасодифми бу?

— Билмайман, марҳаматли афандим! Ўша келган йигит каравот олдида пайпасланиб турганини кўрган эдим.

— Қирилиб кеткурлар! Мени алдаш учун қилинган! Ҳа, вақт ютиш учун шундай қилишган... Менга қара! У йигит ёлғизмиди?

— Ёлғиз эди, афандим!

— Аниқ биласанми?

— Аниқ, афандим!

— Яхшироқ ўйлаб кўр-чи, шошилма, фикрингни бир жойга йиғ-чи!

Хизматкор бир оз ўйлаб кўриб, деди:

— Йигит-ку ёлғиз келган эди-я, қошида ҳеч ким йўқ эди; энди эсимга тушяпти, иккаласи кўприкнинг нариги томонига ўтганда, одам кўп бўлган жойда қароқчиларга ўхшаган биров йигит билан болага қараб югуриб келиб..

— Хўш, гапир, кейин нима бўлди? Гапир!— деди жонсарак титраб Гендон.

Кейин уларни одамлар папа қилишди, кейин кўролмай қолдим, мени хўжайин чақириб қолди, суд ходими заказ қилган қўй оёғини бериш эсимдан чиққанига мендан хафа бўлди, азиз-авлиёлар менга шоҳид, мени бу ишда айблаш — ҳали туғилмаган болани гуноҳ иш қилгани учун судлаш билан баравар...

— Йўқол кўзимдан, эшак!.. Сафсаталарингдан жинни бўлиб қоламан. Тўхта! Қаёққа қочяпсан? Бир минут бир жойда туролмайди-я! Улар Саутворкка кетишдими?

— Уша ёққа, афандим!.. Мен сизга айтсам, бу қўй оёғи масаласида мутлақо айбсизман, туғилмаган болани..

— Ҳали ҳам шу ердამисан? Ҳали ҳам сафсата сотяпсанми? Бўйнинг узилмай туриб, йўқол кўзимдан!

Хизматкор кўздан ғойиб бўлди. Гендон унинг орқасидан югурди, ундан ўзиб, зинапоянинг ҳар икки поясидан сакрай-сакрай бир зумда пастга тушиб олди.

«У қароқчи ўзини боланинг отасиман деб танитган ифлос бўлса керак... Мен сени йўқотиб қўйдим, ақлдан озган бечора ҳукмдорим! Бу қандай аччиқ кўргулик! Мен сени жигаримдек яхши кўрардим! Йўқ! Авлиёларга қасам ичаманки, мен сени йўқотганим йўқ! Йўқотган эмасман, бутун Англияни қидириб бўлса-да, топаман сени. Бечора бола! Овқати ҳам қолди.. меники ҳам.. Энди томоғимдан овқат ўтармиди. Қаламушлар есин энди у овқатни! Тезроқ, тезроқ, сусткашлик қилиб бўлмайди!

У кўприк устидаги гавжум одамлар орасидан шошилиб ўтар экан, жуда яхши кўрган сўзларидек, шу гапларни бир неча марта такрорлади:

У тўнғиллаб-тўнғиллаб чиқиб кетган... Ҳа, Майлс Гендон чақиряпти, деб ўйлаган.. Бечора бола! Мендан бошқа ҳеч кимнинг гапига кирмасди у, биламан!»

XIV боб

„LE ROI EST MORT—VIVE LE ROI“¹

Шу кун эрталаб, айни тонг маҳалида Том Кенти қаттиқ уйқудан уйғониб, қоронғиликда кўз очди. Таасуротлар ва фикрлар гирдобида қолиб, уларни англаб, эсга келтириб олиш учун бир дақиқа жим ётди. Шундан

¹ Қирол вафот этди — яшасин қирол! (франц.).

кейин қувноқ, аммо вазминлик билан тўсатдан қичқирди:

— Эсимга тушди! Тушундим! Худога шукур, бутунлай уйғондим. Кел менга, қувонч! Йўқол, ғам-қайғу! Эй Нэн, Бэт, похолларни устларингиздан қоқиб, тезроқ бу ёққа югуринглар: мен сизларга жуда ғалати, бемаъни тушимни гапириб берай, кечаси юрадиган жинларгина одамни шунақа туш кўрдиртиради! Эй, Нэн, қаёқда қолдинг? Бэт!

Унинг тўшаги ёнида кимнингдир шарпаси пайдо бўлиб:

— Нима буюрасиз?— деди.

— Буюраман?.. Шўрим қурсин, овозингдан танияпман! Айтчи.. Мен кимман?

— Сизми? Куни кеча инглиз тахтининг вориси эдингиз, бугун менинг жаноб олий ҳукмдорим, Эдуард, Англия қиролисиз.

Том бошини ёстиқ орасига олиб, қайғули нидо қилди:

— Эҳ, туш эмас экан-ку! Меҳрибон сэр, бориб дам ол...

— Мени ўз қайғум билан ёлғиз қолдир.

Том яна уйқуга кетди. Бир оздан кейин яхши туш кўрди. Ёз пайти эмиш, Гудмэнсфилдс деб аталадиган майсазорда маза қилиб ўйнаётган эмиш; тўсатдан унинг ёнига бўйи бир футдан ошмайдиган букир, узун жигар ранг соқолли митти одам келибди-да:

«Мана шу тўнканинг ёнини кавла!»— дебди.

Том унинг айтганини қилибди, ярқираб турган ўн икки пенс тилла топибди! Аммо бундан ҳам тузути ҳали олдинда эмиш. Митти одам унга яна шундай дебди:

«Мен сени биламан. Сен яхши, ақлли боласан, ҳар қанча мақтовга лойиқсан; кўрган кулфатинг етар, мукофотланадиган пайтинг келди. Ҳар ҳафтанинг еттинчи куни шу ерни кавлайвер, ҳар гал хазина топаверасан— ҳар гал ялтироқ ўн икки пенс сеники бўлаверади. Фақат бу сирни ҳеч кимга айтма».

Шундай деб, митти одам кўздан ғойиб бўлибди, Том эса ўз ўлжаси билан Чиқиндилар Ҳовлисига жўнабди.

«Энди мен ҳар куни кечқурун отамга биттадан пенс бера оламан,— деб ўйлабди у.— У бунини одамлардан садақа сўраб топган деб ўйлайди, қувонади, кейин мени урмайди. Ҳар ҳафта бир пеннини мени ўқиётган меҳри-

бои руҳонийга бераман, қолган тўрт пеннини эса онамга, Нэн ва Бэтларга бераман. Эндӣ оч ва яланғоч юрмаймиз, ваҳималар, ташвишлар, калтаклашлар, хайр энди, сизлардан қутулдим!»

Тушида бирдан ўзининг фақир кулбасига бориб қолибди, бахтиёрликдан, югурганидан энтикармиш, кўзлари ўйнармиш, онасининг этагига тўрт танга ташлаб, қичқирибди:

«Бу сенга!.. Ҳаммаси ўзингга! Мана бу сенларга Нэн, Бэт! Мен уларни ҳалоллик билан топдим, ўғирлаганим йўқ, садақа ҳам сўрамадим!»

Онаси қувониб, ҳайрон бўлиб, ўғлини бағрига босибди-да:

«Алламаҳал бўлиб қолди... жаноб олийлари турмоқчи эмасмикинлар?»— деб сўрабди.

Эҳ, у бунақа гапни кутмаганди. Туш йўқолди. Том уйғониб кетди.

У кўзларини очди. Унинг тўшаги олдида ётоқхонанинг башанг кийинган биринчи лорди тиз чўкиб турарди. Алдамчи туш туфайли ҳосил бўлган қувонч тез йўқолди: бола ўзининг ҳамон тутқун ва қироллигини кўрди. Хона мотам тутилиб, тўқ қизил мантиялар кийиб олишган сарой аҳли ва монархнинг аслзода хизматкорлари билан лиқ тўла эди. Том тўшақда ўтириб, шойи пардалар орасидан бу ажойиб манзарага қараб турарди.

Том учун машаққатли бўлган кийинтириш маросими бошланди; сарой аҳли кичкина қиролни табриклар ва оғир жудолик муносабати билан унга тазия билдириб, бирин-кетин унинг олдида тиз чўкиб туришарди. Дастлаб лорд обер-штальмейстер кўйлакни олиб, уни қирол овини бошқарувчи биринчи лордга берди, у ётоқхонанинг иккинчи лордига, у ўз навбатида Виндзор ўрмонининг бош ўрмончисига, у учинчи оберкамергерга, у Ланкастер герцоглигининг қирол ҳузуридаги канцлерига, у қирол кийимларини асровчига, у герольдмейстер Норройга, у Тауэр комендантига, у сарой хўжалигининг мудири бўлган лордга, у қиролларга салфетка боғлаб қўйиш вазифаси ота-боболаридан мерос бўлиб қолган бош салфеткачига, у адмиралтействанинг биринчи лордига, у архиепископ Кентерберийскийга, у эса ниҳоят ётоқхонанинг биринчи лордига топширди, у кўйлакни Томга кийгизиб қўйди. Бечора бола нима дейишини ҳам бил-



мади; бу унга ёнғин пайтларида челақлар қўлма-қўл бўлиб, сув берилишини эслатди.

Том киядиган ҳар бир нарса шу тарзда секин ва тантанали равишда қўлдан-қўлга ўтиб, кейин унга кий-гизиб қўйилди. Бу маросим унинг жонига шунчалик теккандики, узун ипак пайпоқ қўлдан-қўлга ўтиб кетаётган маҳалда у хурсандлигидан қичқириб юборгиси келди, чунки пайпоқ етиб келиши билан бу маросим ҳам тугарди. Аммо бу гал қувончи беҳуда бўлди. Ётоқхонанинг биринчи лорди пайпоқни олиб, Томнинг оёғига тутганда, бирдан қизариб-бўзариб кетди-да, архиепископ Кентерберийскийга тутқизиб, таажжубланиб тўнғиллади:

— Бунга бир қаранг, милорд!

Афтидан, пайпоқнинг бирор айби сезилган эди. Архиепископнинг ранги бўзариб, кейин қизарди-да, пайпоқни адмиралга қайтара туриб пичирлади:

— Бунга бир қаранг, милорд!

Адмирал пайпоқни қиролга салфетка ўрашни отасидан мерос қилиб олган салфеткачига тутқизди, у эса дарғазаб бўлиб кетиб, зўрға гапиролди:

— Бунга бир қаранг, милорд!

Шундай қилиб, пайпоқ саф бўйлаб яна қўлдан-қўлга ўтиб, орқага қайтди, бир-бир сарой хўжалиги мудирри, Тауэрнинг комендантлари, герольмейстер Норрой, қирол кийимларини асровчи, Ланкастер герцоглигининг канцлери, учинчи оберкамергер, Виндзор ўрмонининг бош ўрмончиси, ётоқхонанинг иккинчи лорди, қирол овини бошқарувчи биринчи лорднинг қўлига ўтди, ҳамма бир-бирига: «Бунга бир қаранг, милорд!» деб тўнғиллади, ниҳоят обер-шталмейстернинг қўлига ўтгач, у бўздек оқариб, сабабини билиш учун пайпоққа назар ташлади-да, тўнғиллади:

— Худоё, товба! Боғичининг тунука илмоғи ~~сизинг~~ ди-ку! Қирол пайпоқларини бош асровчиси Тауэрга қамалсин!— деди ва ҳолдан кетиб, қирол овини бошқарувчи биринчи лорднинг елкасига суянди, то бошқа пайпоқ келтирилгунча дарғазаб бўлиб гангиб турди.

Дунёда ҳамма нарсанинг ҳам эртами-кечми ниҳояси бўлади, шундай қилиб, Том Кенти ҳам тўшакдан турадиган пайт етди. Бир сарой хизматкори тоғорага сув қуйди, иккинчиси ювинишга раҳбарлик қилди, учинчиси сочиқ тутиб турди. Том ювиниш маросимидан қу-

гулгач, қирол сартароши ишга киришди. Сартарошнинг санъати Томни қизлардек чиройли ва латиф қилди. Тўқ қизил рангдаги атлас плаш ва иштон, парлик шляпа кийиб, сарой амалдорлари орасидан ўтиб, нонушта қилиш учун ошхонага йўл олди. Бунда ҳам ҳамма унга йўл бериб, тиз чўкавериб, ҳурмат изҳор этавериб, роса жонига тегди.

Нонуштадан сўнг уни тахт ўрнатилган залга олиб боришди. Бу жуда ҳам катта, тантанали маросим бўлди: уни Англиянинг энг катта амалдорлари ва қўлларига олтин ойболталар тутган эллик дворяндан иборат фахрий қоровул кузатиб борди. Тахт ўрнатилган залда у давлат ишлари билан шуғулланиши керак эди. Унинг «тоғаси» лорд Гертфорд қиролга доно маслаҳатлари билан кўмаклашиш учун тахтнинг ёнгинасига келиб ўтирди.

Томнинг ҳузурида даставвал баланд мартабали лордлар, марҳум қиролнинг васиятларини бажарувчилар; намоён бўлишди. Улар ўзларининг баъзи буйруқларини тасдиқлашни Томдан илтимос қила бошладилар. Бу қуруқ расмиятчилик бўлса ҳамки, у пайтларда лорд-протектор¹ бўлмагани сабабли шундай қилиниши лозим эди. Архиепископ Кентерберийский марҳум монархнинг дафн этиладиган кунга ҳақида кенгаш қарорини маълум қилди. Қарор охирида имзо қўйган марҳумнинг васиятини бажарувчиларнинг номларини ўқиди: архиепископ Кентерберийский; Англиянинг лорд-канцлери; Вильям лорд Сент-Жон; Жон лорд Рассел; Эдуард граф Гертфорд; Жон виконт Лисли; Катберт, епископ Дургэмский...

Том қулоқ солмаётган эди, бу ҳужжатдаги бир пункт унинг кўнглини ғаш қилганди. У лорд Гертфордга томон ўгирилди-да, ундан секингина сўради:

— Дафн этиш маросими қачонга белгиланди?

— Келгуси ойнинг ўн олтинчи кунига, жаноб олийлари!

— Бу жуда қизиқ-ку! Улик шунча турадимиз?

Бечора бола! Қироллик урф-одатларини қаёқдан билсин у. Чиқиндилар Ҳовлисида ўликлар дарровгина қабрга жўнатиларди.

¹ Лорд-протектор — ёш қирол вояга етгунча давлатни бошқариб турувчи киши.

Лорд Гертфорд икки-уч оғиз гап билан уни тинч-лантирди.

Шундан кейин статс-секретарь давлат кенгашининг кейинги куни соат ўн бирда чет эл элчиларини қабул қилиш тўғрисидаги қарорини маълум қилди. Қиролнинг розилиги зарур эди.

Том лорд Гертфордга савол назари билан қаради. У шивирлади:

— Жаноб олийлари розилик беришлари керак. Элчилар сиз жаноб олийларининг ва бугун Англиянинг бошига тушган оғир мусибат муносабати билан ўз подшоларининг таъзияларини изҳор қилиш учун келганлар.

Том розилик билдирди. Бошқа статс-секретарь марҳум қиролнинг штатига қилинган харажатлар ҳақидаги актни ўқий бошлади, сўнгги ярим йилда йигирма саккиз минг фунт стерлинг харжлангани кўрсатилган эди. Бунча миқдордаги кўп пул Томни ҳайрон қилиб қўйди. Харжланган пулдан йигирма минги ҳали тўпланмаганини билиб, янада ҳайронлиги ошди. Қиролнинг хазинаси деярли бўш, унинг минг хизматкори қийналаётганини, чунки пул йўқлигидан кўпдан бери маош олмаётганини билгач, оғзи очилиб қолди.

Том қаттиқ ишонч билан таъкидлади:

— Маълум, бу аҳволда кафангадо бўладиганга ўхшаймиз. Энди камроқ уйни банд қилишимиз керак, хизматкорларимизнинг кўпчилигидан воз кечишимиз лозим, барибир улардан фойда йўқ, бекордан-бекор оёқ остида ўралишиб юришади, ўзини ўзи эплай олмайдиган, фаҳмсиз қўғирчоқларга қарагандай арзимаган, ўзимиз ҳам қила оладиган майда-чуйда ишлар билан умрларини беҳуда ўтказишади. Биллингс-гэйтдаги балиқ бозорининг рўпарасидаги кичкина бир уйни биламан... Шу...

«Тоғаси» Томнинг қўлини қисди, унга бемаъни туюлган бу гапдан уни тўхтатмоқчи бўлди; Том бир тажанг бўлди-ю, гапи оғзида қолди; аммо ҳеч ким бундан ҳайрон бўлмади, ҳамма ўзини гўё пайқаманга солди.

Аллақандай секретарь марҳум қирол ўз васиятно-масида граф Гертфордга герцоглик титули, унинг укаси сэр Томас Сеймурга пэр унвони бериш, Гертфорднинг ўғлини граф қилиш, шунингдек қиролнинг бошқа юқори мартабали хизматкорларининг унвонларини

ошириш ҳақида васият қилганини айтди. Марҳумнинг бу васиятларини амалга ошириш, яъни бу унвон ва мансабларни тасдиқлаш учун кенгаш ўн олтинчи февралда мажлис чақиришга қарор қилди. Марҳум қирол номи зикр этилганларнинг ҳеч бирига юксақ унвонларга муносиб бўлган мулкларни ёзиб қолдирмаганлиги учун, марҳумнинг шахсий истакларини амалга оширувчи кенгаш, агар ҳозир ҳукмдорлик қилувчи монарх эътироз билдирмаса, Сеймурга «беш юз фунт-стерлинг миқдорида ер», Гертфорднинг ўғлига «саккиз юз фунт стерлинг» ва бунга қўшимча «уч юз фунт стерлинг миқдорида» «бирор епископнинг вафотидан кейин» давлат ихтиёрига ўтадиган ер участкасини инъом қилишни лозим топди.

Том олдин марҳум қиролнинг қарзларини тўлайлик, бунчалик кўп маблағни кейин сарфлармиз, деб дўқ қилмоқчи бўлган эди, эҳтиёткор Гертфорд пайқаб, унинг елкасини қоқди ва бунақа бетакаллуфлик қилишига имкон бермади, Том ичида бутунлай норози бўлса ҳамки, ноилож розилик берган бўлди.

Бирпас хаёлга ботиб, бу ажойиботларни жуда жўн ва енгил ҳал қилаётганини ўйлади, шунда тўсатдан бошига бир фикр келиб қолди: ўз онасини Чиқиндилар Ҳовлисининг герцогинаси қилиб, унга мулк инъом қилса нима бўлади? Бироқ шу он ўзи номигагина қирол эканини, ҳамма ҳокимият мана бу серсавлат кексалар ва улуғвор аъёнлар қўлида эканини, ўзининг ҳам ўшалар ихтиёридалигини эслаб, қаттиқ хафа бўлди. Буларга унинг онасининг сариқ чақачалик эътибори йўқ; агар кўнглига келган бу фикрни амалга оширмоқчи бўлса, унинг гапини эшитиб, ўзларини эшитмаганга соладилар ёки ҳузурига доктор чақиртирадилар, холос.

Жонга тегадиган кенгаш ҳамон давом этарди. Юракни зиқ қиладиган, кишининг гашини келтирадиган узундан-узоқ арзномалар, фармонлар, дипломлар ва давлат ишларига оид бошқа қоғозлар ўқилди; ниҳоят Том ғамгин хўрсиниб, ичида тўнғиллади:

— Нима қилиб худонинг ғазабига учрадим, у мени қуёш нури, очик ҳаво, дала ва майсазорлардан маҳрум қилиб, бу зиндонга тикди, мени қирол қилиб, бунча кулфатларни бошимга солди, нима гуноҳ қилган эканман-а?!

Шунда унинг чарчаган бечора боши мудраб, аста-секин қийшайиб елкасига тушди. Бировларнинг хоҳишларини қонунлаштиришга қодир бўлган олий мартабали машина тўхтаб қолгани сабабли қиролликнинг ишлари тўхтатилди. Уйқу босган боланинг атрофи жимжит бўлиб қолди, давлат арбоблари муҳокамани тўхтатдилар.

Тушки овқатдан илгарироқ Том ўз ситамгарлари Гертфорд ва Сент-Жон розилиги билан Елизавета ва Жэн Грей хонимлар ҳузурида бир соатча ширин суҳбатда бўлди, гарчи маликалар қирол оиласи бошига тушган катта мусибат туфайли азадор бўлсалар-да, ёш қирол билан очиқ чехрада суҳбатлашишга ҳаракат қилдилар. Сўнг тарихда «қонхўр Мария»¹ деб аталган «опаси» унинг ҳузурига келди. У дабдабали суҳбати билан Томнинг жонига тегди, унинг чиройли тузилган саволларига лўнда-лўнда жавоб бериб турди. Бир неча минут уни ёлғиз қолдиришди, кейин ҳузурига ўн икки ёшлардаги озғин болани киритишди. Бу бола ёқаси ва енгига оппоқ тўр тикилган кўйлак, бошдан-оёқ қора камзул, узун пайпоқ кийган эди. Унинг кийимида мотам ифодаси йўқ, фақат елкасида капалак нусха боғланган тўқ қизил рангли лента бор эди. У Томнинг ёнига бошини эгиб, тортиниб, секин юриб борди-да, яқин борганда тиз чўкди. Том бир зум унга осойишталик билан ўйчан қараб турди-да, ниҳоят сўради:

— Ўрнингдан тур, бола. Сен кимсан? Нима керак сенга?

Бола оёққа турди, у ўзини эркин тутиб, чиройли турар, аммо юзида ташвиш ва қайғу аломатлари бор эди.

— Сиз, албатта, мени яхши биласиз, милорд? Мен маҳрамингизман, сиз учун саваланадиган бола.

— Саваланадиган бола?

— Худди шундай, жаноб олийлари. Мен Гэмфри... Гэмфри Марло.

Том, васийларим бу маҳрам бола тўғрисида гапириб берсалар бўларди, деб ўйлади. Қийин аҳволда қолди. Нима қилсин? Ўзини болани танигандек қилиб кўрсатса, кейин гап-сўзда уни билмаслиги аён бўлиб қолади. Танийман демаслиги керак. Шунда уни бу қийин ҳолат-

¹ Мария Тюдор (1516—1558)— инглиз қироличаси. Унинг подшолик даврида протестантлар таъқиб остига олиниб, кўплаб қатл қилинган.

дан қутқазадиган бир фикр келди: ахир бунақа воқеалар тез-тез рўй бериб турибди-ку. Бугундан бошлаб Гертфорд билан Сент-Жон турли ишлар билан овора бўлиб, уни тез-тез ёлғиз қолдиришяпти, чунки улар марҳум қиролнинг васиятларини амалга оширувчилар кенгашининг аъзолари эдилар; бунақа қийин пайтларда ёмон аҳволда қолмаслик йўлларини энди унинг ўзи ўйлаб топиши керак. «Ажойиб фикр! Бу фикрни шу болада бир синаб кўрай... Қани, нима бўларкин»— деб ўйлади Том.

Том ўзини ўйлаётганга солиб, икки минутча пешонасини қашилаб турди-да, ниҳоят:

— Ҳа, сен эсимга тушаётганга ўхшайсан... аммо ҳали ҳам сал мазам йўқроқ,— деди.

— Афсус, бечора қиролим!— деди саваланувчи бола, қиролга самимий ачиниб, ичида эса ўйлади: унинг тўғрисидаги гаплар рост экан-да, бечоранинг ақли ҳуши ростдан ҳам жойида эмас... Э, жин урсин, бунча эсдан чиқариб қўявераман! Ахир, эси жойида эмаслигини пайқаганлигимни сездирмаслигим керак эди-ку!

— Кейинги пайтларда ҳеч нарса эсимда турмайдиган бўлиб қолди,— деди Том.— Аммо сен бунга парво қилма... Мен тузалиб кетаман; эсимдан чиққан нарсаларни, исмларни ва воқеаларни эслашим учун сал-пал ишора қилиб эслатсанг кифоя, дарров эсимга тушади. («Ҳеч қачон тушимга ҳам кирмаган» воқеаларни гапириб беради энди бу бола»). Гапир-чи, нима керак сенга?

— Арзимайдиган нарса, қиролим, рухсатингиз билан у ҳақда сизга гапириб бера қолай. Икки кун илгари эрталабки дарсда грекчадан таржима қилишда учта хато қилган эдингиз-ку... эсингизга тушдимми?..

— Ҳ-ҳа-ҳа, эсимга келяпти... («Бу ёлғон эмас, агар ростдан грекчани ўқий бошласам, учта эмас, қирқта хато қилишим турган гап»). Ҳа, эсимга тушди энди, хўш, давом эт!

— Уқитувчи бу хатонгиздан хафа бўлувди, у айтгандек, бу уқувсизлигингиз ва калтафаҳмлигингиз учун сизнинг ўрнингизга мени қаттиқ дўппослашни буюрувди...

— Сени дўппослашни?— дея қичқирди Том. У шу қадар таажжубланиб кетдики, ўз ролини ҳам эсдан чиқариб қўйди.— Нега энди менинг хатом учун сени жазолар экан?

— Оҳ, жаноб олийлари, яна эсдан чиқариб қўйяпсиз!.. Сиз ёмон дарс тайёрлаганда доим мени жазоларди-ку, ахир.

— Рост... рост... Эсимдан чиқибди. Сен дарс тайёрлашда менга ёрдам берардинг, мен хато қилиб қўйсам, сени яхши ўргатмагансан, деб сени...

— Оҳ, нималар деяпсиз, қиролим? Мен, энг тубан қулингиз, сизга дарс *ўргатишга* журъат қилармидим?!

— Бўлмаса, нега айбдор бўларкансан? Қанақа топишмоқ бу? Чиндан мен ақлдан озганманми ёки сен ақлдан озганмисан? Гапир... яхшироқ тушунтир.

— Жаноб олийлари, бу оппа-осон гап. Инглиз тахтининг ворисига қўл тегизишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ; шунинг учун шаҳзода қилган гуноҳ учун мени жазолашади. Бу тўғри, шундай бўлиши ҳам керак-да, чунки менинг вазифам шу, шу вазифам учун маош оламан¹.

Том бу бегуноҳ, мўмин болага ҳайрон бўлиб қараб турди-да, ичида ўзига-ўзи деди:

«Бу ваҳшийлик-ку! Шунақаям бўладими! Ундан кўра менинг ўрнимга бошқа бир болани яхшилаб кийинтирсалар, ювинтирсалар бўлмасмиди. Қандай савоб иш бўларди!.. Энди айтаман, қилган хатом учун ўзимни ураверсинлар, шу яхши».

У боладан сўради:

— Хўш, бечора дўстим, шундай қилиб, ўқитувчининг буйруғига кўра, сени урдиларми?

— Йўқ, тақсир, ҳамма гап шунда, бугун жазоланишим лозим эди, аммо мотам туфайли балки жазони бекор қилишар, лекин аниқ билмайман. Шунинг учун ҳузурингизга келдим, мени жазолаттирмайман, деган эдингиз, шунини эслатмоқчи эдим...

— Сени жазоламасинлар деб ўқитувчига айтишиними?

— Ҳа, эсингизда бор экан.

— Кўряпсанми, анча тузалиб келяпман. Тинчлан, хотиржам бўл, елкангга таёқ тегдирмайман.

— О, ташаккур сизга, шафқатли қиролим!— деди

¹ Яков I ва Карл II нинг болалик пайтларида савалаш учун *маҳрамлари* бор эди. Шаҳзодалар дарсни ёмон тайёрлаганларида *маҳрам* болаларни савалардилар. Шунинг учун мен муддаомга эришиш учун ўз шаҳзодамни ҳам шунақа *маҳрам* бола билан таъминлашга журъат эдим (*автор изоҳи*).

бола яна тиз чўкиб.— Балки ҳаддимдан ошиб, катта журъат қилаётгандирман, лекин ҳар ҳолда...

Гэмфрининг иккиланаётганлигини кўриб Том: «Бугун шафқатли бўлиш ниятим бор»,— деб, уни тинчландирди.

— Ундай бўлса, кўнглимда борини айта қолай. Энди сиз шаҳзода эмас, қиролсиз, энди сиз ўзингизга нима маъқул бўлса, шу ҳақда тўғридан-тўғри амр этаверишингиз мумкин, сизга ҳеч ким «йўқ» дея олмайди; бундан кейин албатта, сизни ўқитиб, юрагингизни зиқ қилишларига тоқат этолмасангиз, зериктириб юборадиган китобларни ўтга ёқтириб, зериктирмайдиган китобларни ўқирсиз. Агар шундай қилсангиз, мен ва менинг етимча сингилларим очдан ўламиз.

— Очдан ўласиз? Нега?

— Таёқ — менинг ош-ноним, эй шафқатли қиролим. Таёқ есам, нон топаман, бўлмаса, очдан ўламан. Агар энди ўқимасангиз менинг вазифам тугатилади, чунки калтакланадиган боланинг кераги бўлмай қолади. Раҳмингиз келсин, мени бу даргоҳдан ҳайдатманг!

Томга бу қайғу қаттиқ таъсир қилди. Қиролларга хос улуғворлик билан деди:

— Хафа бўлма, азизим! Бу вазифани сенга ва авлодларингга доимий қолдиртираман.

У боланинг елкасига қиличининг учи билан секингина уриб қўйди-да:

— Тур, Гэмфри Марло!— деди дадил.— Энди бу вазифанг абадий бўлиб қолади. Бугундан бошлаб сен ва сенинг авлодларинг Англия давлатининг шаҳзодаларни ҳузурида савалаш учун маҳрам бўлиб мангу хизмат қиладилар. Хафа бўлма. Мен ҳам энди китобларни кўпроқ ўқийман, ёмонроқ ўқийман, сенга иш уч баравар кўпаяди, маошингни ҳам уч баравар оширтираман.

— Раҳмат, марҳаматли тақсирим!— деб хитоб қилди Гэмфри, ғоят миннатдор бўлиб.— Бу шоҳона сахийлигингиз менинг энг яхши орзуларимни амалга оширтиради. Энди то ўлгунимча бахтлиман, энди авлодларим, бўлажак Марлоларнинг ҳаммаси ҳам бахтли бўлади.

Том, бу боланинг менга фойдаси тегиб қолар, деб ўйлади. У Гэмфрини гапга солди, у ҳам тортинмай гапира кетди. Гэмфри эса Томни тузатиш мумкинлигини сезиб, хурсанд бўлди, синфларда ва қиролнинг ҳар хил хоналарида рўй берган турли воқеаларни туппа-тузук

хотирлаб, ёш қиролга бу воқеаларнинг икир-чикирларига муфассал гапирди. Бир соатдан кўпроқ давом этган суҳбат оқибатида Том сарой ҳаёти билан алоқадор бўлган турли одамлар ва одатлар, қилиқлар, воқеаларни яхшигина билиб олди; шунинг учун у бу булоқдан кўпроқ сув ичмоқчи бўлиб, ҳар куни ҳар вақт ўз ҳузурига Гэмфрини, агар Англия ҳукмдори бошқа биров билан суҳбат қуриб ўтирмаган бўлса, тўсқинлик қилмасдан бемалол киритавериш ҳақида фармойиш берди.

Гэмфри унинг ҳузуридан чиқаётган маҳалда Гертфорд пайдо бўлиб, Томга янги машаққатлар келтирди.

У давлат кенгашининг лордлари қиролнинг соғлиги ҳақидаги ғийбатлар кўпайиб кетмаслиги, кенг тарқалмаслиги учун жаноб олийлари кун аро кўпчилик билан овқатланиши зарур, деган қарорга келганларини Томга маълум қилди; қиролнинг соғлом афт-ангори, осойишта ҳаракатлари, ёқимли қилиқлари дадиллигининг ўзи ҳам ғийбатчиларга зарба бўлади, нохуш хабар саройдан ташқарига тарқалаётган шу пайтларда бу иш катта фойда беради, деди.

Граф бу тантанали маросимда ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида Томга назокат билан насиҳат бера бошлади.

Жаноб олийларининг ҳамма нарсдан «яхши хабари борлиги» ҳақида тасаввур қолдириш пайида бўлиб, энг муҳим маълумотлардан ҳам уни хабардор қилиб қўйди. Шунда граф ўз қиролининг кўп нарсаларни хотирлаганини, билишини кўриб таажжубда қолди. Томга кўп нарса маълум эди, у бунақа тантанали зиёфатлар тўғрисида Гэмфри Марлодан билиб олган эди, бу зиёфатларнинг таърифи дoston бўлиб юрарди. Том, албатта Гэмфри билан нималар тўғрисида гаплашганини сездирмасди.

Граф қарасаки, қирол соғайиб қолганга ўхшайди, у яна бир неча синов билан унинг соғлиги қай даражада тузалиб қолганини билмоқчи бўлди. Синов натижалари тузуккина бўлди — ҳамма нарсани эмас, Гэмфри нималарни гапириб берган бўлса, Том шулар ҳақида гап берганда ҳамсуҳбагини хурсанд қилди, Милорд жуда мамнун бўлиб, катта умидворлик билан деди:

— Жаноб олийлари энди салгина эсласалар, давлатнинг катта муҳри қаердалигини бизларга айтиб берадиганга ўхшайдилар. Ҳозир бу катта муҳрнинг кераклик

жойи йўқ, марҳум монарх тириклигидагина у керак эди, у ўлгач, унинг катта муҳри хизмати ҳам тугади, аммо кеча у жуда керак бўлганди... Қаерда турганини айтолмайсизми?

Том гангиб қолди: катта муҳр ҳақида у ҳеч нарса билмас эди. Бир минут иккиланиб, нима дейишини билмай тургач, Гертфордга бепарво қараб, соддадиллик билан сўради:

— Катталиги қандоқ эди?

Граф хўрсиниб, ичида тўнғиллади:

«Уф, яна эси қочди. Эсини йиғишни талаб қилганим чакки бўлибди...»

У Томнинг муҳр ҳақида мутлақо ўйламаслиги учун усталик билан гапни бошқа ёққа бурди. Бунақа ишларни у осонлик билан эпларди.

XV б о б

ТОМ — ҚИРОЛ

Кейинги куни чет эллик элчилар келишди. Ҳар бир элчи бир гуруҳ мулозимлар кузатувида савлат билан кириб келди. Том уларни тахтда талтайиб ўтириб, улғувор, ҳатто ваҳимали тантана билан қабул қилди. Бу дабдаба дастлаб фикри-хаёлини жалб этиб, уни мамнун қилиб турди, аммо қабул маросими узоққа чўзилавергач, нутқларнинг кўпчилиги узундан-узоқ ва зериктирадиган бўлганидан унинг назарида бу маросим бутунлай бемаза бўлиб кетди-да, чарчатиб қўйди, роса жонига ҳам тегди. Том баъзи-баъзида Гертфорд ўргатган тарзда қисқа-қисқа гапириб турди, ўз бурчини виждонан бажаришга ҳаракат қилди, аммо бунақа ишни биринчи марта қилаётганидан ўнғайсизланди, айтарли муваффақият қозонолмади. Афт-ангори қиролга ўхшарди-ю, ўзини қирол ҳис этолмасди; шунинг учун ҳам бу маросим ниҳоят тамом бўлганда жуда қувонди.

Куннинг кўп қисми беҳуда, ўзи ўйлагандек, машғулотлар билан ўтди, вазифаси қирол бўлгани учун бошқа имкони йўқ эди. Ҳатто қиролнинг кўнгил очиши ва ҳангомаси учун ажратилган икки соат ҳам зериктирарли бўлди, чунки шунда ҳам қўл-оёғи боғлангандек, тахтда бақрайиб ўтиришга мажбур этилган эди. Ниҳоят саваб туриладиган бола қошига келгандагина, у билан

ёлғиз қолгач, роҳатланиб дам олди; бу бола билан суҳ-
бати унга янги маълумотлар берди ва кўнглини очди.

Том Кентининг учинчи кунги подшолиги ҳам бошқа
кунлардагидан деярли фарқ қилмади. Фарқи шу бўл-
дики, унинг бошидаги булутлар анчагина тарқалди,
ўзини биринчи кундагидан анча енгил ҳис этди, янги
шароитга ва муҳитга бир оз кўникди; занжирлар уни
ҳамон қийнади, аммо энди бу занжирнинг оғирлиги
анча камайган эди, соат сайин машҳур лордларга
яқинлиги ортаётганини, улар ҳузурида борган сари
камроқ хижолат тортаётганини, панд-насиҳатлар ҳам
камаяётганлигини пайқай бошлади.

Фақат бир нарса — кейинги куннинг ташвиши таъ-
бини хира қилиб турганда, жамоат олдида биринчи
овқатланиш маросими қироллик қилаётган тўртинчи
кунига белгиланган эди, бу овқатланиш маросими уни
чўчитарди. Бу кун яна бошқа жиддий тадбирлар ҳам
бор эди: биринчи марта у давлат кенгашида раислик
қилиб, Англиянинг Ер шарининг турли бурчакларида-
ги яқин ва йироқ мамлакатлар билан олиб борадиган
сиёсати ҳақида ўз истакларини ва фикрларини баён
этиши лозим эди; худди шу кун у Гертфордни юксак
мансабга — лорд-протекторликка расмий равишда та-
йинлаши ва бошқа кўпгина муҳим ишларни қилиши
белгиланган эди. Аммо буларнинг ҳаммаси Томни таш-
вишлантирмас, фақат жамоат олдида овқатланиш ма-
шаққати унинг кўнглини нотинчлантитарди. Чунки бун-
да стол ёнида ёлғиз ўтиради, сон-саноксиз кўзлар диқ-
қат билан унга қадалиб туради, кўп сонли оғизда унинг
омади келмай қолган фурсатда унинг ҳар бир ножўя ва
нотўғри ҳаракатига доир шивирлашишлар бўлади.

Ана шу тўртинчи куннинг йўлини ҳеч нарса тўса ол-
мади, етиб келди-қолди. Бу кунни бечора Том руҳий
эзилган, паришон ҳолда кутиб олди; ёмон кайфияти
узоқ чўзилди; бу қайғуни қоқиб ташлашга Том ўзида
куч тополмасди. Одатдаги эрталабки маросим унга жу-
да қийин бўлди. Асирликдаги бу ҳаёт уни роса гангит-
ганлигини ҳис этди.

Тушга яқин Томни ҳашаматли кенг қабулхонага олиб
боришди, бу ерда у граф Гертфорд билан суҳбатлашиб
ўтириб, энг баланд мартабали амалдорларни ва хиз-
маткорлар қабул қилинадиган фурсатни кутиши зарур
эди.

Бир оздан кейин Том дераза олдига бориб, сарой дарвозаси олдидан ўтадиган катта йўлдаги қайноқ ҳаётни томоша қила бошлади. Оҳ, ана шу қайноқ ва шовқин-суронли ҳаёт қучоғида бўлишни у бирам истардики! Тўсатдан паст, қашшоқ табақага мансуб бўлган бир тўда эркаклар, аёллар ва болаларга кўзи тушди. Улар тартибсиз тарзда ҳуштак чалишиб, чинқиритиб югуришиб кетишмоқда эди.

— Ана у ёқда нима гап борлигини билгим келяпти!— деб хитоб қилди у қизиқсиниб; ўз-ўзидан маълумки, бунақа воқеалар ҳар қанақа боланинг ҳам қалбида қизиқиш уйғотмай қўймайди.

— Сиз — қирол...— деди унга таъзим қилиб граф.— Жаноб олийлари, хоҳишингизни бажо келтиришга ижозат этадиларми?

— Ҳа, марҳамат! Албатта! Жоним билан!— деди ҳаяжонланиб Том ва жуда хурсанд бўлиб кетганидан кўнглида ўз-ўзига деди: «Тўғриси айтганда, қирол бўлиш унга ёмон эмас экан: бу мансабнинг қийинчиликлари билан бир қаторда афзалликлари ҳам бор экан».

Граф маҳрамни чақириб, уни соқчилар бошлиғига юборди:

— Бориб айт, оломонни тўхтатсин, қаёққа, нима учун югуришаётганликларини билиб келсин. Қирол буйруқ қилдилар...

Бир неча минутдан сўнг қирол гвардиячиларининг кўп сонли отряди пўлат яроғ-аслаҳаларини ярқиратиб, дарвозадан саф тортиб чиқди ва йўлда бир қатор бўлиб, оломоннинг йўлини тўсди. Билиб келиш учун юборилган киши қайтиб келиб, оломон Англия давлатининг оёйишталигига ва улуғворлигига путур етказувчи жиноят қилганликлари учун жазолашга олиб кетилаётган эркак, аёл ва қизларга эргашиб бораётганлигини маълум қилди.

Уч бахтсизни ўлим, шафқатсиз ўлим кутмоқда эди! Томнинг юраги музлагандек бўлди. Унинг бутун вужудини раҳм-шафқат қоплади, бошқа ҳар қандай ҳистуйғуга ўрин қолмади; у қонуннинг бузилиши ҳақида, бу жиноятчилар ўз қурбонларига келтирган зиён ва азобларни мутлақо хаёлига ҳам келтирмади, ўлимга маҳкум қилинганларнинг даҳшатли қисмати ва дордан бошқа нарсани хаёлига ҳам келтиролмади. Ҳаяжонланиб кетганидан ҳатто ўзининг чинакам қирол эмаслигини ҳам унутди ва кўп ўйлаб ўтирмай:

— Уларни олиб келинглар бу ёққа!— деб буюрди.

Буюрди-ю, нимадир эсига келиб, қулоқларигача қизариб кетди, ўз фармойишини бекор қилиб, кечирим сўрамоқчи бўлган эди, граф ҳам, навбатчи маҳрам ҳам унинг бу фармойишидан таажжубланмаганликларини кўриб, индамади. Маҳрам қиролга таъзим қилиб, ҳеч нарсага аҳамият бермай, унинг иродасини бажариш учун залдан чиқди. Том бундан фахрланди ҳам, қироллик унвони ҳар ҳолда кўпгина афзалликларга эга эканлигини чуқур ҳис этиб, ич-ичидан қувонди.

«Ростдан ҳам, яқинда Эндрью отанинг қадимий китобларини ўқиб, ўша китобларда тасвирланганидек, қонунлар чиқариб, атрофидагиларга уни қилинг, буни қилинг, деб буюрадиган қиролларга тақлид қилиб, хаёл суриб юрардим. Унда ҳеч ким айтганимни қилмасди, энди эса ўша хаёл амалга ошди-я»,— деб ўйлади у.

Эшиклар очилди; бирин-кетин дабдабали мансаблар номи айтилиб, шу мансабларнинг эгалари бўлган амалдорлар Томнинг ҳузурига кириб келишди. Яхши кийинишган бу мансабдорлар залнинг ярмини банд қилишди. Аммо Том бу одамларга парво ҳам қилмади, уларни сезмагандек бўлди — унинг фикри-хаёли муҳимроқ иш билан банд эди. У паришон ҳолда тахтга суянди, кўзларини эшикка қадади, тоқатсизлик билан кутаётгани унинг ҳолатидан кўриниб турарди. Йиғилган лордлар буни кўриб, уни ташвишлантиришга ботинолмадилар-да, пичирлашиб, ўзларини давлат ишлари ва бошқа ғийбатлар билан банд қилиб турдилар.

Солдатларнинг бир текис қадам товуши эшитилди-да, шерифнинг ёрдамчиси ва қирол гвардияси взводи жиноятчиларни олиб киришди. Шерифнинг ёрдамчиси Томнинг рўпарасида тиз чўкиб таъзим қилди-да, ўзини дарров четга олди; учала жиноятчи эса тиз чўкканларича қолдилар; гвардиячилар тахтнинг орқасига саф тортдилар. Том қизиқиш билан жиноятчиларга боқди. Эркак кишининг кийими ёки афт-башарасими унга бировни эслатгандай бўлди.

«Бу одамни қаердадир кўргандек бўляпман,— деб ўйлади у,— аммо қаерда кўрганлигим эсимга келмаяпти».

Шу пайт жиноятчи эркак Томга бир қаради, аммо қироллик савлати босиб, бошини тез эгди; шунда Том унинг юзини кўра олди.

«Эсимга тушди,— деди у ўзига:— Бу нотаниш одам

яңги йилнинг биринчи кунн Темзада чўкаётган Жайлс Уиттни қутқариб, унинг ҳаётини сақлаб қолган эди; со- вуқ ва шамолли кун эди... Олийжаноблик, фидокорна мардлик қилган эди! Аттанг, шундай одамнинг жиноят- чи бўлиши, шубҳали ишлар қилиши ачинтиради киши- ли... Уша воқеа қачон, қайси соатда рўй бергани ҳам яхши эсимда, шундан бир соат кейин, миноранинг соати ўн бирга занг урган пайтда бувим мени шунақаям дўп- послаган эдики, бунинг олдида илгари еган ва кейин ейдиган таёқларимни ҳолва деса бўлади».

Том аёл билан қизни бир оз фурсатга ташқарига чи- қариб туришни буюрди-да, шерифнинг ёрдамчисига қараб:

— Марҳаматли сэр, бу одамнинг айби нима?— деб сўради.

Шериф тиз чўкди:

— Жаноб олийларига айтиш шарарига муяссарман- ки, у фуқароларингиздан бирига заҳр бериб ўлдирган.

Томнинг жиноятчига раҳми келгани, шунингдек сув- га чўкаётган болани ~~кўриб~~, довжораклик қилганидан хурсандлиги ~~бунда~~ уни тарк этди.

— Айби исботланганми?— деб сўради у.

— ~~Т~~ Исботланган, жаноб олийлари.

— ~~Т~~ Сўрсинди.

Талиб кетинглар, — деди, — у ўлимга лойиқ экан...

Дарус, чунки яқиндагина у мардлик қилган эди... яъни... тьни... қиёфаси мардга ўхшашини айтмоқчиман...

Айбдор бирдан сув сепиб ўзига келгандай бўлди-да, жон ҳолатда қўлини кўксига қўйиб, «қирол»дан шафқат этишини титраб-қақшаб сўрай бошлади.

— О, буюк қирол, ўлган кишига раҳминг келса, мен- га ҳам раҳминг келсин! Менинг айбим йўқ, менга қў- йилган айб етарли эмас... Аммо мен бу ҳақда гапирмоқ- чи эмасман; аллақачон суд қилинганман, суднинг ҳук- мини бекор қилиб бўлмайди. Мени ўлдириш учун қўлла- ниладиган жазо чидаб бўлмайдиган даражада. Раҳминг келсин, шафқат эт, улуғ қирол! Шоҳона шафқат қилиб, илтимосимни инobatга олиб, буюр; мени осиб ўлдириш- син!

Том ҳайрон бўлиб қолди. У бунақа илтимосни кут- маган эди.

— Бу қанақа шафқат бўлди! Ахир сени осгани олиб кетишаётгани йўқми?

— Йўқ, марҳаматли подшоҳим, мени тириклай қайноқ сувда куйдириб ўлдиришга ҳукм қилишди.

Бу кутилмаган ва даҳшатли сўздан Том тахтдан ирғиб тушишига сал қолди, у эс-ҳушини йиғиб, хитоб қилди:

— Майли, тилаганинг бўлади, бечора! Юз кишини заҳарлаб ўлдирган бўлсанг ҳам бунақа қийноқ билан ўлдирилмайсан!

Айбдор беҳад миннатдорлигини ифодалаб, ер ўпиб, деди:

— Худо кўрсатмасин, агар бирор офатга учрасанг, менга қилган бу шафқатинг эвазига худо ёрлақасин!

Том граф Гертфордга ўгирилди:

— Милорд, ростдан бу одам шунақа шафқатсиз жазога ҳукм қилинганми?

— Қонун нуни талаб қилади, жаноб олийлари, бировга заҳар берганлар шунақа жазоланиши керак. Германда сохта пул ташлаганларни қайнаган ёққа тирик қовуришади, ёққа бирдамга ташлашмайди, арқон билан боғлаб, қозонга аввал товонини ташлади, кейин тиззасигача, кейин...

— О, милорд, бас, етарли! Бунга чидай деб қичқирди Том, кўзи ўнгида пайдо бўлган манзарани кўрмаслик учун кўзларини қўли билан мансуб қилди. — Милорд, буйруқ бер, бу қонунни бекор қилсин!.. Ҳеч қачон, ҳеч қачон бахтсизларни бунақа азқилаб ўлдиришмасин!

Графнинг юзларида бу сўзлардан мамнунлик аломатлари пайдо бўлди; у раҳмдил одам эди, ўша ёвуз замонада катта амалдорлар орасида камдан-кам бўлаган меҳр-шафқатли эди. У деди:

— Сиз жаноб олийларининг ҳимматли сўзлари, бу қонунга ўлим ҳукмини чиқарди. Бу ҳимматингиз тарих саҳифаларига ёзилади, қироллик шон-шухратингизни оширади.

Шерифнинг ёрдамчиси ҳукм этилган одамни олиб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, аммо Том ишора қилиб, уни тўхтатди.

— Марҳаматли сэр,— деди у,— мен бу ишни текшириб кўрмоқчиман. Бу одам менга қўйилган айб етарли эмас, деди. Бу ҳақда билганингни гапириб бер-чи.

— Жаноб олийларига маълум қиламанки, судда аниқланишича, бу одам Ислингтон қишлоғидаги бир

касал киши ётган уйга кирган; уч гувоҳ бу воқеа эрта-
лаб соат роса ўнда бўлганини айтди, бошқа икки гувоҳ-
нинг айтишича, бир неча минут кейинроқ бўлган. Касал
ёлғиз экан, ухлаб ётган экан; бу одам тез орада уйдан
чиққан ва йўлини давом эттирган, бир соатдан кейин
касал қайд қилиб, азобланиб ўлган.

— Бунинг заҳар берганини биров кўрганми? Заҳарни
топишганми?

— Йўқ, жаноб олийлари!

— Касалга заҳар берилганини қандай исботлаган?

— Жаноб олийларига маълум қиламанки, доктор-
ларнинг айтишларига қараганда, фақат заҳар ичган
одамларгина шунақа бўлиб ўлар эканлар.

Ана ўша содда замоннинг асосли далили! Қўйилган
айбнинг етарли эмаслигини Том дарров пайқади-да,
деди:

— Докторлар ўз ишларини яхши билишади. Демак,
улар тўғри топган бўлишлари керак. Аҳволинг мушкул,
бечора!

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, жаноб олийлари! Яна
бошқа, қаттиқроқ айблар ҳам бор. Кўп кишиларнинг
судда берган гувоҳликларига қараганда, қишлоқдан бир
ёққа ғойиб бўлган бир жодугар, бу касалнинг пешона-
сига *заҳар ичиб ўлиш ёзилган*, эски кийим кийган алла-
қандай қора сочли йўловчи унга заҳар беради, деб
ҳаммага бир-бир яширинча айтиб кетган экан. Ҳукм
этилган одамда ўша жодугар айтган белгилар мавжуд.
Ана шу қаттиқ далилга жаноб олийларининг алоҳида
этибор беришларини ўтинаман, чунки буларнинг ҳам-
маси илгаридан маълум бўлган.

Ана хурофот, жаҳолат ҳукмрон бўлган даврнинг
далил-исботи. Том бундай далил ишни ҳал қилишга асос
бўлишини, бу далил этиборга олинса, бечоранинг айби
исбот этилган деб ҳисобланишини билди. Шундай бўл-
са ҳам у бахтсиз бечорага ўзини оқлаш учун яна бир
имконият яратишга уриниб, деди:

— Ўзингни оқлаш учун бирор нарса деёлсанг,
гапир!

— Ҳеч нарса мени оқлай олмайди, подшоҳим! Ай-
бим йўқ, аммо ўзимни оқлашга қодир ҳам эмасман.
Дўстим йўқ, дўстларим бўлганида уларни гувоҳ қилиб
олиб келардим, ҳатто касал ўлган пайтда мен Ислинг-
тонда эмасдим, у ердан бир миля наридаги Уоппинг —

Олд-Стерс¹да эдим. У ёғини сўрасангиз, жаноб олийлари, булар мени бировни ўлдирди, деган пайтларида аксинча мен бировни ўлимдан қутқарганимни исботлай олардим. Бир бола дарёга чўкаётган экан...

— Тўхта! Шериф, бу жиноят қайси куни содир бўлган?

— Янги йилнинг биринчи куни, эрталаб соат ўнда, ёинки ўндан бир неча минут ўтганда, олий ҳазратлари...

— Озод қилинг уни — менинг фармойишим шу!

Том шундай деди-ю, қип-қизариб кетди ва қиролларга номуносиб ҳаракатини сездирмасликка тиришди.

— Шунақа бемаъни ва мутлақо асосиз даъволар билан бировни ўлимга ҳукм қилишлари мени жуда газаблантиради!

Залда хурсанд бўлиб, бир-бирлари билан шивирлашиш бошланди. Бу хурсандлик қиролнинг ҳукмидан эмас, чунки бировга заҳар беришда айбланган бир кишини афв этилгани бу ердагиларга унча маъқул кўринмасди, улар Томнинг бу масалада кўрсатган қатъийлиги, фаҳм-фаросатидан хурсанд бўлишди. Пичирлашиб гапирилган бундай фикрлар қулоққа чалинарди:

— Йўқ, қиролимиз ақлдан озган эмас! Ақли ҳуши жуда жойида!

— Қандай оқилона саволлар берди-я... Масалани шоҳона ва кескин ҳал қилиши аввалги шаҳзодамизни эслатяпти!

— Худога шукур, тузалиб қолибди! Бу ожиз бола эмас, чинакам қирол! Ўзини худди марҳум отасидек тутяпти.

Ҳавода парвоз этаётган бу мақтов сўзлари Томнинг қулоғига етмаслиги мумкин эмасди; ўзини бемалол ҳис қилди, қалбини яхши ҳис-туйғулар қоплади.

Аммо синчковлик устун келиб, яна унинг диққатини тортди: Том аёл билан кичкина қизча қандай оғир жиноят қилганини билмоқчи бўлди, унинг фармойишига кўра, уларни, қўрқиб кетганларидан бетиним йиғлаб турган айбдорларни унинг ҳузурига олиб кирдилар.

— Булар нима гуноҳ қилганлар?— деб сўради у шерифдан.

— Булар қабиҳ жиноятда айбланганлар, жаноб

¹ У о п п и н г — О л д - С т е р с — Темза дарёсидаги қадимги пристань.

олийлари, буларнинг айби тўла тасдиқланган. Судьялар қонунга мувофиқ уларни осиб ўлдиришга ҳукм қилганлар. Буларнинг иккаласи жонларини иблисга сотганлар, айблари шу.

Том сесканиб кетди. Уни иблисона ишлар билан шуғулланувчи кишилардан ҳазар қилишга ўргатгандилар, аммо яна синчковлиги устун чиқиб сўради:

— Қаерда бўлган бу иш... қачон?

— Ярим кечаси, декабрь ойида, черковнинг вайронасида, олий ҳазратлари.

Том яна сесканиб кетди:

— Қим бўлган ўша пайтда?

— Фақат иккаласи, жаноб олийлари, *бу ҳам, униси ҳам.*

— Айбларини бўйинларига олишдими?

— Йўқ, тақсир, бўйинларига олишмади.

— Ундай бўлса, уларнинг айбини қандай қилиб билишди?

— Тақсир, буларнинг черков вайронасига кириб кетганларини кўрганлар бор. Уларда шубҳа туғилган, кейинчалик исбот ҳам қилинган. Хусусан шу нарса исбот этилдими, улар иблисдан қудрат олиб, бўрон тилаганлар, кейин бўрон бўлиб, ҳамма ёқни вайрон қилган. Қирқтача гувоҳ бўрон бўлганига гувоҳлик берди. Бунақа гувоҳлар минглаб топилади. Улар бўрон бўлганини ўз кўзлари билан кўрганлар, шу бўрондан катта зиён тортганлар.

— Албатта, бу ҳазилакам гап эмас!..— Том жодугар сеҳргарларнинг разил ишлари ҳақида хаёл суриб, бир лаҳза жим қолди-да, ниҳоят сўради:— ўша бўрондан бу аёлнинг ўзи ҳам жафо кўрганми?

Залдаги бир неча оқсоқоллар бу саволнинг оқилона берилганини маъқуллаб, бошларини ирғаб қўйдилар. Аммо шериф ишнинг нима билан тугаши мумкинлигини фаҳмламай, соддадиллик билан жавоб қайтарди:

— Жафо кўрган, жаноб олийлари. Айтишларича, ро-са бопланган... Довул унинг уйини вайрон қилган, бола-си билан бошпанасиз қолган.

— Тилаган ёмонлигига яраша жазосини ҳам тортиб-ди-да. Агар бир фартинглик зарар кўрганда ҳам уни алдаганлар деган хулосага келиш мумкин эди, демак, у ўз жонини ҳам, боласининг жонини ҳам ҳалок этган бўлади, албатта, жинни бўлса керак; жинни бўлса, ал-

батта, қилаётган ишини ўзи билмайди, бинобарин уни айблаб ўтириш тўғри эмас.

Кексалар Томнинг бу донолигидан мамнун бўлиб, яна бошларини қимирлатиб қўйишди. Бир сарой аёни:

— Агар миш-мишлар рост бўлиб, қирол ростдан жинни бўлса, бу жинниликни соғ одамларга юқтириш ёмон бўлмасди,— деб мингғирлаб қўйди.

— Қиз неча ёшда?— деб сўради Том.

— Тўққизда, жаноб олийлари.

— Англия қонунига мувофиқ, ёш бола биров билан тил бириктириб ўзини сота оладими, милорд?— деб сўради Том бир олим судьядан.

— Қонушимиз вояга етмаган болаларнинг бировлар билан аҳдлашиб, бирор иш қилишларига имкон бермайди, марҳаматли қирол, чунки уларнинг мурғак ақли катталар ақли билан баҳслашишга қодир эмас, катталарнинг ҳийла-найрангларини тушунайди. Агар хоҳласа ва боланинг ўзи рози бўлса, *иблис* унинг жонини сотиб олиши мумкин, фақат иблис шундай қилиши мумкин, лекин англичанин эмас... Акс ҳолда шартнома ҳақиқий бўлмайди.

— Ундай бўлса, бу қонун эмас, христиан динига зид ваҳшиёна урф-одат экан! Бирорта инглизга берилмаган ҳуқуқдан иблис қандай қилиб фойдаланади?!— деб хитоб қилди Том, қиролларга хос қаҳр-ғазаб билан.

Масалага бундай янгича қараш кўп кишиларни хурсанд қилиб жилмайтирди, улар кейин саройда бир-бирлари билан учрашганларида Томнинг бу мустақил фикрини унинг ақли-ҳуши жойига келаётганини исботловчи далил қилиб такрорладилар.

Жиноятчи аёл йиғисини тўхтатиб, борган сари умид билан қарай бошлади. Том буни пайқаб, ҳимоясиз қолган, ҳалокат ёқасида турган бу аёлга янада раҳми келиб, шерифдан сўради:

— Бўрон турғизиш учун улар нима қилишган экан?

— *Пайпоқларини ечиб ташлаганлар, жаноб олийлари!*

Том таажжубда қолиб баданлари жимирлашиб кетди, қизиқиши тобора ошди.

— Қизиқ-ку!— деб ҳайрон бўлди у.— Наҳотки шу иш даҳшатли довулга сабаб бўлса?!

— Шубҳасиз, жаноб олийлари... агар аёл бўрон тилаб, ичиди ё гапириб дуо ўқиса, бўрон тураверади.

Том аёлга қараб жиддий илтимос қилди:

— Қани, қудратингни бир кўрсат-чи! Мен бўрон туришини кўргим келяпти!

Хурофотга берилган сарой аъёнларини ваҳима босди, кўпларининг залдан қочиб чиқиб кетгилари келди, аммо Том парво қилмай, катта бўронни кутиб турди. Аёлнинг юзидан ҳайронлик аломатини пайқаб, завқланиб яна деди:

— Қўрқма, бунинг учун жазоланмайсан. Ақоинча, ҳозир сени қўйиб юборишади, ҳеч ким сенга қўлини ҳам тегизмайди. Қани, қудратингни бир кўрсат-чи.

— О, марҳаматли қирол, менда бунақа қудрат йўқ... менга туҳмат қилишяпти.

— Сен қўрқяпсан. Қўрқма. Ҳеч нарса бўлмайди. Озгина бўлса ҳам бўрон тила-чи, мен сендан жуда кучли, ҳамма ёқни вайрон қиладиган бўрон талаб қилаётганим йўқ, сал шамол турғизсанг бас — сени озод қилдираман: қизинг билан бирга омон-эсон истаган ёғингга кетасан, қирол сенга шафқат қилипти, бутун Англияда сени ҳеч ким ранжитишга журъат қилолмайди.

Аёл полга бош қўйиб зор-зор йиғлади, бу муъжизани қила олишга мутлақо ўзининг қодир эмаслигини кўзёши билан изҳор қилди, агар қўлидан келганида қиролнинг фармойишини бажонидил амалга ошириб, ўзининг ҳам, қизининг ҳам жонини сақлаб қолажagini айтди.

Том яна талаб қилди. Аёл яна ялинди.

Ниҳоят Том деди:

— Мен аминман, аёл рост гапиряпти. Агар менинг онам бу аёлнинг ўрнида бўлиб, иблисдан шунақа сеҳрли қудрат олганида, ҳеч нарса ҳақида ўйлаб ўтирмай, бутун мамлакатни вайрон қилса-да, менинг жонимни сақлаб қолишни ўйларди! Ҳамма оналар ҳам шунақа. Сен, меҳрибон аёл, озодсан, қизинг ҳам озод. Энди қўрқма, озод бўлдинг, марҳамат қилиб, пайпогингни ечиб, бўрон талаб кўрсат-чи, бунинг эвазига сенга кўп миқдорда пул нисом қиламан.

Улимдан халос бўлган аёл қиролга ташаккур билдириб, унинг амрига бўйсунди. Том унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб туриб, сарой аҳлини ваҳима босганини сизди. Аёл ўзининг ҳам, қизининг ҳам пайпогини ечди, қўлидан нима келса, қилишга тайёр эди, ҳатто ерни қимирлатиб, қиролга ўз миннатдорчилигини



ифодаламоқчи эди, аммо қўлидан ҳеч нарса келмади, Томнинг ҳафсаласи пир бўлди. У хўрсиниб, деди:

— Майли, бечора, ўзингни кўп қийнама, кўришиб турибдики, иблиснинг қудрати баданингдан арибди; агар бирор вақт яна қайтиб келса, келиб менга кароматингни кўрсатиш эсингдан чиқмасин!

XVI б о б

ТАНТАНАЛИ ЗИЁФАТ

Овқат маҳали яқинлашмоқда, аммо шўниси қизиқки, Том энди деярли сира ташвишланмас, бутунлай хотиржам эди. Эрталабки воқеа унда ўзига ишонч туғдирди; хор бўлиб юрган, қурумга бўялган мушукдек бола тўрт кун ичида ўзига нотаниш бўлган дабдабали саройга яхшигина ўрганиб қолганди. Катта ёшдаги киши бир ойда ҳам бунақа муваффақиятга эришолмасди. Боланинг ян-

ги шароитга тез мослашуви илгари ҳеч қачон бунчалик намоён бўлмаган эди.

Қани, бўлмаса биз ҳам шоҳона марҳаматдан фойдаланиб тантанали зиёфатлар бериладиган катта залга томон шошилайлик, Том катта тантанага ҳозирлик кўраётган фурсатда, у ерда нималар рўй бераётганини кўрайлик. Зал ҳашаматли, тош устунлар ва пилястр¹ларига тилла суви юритилган, девор ва шифтлари нақшланган. Эшиклар олдида новча қўриқчилар ҳайкалдек қотиб туришибди, эгниларида қиммат баҳо ва нафис кийимлари; қўлларида ойболта, залнинг гир айланасидаги баланд очиқ болохоналарда оркестр жойлашган; болохоналар дабдабали кийинган эркак ва аёллар билан лиқ тўла. Хонанинг қоқ ўртасидаги супада Томнинг столи.

Яхшиси, яна солномачига сўз берайлик.

«Залга қўлида ҳасса тутган жентльмен кириб келди, унинг орқасидан дастурхон кўтариб, дастурхончи кирди. иккаласи уч марта тиз чўкиб. таъзим қилганларидан кейин дастурхончи столга дастурхонни ёзди; кейин иккаласи яна тиз чўкиб, чиқиб кетдилар. Кейин бошқа икки киши — яна бирови ҳасса тутган, иккинчиси эса катта туздон, тарелка ва ~~чун кўтариб кириб келди~~. Олдингиларга ўхшаган булар ҳам таъзим қилишиб, олиб кирган нарсаларини стол устига қўйиб, яна таъзим қилиб чиқиб кетдилар. Ниҳоят ҳашаматли кийинган икки аён ~~келди~~, бирининг қўлида ошхона пичоғи, гиламга энгашиб, уч марта таъзим қилгач, улар столга яқинлашиб, нонни келтириб қўйишди, стол атрофида худди қирол ўтирган-у, унинг савлати босаётгандек, қўрқа-писа нонни кесишди».

Зиёфатнинг тантанали тайёргарлиги шу тарзда ўтди. Мана, коридорда бурғу товуши янгради, «Қиролга йўл беринглар! Жаноб олийларига йўл беринглар!» деган жарангдор овоз эшитилди. Бу овоз бир неча марта, борган сари яқиндан эшитилаверди. Ниҳоят қулоғимиз остида яна шу товуш-у, шу ҳарбий музика янгради. Бир минут ўтгач, эшикда ажойиб томоша ҳамманинг диққатини жалб қилди: колонна тантанали вазиятда саф тортиб кириб келди.

¹ П и л я с т р — бир томони девордан чиқиб турган тўртбурчак устун.

Бу ёғини яна солномачи гапириб берсин:

«Олдинда жентльменлар, баронлар, граф ва рицарлар, Тасма орденининг кавалерлари. Ҳаммаси серҳашам кийинган, бош яланг, уларнинг орқасида икки лорд ўртасида канцлер, лордларнинг бири қиролнинг салтанат ҳассасини, иккинчи нақшлари олтиндан бўлган қизил қипли давлат қиличини тутган ҳолда кириб келди. Булардан кейин қиролнинг ўзи кирди. У кўриниши билан ўн икки карнай ва кўп сонли барабанлар табрик маршини чалди, болохоналарда ўтирганлар ўринларидан туришиб: «Худо, қиролимизга узоқ умр берсин!»— деб қичқиришди. Қиролнинг орқасидан унинг энг яқин аъёнлари, ўнг ва чап томонларида эса, қўлларига олтин ойболталар ушлаган, эллик дворяндан иборат фахрий қоровул тантана билан қадам ташлаб кирди».

Буларнинг ҳаммаси гўзал ва мароқли эди. Томнинг юраги хапирар, кўзларида қувонч учқунлари порларди. Унинг бутун ҳаракати ўзига ярашар эди. Ҳаракатлари шунинг учун ҳам ярашиқли эдики, у ясама қилиқлар қилишга уринмас, юриш-туриши табиий, кўзларини қувонтирадиган бу ажойиб томошага мафтун бўлиб, завқшавқ билан боқар, ажойиб куйларни тинглаб терисига сирмасди. Ҳа, чиройли ва ихчам тикилган кийимлар кийиб олсанг-у, бу кийимларга тез ўрганиб қолсанг, сўнг бу уст-бошга ҳеч парво қилмай юрсанг, шунда жуда ҳам ярашади-да. У ўзига берилган насихатларни эсдан чиқармаган эди, шунинг учун одамларнинг умумий табрик ва саломларига бошини сал эгиб, қисқа, муруватли сўзлар билан жавоб қиларди:

— Ташаккур сенга, меҳрибон халқим!

У шляпасини ечмай, стол ёнига ўтирди, ўзини мутлақо эркин тутди, шляпани ечмасдан овқатланиш қиролларга ҳам, Кентиларга ҳам одат бўлиб қолганди. Қиролнинг мулозимлари бир неча чиройли гуруҳларга бўлинди, бош кийимларини киймай тураверишди.

Шундан кейин қувноқ музика овози остида залга қиролнинг шахсий соқчилари — «бу муҳим иш учун махсус танланганлар бутун Англиянинг энг новча ва энг кучли кишилари» кириб келдилар.

Бу ўринда яна солномачига сўз берганимиз маъқулроқ:

Гвардиячи «шахсий соқчилар бош яланг, атиргул тасвири елкаларига зар билан тикилган қизил кийин-

ган ҳолда кириб келдилар; улар залдан чиқиб, яна қайтиб кириб турдилар, ҳар гал олтин ва кумуш идишларда таомлар ташиб турдилар. Бу идишларни уларнинг қўлидан бир жентльмен олиб, стол устига биринкетин қўйиб турди, овқатларни татиб кўрадиган лорд эса ҳар бир шахсий соқчига ўзи кўтариб келган овқатдан оз-оз едириб кўрди, бу билан шу овқатнинг заҳарланмаганлигини синаб турди».

Том оғзига солган ҳар бир луқмага юзларча кўзлар тикилиб турганини, чайнаб ютаётганда ҳам шу тарзда суқланиб кўз қадаб турганликларини кўриб, сезиб турса-да, бу кўзлар унинг олдида овқат эмас, портлайдиган, портлаганда ҳам уни майда-майда қилиб, бутун залга сачратадигандек қизиқиш билан қараётганликларини пайқаб турса-да, лаззатланиб овқатланди. У жуда осойишталик билан ҳаракат қилишга тиришди, махсус белгиланган мулозим унинг олдига келиб, тиз чўкиб, унинг эҳтиёжини қондиришини шошилмай кутиб тураверди. Овқат маҳалида Том бирор марта ҳам ноқулай аҳволга тушмади, балки бутун ҳаракатлари муваффақиятли бўлди, ҳеч хижолат тортмади.

Овқатдан кейин Том салобатли мулозимлар атрофини қуршаган ҳолда барабанларнинг, фанфарларнинг қувноқ садоси ҳамда одамларнинг завқ-шавқ билан қилган хитоблари остида залдан чиқди. Гарчи одамларнинг кўзи олдида овқатланиш осон бўлмаса-да, у қироллик мартабасининг бошқа, бундан ҳам машаққатлироқ, бундан ҳам бемаънироқ ишларидан қутулиш учун бу машаққатни ҳар куни бир неча марта такрорлашга ичида рози эди,

хVII боб

ҚИРОЛ ФУ-ФУ БИРИНЧИ

Майлс Гендон кўприкдан шошилинич ўтиб Саутворк қирғоғига етди-да, излаётган одамларини топиш ниятида ҳар бир йўловчини кузата бошлади. Аммо ҳеч қайсиси кўринмади. Олдида чиққан кишилардан сўрай-сўрай Саутворк сари улар юрган йўлдан анчагина юрди, аммо тўсатдан уларнинг изини йўқотиб, энди нима қилишига боши гаранг бўлиб қолди. Ҳарна бўлса ҳам кечқурунгача излашини давом қилдирди. Кечқу-

рунга бориб беҳад чарчади, роса оч қолди, аммо ҳали ҳам умид учқунлари кўринмасди. Табард ошхонасига кириб овқатланди, эртаси куни барвақтроқ туриб, бутун шаҳарни қидириб чиқиш қасдида уйқуга бош қўйди. Аммо уйқуси келмай, ўз-ўзи билан фикрлашиб ётди.

«Фараз қилайлик, бола бир илож топиб отасиман деб юрган аблаҳнинг қўлидан қочса, у Лондонга, эски ётоқ жойинга қайтиб борармикин? Йўқ! Бундай қилмайди, чунки яна мени тутиб олади, деб қўрқади. Нима қилиши мумкин? Дунёда унинг биттагина дўстию ҳимоячиси бор. У ҳам бўлса Майлс Гендон, бола ана шу дўстини излаши турган гап. Шу мақсадда Лондонга қайтиб, янги бирор хатарга гирифтор бўлиб қолмаса эди. У Майлснинг Гендон-холлга, уйига кетаётганини биледи ва шубҳасиз шу томонга қараб юради. Ҳа, бу аниқ: вақтни қўлдан бой бермасдан бу ерда, Саутворкда ётавермай, Кент орқали йўлда ўрмонларни кўриб, йўловчилардан уни сўраб-сўраб Монксголмга қараб жўнаш керак».

Энди бедарак йўқолган кичкина қиролнинг бошига тушганларни баён этайлик.

Қовоқхона хизматкори жулдур кийим деб атаган киши кўприкда турган қирол билан уни бошлаб олиб келган йигитнинг ёнига бормай, уларнинг орқасидан кетаверди. Улар билан гап...

...ли боғланган, чап кўзига эса катта яшил пластирь ёпиштирилган эди. Жулдур кийимли сал-сал оқсоқлар нар, йўғон дуб таёққа таяшиб борарди. Йигит қиролни Саутворк орқали айланиб ўтиладиган йўлдан бошлади, бу йўл катта йўлга сал-пал яқинлашиб борарди. Кўп юрилажагини пайқагач, қиролнинг жаҳли чиқиб, энди бундан нарига бормайман, мен Гендоннинг олдига эмас, Гендон менинг олдимга келиши керак, деб туриб олди. Бундай камситилишга тоқат қилолмайман дедида, йўлда тўхтаб қолди.

Шунда унга йигит:

— Дўстинг ўрмонда ярадор ётибди-ю, сен бу ерда қолмоқчимисан? Майли, қолсанг қолавер!..— деди мумғомбирлик билан.

Қиролнинг авзойи ўзгарди.

— Ярадор?!— деб хитоб қилди у.— Ким ярадор қилди уни? Майли, буни кейин суриштираман, ҳозир мени ўша томонга бошла. Тез, тезроқ! Нима, оёғингга

қадоқ тош боғлаганмисан? Еки ярадормисан? Бу иши учун жавоб беради у аблаҳ, герцогнинг ўғли бўлса ҳам аямайман!

Урмон жуда узоқда эди, шундай бўлса ҳам, тез юриб етиб келишди. Йигит у ёқ-бу ёққа қараб, ерга суқиб қўйилган бутоқни топди, унга аллақандай латта боғланган эди, шундан кейин қиролни дарахтлар орасига бошлади; ахён-ахёнда олдиларидан латта боғланган шохлар учраб турди, афтидан улар адашмаслик учун йўлга шунақа белги қўйиб кетган бўлсалар керак. Ниҳоят кенг майдонликка чиқишди, майдонликда ёнган деҳқон уйининг қолдиқлари ва ярим вайрона сарой бор эди. Жон асари йўқ, атроф жимжит. Йигит саройга кирди, қирол ҳам орқасидан югурди. Ҳеч ким йўқ! Қирол йигитга ҳайрат ва ишончсизлик билан назар ташлаб, сўради:

— Қани у?

Йигит эса уни мазах қилиб кулди. Қиролнинг жаҳли чиқиб ёрилган ўтиндан бир бўлакни олиб, алдамчининг башарасига отмоқчи бўлган эди, яна аллаким қулоғи тепасида масхара қилиб қаҳ-қаҳ урди. Бу уларнинг орқасидан изма-из келган чўлоқ дайди эди. Қирол унга ўгирилиб, ғазаб билан сўради:

— Кимсан? Нима ишинг бор бу ерда?!

— Бунақа ҳазилингни қўйиб тур, ўзингни бос!— деди дайди.— Яхшигина ниқобланганга ўхшайман, отангни таний олмаяпсан.

— Сен менинг отам эмассан. Сени танимайман. Мен қиролман. Агар менинг хизматкоримни сен ўғирлаган бўлсанг, дарров топиб бер, топиб бермасанг кунингни кўрасан!

Жон Кенти ғазаб ва зарда билан жавоб қайтарди:

— Ақлдан озганлигингни кўриб турибман, шунинг учун дўппослапим келмаяпти, агар мажбур қиладиган бўлсанг, аяб ўтирмайман... Бу ерда валдирашларинг хавфли эмас, чунки аҳмоқона гапларингдан ҳеч ким хафа бўлмайди, шундай бўлса ҳам тилингни тийганинг яхши, бошқа жойда бизга зиёнинг тегиши мумкин. Мен бировни ўлдириб қўйдим, энди уйда яшай олмаймиз, сени ҳам ёнимдан кеткизмайман, ёрдамнинг керак. Номимни бошқа қўйдим, яхши бўлди. Отим энди Жон Гоббс, сенинг отинг — Жек; эсингдан чиқарма! Энди жа-

воб бер-чи, онанг қани, опаларинг қани? Улар шартлашилган жойга келишмади-ку, биласанми, қаерда қолишди?

Қирол хўмрайиб жавоб берди:

— Бемаъни саволларингни йиғиштир! Онам ўлган; опаларим саройда.

Йигит бу гаплардан яна қаҳ-қаҳ урмоқчи эди, аммо қирол муштани тугди, ўзини ҳозиргина Гоббс деб атаган Кенти ўз ҳамроҳини тўхтатди:

— Жим, Гуго, гашига тегма; унинг эси жойида эмас, сен эса гашига текканинг-теккан. Утир, Жек, тинчлан; мен сенга ҳозир овқат бераман.

Гоббс билан Гуго нима тўгрисидадир пичирлашиб гаплаша бошладилар, қирол эса бу бемаза одамлардан қутулиш учун қоронғиликка, саройнинг қалин похол тўшалган бурчагига ўзини тортди. Қирол ётиб олди, кўрпа йўқлигидан устига похол тортди-да, чуқур хаёлга чўмди. Унинг алами кўп эди, аммо бу қайғулар отасидан жудо бўлиб қолгани олдида ҳеч гап эмасди. Генрих VIIIнинг номи дунёни титратиб турарди; бу номни эшитган ҳар бир кимса нафаси уриши ҳамма ёқни вайрон қилиб юборадиган, қўли фақат жазолаш, ўлдиришгагина қодир бўлган ғалати баҳайбат махлуқни кўз олдига келтирарди, аммо бола учун унинг номи ширин хотиралар, меҳр-муҳаббат ва эркалашлар билан боғлиқ эди. У отаси билан қилган самимий суҳбатларини унутмас, бу суҳбатларни севиб хотирлар, юзларидан бетўхтов оқаётган кўз ёшлари қайғусининг тубсизлигидан гувоҳлик бериб турарди. Кун кечга оға бошлаганда чарчаган болани оромбахш уйқу босди.

Анча вақтдан кейин у қанча ётганлигини аниқ билмасди — уйқуси ўчди, кўзлари юмуқ ҳолда ўзининг қаердалигини, нималар рўй берганини ўз-ўзидан сўраркан, томни ёмғир шитирлатаётганини сезиб қолди. Ҳузур қилиб тинчгина ётган эди, бир минутдан кейин қаттиқ гапирилган ва хириллаган кулги овози эшитилди-ю, яна таъби хира бўлди. Боши устидан похолни олиб ташлади, нима иш бўлаётганини билиш учун қаради. Унинг кўзларига ёқимсиз ва ваҳимали манзара кўринди. Саройнинг нариги бурчагида ерда гулхан ёниб турарди; гулхан атрофида ерда ётган жулдур кийинган дайди ва саёқлар алангада қизариб кўринишарди. Бунақа махлуқларни у тушида ҳам кўрмаган, китобларда ҳам

ўқимаган эди. Новча, қуёшда қорайган, сочлари узун, қуроқ-суроқ кийим кийган эркаклар; хунук башарали, усти-боши далва-дулва ўсмирлар ҳам бор эди; кўзларини боғлаган кўр гадолар; қўлтиқ таёқ ва ҳасса тутган чўлоқлар, шоллар; йиринглаган яраларини чалачулпа боғлаган касаллар; афт-ангори шубҳали, қути ушлаган аттор; пишчоқларни чархловчи, идишларни оқартирувчи мисгар, сартарош — ҳар бири ўз асбоблари билан; аёллар орасида жуда ёш қизчалар ҳам, кексароқлари ҳам, ажини босган қарилар ҳам бор эди. Ҳаммаси қичқиришар, шовқин-сурон қилишар, уятсизларча сўкинишарди, ҳаммаси ифлос, қаланғи-қасанғи одамлар эди; бу ерда юзларида аллақанақа яралари бўлган уч гўдак ҳам бор эди; бўйинларига арқон боғланган бир неча оч ит ҳам дайдиб юрар, бу итлар кўрларга етакловчи бўлиб хизмат қиларди.

Кечаси алламаҳал бўлган, базм эндигина тугаган, кайф-сафо бошланган эди. Ароқ солинган мунди қўлдан-қўлга ўта бошлади. Бир неча киши бирданига:

— Ашула! Ашула! Кўршапалак, ашула айт! Жўр бўл, Дик, Чўлоқ, сен ҳам айт!

Кўрлардан бири ўрнидан турди-да, ашула айтмоқчи бўлди, кўзини бекитган пластирни ва кишиларнинг раҳмини келтириш учун кўр бўлиш сабабини ёзиб бўйнига осиб қўйилган тахтачани ерга улоқтирди, иккала кўзи ҳам соппа-соғ экан. Чўлоқ эса оёғига боғланган таёқларни улоқтириб, иккаласи ҳам соппа-соғ бўлган оёғини ёзиб, ўртоғининг ёнида тикка туриб олди. Иккаласи бўкиришиб шўх ашулани бошлашди, бошқалар эса паст-баланд овозда бир-биринга қовушмай уларга жўр бўлишди.

Ашула тугай деб қолганда маст бўлиб қолганлар уни яна бошидан бошлаб, бақиритиб, бутун саройни бошларига кўтаритди.

Бу ашулани ўғрилар тилидан таржима қилинса, унинг охири тахминан қуйидаги мисралар билан тамомланарди:

Биз кетяпмиз узоқ сафарга,
Хайр энди, қадрдон макон.
Бизни кутар дор, мангу уйқу,
Унутма, она-ер, бизни ҳеч қачон.
Дор сиртмоғи қоронғи тунда
Тебратади ҳар биримизни,

Хурсанд бўлар жаллодларимиз
Бўлиб олар лаш-лушимизни!

Шундан кейин ўзаро суҳбат бошланди, суҳбат ўғрилар тилида эмасди, чунки ўғрилар тили динг қулоқлар пайқашни хавфи бор пайтлардагина қўлланиларди. Гап-сўзлардан шу нарса маълум бўлдики, Жон Гоббс бу даврада янги одам эмас экан, бу шайкага илгари ҳам қатнашиб юрган экан. Сўнгги пайтларда унинг қўлидан нима ишлар келганини гапиришни талаб қилишган эди, у «тасодифан» бир одамни ўлдирганини айтди, бундан тингловчилар мамнун бўлишди; ана шу ўлдирган киши руҳонийлигини маълум қилганида ҳаммаси хурсанд бўлиб кетиб, навбат билан ҳар бири унга ароқ тутқиза кетди. Эски танишлари уни хурсандчилик билан табриклашди, янги танишлар эса қўл қисиб, уни табриклаш шарафига муяссар бўлганликларидан фахрландилар. Ундан «бир неча ойдан бери қаерларда дайиганини» сўрашганда:

— Қишлоқларда юргандан кўра Лондонда юрган яхшироқ, чунки хавфсизроқ, айниқса сўнгги йилларда қонунлар бешафқат бўлиб, уларга тўла риоя қила бошлаганларидан бери юриш яхши бўлиб қолди. Руҳонийни ўлдирмаганимда, Лондонда тураверардим. Шаҳардан нари жилмасликка аҳд қилган эдим, аммо шу бахтсиз ҳодиса аҳдимни бузишга мажбур этди.

У ҳозир шайкада қанча одам борлигини сўради. Уғрилар бошлиғи унга:

— Йигирма беш қўй териси, верстак, эгов, мушт, саватчи ҳамда кампиру қизлар² бор. Кўпчилиги шу ерда. Бошқалари шарққа, қишки йўлдан кетишди; тонг отганда бизлар ҳам уларнинг орқаларидан жўнаймиз, — деб жавоб қилди.

— Бу аслзодалар жамоасида Уэн кўришмаяпти. У қаёқда?

— У бечора ҳозир жаҳаннамда, олтингугурт еб ётибди, олтингугурт унинг нозик дидига иссиқлик қилади. Уни ёзда уриб ўлдириб қўйишган.

¹ 1665 йилда Лондонда нашр қилинган «Инглиз дайиси» деган китобдан олинган (автор изоҳи).

² Уғрилар тилида ўғри, гадой ва саёқларнинг ҳар хил топфаларини англатади.

— Бу хабар мени хафа қилди. Уэн эпчил ва довьюрак эди.

— Тўғри! Унинг дилбари Қора Бэсс ҳали биздан ажралгани йўқ, аммо ҳозир бу ерда эмас, шарққа овга кетган. Чиройли қиз, ахлоқи ҳам, тарбияси ҳам яхши, ҳеч ким уни ҳафтада тўрт кундан ошиқ маст ҳолда кўрмаган.

— Ҳа, ҳамма вақт ўзини яхши тутиб юрарди, эсимдан чиқмайди, ҳар қанча мақтаса арзийди. Онаси ярамас, суюқ оёқ эди. Заҳар, баджаҳл, аммо шайтондек ақлли кампир эди.

— Ақли кўплиги бошига етди. Яхши фолбинлиги, бўладиган нарсаларни олдиндан гапириб бериши туфайли сеҳргар деб аташарди-да. Қонунга мувофиқ, уни аста-секин ўтда куйдириб ўлдиришди. Мен бу қийноққа мардона бардош берганини ўз кўзим билан кўриб, ҳайратда қолдим. Жони чиққунча, олдида унга қараб томоша қилиб турганларни қарғади, аланга сочларини куйдира бошлаганда ҳам нуқул қарғайверди. Ҳаммани қарғади, сўкди. Шунақа болхонадор қилиб сўкинардики, минг йил яшаб, бунақа сўкишларни эшитолмайсан киши. Жуда уста эди! Усталиги ҳам ўзи билан бирга ўлди. Энди шогирдликка ҳам арзимайдиган тақлидчилари қолди, холос, чинакам сўкишни энди эшитолмайсан.

Ўғри боши хўрсиниб қўйди, тингловчилар ҳам хайрихоҳлик билан хўрсинишди; бир дақиқа бутун шериклар гамга чўмди. Энг қўпол, дағал одамларда ҳам сезгирлик бўлади, шунақа пайтларда, яъни талант ёки санъат нобуд бўлган пайтларда, унинг ҳеч кимга мерос қолмаганини ҳис этишиб, улар хафа бўлишади, қайғуришади. Лекин мундидан бетиним ичилаётган ароқ даврадагиларнинг қайғусини тез қочирди.

— Ҳамроҳларимиздан ҳеч ким қўлга тушмадимми?— деб сўради Гоббс.

— Баъзи бировлар қўлга тушди. Кўпинча янгилар, ерларини қўйларга ўтлоқ қилиш учун тортиб олинган майда фермерлар уй-жойсиз, нонсиз қолиб, қўлга тез тушадилар. Шунда садақа сўрай бошлайди, уни аравага боғлаб, кўйлагини ечадилар-да, роса қамчилайдилар; уравериб сулайтириб ташлашади; у яна садақа сўрайди — яна қамчи билан тўйғизишади ва қулоғини кесиб олишади; учинчи марта яна тиланади, ахир га-

дойлик қилишдан бошқа иложи борми — бу гал темир қиздириб тамға босишади, қул қилиб сотишади, у қо- чади, тутиб олиб, осадилар. Эртақ қисқа, дарров тугай- ди. Яна баъзи ошналаримиз ҳам товон тўлашди, лекин ҳар ҳолда арзон... Йокел, Бэрнс, Гож, безакларингизни ўринларингиздан туриб бир кўрсатинглар!

Номи зикр этилганлар ўринларидан туриб, жулдур кийимларни ечиб, қамчи излари қолган орқаларни, елка- ларини кўрсатдилар; уларнинг бири сочини қўли билан кўтариб, бир вақтлар чап қулоғи бор жойни кўрсатди; бошқаси елкасида тамғани — ҳарфини ва чиноқ қуло- фини кўрсатди; учинчиси деди:

— Мен Йокелман. Бир вақтлар фермер эдим, ях- шигина яшардим, сеvimли хотиним ҳам бор эди, бола- ларим ҳам. Ҳозир ҳеч нарса йўқ, касбим ҳам ўзгар- ди... Хотиним ва болаларим ўлди; балки жаннатдадир- лар, балки дўзахда, худога менинг марта шукурки, ҳар ҳолда Англияда эмас улар! Меҳрибон, жафокаш онам нон топиш тараддудида касалларга қараб юрарди; бир касал қазоси етиб ўлади, докторлар сабабини билишол- майди, кейин онамни жодугар ҳисоблаб, гулханда ёқ- дилар, болаларим уни қандай ёқаётганларини кўриб, роса йиғлашди. Ана Англия қонуни! Қадаҳларингизни кўтаринглар! Ҳамма барабар! Тезроқ! Онамни Англия- дек дўзахдан озод этган инсонпарвар Англия қонуни учун ичамиз! Раҳмат, оғайнилар, ҳаммаларингизга раҳ- мат!.. Оч болаларни етаклаб, хотиним билан биргалик- да садақа сўраб юрдик; Англияда оч юриш жиноят ҳи- собланади, бизни уч шаҳарда тутиб олиб роса урди- лар... Раҳмдил Англия қонуни учун яна бир ичайлик, дўстлар! Қамчилар менинг Мэримнинг қонини роса сўр- ди, унинг ҳам озод бўладиган жунни етиб келди. Мана, у ер бағрида ётибди, ғамни ҳам билмайди, аламни ҳам, Болаларим эса... ўз-ўзидан равшан, мени қамчилаб, шаҳардан-шаҳарга қувиб юришганда очликдан ўлиб кетдилар. Бир қултумдан яна ичайлик, дўстлар, ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бахтсиз болаларим хотираси учун бир қултумдан ичайлик!.. Кейин яна са- дақа сўрашни давом эттирдим; одамлардан бир бўлак қотган нон тилаб, қўл чўздим, менга эса исканжа инъом қилишди, шунда мана бу қулоғимдан маҳрум қилиш- ди — кўряпсизларми, қулоғим кесилган. Яна садақа сў- радим, Англия қонуни эсимдан чиқармаслигим учун



иккинчи қулогимни ҳам кесиб ташладилар; тиланчилик қилишдан бошқа иложим йўқ эди, тиланчилик қилганимдан кейин мени қул қилиб сотдилар — юзимдаги тамғам шундан, у фақат кир остида; агар кири ювилса, темир қиздириб босилган қизил «V» ҳарфини кўрасиз! Қул! Бу сўз тушунарлими сизларга? Англия қули! У, мана мен, қаршингиздаман! Мен ўз хўжайинимдан қочдим, агар мени тутиб олишса, қонунга асосан, — шунанга қонунларни яратган мамлакатга минг лаънат! — мени осишади.

• Қоронғиликдан жарангдор бир овоз эшитилди:

— Сен осилмайсан! Шу кундан бошлаб бу қонун бекор қилинади!

Ҳамма овоз келган томонга қайрилиб, тез юриб яқинлашаётган кичкина қиролнинг нозик гавдасини кўрди; у қоронғиликдан ёруғликка келгач, унинг афт-ангори яхши кўринди, ҳар ёқдан савол ёғилди.

— Бу ким? Нима дединг? Кимсан, бола?!

Бола ҳайрон қолган ва савол назари билан тикилган кўзлардан доврирамай, шоҳона улуғворлик билан:

— Мен Эдуард, Англиянинг қиролиман, — деди.

Ҳамма кулди, бу кулги завқ-шавқ ифодасига ҳам, мазах қилиш аломатига ҳам ўхшарди. Бундан қирол қаттиқ ранжиди, кескин тарзда деди:

— Сизлар тарбиясиз дайдиларсиз! Қиролнинг сизларга раҳми келиб, шафқат қилаётганига билдирган миннатдорчилигингиз шуми!

У ҳаяжонланиб ғазабли сўзлар билан уларни койиди. Аммо унинг гаплари қаҳ-қаҳа ва масхаралашдан иборат хитоблар орасига сингиб, эшитилмади. Жон Гоббс дайдиларга бақириб, уларни ниҳоят тинчитди.

— Дўстларим, — деди у, — у менинг ўғлим, хаёлпараст, аҳмоқ, ақлдан озган: унга аҳамият берманглар: у ўзини қирол деб ҳис этиб юрибди.

— Мен қиролман, — деди унга Эдуард. — Пайти келганда, буни ўзинг ҳам тушуниб қоласан. Сен бировни ўлдирганлигингни ўзинг ҳам тан олдинг, бу гуноҳинг учун осиласан.

— Ҳали сен мени тутиб бермоқчимисан? Сен-а? Сени ўз қўлим билан...

— Шошма, шошма! — деб қичқирди унга забардаст ўғри боши — атаман ва қиролга ёрдамга югуриб, бир мушт билан Гоббсни ерга йиқитди. — Сен ҳали қиролни



ҳам, атамани ҳам ҳурмат қилмайдиган одаммидинг? Мен турган жойда яна бир марта ўзбошимчалик қилсанг, дарахтга осаман.— Кейин у жаноб олийларига мурожаат қилди:— Сен, кичкина, ҳеч қачон ўз ўртоқларинг ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса дема, уларга дўқ ҳам қилма. Агар қирол бўлгинг келаётган бўлса, бўлавер, ҳеч ким бундан зиён кўрмайди. Аммо ўзингни Англиянинг қиролиман дея кўрма, бу катта жиноят, давлатга хиёнат: биз ёмон одамлар бўлсак ҳам, аммо орамизда ўз қиролига хиёнат қиладиган аблаҳ йўқ; ҳаммамиз ҳам уни севамиз, унга садоқатлимиз. Мана ҳозир кўриб, ишонч ҳосил қиласан: Яшасин Англиянинг қироли Эдуард!

Саёқларнинг кучли хитоби момақалдироқдек янгради, омонат бино ларзага келди. Кичкина қиролнинг юзларида қувонч мавжланди, у сал бош эгиб, улуғворлик билан:

— Ташаккур, меҳрибон халқим!— деди.

Кутилмаган бу жавоб яна ҳаммани кулдирди. Шовқин-сурон бир оз босилгач, атаман болага меҳрибонлик билан қараб, жиддий тарзда деди:

— Қўй бу қилиғингни, бола, бу яхши эмас, ақлсизлик... Агар жудаям хаёл сургинг келаётган бўлса, ўзингга бошқа бирор амал танла.

Мисгар қичқириб, таклиф киритди:

— Фу-фу Биринчи, аҳмоқлар қироли!

Бу ҳаммага маъқул бўлди, оғиз кўпиртириб қичқиришди:

— Яшасин аҳмоқлар қироли Фу-фу Биринчи!

Саёқлар қийқиришди, ҳуштак чалишди, миёвлашди, қаҳ-қаҳ уришди.

— Уни бу ёққа олиб келинглар, тахтга ўтқизамиз!

— Унга мантия кийгизинглар!

— Унга салтанат ҳассаси беринглар!

— Тахтга чиқазинглар!

Шу каби яна йигирматача хитоб бирданига айтилди ва бахтсиз бола нафасини ростлаб олмай туриб, унинг бошига тунука кострюлка кийгизишди, мантия деб жулдур одеялга ўрашди, қўлига мисгарнинг идиш



оқлайдиган асбобини тутқишиди. Кейин ҳаммаси мас-харалаб гап отишиб, унинг олдида тиз чўкишди-да, худди йиғлаб ёлворгандек, ифлос қўлларини, этакларини кўзларига суртишиб, мазах қилишди:

— Бизларга раҳм-шавқат қил, о азиз қиролимиз!

— Қумурсқалардек ожизу нотовон фуқароларингни оёғинг билан янчма, марҳаматли монарх!

— Қулларнингга раҳминг келсин, шоҳона тепкилар билан уларни бахтиёр эт!

— О, қуёшдек ягона ҳукмдоримиз, ўз нурларинг билан бизни исит, эркала!

— Ерга муқаддас оёғингни бир бос, пойқадамнинг теккан жойларни ялаб, бахтиёр бўлайлик!

Бизлардан туфугингни аяма, подшоҳимиз, туфур бизга, сенинг бу марҳаматингни токи бола-чақаларимиз ҳам эслаб юришсин!

Масхарабоз мисгар жуда қизиқ ҳазил қилди. У тиз чўкиб қиролнинг оёғини ўпмоқчи бўлди; шунда жаҳли чиққан қирол уни тепиб юборди; кейин мисгар саёқларнинг олдига бирма-бир бориб, юзидаги қиролнинг оёғи теккан жойни боғлаб қўйиш учун латта сўради, бу шарафли тепки ҳавонинг таъсирида изсиз йўқолиб кетмаслиги кераклигини, муқаддас тепки еган жойини одамларга кўрсатиб, ҳар бир кўргани учун юз шиллингдан пул олиб бойиб жетажагини айтди. Ҳамма саёқлар ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди.

Кичкина монархнинг кўзлари ёшланди, булар уят ва ғазаб кўз ёшлари эди. «Буларни қаттиқ хафа қилганимда эди, мени бунчалик хафа қилишмасли; уларга раҳминг келганди — раҳм-шафқатимга қилган жавобларин бу бўлди!» — деб қўйди у алам билан.

XVIII боб

ШАҲЗОДА САЁҚЛАР ОРАСИДА

Саёқлар тудаси эрта азонда туриб, йўлга тушди. Осмон тумшайиб олган, ер тийғанчоқ, ҳаво аёз эди. Шайка ғамгин; бировлар қовоғини солиб жим борар, бошқаларнинг жаҳли чиққан, зардали; ҳамманинг ҳам кайфи жойида эмасди, карахтликни тарқатиш учун яна бир оздан ичгиси келарди.

Атаман Жон Кентига ўзини четга олишни ва ўглини тинч қўйишни буюриб, «Жек»ни Гугонинг назоратига топширди; Гугога эса болани хафа қилмасликни буюрди.

Ҳаво аста-секин юмшай бошлади, паст сузаётган булутлар баландроққа кўтарилди. Дайдилар совуқдан энди титрамас, кайфлари ҳам сал жойинга келганди. Улар аста-секин хурсанд бўлишиб, бир-бирларига ва олдиларидан чиққан йўловчиларга гап отиб, тегажоқлик қила бошладилар. Яна ҳаётни қадрлаб, унинг қувончларидан баҳраманд бўла бошлагандилар. Улардан ҳамма қўрқар: йўл берар, масхара-мазахларига чидар, жанжаллашишга ҳеч кимнинг юраги бетлай олмасди. Дайдилар уйларнинг ихоталарига қуритиш учун осиб қўйилган кийимларни, баъзан уй эгалари кўзи олдида ҳам олиб кетишар, уй эгалари қаршилиқ кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто ихоталарни қолдириб кетаётганларидан хурсанд бўлиб, ҳеч нарса дея олмасдилар.

Кўп юрмай дайдилар йўлда унча бой бўлмаган бир фермернинг уйига бостириб киришди-да, уй эгалари қўрқувдан титрашиб, омборда бор озиқ-овқатдан улар нонушта тайёрлагунларича улар уйга ўзлариникидек жойлашиб олишди. Фермернинг хотини ва қизлари уларга овқат олиб кирганларида уларни жаҳл чиқарадиган лақаблар билан атаб, иякларидан ушлашиб, от кишнагандек чинқиришиб, қаҳ-қаҳ уришди. Фермерга ва унинг ўғилларига суяк ва сабзавотлар отиб, уларни тирақайлаб қочишга мажбур қилдилар, отилган нарса мўлжалга текканда завқланиб кулдилар. Ниҳоят, уларнинг бу бемаъни ҳазилларига фермернинг бир қизи чидаб туролмади, ғазабланди, бунга жавобан улар қизнинг бошига ёғ суркашди. Уйдан чиқиб кета туриб, агар бизни ҳукуматга чақсанглар, яна келиб уйни эгалари билан бирга ёндириб кетамиз, деб уй эгаларига дўқ қилишди.

Шайка узоқ юриб, ҳолдан тойгач, тушга яқин катта бир қишлоқнинг четида, ихота ёнида дам олишга ўтирди. Бир соатча дам олгач, қишлоқнинг ҳамма томонидан бирданига бостириб кириб, ҳар ким ўз ишини қилиш учун ҳар томонга тарқалишди.

«Жек»ни Гуго билан бирга юбордилар. Иккаласи кўча бўйлаб анча юрди. Гуго ўз санъатини нимага ишлатишни билмай, ниҳоят деди:

— Үғирлайдиган ҳеч нарса йўқ. Қашшоқ қишлоқ экан. Садақа сўрашга тўғри келади.

— Садақа сўраш? Ҳеч-да! Садақа сўрасанг сўрай-вер. Мен тиланчилик қилмайман.

— Тиланчилик қилмайсан?— деди Гуго, таажжубланиб, кўзларини қиролга қадаб.— Айт-чи, қачондан бери бойвачча бўлиб қолдинг?

— Тушунмаяпман гапингга.

— Тушунмаяпсан? Лондон кўчаларида бир умр тиланчилик қилгансан-ку.

— Мен-а?.. Аҳмоқ!

— Бунақа ширин сўзларингни тежаб сарфла — кўпга етади. Отанг, ўғлим эсини танигандан бери гадойлик қилиб келади, деди-ку. Ёлғон айтдимми? Балки ёлғон айтди дейишга журъат ҳам қиларсан?— деди Гуго, уни масхара қилиб.

— Сен уни менинг отам деб ўйлаяпсанми? У ёлғон айтяпти.

— Майли, ошна! Кўп ўзингни жинниликка солиб, масхаравозлик қилаверма, ўйнаб-кулдинг, энди кифоя, бошингга бир бало орттириб қўйма тагин. Агар унга гапириб берсам, терингни шилади.

— Сен овора бўлиб ўтирма, унга ўзим айтаман.

— Ботирлигинг менга ёқяпти, худо ҳақи, ёқяпти. Лекин бемаъни гапингни қўй. Қалтаклашлар, тепкилар, туртишлар ўзи етарли. Нега ўзингга тепки сотиб олмоқчисан? Энди бу гапни бас қилайлик! Мен отангга ишонаман. У алдашни эплай олади, керак бўлганда ҳам-мамиздан ҳам яхшироқ алдайди, аммо сенинг тўғрингда ёлғон гапириб ўтирмас. Ақлли одам ёлғонни қаерга ишлатишни яхши билади! Агар тиланчилик қилгинг келмаётган бўлса, нима қиламиз? Ё ошхонага кириб, бирор нарса ўғирлайликми?

Қирол ғазабланди:

— Бемаъни гапларингни йиғиштир, жонимга тегдинг!

Гугонинг жаҳли чиқди:

— Қулоқ сол, биродар, ўғирлагинг келмаса, садақа сўрагинг келмаса, айтганинг бўла қолсин! Биласанми, нима қиласан. Мен садақа сўрайман, сен ўткинчиларни алдаб ўзингга жалб қилиб тур. Шуни ҳам қилмай кўр-чи!

Қирол унга ўқрайиб қаради, бир нима демоқчи бўлган эди, Гуго унинг сўзини бўлди.

— Жим! Афт-башараси раҳмдилга ўхшаган бир одам келяпти.

Мен тутқаноқ тутган кишидек ётиб оламан. Уша одам менинг олдимга югуриб келса, сен ялиниб-ёлвориб тиз чўк, ўзингни йиғлаётганга сол, шайтон талаётгандек чинқириб йиғла ва унга: «О сэр, бу менинг бахтсиз акам, ҳеч кимимиз йўқ. Худо йўлига раҳминг келсин, ҳамма унутиб юборган, бахтсиз бечорага, бедаво бир касалга шафқат қилиб, бир пенни пулингни биздан аяма. Худонинг мажруҳ бандаси, ҳалок бўлаётган одамга бир садақа қил!» де. Эсингда тут: то у бир пеннини чўнтагидан чиқариб сенга тутқизмагунча, ялиниб-ёлворишингни қўйма. Агар шундай қилмасанг, кўргилигингни кўрасан.

Сўнг у дарров вой-войлаб йиғлади, кўзини ола-кула қилиб, турган жойида гир айлана бошлади, уҳ тортаверди, йўловчи яқинлашганда эса ўзини лойга ташлаб, қаттиқ азоб тортаётган одамдек ҳаракат қила бошлади.

— Ё парвардигор!— деди оқ кўнгил йўловчи.— Бечора жуда қийналяпти-ку. Ҳозир сенга ёрдам бераман.

— Йўқ, марҳаматли сэр, тегма менга... Яхшилигинг худодан қайтсин! Тутқаноғим тутган пайтларда ҳеч қаеримга тегиб бўлмайди, ҳамма жойим қаттиқ оғрийди. Тутқаноқ қанчалик қийнашини укам гапириб берар сенга. Мени ўз ҳолимга қўй, раҳминг келаётган бўлса бир пенни бер.

— Бир пенни! Бечора, бир эмас, уч пенни бераман сенга!

Йўловчи дарҳол чўнтагига қўл юборди.

— Мана, азизим, олақол, худо шифо берсин! Бу, ёққа кел, бола, акангни ана у уйга олиб боришга ёрдамлаш. У ерда...

— У акам эмас...— деди унинг сўзини бўлиб қирол.

— Нима? Нега аканг эмас?

— Ана, эшитдингизми?— деди Гуго, дарғазаб бўлганидан тишларини ғижирлатиб.— У ўз акасидан воз кечяпти, бир оёғи гўрда турган бечора акасидан воз кечяпти-я!

— Агар у ростдан аканг бўлса, бағринг тош экан, бола! Уялмайсанми?! Қўлини ҳам, оёғини ҳам қимирлатолмай ётипти-я! Аканг бўлмай ким у?

— Гадой ва ўғри! Сендан садақа ҳам олди, аллақа-

чон чўнтагингга қўлини ҳам тикди. Агар уни даволамоқчи бўлсанг, қўлингдаги таёғингни ишга солиб, аямай елкасига тушир, ҳолини кейин кўрасан.

Гуго йўловчининг таёқ билан даволашини кутиб турмади, бир сакраб туриб, қоча кетди, йўловчи бақириб-чақириб қува бошлади. Қирол унга ёпишган балонинг ўз оёғи билан қочганидан хурсанд бўлиб, тескари томонга қочди, хавфсиз жойга етгунча қадамини секинлатмади. Олдида чикқан йўлдан қайрилди, бир оздан кейин қишлоқ орқада қолди. Орқасига қарай-қарай бир неча соат тез юриб турди. Ниҳоят хотиржам бўлиб, хавфсизлигини билиб, қувончи беҳад бўлди.

Ўзининг оч қолганини ва жуда чарчаганини шундагина пайқади. Шу яқин орадаги бир уй эшигини қоққан эди, унинг сўз айтишига ҳам қўймай, туртиб ҳайдадилар: унинг кийимлари уй эгаларида хавф туғдирган эди.

Ғазабланган, ҳақсизланган қирол йўлини давом эттириб, бундан кейин ҳеч кимга ялинмасликка қарор қилди. Аммо очлик ғурурдан устун келди, кечга яқин у яна бир уй эшигига борди; бу ерда уни янада ёмонроқ кутиб олдилар, сўкиб, агар тезроқ даф бўлмаса, дайди деб, тутиб беришларини айтиб, унга дўқ қилдилар.

Қоронғи ва совуқ кеча бошланди. Қирол дармони қуриган оёқлари билан ҳамон судралиб борарди. Нонлож юраверди, юраверди, сал ўтириб дам олмоқчи бўлса, совуқ суяк-суягидан ўтиб кетарди. Қоронғилик қучоғида бўм-бўш йўллар ва майдонликлардан юравериб, олган таассуротлари янги ва ғалати туюлди унга. Аҳён-аҳёнда қулоғига товушлар эшитиларди, улар яқиндан эшитилар, жуда яқин келиб қолар, кейин аста-секин эшитилмай қоларди. Одамлар кўринмас, кўзига ғира-шира, қора шарпага ўхшаган нарсалар кўринарди; бу шарпалар титраётганга ўхшар, унда ваҳима ҳосил қиларди. Гоҳо узоқ-узоқларда гўё бошқа оламда кўрингандек чироқ милтилларди, гоҳо олисдан поданинг қўнғироқ товуши зўрға эшитиларди; тун зулматида шамол олислардан олиб келаётган молларнинг маъраган товушлари қулоққа ғамгин чалинарди; аҳён-аҳёнда кўз илғамас далалар ва ўрмонлардан итларнинг увлагани келарди. Ҳамма товушлар узоқдан эшитиларди, кичкина қирол ёлғиз, паришон ҳолда ўзини чексиз саҳрода, бутун

тирик мавжудотдан узоқлашиб кетган ҳис қилиб, юраги қисиларди.

У чалишиб йиқила бошлади, аммо йўлини давом эттираверди. Бу даҳшатли таассуротлар уни қамраб олганди. Баъзан боши устида қуруқ барглар шитирлар, бу ҳам аллақандай кишилар пичирлашиб гаплашаётгандек туюларди унга. Тунука фонарь яқингинасида ёғду сочиб турганини пайқагунча юраверди. Сал орқага, қоронғиликка тисарилиб бир муддат кузатиб турди. Фонарь саройнинг очиқ эшиги ёнида эди. Қирол бир оз қараб турди — ҳеч қанақа овоз ҳам, шитирлаган товуш ҳам эшитилмади. У совуққа қотди, сарой эса меҳмондўстлик билан уни чорлаётгандек туюлди, у ниҳоят эшикка борди. Тез, товуш чиқармай, остонадан ўтиши билан орқасидан овоз эшитилди; у бочка ичига кирди-да, чўққайиб ўтириб олди. Қўлида фонарь билан икки қарол саройга кириб, гаплашиб, ўз ишларига тугиндилар. Фонарь ёғдусида қирол саройнинг нариги бурчагида оғилга ўхшаган жой борлигини пайқади; қароллар чиқиб кетишса, ўша ерга боришни мўлжаллади; саройнинг ўртасида от ёпиғи борлигини пайқаб, уларни бу кеча Англия қиролининг тожи, тахти вазифасини бажаришга мажбур қилишини ҳам ўйлаб қўйди.

Қароллар ишларини тугатиб, фонарни олиб, сарой эшигини бекитиб чиқиб кетдилар. Совуқдан титраб турган қирол қоронғиликда туртина-туртина от ёпиқлари турган жойга борди, уни кўтариб оғилга жўнади. Иккита ёпиқни тагига ташлади, иккитасини устига олди. Гарчи тўшаги юпқа, эски, кирлигидан унча иситмаса, отнинг тери ҳиди анқиб турган бўлса ҳамки, энди у ўзини бахтли ҳис этди.

Қирол совуқдан ҳамон титрар, очликдан қийналарди, аммо ҳаддан ташқари чарчаганлиги туфайли тез уйқу босди. Энди кўзи юмилган эди ҳамки, биров теккандек бўлди. У дарров уйғониб кетди, нафас ҳам олмай қараб турди. Юраги ёрилиб кетишига сал қолганди — қоронғиликда сирли туртиш уни беҳад чўчитиб юборган эди. Қимирламай ётганича зўрға нафас олиб қулоқ солиб турди. Анча узоқ вақт — бу вақт унга жуда узоқ туюлди — индамасдан, қимирламасдан қулоқ бериб турди, аммо ҳеч ким тегмади ҳам, овоз ҳам эшитилмади. Кўзи яна уйқуга кетди, яна тўсатдан аллаким туртгандек туюлди. Бу алланарсанинг кўринмай, товушсиз тегаёт-

гани даҳшатли эди! Бола жуда ҳам қўрқиб кетди. Нима қилсин? Бу саволга жавоб топиш беҳад машаққатли бўлди унга. Қулай тўшакни ташлаб, кўзга кўринмаётган душманидан қочсинми? Қаёққа қочади? Саройдан қочиб чиқиб бўлмайди—эшиги қулфлаб олинган; қоронғиликда саройнинг турманикидек тўрт девори орасида у бурчакдан бу бурчакка қочадими, кўринмаётган душмани барибир ҳар минут унинг елкасидан тутиб олиши, қўлидан ушлаши мумкин, йўқ, бу янада даҳшатлироқ. Ваҳимадан титраб ётаверсинми? Йўқ, бу ҳам ёмон. Нима қилиш керак? Фақат бир йўл қолганди: қўлини чиқариб, ўзини туртаётган нарсанинг нималигини аниқлаши керак эди.

Бунақа қарорга келиш осон, аммо амалда қилиш қийин эди. Уч марта қоронғиликда қўлини чўзди, ҳар гал чўзиб, тез тортиб олди, қўли бирор нарсага текканидан эмас, қўли тегадиган ўша нарсанинг нималиги уни чўчитарди. Тўртинчи марта қўлини яна сал узоқроққа чўзган эди, илиқ, юмшоққина алланарсага тегди. Ваҳимадан тошдек қотди: унинг устида ҳали бадани совимаган ўлик тургандек туюлди. Яна бир марта қўл чўзиб, уни ушлаб кўрганимдан ўлганим маъқулроқ деб ўйлади. Аммо янглишди, инсоний синчковлик қўрқувдан устун келди. Қўллари қалтирай-қалтирай яна чўзилди, чўзилганда ҳам деярли ўз иродасига қарши равишда кескин чўзилди. Қўли бир тутам сочга тегди. У қўрқа-қўрқа сочни тутиб, яна нарироққа қўл чўзди, арқонга ўхшаш бир нарсага тегди; арқонни тутиб, яна сал силаб-сийпалаб қарасаки... беозоргина бузоқ! Арқон деб ўйлагани арқон эмас, бузоқнинг думи экан!

Арзимайдиган нарсдан шунча кўп қўрққанидан қирол уялиб кетди. Аммо унчалик уят ҳам эмасди: ахир бузоқдан эмас, аллақандай қўрқинчли, даҳшатли бир нарсдан, ўзи мавжуд бўлмаган аллақанақа ваҳимадан қўрқди-да. Хурофот авж олган у замонларда бошқа ҳар қанақа бола ундан ҳам баттароқ қўрққан бўларди.

Қирол ўзига даҳшатли махлуқ бўлиб туулган нарсанинг бузоқ бўлиб чиққанидангина эмас, ўзига ўртоқ топилганидан қувонди; у ҳам ўзини ана шу бузоқ каби четга ташланган ва ёлғиз ҳис қилди, ҳатто ана шу ювош ҳайвон билан ҳамнафас бўлиб ўтириши ҳам унга қувончли эди. Одамлар уни ранжитишди, қўполлик билан хафа қилишди, шунинг учун ҳам ақли бўлмаса-

да, раҳмдил қалбли, беозор бир ўртоқ топилиши уни овутарди. У ўзининг юксак мартабасини унутиб, бузоқ билан дўстлашишга қарор қилди.

Қирол бузоқнинг иссиқ, юмшоққина елкасини силаркан, бузоқ унинг яқинида ётарди — бу янги дўстнинг фойдаси тегиши мумкинлигини ҳам пайқади. У ўзининг тўшагини бузоқнинг яқинига сурди; бузоққа суяниб ётиб, ёпиқни ҳам ўзининг, ҳам бузоқнинг устига ёпди, бир минутгинадан сўнг исиб кетди, ҳатто Вестминстердаги қирол саройида момиқ тўшакда ётгандек бўлди.

Хаёлини яхши фикрлар чулғади, ҳаёт қувончлироқ кўринди. Энди жиноятчиларнинг хизматкори эмас, паст ва қўпол дайдилар шайкасидан узоқда эди; тепасида том, ётган жойи — иссиқ, умуман бахтли. Тун шамоли эсмоқда: у авжига чиққанда эски сарой титрар, бир зум жимликдан сўнг яна шамол сарой бурчакларида ва томида увилларда. Аммо шамол қанчалик увилламасин, қулай жойда ётган қирол учун у бир музика вазифасини ўтарди; эсаверсин, увлайверсин, ййглайверсин, ҳуштагини чалаверсин, нола қилсин — барибир. У фақат ўз дўстига яхшироқ ёпишиб ётди, унинг иссиқлигидан баҳраманд бўлди, ҳеч қандай туш ҳам кўрмай, тинчгина ухлади. Узоқларда итлар ҳурар, сигирлар ғамгин маърар, шамол ғувиллар, ёмғир томни дарғазаб саваларди, жаноб олийлари, Англиянинг ҳукмдори эса беғам уйқуда, унинг ёнида эса бўронларга ҳам бепарво бўлган, ҳатто қирол билан ёнма-ён тортинмай ухлайверадиган жонивор ётарди.

ХІХ БОБ

ШАҲЗОДА ДЕҲҚОНЛАР ОРАСИДА

Қирол эрталаб уйқудан уйғониб, ҳўл аммо сезгир каламуш кечаси қўйнида бирга ухлаганини билиб қолди. Сал қимирлаши билан каламуш қочди. Бола жиламайиб, деди:

— Тентак, нимадан қўрқасан? Мен ҳам сенга ўхшаган бошпанасизман. Ўзим ҳимоясиз бўла туриб бошқа бир ҳимоясизни хафа қилармидим. Яхшилик нишониси бу, бунинг учун хурсандман сендан. Қирол шунчалик тубанликка тушдики, ҳатто каламушлар ҳам кўкрагида



ётишяпти, бу унинг тақдири тез орада ўзгаришидан дарак беради, бундан тубанроққа тушиш мумкин эмас.

Қирол ўрнидан туриб, оғилдан чиққанда болаларнинг овозини эшитиб қолди. Саройнинг эшиги очилди, иккита жажжи қизча кириб келишди. Қиролни кўриб қолиб, кулгиларини ҳам, гапларини ҳам тўхтатдилар, қаққайиб туриб, уни катта қизиқиш билан кузата бошладилар. Салдан кейин пичирлашишди, салдан кейин унга яқинроқ келиб, яна қаққайиб унга қараб туришди, яна пичирлашишди. Аста-секин дадиллашиб, у ҳақда баланд товуш билан гаплаша бошладилар.

Бири:

— Хушрўй экан,— деди.

Иккинчиси:

— Сочи жингалак экан,— деб қўшиб қўйди.

— Аммо кийимлари жудаям ёмон.

— Узиям жуда очга ўхшайди.

Улар яқинроқ келиб, атрофидан бир неча марта айланиб ўтишди, ғалати, ҳеч қачон кўрмаган бир ҳайвонни томоша қилаётгандек, бу ҳайвон еб қўядигандек, унга қўрқув аралаш кўз тикиб туришди. Ниҳоят, улар бир-бирларидан ҳимоя излагандек, бир-бирларининг қўлидан тутиб, қиролнинг қаршисида тўхтаб қолишди, кўзла-

ри эса ҳамон соддадиллик билан қиролга қадалиб турарди; кейин, бирови дадиллик қилиб сўради:

— Сен ким, бола?

— Мен қиролман,— деб жавоб қайтарди у салмоқ-ланиб.

Қизчалар кўзларини катта очиб, сал тисарилишди ва бир дақиқа ҳеч нарса демай бақрайиб қолишди; кейин синчковликлари устун келди:

— Қирол? Қанақа қирол?

— Англиянинг қироли.

Қизчалар ҳайрон бўлишиб, таажжубланиб, бир-бирларига қараб олишди, кейин унга қарашди, яна бир-бирларига қарашди. Шундан кейин улардан бири деди:

— Эшитялсанми, Маржери? Мен қиролман, деяптику. Ростмикин?

— Нега энди рост бўлмасин, Присси? У ёлгон гапирармиди? Биласанми, Присси, гапи рост бўлмаса, ёлгон гапирган бўлади-я. Бир ўйлаб кўр. Рост бўлмаган гапларнинг ҳаммаси — ёлгон, бунга ҳеч нарса деб бўлмайди.

Бу таъбир тўғри ва инкор этиб бўлмайдиган эди. Приссининг шубҳаси йўқолди. У бир минут ўйлаб туриб, қиролнинг ростлигига ишониб, соддалик билан деди:

— Рост гапирган бўлсанг, ишонаман.

— Рост гапирдим.

Шу тарзда иш ўнгидан келди. Жаноб олийларининг қироллик унвони ҳеч қанақа шубҳасиз тан олинди, қизчалар ундан қандай қилиб бу ерга келиб қолганини, нега қиролларга ўхшаб кийинмаганлигини, қаёққа кетаётганлигини суриштира кетдилар. Қирол ҳам агар унинг устидан кулмай, шубҳаланмай сўраганларида, юрагини ёзиш ниятида эди, бошига тушган мушкуллар тўғрисида гапирмоқчи эди; у ўзининг очлигини ҳам эсидан чиқариб, кўрганларини иштиёқ билан гапириб берди, қизчалар эса катта қизиқиш билан тинглаб турдилар. Сўнгги бахтсизликлари ҳақида гапирганида, унинг анчадан бери ҳеч нарса татимаганини билишгач, гапини оғзида қолдириб, бир неча минутга уйга югуриб, егулик овқат тошиб келишди.

Энди қирол ўзини бахтиёр ҳис этди, хурсанд бўлди.

«Саройга қайтганимда,— деди у ўзига,— бу қизчалар мендан қочмай, бахтсиз пайтларимда гапимга ишон-

ганлари хотираси учун буларга ғамхўрлик қиламан, ўзларини ақлли ҳисоблайдиган катталар эса мени мазах қилишди, мени ёлғончи ҳисоблашди».

Қизчаларнинг онаси қиролни ҳурмат билан кутиб олди; бошпанасиз, унинг устига, ақлдан озган болага оналик қалби ачинди. У бева хотин эди, бой ҳам эмасди, ўз бошидан кўп кулфатларни кечирган эди, шунинг учун ҳам бахтсизларга унинг раҳми келарди. У, бу жинни бола ота-онасидан ёки назоратчиларидан қочган, деб ўйлади; уни уйига қайтариш учун қаёқдан келганини суриштирди; аёл қўшни шаҳар ва қишлоқларнинг номларини тилга олди, аммо натижа чиқмади. Боланинг юзига ва унинг жавобларига қараб, у бола гапимга тушунмаяпти, деб ўйлади. Қирол сарой ҳаёти ҳақида иштиёқ билан оддийгина ҳикоя қилди; марҳум қиролни эслаганида уни «менинг отам» деб икки марта йиғламсиради, гап бошқа ёққа кўчганда эса у гапирмай, жимиб қолди.

Аёл нима қилишини билмади, аммо бўш ҳам келмади. Учоқ атрофида айланиб, боланинг кимлигини билиш учун турли айёрликларни ишга солди. У билан сигирлар ҳақида гапирди — у парво қилмади; қўйлар ҳақида гапирди — яна ҳеч гап чиқаролмади, Шундай қилиб, аёлнинг, бу бола чўпон бўлса керак, деган гумони беҳуда бўлиб чиқди. Аёл тегирмонлар, тўқувчилар, мисгарлар, темирчилар, турли устахона ва ҳунарлар ҳақида гап очди; кейин жиннихона, турма, етимхоналар тўғрисида гапирди! Натижа бермади. Балки у бировнинг хизматкоридир? Ҳа, энди топдим, деб ўйлади аёл. Шубҳа йўқки, бу бола бировнинг хизматкори. Шу ҳақда гапира бошлади. Яна натижа чиқмади; уйларни супуриш, ўчоққа олов ёқиш, шунинг кабилардан ҳам бола мутлақо хабарсиз экан; идиш-товоқлар ҳам унга таъсир этмади. Шундан кейин меҳрибон аёл, гарчи умидини узган бўлса ҳамки, ҳар эҳтимолга қарши, овқат пишириш ҳақида гап очди. Бу гап аёлни ҳайрон қилиб, беҳад қувонтирди, қирол жилмайди. Эҳе, ман, ниҳоят топилди! Муддаосига жуда усталик ва ғамхўрлик билан эриша олганидан фахрланди. Гапираверис тарчаган тили энди ором олса бўлади, чунки очлик қишнаган қирол қозон ва кострюлларда жўш уриб қайнаётган овқат ҳидидан руҳланиб, хилма-хил тотли овқатлар тўғрисида берилиб ҳикоя қила кетди. Уч минутдан сўнг аёл ўзига ўзи:

«Хаёлимга келгани рост экан, у ошхонада ишлаган!»— деб қўйди.

Қирол янгидан-янги таомлар ҳақида иштаҳа билан, худди ошпаздек завқ-шавқ билан гапирардики, аёл ўйлаб деди:

«Бойлар ва катта амалдорлар ейдиган бунчалик кўп овқатларни қаердан билади у? Э, тушунарли! Ҳозир дайдиб юрибди-да, ақлдан озмасидан илгари қирол саройида хизмат қилган бўлса керак. Ҳа, қиролнинг шахсий ошхонасида ишлаган бўлса ажаб эмас! Бир синаб кўрай-чи!».

Аёл шундан кейин қиролга овқатга қарашни, агар истаса, бир-икки тарелка овқатни ўзи тайёрлаши ҳам мумкинлигини айтди. Қизларига уни кузатиб туришни топшириб, ўзи уйдан чиқиб кетди.

Қирол ўзича минғирлади:

«Қадим замонларда ҳам инглиз қиролларидан бирига шунақа топшириқ берилган; Улуғ Альфред¹ қилган ишни мен қилсам, камситилган бўлмайман. У нонларни куйдириб қўйган, мен бу аёлнинг ишончини оқлайман»:

Ният яхши эди, аммо уни амалга ошириш оғир бўлди; бу қирол ҳам худди ўша қирол сингари кўп ўйлади, унинг иши ўнгидан келмаганидек, бунинг ҳам иши ўнгидан келмади: овқат тегига олиб, куя бошлади. Аёл ўз вақтида етиб келиб, овқатни бутунлай куйиб кетишдан сақлаб қолди, уни ташвишдан қутултирди, аммо тортиниб ўтирмай яхшилаб жеркиди. Унинг ишончини оқламаганидан хафа бўлиб турганини кўргач, яна унга раҳми келиб, эркалади.

Бола иштаҳа билан тўйиб нонушта қилди, қорни тўйганидан кейин тетикланди, чеҳраси очилди. Бу нонушта шунинг учун ҳам кўнгилли бўлдики, меҳмон ҳам, мезбон ҳам бир-бирига илтифот кўрсатди, қирол ўзининг юксак мартабасини ҳам унутди; шу билан бирга, меҳмон ҳам, мезбон ҳам беилтифот муомала қилишди. Аёл бу дайди болани бошқа саёқларни ва итларни овқатлантиргандек ҳовлисининг бирор бурчагига ўтқазиб, сарқит овқат бермолини бўлган эди, аммо бегуноҳ бола-

¹ Улуғ Альфред (840—901)— сакслар қироли. Англияда шундай афсона бор: у данияликлар тазйиқидан қочиб, бир ўтинчининг уйига яширинган. Ўтинчининг хотини эса унинг кимлигини билмасдан печкадаги нонларга қараб туришни топширган. У нонларни куйдириб қўйгач уни қаттиқ койиган.

ни сўкканлиги учун виждонан қийналди, бир нима қилиб, унинг кўнглини олмоқчи бўлди ва ўзи, болалари билан бирга уни ҳам бир стол атрофига ўтқизиб, уни ҳам худди болалари қаторида кўрди. Қирол эса самимий муомала қилган бу оиланинг ишончини оқламагани учун хижолат тортди, аёл билан унинг болаларини ўз олий мартабасини пеш қилиб, ўз қаршисида тик турғазиб, хизмат қилдириб ўтирмади. Баъзан такаббурликни йиғиштириб қўйиш ҳаммамизга ҳам фойда беради. Меҳрибон аёл саёқ болага яхши муомала қилгани учун кун бўйи ўзидан хурсанд бўлиб юрди, қирол эса оддий деҳқон аёлига илтифот қилганидан мамнун эди.

Нонушта қилиниб бўлгач, деҳқон аёл қиролга идишларни ювиб қўйишни буюрди; бу буйруқ дастлаб унинг фашини келтирди, аммо шунда у ўзига ўзи деди:

«Улуғ Альфред понларга қараб турган; агар буюрганларида, идиш-товоқларни ҳам ювган бўларди. Ювсам ювақолай!»

Идиш-товоқларни ювиш қийин экан; у ёғоч товоқ билан қошиқларни ювиш жуда жўн иш деб ўйлаган эди. Бу иш кишини зериктирадиган бир ташвиш экан, ҳар ҳолда қирол бир нав эплади. Бунақа ишларга тоқати йўқ эди, аммо деҳқон аёлнинг хонадонидан кетиш ноқулай бўлди, аёл гоҳ у, гоҳ бу ишни буюриб турди, қирол ҳам унинг топшириқларини сидқидил бажарди. Аммо аёл уни қизчалари билан қишқи олма тозалашга қўйган эди, бу ишни эплай олмади, буни кўрган аёл унга ошхона пичоғини чархлашни топширди; кейин жун тишга буюрди. Шундан ке-



йин қирол ажойиб ҳикояларда ва тарихий китобларда мадҳ қилинган Альфреддан ўзининг кўпроқ хизмат қилганини сезиб, энди менга кифоя, деган қарорга келди. Деҳқон аёл мушук болалари солинган саватни унга тутқизиб, мушукчаларни сувга чўктиришга буюрган эди, бу ншдан у бош тортди. Тўғрироғи, иш буюриш ҳам эви билан, инсоф керак; мушук болаларини чўктиришдан бош тортаман, деган қарорга келиб, бу ҳақда аёлга гапирмоқчи бўлиб турганда, унга халақит беришди. Елкасида атторнинг қутисини кўтарган Жон Кенти билан Гуго кўриниб қолди!

Қирол бу иккала ярамаснинг дарвозага яқин келганини кўрди, улар ҳам қиролни пайқаган эдилар; ҳеч нарса демай, мушук болалари солинган саватни секиргина қўлига олди-да, орқа эшикдан чиқди. Мушукчаларни пичан устига қўйди-ю, ўзи тор кўчадан қочди.

XX б о б

ШАҲЗОДА ВА ДАРВЕШ

Баланд девор энди уни уйдан пана қилиб турарди. Узоқдаги ўрмон сари жон-жаҳди билан югура кетди. То ўрмоннинг четига етиб бормагунича орқасига қайрилиб қарамади ҳам; ўрмонга яқин келиб қараса, олисда иккита эркак киши кўринди. Уларнинг кимлигини танишга ҳаракат қилмай, илгарига шошилди. Қалин ўрмонга кирмагунча югуришини секинлатмади. Ўзини қалин дарахтлар орасида хавфсиз ҳис этгачгина тўхтади. Атрофга қулоқ солди: жимжитлик, юракни эзадиган сокинлик ҳукмрон эди. Фақат зўрға тинчлангандан кейингина узоқлардан аллақандай, сирли бир товуш қулоғига чалинди, бу ҳам чинакам товуш эмас, алланималарнинг йиғлаган, нола қилаётган шарпасидек туюлди. Бу товушлар қабр сукунатидан ҳам ваҳималироқ бўлди.

Аввалига у кечқурунгача бу жойдан қимирламоқчи эмасди, аммо қаттиқ югурганидан терлаган эди, энди эса бадани совуди; бир оз юриб исигиси келди. Юраверсам бирор жойдан йўлга чиқарман, деб ўйлаб ўрмон оралаб кетаверди, кетаверди; борган сари ўрмон қуюқлаша борди. Қоронғи туша бошлади, қирол тезда кечаси бўлиб қолишини фаҳмлади. Қўрқинчли ўрмонда

тунаш ҳақида ўйлаб, уни яна ваҳима босди; шошила бошлади, аммо ярим қоронғиликда тўнкаларга, ўраллишиб кетган шохларга, тиканак буталарга чалишавериб, қанча шошилса, шунча секинроқ жиларди.

Ниҳоят кўзига узоқдан хира нур кўриниб, бирам қувониб кетдики!.. Уша ёққа қараб эҳтиётлик билан юрди, тез-тез тўхталиб, нима борлигига қараб, қулоқ солди. Бу нур кичкинагина, хароб бир кулбанинг деразасидан кўринмоқда эди. Дераза ойнасиз. Қирол бировнинг товушини эшитиб, қочиб яширинмоқчи бўлди, аммо бу товуш кимлигини билмиш учун секин қараган эди, биров дуо ўқийётган экан, қочиб яшириниш фикридан қайтди. У оёқ учида кўтарилиб, кулбанинг бирдан-бир деразасидан уйнинг ичига секингина нигоҳ ташлади. Хона тор, полидаги тупроқ босиб текисланган; бурчакда қамиш ташлаб, устига йиртиқ кўрпалар ёзилган; тўшак ёнида челақ, кружка, жом, бир неча хурмача, това; ёнида паст скамейка ва уч оёқли табуретка; учоқда ўт ёниб турибди. Бир шам билан ёритилган санам олдида чол тиз чўккан, унинг ёнида эски ёғоч қути устида, одамнинг бош суяги ёнида китоб очиқ турарди. Чол йўғон суякли, йирик гавдали одам эди; соч-соқоллари ўсиқ, қор сингари оппоқ; эгнига қўй терисидан узун кийим кийиб олган эди.

«Авлиё дарвеш!— деб ўйлади қирол.— Ниҳоят, энди хотиржам бўлдим».

Дарвеш тиз чўкиб турган жойидан турди. Қирол эшники тиқирлатди. Чол бўғиқ овозда:

— Кирақол, аммо гуноҳинг остонадан ташқарида қолсин, бу ер муқаддас жой!— деб жавоб қайтарди.

Қирол кулбага кириб, полга қараб турди. Дарвеш унга жавдираган кўзларини қадаб, сўради:

— Кимсан?

— Мен қирол,— деган содда ва ҳамтар жавоб бўлди.

— Марҳамат, қирол!— деди қувониб дарвеш.

Дарвеш ҳовлиқиб ва тинмай «марҳамат» сўзини такрорлаб, скамейкани оловга яқин тортди-да, қиролни ўтқазди, ўчоққа бир боғлам шох ташлади ва хонанинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига ҳаяжонланиб тез-тез қадам босиб юра бошлади.

— Марҳамат! Кўп одамлар тарки дунё қилиб, бу муқаддас жойда яшамоқчи бўлишди, аммо номуносиб бўл-

ганлари учун бу даргоҳдан ҳайдалишди. Аммо тахтдан воз кечиб, мартабасининг айш-ишратларини тарк этиб, жулдур кийиниб, умрининг қолган кунларини муқаддас жойда ўтказмоқчи бўлган қирол менга азиз меҳмондир! Умрининг охиригача яшайверади!..

Қирол унинг гапини бўлиб, ўз аҳволини маълум қилмоқчи бўлди, аммо дарвеш унга аҳамият бермади, унинг гапини эшитмади шекилли, борган сари овозини баландлатиб шошиб-пишиб, ҳаяжон билан гапираверди:

— Сен бу ерда тинч ва осойишта яшайсан. Худонинг иродасига бўйсуниб, тарк этиб келган қуруқ ва бемаъни тож-тахтга яна қайтишингни илтимос қилиб келишлари мумкин, лекин сенинг бу ердалигингни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким сени ташвишлантирмайди. Бу ерда ибодат қиласан; муқаддас китобларни ўрганасан; сен бу ерда дунёвий ишларнинг бемаънилиги ва у-дунёнинг боқийлиги тўғрисида ўйлайсан; сен бу ерда қотган нои ва ўт еб, руҳингни тозалаш учун баданингни оздирасан, қилдан тўқилган кийим киясан, фақат сув ичасан; осойишталикдангина баҳраманд бўласан, сени ким излаб келса, тополмайди, йўлдан оздиrolмайди.

Чол у бурчакдан бу бурчакка юраверди. Алланималарни пичирлай бошлади. Қирол бундан фойдаланиб, ўз саргузаштларини айтмоқчи бўлди. Қандайдир ноаниқ ҳиссиётлар таъсирида руҳланиб, ҳикоя қилишга киришди. Аммо дарвеш ҳамон унга парво қилмай, бурчакдан унинг ёнига борди-да, дона-дона қилиб, унга деди:

— Тсс! Мен сенга катта бир сир айтаман!

У болага энгашди, аммо шу заҳоти аллақандай товушни эшитиб қолгандек, ўзини яшириб, писиб, деразадан қаради; кейин оёқ учида юриб келиб, қиролнинг юзига юзини яқин олиб бориб, пичирлади:

— Мен — архангелман!

Бу гапдан қирол қаттиқ титраб кетди ва ичида: «Саёқлар орасида қолганим яхши эмасмиди?! Энди жиннининг қўлига тушдим!»—деб қўйди. Уни ваҳима босди, бу ваҳима унинг юзида ифодаланди.

Чол секин, аммо ҳаяжонли товушда гапираверди:

— Кўряпман, менинг авлиёлигимни сезиб турибсан! Юзингда ихлосли қўрқув пайдо бўлди! Бу муқаддас даргоҳга бошқа ҳеч киши келолмайди, ҳеч ким шунақа қўрқувга муяссар бўлолмайди, бу худонинг ваҳимаси.

Мен кўз юмиб олгунча унинг даргоҳига учиб бориб

келаман. Беш йил илгари бу ерга паришталар учиб келиб, менинг авлиё — архангелликка лойиқ эканимни маълум қилган эдилар. Улардан кўзни қамаштирадиган нур ёғилиб турарди. Менинг олдимда улар тиз чўкишди, чунки мен улардан улугроқ бўлгандим. Осмонга бориб, патриархлар билан суҳбатлашдим... Қўлингни бер, қўрқма... бер менга қўлингни. Билиб қўйки, сен Иброҳим Исҳоқ, Ёқуб пайғамбарлар билан кўришган муборақ қўлни тутдинг! Мен аршиаълода бўлдим, худонинг ўзини ҳам кўрдим!

У бир зум тўхтади, сўзлари қандай таъсир қилганини кўрмоқчи бўлди; кейин афтини буриштирди, яна сапчиб туриб, ғазабнок қичқирди:

— Ҳа, мен архангелман. Архангел! Мен папа бўлишим керак эди! Ҳақ гап. Ингирма йил муқаддам тушимда қулоғимга шундай овоз кирганди. Ҳа, мени папа қилишлари керак эди. Папа бўлган бўлардим, худо ҳам шуни хоҳларди. Аммо қирол менинг монастиримни хонавайрон қилди, у мени, бечора монахни ҳайдаб, бошпанасиз қолдирди, порлоқ келажагимдан маҳрум қилди.

У яна алланималар деб валдираб, дарғазаб бўлди, мушти билан пешонасига урди; гоҳ лаънатлар ўқир, гоҳ шикоят қиларди.

— Шунинг учун фақат архангел бўлиб қолдим, ҳолбуки тақдиримда папа бўлиш шарафи бор эди!

У роса бир соат вайсади, бечора қирол эса ўтириб, роса қийналди. Ниҳоят чолнинг ғазаби тарқалиб, бирдан беҳад меҳрибон кишига айланди. Овози юмшади, гўёки у осмондан ерга тушди, оддий, самимий суҳбатга киришди, қирол ҳам унга ром бўлиб қолди. У болани оловга яқинроқ, иложи борича қулайроқ ўтқизди; эҳтиёткорлик билан унинг қўл-юзларидаги тирналган ва кесилган ерларни дарров ювди; қувноқ гаплашиб, гоҳ боланинг юзларини силаб, гоҳ уни эркалар, меҳрибонни гоҳ ташлаб, кечки овқат ҳозирлашга киришди, қиролдаги қўрқинч ва нафрат йўқолиб, «архангелга» ҳурмат ва муҳаббат пайдо бўлди.

Овқатлангунларича иккаласининг ҳам кайфияти яхши бўлди; дарвеш кейин санам олдига бориб ибодат қилди, болани қўшни ҳужрачага оналардек меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик билан ухлашга ётқизди, хайрлаша туриб уни яна эркалади ва ўзи ўчоқ олдида паришон ва бошини мақсадсиз қимирлатиб оловга тикилиб ўтирди.

Тўсатдан тўхталиб, гўё эсидан чиққан алланимани эсламоқчидек, бармоқлари билан пешонасини бир неча марта чертди. Афтидан, ҳеч нарса эсига келавермади.

Бирдан сакраб туриб:

— Ҳали сен, қиролман, деганмидинг?— деб сўраб қолди.

— Ҳа,— деди бола уйқу аралаш.

— Қаернинг қироли?

— Англияники.

— Англияники? Генрих ўлдими?

— Афсуски, ҳа. Мен унинг ўғлиман.

Дарвешнинг юзларида алам ифодаси муҳайё бўлди. У ғазаб қайнаб, суякдор қўлларини мушт қилиб тугди, тез-тез нафас олиб, ютиниб, бир зум ўйга толди, кейин хириллаб деди:

— Унинг марҳамати билан бизлар бошпанасиз ва бемакон бўлиб қолганимизни биласанми сен?¹

Жавоб қайтарилмади. Чол энгашиб, боланинг оёғида юзига тикилди ва унинг текис нафас олишига қулоқ солиб турди.

— Ухлаяпти, қаттиқ ухлаб қолибди.

Юзидаги алам ифодаси ғазаб аралаш қувонч ифодасига алмашинди. Бола туш кўриб, жилмайди. Дарвеш гўлдираб:

— Қалби бахтга тўла!— деди ва орқага қайтди.

Алланимани излаб, хонада шовқинсиз у ёқ-бу ёқни қидирди; гоҳ тўхтар, гоҳ қулоқ солар, гоҳ каравотга қараш учун ўгирилар, алланималар деб гўлдиради. Ниҳоят излаган нарсасини топди шекилли, занглаб кетган пичоқ ва қайроқни қўлига олди. Шундан кейин ўчоқнинг олдига, ўз ўрнига бориб ўтирди-да, гоҳ секин, гоҳ қаттиқроқ гўлдираб, пичоқни қайрай бошлади. Ёлғиз кулбанинг атрофида шамол бетиним увилларди; тун қаърида узоқ-узоқлардан аллақандай товушлар аҳён-аҳёнда эшитиларди; уйнинг деворлари тагидаги инлардан каламушлар ва сичқонларнинг ялтироқ кўзлари чолга тикилар, аммо чол ўз хаёлларига берилиб, ҳеч нарсани пайқамас, ўз ишини бемалол давом эттирар эди.

¹ Қирол Генрих VIII (1491—1547) Англияда протестантизм мазҳабини жорий қилиб, католикларга қарашли черков ва монастырь ерларини мусодара қилган эди.



Баъзан бош бармогини пичоқнинг тиғига тутиб, мамнун кайфиятда:

— Ўткир бўляпти, ҳа, ўткир бўляпти!— деб қўярди.

У ўз фикрлари билан бутунлай банд бўлиб, вақтнинг қанчалик тез ўтаётганини пайқамас, баъзан ўз хаёлидагиларни баланд товуш билан ифодаларди:

— Отаси бизларни қон қақшатган, хонавайрон қилган эди, мана энди дўзах ўтида абадий ёниш учун у дунёга жўнабди! Ҳа, нақ дўзах ўтида куйиш учун! Даф бўлибди, худонинг хоҳиши бу.... Ҳа, худонинг хоҳиши... биз ношукур бўлмаслигимиз керак. Ахир, дўзах оловидан қутулиб қололмабди-ку! Ҳа, ҳамма вақт бешафқат, бераҳмлиқ билан қовурадиган, мангу ёниб турадиган оловдан қутулолмабди, бу олов қиёматгача ёниб туради!

У бетиним қайрайверди, қайрай туриб гоҳ беихтиёр ичида гўлдираб қўяр, гоҳ гапирарди:

— Ҳаммасига унинг отаси айбдор. Мен архангелман холос, у бўлмаганда, папа бўлардим!

Қирол уйқусираб, қимирлади. Дарвеш эса шовқин чиқармасдан тез юриб, унинг тўшаги ёнига бориб, чўккалаб ўтирди-да, пичоқни ухлаётган болага чўзди. Бола яна қимирлади; бир зум кўзини очди, аммо ҳеч нарсани кўрмай, яна юмди; бир минутдан кейин яна қаттиқ уйқуга кетди, унинг бир текис нафас олаётгани сезилиб турди.

Дарвеш ниманидир кутиб, қулоқ солиб, нафас ҳам олмай, бир зум қимир этмай турди; кейин секин қўлини туширди ва орқасига тисарилиб деди:

— Ярим кечадан ошди; агар у қичқирса, яхши бўлмайди,— бу яқин атрофдан биров ўтиб кетаётган бўлса, эшитади.

У худди соядек, кулбасида имирсилаб, латта, узук арқон излади; кейин яна қиролнинг ёнига борди-да, секингина, уйғотмасликка ҳаракат қилиб, оёқларини арқон билан боғлади. Кейин унинг қўлларини ҳам боғламоқчи бўлди; бир неча марта боланинг икки қўлини бирлаштиришга интилди, арқонни энди қўлига ўрамоқчи бўлганда бола шу қўлини тортиб оларди, ё қимирларди. «Архангел»нинг жаҳли чиқа бошлади, уйқудаги боланинг ўзи бирдан қўлини чалиштирди, дарвеш пайтдан фойдаланиб, дарров боғлади. Кейин боланинг иягига сиртмоқ солди — бу ишни ҳам секин

ва усталик билан қилдики, бола ухлайверди, ҳатто қи-
мирламади ҳам.

XXI б о б

ГЕНДОННИНГ ЁРДАМГА ЕТИБ КЕЛГАНИ

Чол овоз чиқармай мушукдек енгил ҳаракат қилиб, ўчоқнинг олдига паст скамейкачани олиб келди. Ўчоққа яқин ўтирди, гавдасининг бир томонини ёниб турган олов яхши ёритди, гавдасининг иккинчи ярми қоп-қоронғи эди. Ухлаётган боладан кўзини узмай, гўлдираб пичоқ қайрашни давом қилдирди, вақт тез ўтаётганини пайқамади; у тасодифан тўрига илиниб қолган ҳашаротнинг қонини сўришга тайёр турган кул ранг ўргимчакка ўхшарди.

Чол болага кўз тикиб турган бўлса ҳамки, ўз хаёллари билан банд бўлгани учун ҳеч нарса ни кўрмади, бирдан боланинг кўзи очиқлигини, пичоққа ваҳима билан қараётганини пайқади. Чолнинг юзида ғолибона қувонч жилваланди ва у ишини тўхтатмай, авзойини ҳам ўзгартмай, сўради:

— Генрих саккизнинг ўғли, калима келтирдингми?

Бола ноилож бир тўлғанди, ияги қаттиқ боғланганидан гапиролмади, ундан тушуниб бўлмайдиган овоз чиқди. Дарвеш унинг бу гўлдирашини тасдиқловчи жавоб деб тушунди.

— Яхши, яна бир марта калима келтир! Яна бир марта тавба қил!

Боланинг бадани жимирлаб кетди, юзи бўздек оқарди. У тўшакда тўлғаниб, ўзини ҳар томонга уриб, қўлоёқларини ечишга уринди, алам билан типирчилади, аммо уринишлари беҳуда эди; кекса одамхўр ҳамон унга жилмайиб тикилар, бошини силкитиб қўйиб, пичоқни қайрар, гоҳи-гоҳида унга дерди:

— Бир неча минутлик умринг қолди, бу минутлар жуда қимматли... Ибодат қил, калима ўгир!

Бола фиғонли оҳ тортди-да, қимирламай қолди; нафаси қисилар, кўз ёшлари юзига мунчоқ бўлиб оқар, бу ҳолат бағритош чолнинг заррача ҳам раҳминни келтирмас эди.

Тонг ёриша бошлади; дарвеш буни пайқагач, ҳаяжонланиб, кескин гапирди:

— Бу аҳволдан кайфланиб ўтирганим етар энди. Тун ўтиб кетаёзибди. Бутун бир кеча бир минутдек ўтиб кетибди-я; мен эса бу туннинг бир йилга чўзилишини истардим! Хўш, черковларни хонавайрон қилган зотнинг фарзанди, агар қўрқаётган бўлсанг, юм кўзларингни...

Шундан кейин нималар деганини англаб бўлмасди. У қўлига пичоқни ушлаб, инграб йиғлаётган боланинг олдига чўкка тушди.

Нима бу? Кулбанинг ёнгинасидан аллакимнинг овози келди. Дарвешнинг қўлидан пичоқ тушиб кетди; у боланинг устига қўй териси ёпди-да, титроқ босиб, сакраб турди. Шовқин-сурон кучайди, қўпол ва дарғазаб овоз, кимнидир урган товуш, ёрдам сўраб чинқиришлар эшитилди, кейин қочиб кетаётган кишининг оёқ товуши қулоққа чалинди.

Шунда биров кулба эшигини қаттиқ тепиб, қичқирди:

— Ҳей! Оч эшикни! Ҳамма иблислар ҳурматига, тез оч эшигингни!

О! Бу дўқ қиролнинг қулоғига қанчалик ёқимли эшитилганини билсангиз эди; ахир, бу овоз Майлс Гендоннинг овози эди!

Иложсиз қолган дарвеш ғазаби ҳар қанча қайнама-син, тишларини ғижирлатиб, эшикни ёпиб, кулбадан шошилиш чикди. Шунда қирол чол ибодат қиладиган хонада пима гаплар бўлаётганини эшитди.

— Сенга салом ва ҳурматлар бўлсин, сэр! Бола қани, қани менинг болам?

— Қанақа бола, бўтам?

— «Қанақа бола!» Ўзингни билмасликка солма, жаноб монах, мен билан ҳазиллашма, ҳазиллашишга вақтим йўқ. Кулбанга яқин жойда иккита ярамасни учратдим, булар болани мендан ўғирлаб қочган одамлар бўлсалар керак, улардан билиб олдим: айтишлари-ча, у яна қочган, иккаласи унинг изидан тушиб, сенинг уйингга яқинлашган эканлар. Менга боланинг изини кўрсатишди. Айёрлик қилма! Агар уни менга бермасанг, муқаддас ота, омон қолмайсан... Қани у?

— Э, азиз сэр, подшонинг авлодидан бўлган жулдур кийимли саёқ болани айтяпсанми? У шу кеча бу уйда тунади. Сенга ўхшаган одамлар унга ўхшаган болалар билан қизиқадиган бўлсалар, билиб қўйишинг мум-

кии, мен уни бир иш билан жўнатган эдим. Тезда келади.

— Тезда келади? Қачон? Гапир тезроқ, вақтни ўғирлама, мен орқасидан югурсам етоламанми? Қачон келади?

— Ўзингни қийнама, тез келади.

— Майли, айтганинг бўла қолсин! Кутиб тураман!.. Аммо, тўхта! Уни сен иш билан юбордингми, сен-а? Бу гапинг ёлғон! У сенинг айтганингни қилмасди. Агар унга иш буюришга журъат этганингда у сенинг соқолларингни юлиб олган бўларди! Ёлғон гапиряпсан, биродар, алдаяпсан мени! У на сен, на бошқа одамнинг буюганини қилмас эди.

— Одамнинг, ҳа! Балки одамнинг хизматини қилмас. Мен одам эмасман.

— Ё алҳазар, кимсан бўлмаса?

— Бу сир... билиб қўй, бошқа бировга айта кўрма. Мен архангелман.

Майлс Гендон иззат-ҳурматдан узоқ бўлган бир сўз айтиб, тўнғиллаб сўкипти-да, кейин яна деди:

— Ҳойнаҳой шунинг учун гапингга киргандир. Бўлмаса оддий одам учун қўлини совуқ сувга ҳам урмасди у; ахир архангелга ҳатто қирол ҳам бўйсунуши керак... Тсс!.. Нима шовқин?

Бу орада кичкина қирол гоҳ даҳшатдан қалтираб, гоҳ умидланиб энтикиб, Гендон эшитиши учун иложи борича қаттиқроқ инграрди, аммо унинг инграшини Гендон эшитмадими ёки бу товушга парво қилмадими, бола жуда умидсизланди. Гендоннинг сўнгги сўзлари кичкина қиролга ўлаётган одамга даланинг майин шамолидек таъсир этди, у кучи борича инграрди.

— Шовқин деяпсанми?— деди дарвеш.— Менинг қулоғимга шамолнинг гувиллаши эшитилипти, холос.

— Балки шамолдир. Ҳа, албатта, шамол. Нуқул қулоғимга қандайдир овоз эшитилипти.. Мана, яна! Йўқ, бу шамол эмас! Ваҳимали товуш! Бориб бир қарайликчи, нима экан бу!

Қиролнинг қувончи ичига сиғмай кетди. Унинг чарчаган ўпкаси бетиним тез-тез ишлади, аммо натижасиз бўлди: қаттиқ боғланган няги ва устига ташланган қалин қўй териси деярли унинг овозини чиқармасди. У дарвешнинг гапини эшитиб, аламдан юраги ёрилаёзди:

— У, бу товуш ташқаридан келяпти. Ана у бутанинг

тагидан келаётганга ўхшайди. Юр, бориб кўрамиз, мен ҳам бораман.

Қирол уларнинг гаплашиб чиқиб кетганларини билиб турди; қадам товушлари борган сари узоқлашаётганини сизди, даҳшатли, бераҳм сукунат ичида ёлғиз қолди.

Яна қадам товуши ва овозлар эшитилгунча бутун бир умр ўтгандек туюлди, бу галги товушлар бутунлай бошқача эди — отнинг туёқ товуши келди. У Гендоннинг:

— Ортиқча кутиб туришга тоқатим йўқ. Тоқатим йўқ. Балки у бу қалин ўрмон ичида адашиб қолгандир. У қайси томонга кетган эди? Менга йўл кўрсат, тезроқ! — деганини эшитди.

— Ана у ёққа... Тўхта... Бирга бориб, сенга йўлни кўрсатай.

— Раҳмат... раҳмат сенга! Биринчи қарашда бошқачароқ кўринувдинг, анча тузук одам экансан! Сендек раҳмдил архангел оламда йўқ бўлса керак... Балки эшакка минарсан? Атайи бола учун олиб келган эдим... Балки муборак оёқларингни ўзим учун сотиб олган мана бу хати қора хачир устига ташлашни истарсан? Мени боплаб алдашди! Бу хачир ишсиз мисгарга қарз берилган мис фартингнинг бир ойлик процентига ҳам арзимайди!

— Йўқ, хачирингга ўзинг минавер, эшакни етакла. Мен оёқларимга кўпроқ ишонаман — пиёда боравераман.

— Унақа бўлса, марҳамат қилиб, бу кичик махлуқни ушлаб тур, ҳаётимга хавфли ва ишим ўнгидан келишига ишончим кам бўлса ҳамки, бир амаллаб катта махлуққа миниб олай.

Шундан кейин «чу-чу»лашлар, қичқириқлар, қамчининг товуши, мушт туширилгани, болохонадор сўкишлар-у, аччиқ таъналар эшитилди, ниҳоят хачир ноилж бўйсунди шекилли, жанг тинчиди.

Боғлаб ташланган қирол қадам товушлари ва гапсўз овози аста-секин эшитилмаётганини чуқур алам билан тинглаб турди. Энди у озод бўлишидан умидини бутунлай узганди. «Менинг бирдан-бир дўстимни ҳам алдаб олиб кетишди, — деб ўйлади у. — Чол қайтиб келади-ю, сўнг...»

У оғир хўрсинди, алам билан қаттиқ бир тўлганган эди, ниҳоят қўй териси устидан пастга сурилиб тушди.

Бирдан эшик очилгани эшитилди! Эшикнинг очилган товуши боланинг юрагини музлатди, қайралган пичоқ бўғзига яқинлашгандек бўлди. Улим ваҳимасида кўзларини чирт юмди, ўлим ваҳимасида яна кўзларини очди, қараса қаршисида Жон Кенти билан Гуго турибди!


Агар шу топда оғзи қаттиқ боғлаб қўйилмаганда, у беихтиёр: «Худога шукур!»— деб юборган бўларди.

Бир минут ичида қиролнинг қўл-оёқлари озод бўлди, уни ўғирлаш учун ўрмоннинг ичига олиб кириб кетдилар.

XXII боб

ХОИНЛИҚ ҚУРБОНИ

Яна саёқлар ва қочоқлар орасида қирол Фу-фу Биринчининг дарбадарлиги бошланди; яна хўрлашлар, аҳмоқона ҳазиллар, баъзан атаман йўқ пайтларда, Жон Кенти билан Гугонинг ярамас ҳақоратлари уни қийнай бошлади. Унинг Жон Кенти билан Гугодан бўлак ёвуз душмани йўқ эди, бошқалар ҳатто уни яхши кўришарди, унинг дадиллиги ва фаросатига қойил қолишарди. Уни яна Гугонинг «тарбиясига» беришган эди. Гуго икки-уч кун боланинг мудом гашини келтириб, бетамизлик қилаверди, кечқурунлари эса дайдилар базми пайтларида бошқаларга уни эрмак қилдириб, гўё бехосдан қилгандек нуқул бирор нарса билан хафа қиларди. Икки марта, гўё билмай қолгандек, оёгини босиб олди, қирол бепарволик билан бунга аҳамият ҳам бермади; учинчи марта яна оёгини босиб олган эди, энда турган таёқ билан уни бир уриб йиқитди, унинг бу иши бутун шайкани ҳайратда қолдирди. Гуго эса уялиб, ғазаби кўзгаб, ўрнидан сакраб турди-да, у ҳам қўлига таёқ олиб, кичик рақибига жон-жаҳди билан ташланди. Дайдилар бу гладиаторларнинг атрофини ўраб олишиб, қичқиришиб уларга далда бериб туришди, ҳатто қайси бири ғалаба қозониши ҳақида баҳслашиб бир-бирлари билан гаров ҳам бойлашди. Аммо Гугонинг омади келмади, Европанинг энг яхши қиличбоз усталари қўлида таълим олган бола унинг шиддатли зарбаларини жуда эпчиллик билан қайтариб турди. Кичкина қирол ўз рақибига қарши шошилмай, довдирамай дадил чиройли ту-



риб, унинг ҳар бир ҳаракатини катта эътибор билан кузатиб, бирин-кетин берилаётган зарбани осонлик билан қайтараверди, саёқларни ҳангу манг қилиб қўйди; ҳар гал тажрибали кўзи рақибининг хатосидан тез фойдаланар ва унинг бошига зарба тушарди, атрофини ўраб олганларнинг шовқин-сурон ва завқ-шавқларига сабабчи бўларди. Чорак соатдан кейин Гуго дабдаласи чиқиб, ҳамма ёғи кўкариб, бунинг устига дайдиларнинг иззаларидан роса алам қилиб, жанг майдонини шармандали равишда ташлаб қочди, бирор жойига таёқ тегмаган болани эса атамanning ёнига, фахрли жойга ўтқизишди; атаман унга тантанали равишда «жангчи хўрозлар қироли» унвонини берди; унинг аввалги, масхаралаб берилган унвони бекор қилинди, ҳатто болани кимки ўша унвои билан масхараласа, шайкадан ҳайдаб юборилиши эълон қилинди.

Қиролнинг бу шайкага манфаат келтириши йўлида қилинган ҳамма уринишлар беҳуда кетди; у ҳар қандай топшириқлардан ўжарлик билан воз кечаверди; у ҳамма вақт бу шайкадан қочиш тўғрисида ўйлади. Бирин-

чи куни уни хилват ошхонага итариб юборишди, бирор нарсани ўғирлаб чиқиш у ёқда турсин, уй эгаларини чақирди. Уни мисгарга шогирд қилиб топширишди — у мутлақо ишламади, агар иш буюрса, мисгарни тўқмоғи билан бошига туширишни айтиб, уни чўчитиб қўйди. Ниҳоят мисгар ҳам, Гуго ҳам боланинг қочиб кетмаслиги учун, уни ҳушёрлик билан кузатиб юришдан бошқа иложлари қолмади. Кимки уни шайкага хизмат қилишга ундаса, унинг эркинлигини поймол қилмоқчи бўлса, унга қирол ўзининг шоҳона ғазабини сочарди. Гугонинг назорати остида уни боласи касал бир гадой хотин билан биргаликда тиланчилик қилишга жўнатишди, бундан ҳам натижа чиқмади: у ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам садақа сўрашдан бош тортди.

Бир неча кун шу тарзда ўтди; дайди ҳаётнинг аҳмоқоналиги, тубанлиги, қабиҳлиги улар орасида асирликда юрган болани беҳад бездирди, у жонидан ҳам тўйди, дарвешнинг пичоғидан қутулганим, умримни сал чўзган экан, барибир ўлишим керак экан, деб ўйлай бошлади.

Аммо кечалари, уйқусида тортган барча ғам-аламини унутарди, тушларида ўзини тахтда кўрарди, ҳукмронлик қилаётгани нуқул тушига кираверарди. Уйғониб кетгач эса, даҳшатдан қийналарди! Уни яна топиб олиб, шайкага келтирганларидан кейин у то Гуго билан олишиб қолгунича роса хўрланди, камситишлар, ҳазил-мазахлар туфайли ўз жонидан тўйган эди.

Гуго қирол билан олишиб қолган кунининг эртасига голиб чиққан боладан ўч олиш истаги билан ўртаниб жойидан турди, қандай қилиб ўч олиш тўғрисида ўйлай бошлади. Икки план пайдо бўлди унда. Биринчи плани ўзини қирол деб ҳис этиб юрган болани бирор нарса қилиб, бўйин эгдиришдан иборат эди; бунинг амалга ошириб бўлмаса, қиролни бирор жипсий ишга жалб қилиб, А тлия қонунига қарши иш қилган киши сифатида уни қўлга туширтириш ҳақида ўйлади.

Гуго ўзининг биринчи планига кўра, қиролнинг оёғида сунъий равишда яра ҳосил қилмоқчи бўлди, бу унинг димоғдорлигига барҳам беради деб ҳисоблади; агар оёғини қаттиқ яра қилса, Кентининг ёрдами билан болани йўл устида ўтқизиш қўйиб, садақа сўрашга мажбур этади. Оёқда сунъий яра ҳосил қилиш учун куйдирилмаган оҳак, совун ва зангни қўшиб қориб, ҳосил бўлган лойни тасмага суртиб, боланинг оёғини маҳкам



боғлайдилар. Бу оёқнинг терисини тез куйдириб туширади, оёқнинг тери шилинган жойи даҳшатли қиёфага киради; кейин эса оёғига қон суртадилар, қон қуриб, кишини жиркантирадиган қорамтир қўнғир тусга киради; кейин оёқнинг оғир жароҳати кўриниб турадиган, ўткинчиларнинг раҳмини келтирадиган қилиб кир латта-путта билан ўрашади.

Гуго қирол тўқмоқ билан бошига туширмоқчи бўлган мисгар билан гаплашди; улар болани ишга олиб бормоқчидек алдаб, далага олиб чиқишди, далага чиқиш биланоқ уни ерга йиқитишди; мисгар уни ушлаб босиб турди, Гуго эса оҳақ қоришмаси суртиб тайёрлаб қўйган латтани унинг оёғига қаттиқ қисиб боғлади.

Қирол қаттиқ ғазабланди, тахтга чиқиб олган соатиёқ иккаласини ҳам остиришини айтиб, ўшқирди, аммо улар ночор қолган болани маҳкам ушлаб турардилар, унинг бефойда типирчилашларидан завқланишиб, дўқ

қилганида эса қақ-қақ уришиб кулардилар. Оҳақ лойи терини куйдириб, шила бошлади; агар шу пайтда халақит берилмаганида, аблаҳлар ўз муддаоларига эришган бўлардилар.

Аммо бўлмади: Англия қонунларини лаънатлаган, алам-ситам билан ҳақсизлик ҳақида гапирган дайди келиб қолди. У бир туртиб, аблаҳларни боланинг устидан улоқтирди, унинг оёғини тез ечиб ташлади.

Қирол ўз халоскоридан унинг қўлидаги таёқни олиб, душманларини яхшилаб бир дўппосламоқчи бўлган эди, аммо у жанжал чиқишидан қўрқиб, таёқни бермади, то кечқурунгача, бутун шайка тўплангунча бу ишни кечиктиришини маслаҳат берди. Кечқурун ҳамма тўплансин, ҳеч ким сенга халақит бермайди, деди у. Улар ҳаммаси биргаликда лагерга қайтиб келишди, юз берган воқеани атаманга етказишди. Атаман эшитиб ўйлади, қиролни тиланчиликка мажбур этиш яхши эмас, у яхшироқ ва каттароқ ишларни бажариш учун дунёга келганини айтди ва шу ернинг ўзидаёқ тиланчиликдан озод қилиб, мартабасини кўтарди — уни ўғри қилиб таинлади!

Гуго бундан жуда хурсанд бўлди. У қиролни ўғирлашга ўргата олмаган эди; энди эса айтганимни қилади, атамanning гапини қайтаролмайди, деб ўйлади. У шу кунгёқ қиролни ўғирлашга юбориб, қўлга туширтириш ҳақида ўйлади. Бу ишни усталик билан қилиш, уни тасодифан қўлга тушган қилиб кўрсатиш чорасини кўра бошлади, чунки «жангчи хўрозлар қироли»ни ҳамма яхши кўриб қолган эди, агар ҳамма дайдиларнинг умумий душмани бўлган қонун исканжасига болани Гугонинг атайин топширганини сезиб қолишса, айниқса ёқтирмай юрган дайдилар уни соғ қўйишмас эди.

Шундай қилиб, Гуго фурсат пойлаб юриб, ўз қармоғидаги болани қўшни шаҳарга олиб борди. Кўчаларда секин дайдишарди; уларнинг бири юрагидаги жирканч муддаони амалга ошириш пайтини мўлжаллаб, атрофга алангларди; иккинчиси ҳам атрофга, тор кўчаларга диққат билан қараб, қулай фурсат келиши билан қочиб, шармандали қуллик сиртмоғидан мангу қутулиш имкониятини мўлжалларди.

Иккаласи учун ҳам қулай пайт келган эди, аммо униси ҳам, буниси ҳам фойдаланмади, иккаласи ҳам хато қилиб қўймай тағни, деб қўрқди, муваффақиятнга

бутунлай кўзи етмагунча иккаласининг ҳам таваккал билан иш қилгуси келмади.

Шундан кейин Гугонинг омади келди: савати лиқ тўла бир аёл уларнинг қаршисидан чиқиб қолди. Гугонинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди, у ўзига ўзи деди: «Бир иш қилиб, сенинг бўйнингга қўя олмасам, шу жойда тил тортмай ўлганим маъқул! Бир иш қилайки, худо ҳам сақлаб қололмасин сени, «жангчи хўрозлар қироли!»

Ичида жуда ҳаяжонланаётган бўлса ҳам ўзини хотиржам қилиб кўрсатиб, аёлнинг ёнма-ён келишини кутиб турди, у ўтиб кетгач, қиролга секингина:

— Сен қараб тур, мен ҳозир келаман!— деди-да, сездирмай аёлнинг орқасидан юра бошлади.

Қиролнинг қалби шодликка тўлди. Гуго сал нарига борса, у бемалол қочиб кета оларди.

Аммо умид қилинганича бўлиб чиқмади. Гуго хотиннинг орқасидан секин борди-да, унинг корзинкасидан битта тугунни эпчиллик билан олиб, қўлидаги эски йиртиқ одеялнинг орасига ўраганича орқага чаққон югурди. Аёл бақира бошлади: у тугуннинг қандай ўғирлаганини кўрмаган, карзинкаси енгил бўлиб қолганидан билган эди.

Гуго эса чаққон югуриб, тугунни қиролга тутқизди-да, унга:

— Орқамдан югуриб: «Ушла ўғрини!»— деб бақир. Уларни чалғитишга ҳаракат қил!— деди.

Бир зумда Гуго ўзини бурчакка олиб, эгри-бугри кўчадан қочди, орқадан айланиб келиб, ўзини ҳеч нарсадан беҳабар одамга ўхшатиб, дарахт панасида қараб турди.

Ҳақорат қилинган қирол қўлига тутқизилган тугунни ерга улоқтирди; аёл ва унинг орқасидан бир гуруҳ одам югуриб келаётган маҳалда у тугун ўралган жулдур одеялни ерга улоқтирган эди. Аёл бир қўли билан қиролнинг ёқасидан тутди, иккинчи қўлига тугунини олди, тугунни баланд кўтарган ҳолда болани қарғай-қарғай судраб кетди. Қирол қанча уринмасин, унинг қўлидан чиқолмади.

Гуго ҳам фақат шуни кутган эди: унинг душмани қўлга тушди, энди жазодан қочиб қутулолмайди. Гуго шундан кейин ўзини тор кўчага уриб, муддаосига етиб завқланганича лагерь сари жўнади; югура туриб, шай-

кага бу воқеани ишонтирарли қилиб айтиш учун, нималар дейиши ҳақида ўйлади.

Қирол бақувват қўлдан чиқолмай, типирчилаб, даргазаб қичқирди:

— Қўйиб юбор мени, аҳмоқ хотин! Сенга айтяпман: тугунингни мен ўғирлаганим йўқ. Эски-тускинг ўзингга буюрсин!

Уларни оломон қуршаб олди, ҳамма қиролни сўкиб, унга дўқ қила бошлади; шунда енглари тирсагигача шимарилган, олдига чарм фартук тутган бақувват бир темирчи бир таъзирини бериб қўйиш керак, деб унинг олдига борди-да, худди шу пайт ҳавода узун қилич ялтиради, қиличнинг ён томони темирчининг қўлига урилди, кутилмаганда қилични тутган киши дўстона оҳангда деди:

— Тўхтанг, биродарлар, уриб-сўкмасдан, қўполликсиз ҳал қилайлик бу ишни. Буни биз эмас, қонун ҳал қилиши керак. Қўйиб юбор болани, меҳрибон аёл!

Темирчи хушбичим жангчига синовчан назар ташлади-да, қилич сал шикастлантирган қўлини силаб, тўнғиллаб, ўзини четга олди; аёл ҳам кичкина қиролни ноилож қўйиб юборди; томошабинлар нотаниш кишининг бу ишини ёқтирмаган бўлсалар ҳам, жим қараб турдилар. Қирол юзлари қизариб кетган, кўзлари чақнаган ҳолда ўз халоскорининг бағрига отилди:

— Қаерларда имирсилаб юрдинг, сэр Майлс, лекин ҳозир жуда вақтида етиб келдинг. Сенга буюраман, бу ярамаслар тўдасини майда-майда қилиб ташла!

XXIII б о б

ШАҲЗОДА ҚАМАЛАДИ

Гендон ўзини кулгидан зўрға тийиб, қиролнинг қулоғига шивирлади:

— Гапирма, гапирма, тақсир, ортиқча гапнинг ҳожати йўқ, энг яхшиси шу — тилингни тишлаб тур. Менга ишон, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади.

Сўнгра ўйлади: «Сэр Майлс!.. Э худо, мен ўзимнинг рицарлигимни бутунлай унутибман-ку! Қизиқ, унинг ғалати ва бемаъни хаёлотлари наҳотки ҳали ҳам эсидан чиқмаган бўлса?! Бу мансабим фойдасиз бир товуш

бўлса ҳамки, менга маъқул, мен унга арзирли хизмат қилдим, бу дунёнинг бирор подшолигида бош эгиб, графлик унвонига эга бўлгандан кўра, бу бечора боланинг туш ва рўялар подшолигида муносиб рицарь бўлиш афзалроқ».

Оломон полициячига йўл берди, полициячи келиб, қиролнинг елкасидан тутди. Аммо Гендон унга:

— Тўхта, биродар, торт қўлингни!— деди.— У шундай ҳам айтган жойингга боради, мен кафилман. Олдинда юр, биз сенинг орқангдан бораверамиз.

Полициячи корзинали аёл билан бирга олдинда юрди; Майлс билан қирол уларнинг орқасидан, уларга эргашиб бир гуруҳ одам ҳам йўл олди. Қиролнинг ўжарлиги тутган эди, Гендон унинг қулоғига шивирлади:

— Унутма, олий ҳазрат, бутун қироллик ҳокимиятининг қонун ушлаб турибди; шу қонунни яратган одамнинг ўзи ўз қонунига бўйсунмаса, унга риоя қилишни бошқалардан қандай талаб қила олади? Афтидан, шу қонунлардан бири бузилган; қирол омади келиб, яна тахтига ўтирса, оддий фуқаро бўлиб юрган пайтларида юксак мартабасига қарамай ўз қонунига риоя қилганини эслайди, хурсанд бўлади.

— Гапинг рост, ҳеч нарса демайман; Англия қироли ўз фуқароси учун қонунлар сиртмоғи вужудга келтирган экан, энди фуқаро аҳволига тушган чоғида шу сиртмоққа ўзи илиниши керак.

Судьянинг олдида аёл қасам ичиб, шу кичкина арестант унинг нарсасини ўғирлаганини айтди; ҳеч ким унинг гапига эътироз билдирмади, ҳамма қиролга қарши бўлди. Тугунни ечиб қарашса, яхши боқилган, семиз чўчқа боласи экан, уни кўриб судьяни ҳаяжон босди, Гендоннинг ранги оқариб кетиб, қалтиради; фақат қиролгина ҳеч парвосиз тураверди.

Судья ҳеч шошилмасди, аёлга савол берди:

— Ўз мулкингни қанча баҳолайсан?

— Уч шиллинг-у, саккиз пенс, тақсир! Инсоф билан қўйилган баҳо шу, бир пенни ҳам камайтирмайман.

Судья норози кайфиятда одамларга нигоҳ ташлади, полициячига имо қилиб, деди:

— Бинодан одамларни чиқариб, эшикни ёп!

Буйруқ ижро қилинди.

Қонунга хизмат қилувчи икки киши, айбдор, даъвогар ва Майлс Гендонгина суд ҳузурида қолди. Майлс-



нинг ранги-рўйи оқарган, ҳаракатсиз турар, пешонасидан бир томчи совуқ тер чиқиб, юзига думалади.

Судья яна аёлга мурожаат қилиб, юмшоқлик билан деди:

— Бу бечора, боқимсиз бола оч бўлса керак, ҳозир қашшоқлар учун жуда оғир пайт; унга бир қара: ёқимтойгина бола, очлик нималарни қилдирмайди... Сен, меҳрибон аёл, бировнинг ўн уч ярим пенсдан ортиқ турадиган мулкини ўғирлаган киши қонунга мувофиқ осилишини¹ балки билмассан?

Кичкина қиролнинг таажжубдан кўзлари катта очилди, аммо ўзини тутиб, ҳеч нарса демай тураверди. Аммо аёл сакраб ўрнидан туриб, ваҳима аралаш хитоб қилди:

— Нима иш қилиб қўйдим мен!.. Раҳминг келсин, худо, бу бечора боланинг ўлимига сабабчи бўлишни истамасдим! Бу гуноҳдан мени халос этинг, тақсир! Айтинг, нима қилсам бўлади!..

Судья мартабасига хос вазминлик билан деди:

— Шубҳасиз, нархини камайтириш керак, ҳали қарорга ёзилганича йўқ...

— Худо ҳақи, чўчқамнинг баҳосини саккиз пенс ҳисобланг! Э худо, ўзингга шукурки, бир оғир гуноҳдан мени сақлаб қолдинг!

Майлс Гендон қувониб кетганидан ўзининг қаердалигини ҳам унутиб қўйди, қиролни ҳайрон қилиб, қироллик шаънини пастга уриб, ўз дўстини қучоқлади, ўпди. Аёл ташаккур билдириб чўчқа боласини кўтариб залдан чиқди; полициячи унга эшик очиб, орқасидан даҳлизга чиқди. Судья бўлган воқеани қарорга ёзди. Ҳамма вақт ҳушёр юрадиган Гендон полициячи нима мақсадда аёлнинг орқасидан чиққанини билмоқчи бўлди; у даҳлизнинг қоронғи бурчагида яшириниб туриб, қуйидаги гапларни эшитди:

— Чўчқачанг семиз экан, мазали ҳам бўлса керак; мен сотиб олақолай, ма саккиз пенс.

— Саккиз пенс! Муддаонг шуми! Ўзимга уч шиллинг-у, саккиз пенсга тушган. Яқиндагина ўлган Гарри чол² чиқарган, аммо тортиб олишга улгуролмай қолган пулдан тўлаганман. Саккиз пенсингга анжир олиб е!

¹ Баҳоси ўн уч ярим пенсдан ортиқ турган нарсани ўғирлаган кишига ўлим жазоси қўлланилар эди (автор изоҳи).

² Қирол Генрих VIII демоқчи.

— Ҳали шунақа де!! Қасам ичиб, нархи саккиз пенслигини айтдинг-ку! Демак ёлгон қасам ичган экансан-да. Бу ишинг учун жавоб берасан, юр бу ёққа! Бу ёққа! Болани эса осишади.

— Ма, ма, олсанг олақол, худо хайрингни берсин, розиман. Саккиз пенсни бериб, чўчқачани олақол, аммо ҳеч ким билмасин.

Аёл йиғлаб кетди. Гендон орқага, судьянинг хонасига кирди, полициячи ўлжасини яхшироқ жойга яшириб, у ҳам келиб қолди. Судья анча вақтгача ёзишни давом эттирди, кейин қиролга оталарча доно маслаҳат бериб, уни ҳамма ётадиган турмада қисқа муддатли қамоққа, қамоқ муддатини ўтагандан кейин халойиқнинг кўзи олдида қамчи билан савалашга ҳукм қилди. Таажжубланган қирол, афтидан шу ернинг ўзидаёқ бу меҳрибон судьянинг бошини олишга фармон бериш учун оғиз очган эди, Гендон ишора қилиб, уни тўхтатди, у ноилож ўзини тутиб турди. Гендон унинг қўлидан ушлади, судьяга таъзим қилиб, иккаласи биргаликда полициячининг олдига тушиб турмага жўнашди. Улар кўчага чиқишлари билан қаҳрланган монарх қўлини тортиб олди-да, қичқирди:

— Тентак, мени ҳамма қамаладиган турмага тирик бораверади деб ўйлайсанми?

Гендон унга энгашиб, кескин тарзда деди:

— Менга ишонасанми, йўқми? Жим бўл, гап-сўз билан аҳволингни бадтарлаштирма! Худонинг хоҳлагани бўлади; сен ишни тезлаштиролмайсан ҳам, кечиктиролмайсан ҳам; сабр қилиб кут — қайғурадиган ёки хурсанд бўладиган пайт ҳам келади, тақдирда ёзилгани бўлади.

XXIV б о б

Қ О Ч И Ш

~~Кисқа киш~~ кунни тугай деб қолган эди. Кўчалар бум-буш, аҳен-аҳенда йўловчилар кўринар, улар ҳам ишларини тезроқ битказиб, шиддатли шамол ва тушаётган қоронғиликдан қочиб, уйларига шошилар, кўрнишлари ташвишли эди. Унга ҳам, чапга ҳам қайрилиб қарамадилар; улар бизнинг йўловчиларимизга худди кўрмаётгандек, эътибор бермасдилар. Эдуард

Олтинчи ўзидан ўзи, турмага олиб кетилаётган қиролга, одамлар ҳеч қачон шунчалик бепарво қараганмиди, деб сўрарди. Ниҳоят полициячи одамдан бутунлай холи бўлган бозор майдонига бориб, уни кесиб ўта бошлади. Майдоннинг ўртасига борганларида Гендон полициячининг елкасига қўлини қўйди-да, унга пичирлади:

— Бир минут тўхта, азиз сэр! Ҳеч ким бизнинг гапимизни эшитмайдн. Икки оғиз гапим бор сенга.

— Менинг вазифам гаплашишга йўл қўймайди, сэр! Йўлдан қолдирма, кеч бўлиб қолди.

— Ҳар ҳолда тўхта, ўзингга фойдали иш. Бир минут ўгирилиб, ўзингни ҳеч нарсани кўрмаётганга солиб тур, бечора бола қочиб кетсин.

— Менга бу ҳақда гапиришга қандай журъат қилдинг! Қонун номи билан қамоққа оламан сени...

— Тўхта, шошилма ҳали. Шошқалоқлик яхшиликка олиб бормайди,— деди Гендон овозини пасайтириб ва полициячининг қулоғига шивирлади:— Сажкиз пенсга сотиб олган чўчқа боласи туфайли бошинг кетиши мумкин!

Ҳангу манг бўлиб қолган бечора полициячи ваҳима босганидан дастлаб нима дейишини билолмай қолди, кейин дўқ қилиб, сўкинишга тушди. Аммо Гендон оғирлик қилиб, унинг жимишини кутиб турди, кейин деди:

— Сен, ошна, менга жудаям ёқиб қолдинг. Ишинг судга тушишини истамайман. Гапимга қулоқ сол, мағзини чақиб ол, қилган гуноҳингни уқдириб қўяй.— У даҳлизда полициячининг аёлга нималар деганини ва нима қилганини бирма-бир гапириб берди:— Хўш, шундай қилмадингми? Агар зарур бўлиб қолса, суд олдида гувоҳлик бера оларканманми-йўқми?

Дастлаб полициячи қўрқинч ва ташвишдан қотиб қолди, кейин ўзига келиб, сохталик билан ўзини бепарво кўрсатиб, эътироз билдирди:

— Сен пашшани фил қилиб кўрсатмоқчисан; у хотинни эрмак қилиб, ҳазиллашгандим.

— Ҳали унинг чўчқасини ҳазиллашиб олиб қолганмидинг?

Полициячи шошилиб жавоб қайтарди:

— Албатта, тақсир. Ҳазиллашувдим деяпман-ку.

— Ишоняпман сенга,— деди Гендон, масхара қилибми, жиддийми, англаш қийин бўлган бир оҳангда.— Сен шу ерда тўхтаб тур, мен югуриб бориб, судьядан

бир сўраб кўрай, у ахир тажрибали одам, қонунни яхши билади, ҳазиллашганмикансан ёки...

У ўгирилиб, шошилишч жўнади, сўнгги сўзни юргандан кейин айтди. Полициячи бир зум жимиб типирчилаб қолди, икки марта сўкинди, кейин Гендоннинг орақасидан югуриб, деди:

— Тўхта, азиз сэр, бирпас тўхта! Судьядан сўраб кўрай деясанми? У ҳазилни тушунамайдиган одам. Яхшиси, кел келиша қолайлик! Ғалати иш бўлади-ку! Оқибатини яхши ўйламай ҳазиллашиб, балога қоладиганга ўхшайман. Оилали одамман, хотиним, бола-чақам бор... Ўзинг бир ўйлаб кўр, азизим, нима истайсан менадан?

— Фақат бир нарса истайман, юз минггача санаёсан-да, унгача жойингдан қимирламай, кўзинг кўр, қулоғинг қар бўлиб турасан,— деди Гендон, гўё ундан ҳеч арзимайдиган бир иш қилишни талаб қилаётган бир қиёфада.

— Унда аҳволим хароб бўлади-ку!— дея қичқирди полициячи хуноб бўлиб.— Ўйлаб кўр, азиз сэр; ўзинг ҳам фаҳмлаб турибсанки, ҳазиллашдим. Агар бу ҳазилни рост деб ўйлаганда ҳам сенинг айтганингни қилсам, кўпроқ балога қоламан-ку. Ҳазилим учун судья менга виговор беради ва бунақа ҳазилни бошқа такрорламастикни маслаҳат беради.

— Яна ҳазил деясанми?— деди Гендон унга ўшқириб.— Бу ҳазилингни қонун қандай баҳолашини биласанми ўзинг?

— Билмабман! Яхши ўйламабман-да. Уни ўғирлик ҳисоблашларини хаёлимга ҳам келтирмабман... Мен биринчи марта шунақа ҳазил қилдим.

— Ҳа, бу ишингнинг номи бор. Қонунда буни: *Non compos mentis lex talionis sic transit gloria mundi*,¹ деб аталади.

— Ё парвардигор!

— Улим жазоси берилади!

— Э худо, мен гуноҳкор банданга раҳминг келсин!

— Ўз мансабингдан фойдаланиб, сенга қарам бўлган кишининг ҳимоясизлигини билиб, унинг ўн уч ярим пенсдан қимматроқ турадиган мулкни ўзлаштирдинг; буни қонун кўра била туриб, қилинган виждонсизлик,

¹ Ҳеч маъно англатмайдиган латинча сўзлар йиғиндиси.



маккорлик, зўравонлик, *ad hominem* — *elhpurgatis in status quo*, ҳисоблайди, бу жиноятнинг жазоси — осиб ўлдириш бўлади, ҳеч қанақа товон тўлаш ҳам мумкин эмас, раҳм-шафқат қилинмайди, тавбанг инobatга олинмайди.

— Менга раҳм қил, худо ҳақи, азиз сэр, тиззаларим қалтираб кетяпти! Мени ҳалокатдан қутқаз, раҳминг келсин, мана тескари ўгирилиб тураман, ҳеч нарсани кўрмайман ҳам, эшитмайман ҳам!

— Бўпти! Энди ақлинг кирди. Чўчқа боласини ҳам эгасига қайтариб берасанми?

— Бераман, қайтариб бераман! Бундан кейин архангел осмондан чўчқа боласи келтириб берса ҳам олмайман. Кетақол, сен учун икки кўзим кўр, қулоғим кар бўлиб туради. Судьяга қўлимдан маҳбусни зўравонлик қилиб тортиб олиб қочди, дейман. Турманинг

эшиги эски, бир тепса синадиган, ярим кечаси ўзим синдириб қўяман.

— Синдиравер, биродар, бундан ҳеч ким зарар кўрмайди. Бечора болага судьянинг ҳам раҳми келади; бола қочиб кетгани учун кўз ёши тўкиб турма қоровулини жазога ҳам тортмайди.

XXV б о б

ГЕНДОН-ХОЛЛ

Полициячи кўздан ғойиб бўлиши билан Гендон то меҳмонхонага кириб, қарзларини тўлаб келгунча жаноб олийларидан шаҳарнинг нарёғига бориб, кутиб туришни илтимос қилди. Орадан ярим соат ўтгач, иккала дўст нимжон эшак билан ҳачирни миниб олиб, шарқ томонга равона бўлдилар. Қирол энди анчагина ихчам ва иссиқ кийинган эди — жулдур кийимларни ечиб ташлаб, Гендон Лондон кўпригида харид қилган эски кийимларни кийган эди.

Гендон болани чарчатгиси келмасди; у йўл азоби, уйқусизлик унинг соғлиғини тобора ёмонлаштиради, осойишталик ва хотиржам ҳаёт уни тез орада соғайтиради, деган фикрда эди. У ўзининг кичкина дўсти тезроқ тузалишини истар, унинг қочган эс-ҳушини тезроқ жойига келтириш ниятида эди, шунинг учун ҳам узоқ йиллар муқаддам қувилган даргоҳига жуда ҳам шошилмай, кечаю кундуз юриб, тезроқ бориш ўрнига, тез-тез дам олиб бориш пайида эди.

Ун миль масофани босганларидан кейин йўловчиларимиз катта бир қишлоққа етиб, кечқурун яхшигина меҳмонхонада тунадилар. Яна ўрталарида эски муносабат тикланди: овқат маҳалида Гендон қиролнинг орқасида тик туриб, унга хизмат қилиб турди, кечқурун уни ечинтирди, тўшакка ётқизди, ўзи эса кўрпага ўралиб эшик ёнида ётди.

Эртасига ҳам, ундан кейинги кун ҳам ажралганларидан кейин бошларидан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилиб, чақчақлашиб, секин юравердилар. Гендон қиролни излаб, нималар кўрган бўлса ҳаммасини муфассал гапирди: архангел ўрмоннинг у ёғидан-бу ёғига уни олиб юравериб, чарчатиб ҳам қутулолмагач, ниҳоят яна кулбасига олиб борганини, кулбага келганда

чол ҳовлиқиб ухлайдиган жойига борганини, аммо қаттиқ хафа бўлиб чиққанини, бола уйга келгандир, деб ўйлагандим, ҳали ҳам келмаганидан қаттиқ хафаман деганини гапирди. Уша пайтда Гендон кун бўйи уни кутиб ўтирган, қиролнинг келишидан умиди узилгач, уни излаб йўлга чиққан экан.

— Кекса авлиё, сиз жаноб олийлари келмаганингиздан ростдан қаттиқ хафа бўлди,— деди Гендон,— афтидан сезилди.

— Хафа бўлганга шубҳам йўқ,— деди қирол ва бошдан кечирганларини сўзлаб берди.

Буни эшитгач, Гендон «архангел»ни ўлдирмаганига жуда ачинди.

Сафарнинг сўнгги куни Гендон жуда хушнуд эди. Бетиним сўзларди. Қариб қолган отаси, акаси Артур ҳақида, акасининг олижаноб сифатлари ва меҳрибонлиги ҳақида ҳар хил мисоллар келтириб гапирди, ўзининг Эдити тўғрисида меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилди, хурсандлигидан ҳатто Гью ҳақида ҳам акаларча меҳрибонлик билан сўзлади. Қариндошлари билан учрашуви тўғрисида гапириб хаёл сураб, Гендон қалъасига унинг тўсатдан бориши қанчалик завқ-шавқларга сабаб бўлишини айтарди.

Улар кўркем манзарали жойлардан, уйлар ва мевазор боғлар ёнидан борар эдилар; йўл кенг ўтлоқ ўртасидан ўтарди; паст-баландликлар денгиз тўлқинларини эслатиб турарди. Тушдан кейин уйига қайтиб келаётган дарбадар ўғил йўлдан четдаги баланд бир тепанинг устига чиқиб, ўз қўрғонига назар ташламоқчи бўлди. Ниҳоят уни кўриб, ҳаяжонланиб қичқирди:

— Ана қишлоқ, жаноб олийлари, ана у унинг ёнидаги — бизнинг қалъа! Миноралари кўриняпти; ана у ўрмон — отамнинг боғи. Бойлик ва аслзодалик нима эканлигини кўрасан энди! Уйнимизда етмишта хона бор, а, айтишга осон! Ингирма етти хизматкоримиз бор. Сен билан бизга ҳар ҳолда кам эмас-а? Қани энди тез юрайлик, мен имиллаб юришга тоқат қилолмайман!

Ҳар қанча шошилсалар ҳам қишлоққа етгуларича уч соатдан ортиқроқ йўл босишга тўғри келди. Ҳамон Гендоннинг чакаги тинмасди:

— Ана у черков, ҳали ҳам илгаригидек чирмовиқ билан ўралган, ҳамма нарса илгаригидек, ҳеч нарса ўзгармабди. Ана у «Кекса Қизил Шер» меҳмонхонаси.

ана у бозор майдони, ана у май ойида атрофида ўйин-кулги бўладиган ёғоч, ана у водокачка, ҳеч нарса ўзгармабди, одамлардан ташқари, албатта; ўн йил ичида одамлар ўзгарган бўлиши турган гап; баъзиларни сал-пал танияпман, аммо мени ҳеч ким танимаяпти.

У шу тарзда бетиним валдирарди. Тезда улар қишлоқнинг чеккасига чиқиб олиб, икки томони ихота қилинган тор эгри-бугри йўлга бурилдилар, ярим миля масофани чаққонлик билан босиб ўтганларидан кейин баланд тош устунли, гипс герблар билан безатилган ҳашаматли дарвозадан ўтиб, катта боққа кирдилар. Улар олдида улугвор бино савлат тўкиб турарди.

— Гендон-Холлга келишинг билан табриклайман, қирол!— дея қичқирди Майлс.— О, бугун улуғ кун! Отам, акам, Эдит хоним мени кўргач, хурсанд бўлиб кетганларидан роса жинни бўлишади, дастлабки пайтларда кўз-қулоқлари фақат менга банд бўлади, сени сал со-10вуқроқ кутишсалар ҳам эҳтимол. Сен аҳамият берма — тез ўтиб кетади. Сени ўз тарбиямга олганимни, жуда ҳам яхши кўришимни айтсам, сени Майлс Гендоннинг ҳурмати учун бағрига босишади, сенга уйларидан ҳам, қалбларида ҳам бошпана беришади.

Уй эшиги олдида Гендон хачирдан сакраб тушиб, қиролга эшакдан тушишда ёрдамлашди, кейин унинг қўлидан ушлаб, шошилиб ичкарига кирди. Зинанинг бир неча поясини босиб ўтиб, кенг хонага киришди. Гендон қиролни шошилиб, ҳеч қанақа такаллуфсиз ўтқизди-да, ўзи олов алангаланиб ёниб турган тош печка ёнида ёзув столига энгашиб ўтирган йититнинг олдида югурди.

— Қучоқламайсанми мени, Гью,— дея хитоб қилди у,— менинг омон-эсон келганлигимдан хурсандмисан?! Отамни чақир, уни кўрмагунимча, қўлларини ўпиб, товушини эшитмагунимча туғилиб ўсган уйимнинг ҳаловати менга ҳаловат бўлмайди!

Дастлабки минутда Гью ўзининг ҳайрон қолганлигини яширолмай турди, аммо кейин бирдан орқага тисарилиб, келган кишига узоқ тикилиб тураверди. Бу қараш дастлаб иззати нафси ҳақоратланган кишининг тикилишини эслатарди, кейин аллақандай фикр таъсирида ўзгарди, кейинроқ эса бу қарашдан атайин ўзини тушунолмай турганга солганини пайқаш мумкин эди. Ниҳоят мулоимгина деди:

— Бечора нотаниш йигит, ақлинг жойида эмас шеклли; сен, шубҳасиз, кўп жафо тортгансан, одамлар сенга бераҳмлик қилганлар, бу афт-башарангдан, кийимингдан кўриниб турибди. Мени киминг деб ҳисоблаяпсан?

— Кимим деб ҳисоблардим? Ўзинг ким бўлсанг, менга ҳам шу-да. Мен сени Гью Гендон деб ҳисоблаяпман!— деди Майлс жиддий.

У эса яна гапини юмшоқ давом эттирди:

— Ўзингни ким деб тасаввур қиляпсан?

— Тасаввуринг нимаси! Аканг Майлс Гендонни танимаяпсанми?

Гью ўзини ҳайронликка солиб, кулги билан деди:

— Нима, ҳазиллашяпсанми? Ўлганлар тириладиган бўлиб қолганми? Қошки эди, эй худо, шундай бўлса! Шунча узоқ йиллик айрилиқдан кейин бизнинг йўқолган бечора бола яна қучоғимизга қайтибди-да! Эҳ, бу шунчалик яхшики, шунинг учун ҳам тўғри бўлиши ҳеч мумкин эмас! Сендан ялиниб илтимос қиламан, бунақа ҳазиллашма! Тезроқ ёруғликка борайлик-чи, афтингга бир қарай.

У Майлсни қўлидан тутиб деразанинг олдига олиб борди, ҳамма ёғини айлантириб, бошидан оёғигача кўзи билан еб қўйгудек қаради, ҳар томонидан яхшироқ кўриш учун ўзи гирди-капалак бўлиб ундан айланди, Майлс эса юзи қувонч билан порлаб, жилмайиб, кулиб, бош силкитиб, укасига деди:

— Кўр ука, яхшироқ кўр, азоб-уқубатларга бардош беролмай ўзгарган бирорта ҳам белгимни тополмайсан, қўрқма! Истаганингча қарайвер, азиз укам, Гью! Мен ростдан ҳам ўша Майлс, сизлар ўлган деб ҳисоблаган аканг Майлс бўламан. Эҳ, улуғ кун бугун! Қўлингни бер, кел, юзларингдан ўпай. Қувончим ичимга сиғмаяпти.

У укасини қучоқлаб ўпмоқчи бўлган эди, аммо Гью уни қўли билан нари итарди, бошини маъюс эгиб, ҳаяжон билан деди:

— Марҳаматли худо, пучга чиққан умидим қайғусини кўтариш учун мадад бер!

Майлс ҳайрон қолди, дастлаб нима дейишини билмай турди, кейин хитоб қилди.

— Нега умидинг пучга чиқаркан? Мен аканг эмасманми?

Гью хафа ҳолда бошини тебратди ва деди:

— Худо ҳақи, кошкийди шундай бўлса, мен тополмаётган ўхшашликни кошки бошқалар тополса эди! Эсиз!! Келган хатда ёзилганлар ҳақ экан-а, афсус!

— Қанақа хат?

— Денгизнинг нари ёғидаги мамлакатларда олти-етти йил бундан муқаддам келган хат. У хатда менинг акам жангда ҳалок бўлгани ёзилган эди.

— Ёлғон! Отамни чақир, у мени танийди.

— Ўлган кишини чақириб бўлмайди.

— Ўлган?— Майлснинг овози бўғиқ чиқди, лаблари титради:— Отам ўлдими? О, шум хабар! Қувончим заҳарланди. Марҳамат қилиб, мени Артур акамнинг олдига олиб бор — у мени танийди, қайғумни енгиллатади.

— У ҳам ўлган.

— Э худо, мен бахтсизга раҳминг келсин! Улибди, иккаласи ҳам ўлибди-я! Азиз кишилар ўлибди, мен ноқобил эса тирик юрибман! Менга раҳм қил, Эдит хоним ҳам...

— Ўлдими демоқчимисан? Йўқ, у тирик.

— Хайрият! Ҳар ҳолда, бахтим бор экан! Югур, ука, уни чақир! Агар у ҳам менинг мен эмаслигимни айтса... Аммо у бундай демайди, йўқ, йўқ, у мени танийди! Бунга заррача шубҳам бўлса, мен тентакман! Уни чақир, эски хизматкорларни ҳам чақир — улар танишади мени.

— Хизматкорлар ҳам ўлиб кетган, улардан беш киши: Питер, Гэлси, Дэвид, Бернард ва Маргарэт бор, холос.

Шундай деб, Гью хонадан чиқди.

Майлс бир оз ўйлаб олиб, бурчакдан бурчакка юра бошлади. У: «Қизиқ гап: беш ярамас тирик қолиб, наҳотки йигирма икки софдил хизматкорнинг ҳаммаси ўз ажали билан ўлган бўлса!»— деб ўйлади.

У олдинга, орқага юриб, нуқул пичирларди; қиролни бутунлай унутиб қўйганди; ниҳоят жаноб олийлари унга самимий хайрихоҳлик билдириб гапирди, бу гап ҳазил-мазах қилиб айтилгандек эшитилди:

— Бечора, бахтинг юришмаганидан хафа бўлаверма, бу дунёда кимлиги номаълум ва ҳуқуқлари тан олинмай юрган бошқа одамлар ҳам бор. Бахтсизликда ўртонинг бор.

— Эҳ, жаноб олийлари,— деди унга Гендон, сал қи-

зариб,— ҳеч бўлмаса, сен мени айбламай тур! Ҳозир кўрасан. Мен алдамчи эмасман—хоним келсин, айтади; ҳақлигимни энг ширин, энг гўзал тил баён этиб беради сенга. Наҳотки мен алдамчи бўлсам? Мен бу қадимий зални яхши биладман, гўдак ўз онасини билгандек, билиб турибман, бу портретлар аждодларимнинг портретлари. Шу ерда туғилиб ўсганман, тақсир, рост айтяпман, ҳеч қачон сени алдамайман; агар ҳеч ким менга ишонмаса ҳам, сендан ўтинаман, менга ишонавер, агар сен ҳам ишонмасанг, мен чидолмайман.

— Мен сендан ҳеч шубҳаланмайман,— деди қирол болаларча соддадиллик ва ишонч билан.

— Чин кўнгилдан ташаккур!— деб хитоб қилди Гендон астойдил. У қаттиқ хафа эди.

Қирол ҳам соддадиллик билан илова қилди:

— Ахир, сен ҳам менга шубҳаланаётганинг йўқ-ку?

Гендон уялди. Гью кириб келиб, уни бу саволга жавоб қайтариш машаққатидан қутқазди, бундан хурсанд бўлди у.

Гьюнинг орқасидан яхши кийинган чиройли аёл, ундан кейин уқа тугтиб тикилган махсус кийимда бир неча хизматкор кирди. Аёл бошини эгиб, секин юриб келмоқда эди. Унинг қиёфаси ҳаддан ташқари қайғули эди: Майлс Гендон:

— О, Эдитгинам, азизим!— дея хитоб қила туриб, унга томон отилди.

Аммо Гью хотиржам вазиятда уни четлатди ва аёлга:

Унга бир қаранг. Танниясизми?— деди.

Майлснинг овозидан гўзал аёлнинг юзлари қизарди; бутун гавдасини қалтироқ босди. Анча-



гина вақтгача ҳаракатсиз ва тинч турди, кейин бошини секин кўтариб Гендоннинг кўзларига шуурсиз, қўрқиб нигоҳ ташлади, юзларидан қон қочди, бўздек оқарди. Юзларига ўхшаган жонсиз товуш билан:

— Танимаяпман,— деди.

Шундан кейин у бир хўрсиниб, зўрға қадам ташлаб, хонадан чиқиб кетди.

Майлс Гендон ўзини креслога ташлаб, юзини қўли билан бекитди. Бир оз жим тургач, укаси хизматкорлардан:

— Мана шу одам. Танияпсизларми?— деб сўради.

Улар бошларини сарак-сарак қилишди. Шунда уларнинг хўжайини деди:

— Хизматкорлар сизни танимаяпти, сэр. Англашил-мовчилик бўлибди. Менинг хотиним ҳам танимади сизни, бунни ўзингиз кўрдингиз.

— Сенинг хотининг!— У Гьюни бир зумда деворга қисиб, бақувват қўллари билан бўғзидан тутди.— Эҳ, айёр тулки! Аблах! Энди ҳаммасига тушундим! Уша хатни ўз қўлинг билан ёзгансан, мени маъшуқамдан ва отамдан қоладиган меросдан маҳрум қилиш учун шундай қилгансан. Мана сенга! Сендек ифлосни ўлдириб тоза қўлларимни булғамаслигим учун тезроқ даф бўл!

Гью бир шапалоқ егач, ҳарсиллаб зўрға юриб, креслога ўзини ташлади: «Қароқчини ушлаб, қўлларини боғланглар!»— деб хизматкорларига буюрди. Хизматкорлар қўрқиб туришди. Улардан бири:

— Унинг қуроли бор, сэр Гью, биз эса қуролсиз,— деди.

— Қуроли бор? Нима бўпти! У ёлғиз, сизлар кўпчилик. Сизларга айтяпман, қўлини боғланг!

Майлс эса уларга эҳтиёт бўлишни маслаҳат берди:

— Сизлар мени биласизлар, илгари қанақа бўлган бўлсам, ҳозир ҳам ўшанақаман. Яқин кела кўрманг!

Бу сўзлар хизматкорларни чўчитди.

— Йўқолинг, қўрқоқлар! Қуролланиб, эшиклардан чиққани қўйманг, мен бировни соқчиларга юбораман,— деди Гью.

Остонада у Майлсга ўгирилиб деди:

— Сизга эса қочишга уриниб, ўз аҳволингизни оғирлаштирмасликни маслаҳат бераман.

— Қочишга уриниб? Хотиржам бўл! Майлс Гендон — бу хонадоннинг хўжайини, бу унинг мулки. У ҳеч қаёққа кетмайди, хотиржам бўл!

XXVI боб

ТАНИМАДИЛАР

Қирол бир оз ўтирди, ўйлади, кейин Майлсга қараб, деди:

— Ғалати, жуда ғалати-ку! Тушунмаяпман, бу қанақа гап.

— Ҳеч ғалати эмас, жаноб олийлари! Уни яхши биламан, ундан бошқача ишни кутиш мумкин эмас — у дунёга келган кунидан аблаҳ, ярамас эди.

— Э, мен унинг тўғрисида гапираётганим йўқ, сэр Майлс!

— Унинг тўғрисида бўлмаса, кимнинг тўғрисида гапиряпсан? Нимани ғалати деяпсан?

— Ҳалигача қиролни ҳеч ким қидирмаяпти-я...

— Нима? Нима деяпсан? Гапингга тушунмаяпман.

— Тушунмаяпсан? Мамлакат бўйлаб отлиқ хабарчилар мени изламаётгани, менинг қиёфам баён этилган эълонлар ҳеч қаерда осиб қўйилмагани сенга ғалати туюлмаётими? Давлатнинг бошлиғи бедарак йўқолгани, яъни менинг яшириниб, тўсатдан ғойиб бўлганимни билиб туриб, хафа бўлмаётганликлари, ҳаяжонга тушмаётганликлари ғалати эмасми?

— Гапинг мутлақо тўғри, қиролим. Мен буни эсдан чиқарибман.

Гендон хўрсиниб ўйлади: «Бечора жинни! У ўзининг ажойиб хаёлларини ҳали ҳам унутмабди».

— Иккаламизга ҳам ўз ҳуқуқларимизни тиклашга ёрдам берадиган бир планим бор. Мен уч тилда: лотинча, юнонча, инглизча хат ёзаман; эртага эрталаб уларни олиб, Лондонга жўнайсан. Менинг тоғам лорд Гертфорддан бошқа ҳеч кимга бермайсан; бу хатларга кўзи тушиши билан мен ёзганимни дарров билади. Мени олиб кетишга одам юборади.

— Шаҳзодам, мен ўз ҳуқуқимга эга бўлиб, ўз молмулкимни қўлга киритгунимча шу ерда кутиб турганимиз яхши бўлмасмикин? Ундан кейин менга ҳам осон бўлади...

Қирол унинг гапни шартта бўлди:

— Гап қайтарма! Миллат манфаати ва тахтнинг дахлсизлиги тўғрисида гап бораётган бир пайтда сенинг арзимайдиган мол-мулкинг ва сариқ чақачалик манфатларинг муҳимроқми?— Шундан кейин юмшаб, газабланганидан сал пушаймон бўлгандек, деди:— Иккиланма, айтганимни қил! Сенинг ҳуқуқларингни ўзим тиклаб бераман. Илгари ниманг бўлган бўлса, ҳаммасига яна эга бўласан, ҳатто мулкингни кўпайтираман ҳам. Қилган хизматларингни унутмайман, булар эвазига мукофотлайман сени.— У шундай деди-ю, кўлига перо ушлаб, хат ёза бошлади.

Гендон унга меҳрибонлик билан қараб, ичида ўзича деди:

«Бу гапни қоронғида эшитганимда, ростдан ҳам менга қирол гапиряпти, деб ўйлашим мумкин эди; жаҳли чиққанида момақалдироқ ҳосил қилиб, яшин чақнатади, чинакам қирол, дейсан. Бунга қардан ўрганган? Мана энди, лотинчаю юнонча хат ёзганман деб ўйлаб, оқ қоғозга эгри-бугри маъносиз ёзувлар ёзиб ўтирибди! Бирор ҳийла топиб, диққатини бошқа ёққа торта олмасам, эртага топширигини бажариш учун жўнапман деб уни алдашга тўғри келади».

Бир минутдан кейин сэр Майлснинг фикри хаёли яна яқиндагина рўй берган воқеалар билан банд бўлди. У хаёлга шунчалик берилиб кетган эдики, қирол ёзган хатини унга топширганда, хатни тез ўз чўнтагига тикқанини ҳам ўзи пайқамади.

— Нега Эдит хоним ўзини ҳайрон қолдирарли даражада бунчалик ғалати тутди!— деб тўнғиллади у.— Мени ҳам танигандек, ҳам танимагандек бўлди. Тушуниб турибман, бир-бирига қарама-қаршию; бу фикрлар тоқатимни тоқ қилади, шу билан бирга унисига ҳам, бунисига ҳам ишонч ҳосил қилолмайсан, киши. Кўриниб турибди: у менинг юзимни, овозимни яхши таниши лозим эди — наҳотки таний олмаса? Бунга қарангки, мени таний олмаяпман деди-я, демак, мени ростдан ҳам таний олмади-да. Ахир у ёлғон гапирмайди! Тўхта, энди тушуняпман! Балки Гью уни ёлғон гапиршига кўндиргандир, мажбур этгандир! Ҳа, жумбоқ ечилди. Афти-башараси шунақа эдики, қўрқувдан жони чиқиб кетаётгандай... Ҳа, Гюннинг айтганини қилган! Энди уни излаб, топишим керак. Ҳозир Гью йўқ, Эдит мендан ҳеч

нарсани яширмайди. Ўтган кунларни, болаликдан бирга ўйнаб-кулиб ўсган пайтларни эслайди; кўнгли бўша-шади, муғомбирлик қилолмайди, таниганини эътироф этади. У маккор эмас эди, ҳамма вақт софдил, ҳақгўй эди. Ўша пайтларда мени жуда яхши кўрарди. Бу менга ёрдам беради, киши севган кишисини ҳеч қачон алдамайди-ку.

У шошилиб эшикка томон юрди, худди шу пайтда эшик очилиб, Эдит хонимнинг ўзи кириб келди. Унинг ранги оқариб кетган, аммо қадам ташлаши дадил, қомати келишган, мағрур, аммо юзи илгаригидай ғамгин эди.

Майлс катта умид билан унинг бағрига отилди, аммо бир ҳаракат билан хоним уни тўхтатди. У ўтирди, Майлснинг ҳам ўтиришини илтимос қилди. Бу ҳаракати билан у эски дўстликни унутишга, ўзига ёт кишидай, меҳмондай ҳис этишга мажбур этгандай бўлди. Буни Майлс кутмаган эди, таажжубдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйди, ҳатто ўзидан ўзи ҳам шубҳаланаётгандай бўлди. Шунда Эдит хоним деди:

— Сэр, мен сизни огоҳлантириб қўйгани келдим. Ақлдан озганларни хато қилаётганликларига ишонтириб бўлмайди, аммо хавфдан қочишлари зарурлигини тушунтириш мумкин. Менимча, сиз ўз орзуларингизга хаёлларингиз тўғрилигига ишонасиз, демак сиз жиноятчи эмассиз. Аммо ўзингизнинг янглиш фикрдалигингизни тушунишингиз керак, тушунмасангиз, ўзингизга жабр бўлади, чунки бу хавфли.

У кўзларини Майлснинг кўзларига қадади, кейин яна қўшимча қилди:

— Янада хавфлилиги шундаки, сиз бизнинг аллақачон ўлиб кетган бечора йигитимизга жуда ўхшаркансиз.

— Э, худо! Хоним, ўша сиз айтаётган йигит мен бўламан!

— Сиз шундай деб ўйлаяпсиз, сэр, бунга жуда ҳам ишонаман! Сизнинг софдиллигингизга ишонаман, аммо мен сизни огоҳлантириб қўймоқчиман. Менинг эрим бу ерларнинг хўжайини, унинг бу ерда ҳуқуқи чексиз, истаса бировни бойита олади, истаса хонавайрон қилади. Эримнинг акасиман демай, бошқа бировман деганингизда у сизни ўз ҳолингизга қўйиши мумкин эди, аммо ҳозир у сизни ақлдан озган қаллоб киши деб ҳаммага

айтади, ҳамма унга ишонади, у албатта шундай қилади, мен уни яхши биламан.

Эдит хоним яна Майлсга кўзларини қадаб, гапини давом эттирди:

— Агар сиз чин Майлс Гендон бўлганингизда ҳам, менинг эрим бунга тўла ишонч ҳосил қилганида ҳам, ҳатто ҳамма сизни таниганида ҳам — менинг гапимга тушунинг, хулоса чиқаринг — сиз катта хавф таҳликасида қолган бўлардингиз, у сизни жазолаттирарди; у сиздан воз кечиб, сизни сохта ва қаллоб қилиб кўрсатарди, сизни ҳимоя қилишга ҳеч ким журъат қилолмайди.

— Бу гапингизга тўла ишонаман,— деди Майлс алам билан.— Ҳамма вақт менинг энг азиз дўстим бўлган кишига мендан воз кечишни, хиёнат қилишни буюрганида, азиз дўстим унинг айтганини қилганда, албатта мен билан садоқатли дўст бўлмаган одамлар ўз ризқига жабр бўлишидан қўрқиб, унинг амрига итоат этиши турган гап.

Эдитнинг юзларида сал қизиллик пайдо бўлди, кўзлари жавдиради, аммо овози ҳамон илгаригидек қатъий янгради:

— Мен сизни огоҳлантирдим ва яна огоҳлантираман: бу ердан кетинг! Агар тезроқ кетмасангиз, бу одам сизни нобуд қилади. Бу раҳмсиз, золим. Мен унинг чўрисиман, буни биламан. Бечора Майлс, Артур ва мени тарбиялаган, тутунган отам сэр Ричард ундан қутулдилар, тинчидилар. Бу йиртқичнинг панжасида бўлгандан кўра, улар ёнида бўлганингиз афзалроқ. Сизнинг бу ерга келишингиз — унинг мансаби ва бойлигига шерик бўлиш деган сўз; сиз унинг ўз уйида унга ҳужум қилдингиз, аммо шуни хўп билингки, тезроқ кетмасангиз, сизни ҳалок қилади. Кетинг! Пайсалга солманг! Агар сизга пул керак бўлса, ўтинаман, мана бу ҳамённи олинг, хизматкорларга берсангиз, сизни қўйиб юборадилар. Гапимга қулоқ солинг, шўрликкина, ҳозирча вақт бор, қочинг.

Майлс узатилган ҳамённи қўли билан итариб, олмади ва ўрнидан турди.

— Менинг бир илтимосимни бажаринг,— деди у.— Кўзларимга тик қаранг-чи, менинг кўз қарашимга бардош этолармикинсиз... Шундай. Энди саволимга жавоб беринг! Мен ким? Майлс Гендон эмасманми?

— Йўқ. Мен танимаяпман.

— Қасам ичинг.

Эдит секингина, аммо аниқ қилиб, деди:

— Қасам ичаман!

— Ё ажабо!

— Қочинг! Нега қимматли вақтни қўлдан бой беряпсиз? Қочиб, қутулсангиз-чи!

Худди шу пайт хонага солдатлар бостириб киришди, қизгин жанг бошланди; аммо Гендонни тезда ушлаб, олиб чиқдилар. Қиролнинг ҳам қўлларини боғладилар; иккаласини турмага олиб кетдилар.

XXVII БОБ

ТУРМАДА

Ҳамма камералар маҳбуслар билан лиқ тўлган эди, шунинг учун ҳам иккала дўстни кишанлаб, майда жиноятчилар қамаладиган катта хонага қамашди. Бу ерда улардан ташқари йигирмага яқин маҳбус — ёшлар ва кексалар, эркаклар ва аёллар бор; ҳаммаси ёмон кийинган, жанжалкаш эди. Қирол ўзининг олий мартабаси қадр этилмаганидан қаттиқ хафа бўлди. Гендон эса қовоғи солиқ, гапирмасди; у гангиган эди. Ахир кўп йиллар ватанидан узоқда дайдиб юргач, уйига қайтар экан, не-не умидларда эди, мени беҳад хурсанд кутиб олишадди, деб ўйлаган эди; кутилмаганда қувонч ўрнига — турма. Умидлари бирдан пучга чиққанидан гангиган эди; у ҳатто ўз аҳволини қандай баҳолашга — чинакам фожиами, майнавозликми — ҳайрон эди. У ўзини камалакни томоша қилишга далага чиқиб, ногаҳон яшин урган кишига ўхшатарди.

Аста-секин унинг чалкаш фикрлар тумани тарқади; энди унинг хаёли Эдит билан банд бўлди. Унинг гаплари ва ўзини қандай тутганлиги тўғрисида ҳар томонлама ўйлади, аммо қаноатланадиган бир фикрга келолмади. Танидимикин ёки таний олмадимикин? Бу оғир савол узоқ вақт унинг кўнглида жавобсиз турди; ниҳоят, у мени таниди, ўз манфаати учун жўрттага танимагандек бўлди, деган қарорга келди. Энди Майлс уни лаънатлашга тайёр эди; аммо Эдитнинг номи жуда узоқ вақтдан бери Майлс учун муқаддас бўлганидан уни ҳақоратлашга ўзини мажбур қилолмади.

Гендон билан қирол турманинг йиртиқ ва ифлос кўрпасига ўралиб, мўдҳиш кечани ўтказишди. Турма



қоровули пора олиб баъзи маҳбусларга ароқ келтириб берди, натижада бу ёқалашини, сўкишини ва бемаъни ашулалар билан тугади. Ярим кечадан кейин маҳбуслардан бири маҳбус аёлга ҳужум қилиб, унинг бошига кишан билан ура бошлади, фақат етиб келган турма қоровули бечора аёлни ўлимдан қутқариб қолди; ҳужум қилган маҳбуснинг бошига бир таёқ уриб, тинчлик ўрнатди. Жанжал тўхтади, кейин ҳамма у иккаласининг оғриқ зўридан инграшига парво ҳам қилмай, ухлаб қолди.

Кейинги ҳафтада кун-тунлар жонга тегадиган даражада бир хил ўтди; кундуз кунлари турмага кишилар келиб туришди (Гендон уларнинг баъзиларини яхшироқ, баъзиларини сал-пал таниди), улар «сохта киши»ни сўкиш, инкор этиш учунгина келардилар; кечалари ароқхўрлик ва муштлашишлар такрорланиб турди. Ниҳоят сал-пал ўзгариш рўй берди. Бир кун турма қоровули аллақандай бир чолни олиб келди-да, унга:

— Жиноятчи шу хонада. Қани, ҳаммани кўриб, уни топ-чи, агар гапи рост бўлса, танийсан,— деди.

Гендон бошини кўтарди; унинг қалбида турмага келтирилганидан бери биринчи қувонч пайдо бўлди.

У ичида ўзига-ўзи деди:

«Бу Блек Эндрюс-ку. У умрини отамнинг хонадо-нида хизмат қилиб ўтказганди; раҳмдил, софдил одам, самимий киши. Аммо ҳозир дунёда софдиллар камайиб, ёлғончилар кўпайиб кетган. Ҳар ҳолда у мени танийди, бошқа ярамасларга ўхшаб инкор қилиб ўтирмайди».

Чол хонага нигоҳ ташлаб, маҳбусларга бир-бир қаради-да, кейин деди:

— Кўчаларда дайдиб юрадиган аблаҳлардан бошқа киши йўқ-ку, бу ерда. Қайсиси у?

Турма қоровули кўлди.

— Мана!— деди у.— Бу катта йиртқичга бир тикил-чи, унинг тўғрисида нима деркансан?

Чол Гендоннинг олдига бориб, узоқ тикилиб турди-да, кейин бошини тебратиб:

— Йўқ, Гендон эмас бу, ҳеч қачон Гендон бўлмаган ҳам!— деди.

— Тўғри! Қари бўлсанг ҳам ҳали яхши кўрасан. Мен сэр Гьюнинг ўрнида бўлганимда эди, бу дайди ит-ни.— Турма қоровули оёқ учида туриб, дорга осилган одамнинг жонсиз қиёфасини кўрсатди.

Чол эса ғазаб билан деди:

— Ундан ҳам баттароқ жазога гирифтор қилин-маса, худога шукур қилсин. Бу ярамас менинг ихтиёримда бўлганида, уни тириклай қовураддим.

Турма қоровули масхаралаб кулиб деди;

— Гаплашиб тур, чол! Ҳамма эрмак қилади уни. Кўнглинг ёзилади.

Шундай деди-да, орқага ўгирилиб, чиқиб кетди.

Чол бирдан тиз чўкиб, пичирлади:

— Худога шукурки, ниҳоят келиб қолдинг, азиз хўжайиним! Мен сени етти йил илгари ўлиб кетгансан, деб юрардим, сен эса тирик экансан! Бир қарашдаёқ сени танидим. «Майда ўғрилар ва фирибгарлардан бошқа ҳеч ким кўзимга кўринмаяпти», дейиш қийин бўлди менга. Мени огоҳлантиришди, аммо шундай бўлса ҳам, агар истасанг, сенинг тўғрингдаги ҳамма ҳақиқатни бориб айтишим мумкин.

— Йўқ,— деди Гендон,— кераги йўқ. Ўзингни нобуд қиласан, аммо менга барибир фойданг тегмайди. Шундай бўлса ҳам, сенга ташаккур: инсонларга бўлган ишончим бутунлай йўқолаётган эди, бу ишончининг бир қисмини сен яна тикладинг.

Кекса хизматкорнинг қирол билан Гендонга катта фойдаси тегди: у гўё ўзини ёлғончи муттаҳамни мазах қилиш учун келгандек кўрсатиб, турмага бир неча марта кирди. Ҳар келганида Гендон билан қиролга ейдиган лаззатлироқ нарсани яширинча келтириб, янгиликлардан хабардор қилиб турди. У келтирган тотли таомларни Гендон ўзи емай, фақат қиролгагина берарди, чунки қирол маҳбусларга бериладиган ёвфон овқатларни емасди. Эндрюс шубҳа туғдирмаслик учун турмада бирпасгина турар, янгиликларни Гендон зўрға эшитадиган қилиб, пичирлаб айтар, баланд товушда фақат сўкиниб қўярди.

Майлс шу тарзда ўз оиласида рўй берган воқеалардан хабардор бўлди. Олти йил илгари Артур ўлибди. Бу жудолик ва Майлсдан хабар йўқлиги отанинг соғлиғини ёмонлаштирибди. Ўзининг тез орада ўлишини пайқаган чол шошилинич равишда Гьюни Эдитга уйлантирмоқчи бўлибди. Аммо Эдит Майлсдан умид қилиб, иложи борича никоҳни кечиктираверибди. Ана шу кунларда Майлс ўлди, деган хабар келибди: бу шум хабар сэр Ричардни бутунлай тўшакка ётқизиб, чол умри тугаётганини ҳис қилиб, никоҳни тезлаштирибди. Гью,

албатта, унга бу соҳада ёрдамлашибди. Эдит эса бир ой кечиктирибди, кейин яна бир ой, ундан кейин яна бир ойни ўтказгач, ниҳоят сэр Ричард ўлим тўшагида ётган маҳалда уларни никоҳ қилибди. Никоҳ кўнгилсиз ўтибди. Эдит никоҳдан сал кейин эри ёзган сохта хатнинг бир неча хомаки нусхасини топиб олгани, эрига унинг аблаҳлик қилганини айтгани ва шу йўл билан никоҳ тўйини ва сэр Ричарднинг ўлимини яқинлаштирганини айтгани ҳақида миш-мишлар тарқалибди. Гьюнинг Эдитга ва хизматкорларга беҳад зулм қилгани тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга кўчибди. Сэр Гью отасининг ўлиmidан кейин ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатиб, қўли остидагиларни ва сал-пал қарам кишиларни аёвсиз равишда эса бошлабди.

Эндрюснинг ҳикояларидан бири қиролнинг диққатини жалб қилди:

— Қирол ақлдан озиб қолибди, деган гаплар бор. Аммо бу хабарни мендан эшитганларингизни ҳеч кимга гапира кўрманг. Бу хабарни тарқатган киши ўлим жазосига маҳкум этилади.

Жаноб олийлари эса чолга ўқрайиб қараб, деди:

— Қирол ақлдан озгани йўқ, меҳрибон чол, сен яхшиси бунақа хабарларни тарқатгандан кўра, ўз ишинг билан шуғуллан.

— Нима деяпти бу бола?— деб сўради кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган Эндрюс.

Гендон унга ишора қилди ва чол бошқа ҳеч нарса сўрамай, ўз ҳикоясини давом эттирди:

— Марҳум қиролни Виндзорда икки кундан кейин ўн олтинчида дафн этишармиш, йигирманчида эса Вестминстерда янги қиролнинг тахтга чиқиш тантанаси бўлармиш.

— Менингча, олдин тахтга чиқиши керак бўлган ўша янги қиролни излаб топиш керак...— дея тўнғиллади қирол; кейин ишонч билан қўшимча қилди:— Албатта, бу ҳақда ғамхўрлик қилишар, мен ҳам тинч турмайман.

— Менга айт-чи...— дея гап бошлади чол ва бирдан Гендоннинг имо-ишорасига бўйсуниб, жим қолди. Яна гапини давом қилдирди:— Сэр Гью ҳам қиролнинг тахтга ўтириш маросимига боради, ундан умиди кўп. У уйига пэр бўлиб қайтмоқчи, чунки у лорд-протекторнинг зўр ишончига сазовор бўлиб олган.

— Қайси лорд-протекторнинг?— деб сўради қирол.

— Герцог Сомерсетскийнинг.

— Қайси герцог Сомерсетскийнинг?

— Қайси бўларди? Фақат битта-да,— Сеймур, граф Гертфорд-да.

Қирол зарда қилиб, яна сўради:

— Қачондан бери у герцог ва лорд-протектор бўлиб қолди?

— Январнинг охирги кунидан буён.

— Марҳамат қилиб айт-чи, бу унвонни ким берибди унга?

— Унинг ўзи ва олий кенгаш, қиролнинг ёрдами билан.

Жаноб олийлари бир нарса чаққандек, титраб кетди:

— Қиролнинг ёрдами билан?..— деди у.— Қайси қиролнинг?

— Қайси қиролнинг бўларди? (Тавба, бу болага нима бўлган ўзи?) Бу саволга жавоб бериш жуда осон: биттагина қиролимиз бор-да, жаноб олийлари, олий ҳукмдоримиз қирол Эдуард Олтинчи-да, худо унга узоқ умр берсин! Ҳа! Қиролимиз жуда ёш, бола ҳали, аммо жуда меҳрибон, ёқимли! Аниғини билмайман, ростдан ҳам у ақлдан озганми-йўқми, аммо кундан-кун тузалапти дейишади, ҳамма унинг саломатлигини тилаб, эсон-омон қироллик қилишини худодан тиламоқда, чунки у қироллигини яхшилик билан бошлади, герцог Норфолькнинг гуноҳини кечирди, ҳозир эса халққа жабр қиладиган қонунларни бекор қилмоқчи эмиш.

Бу хабарни эшитган қирол таажжубдан данг қотиб қолди, чуқур хаёлга берилиб, чолнинг ҳикояси нима билан тамомланганини эшитмади ҳам. У ўзидан ўзи сўрарди: наҳотки у шахзода ўз кийимларини кийгизгандан кейин саройда қолган ўша гадой бола бўлса? Бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлади у; агар ўша бола ўзини инглиз тахтининг вориси қилиб кўрсатганида, унинг гап-сўзлари юриш-туришлари шубҳасиз сездириб қўярди, уни ўша заҳотиёқ саройдан ҳайдаб, чинакам шахзода ни излаган бўлардилар. Наҳотки унинг ўрнига олий табақадан бирортасини қўйишган бўлса? Йўқ, тоғаси бунга йўл қўймайди: у қудратли киши, у фитна уюштира олади, аллақачон уюштирган бўларди ҳам. Бунақа ўйловлари билан у бирор хулосага келолмади, бу ишнинг сирини билиб олиш учун қанчалик кўп ўйласа, фикрлар шунчалик кўп чатишиб кетаверди; қанчалик

кўп хаёл сурса, боши шунчалик кўп оғриди ва уйқуси қочаверди. Лондонга етиб бориш истаги унда соат сайин кучая борди, бутунлай бетоқат бўлиб қолди.

Гендон ҳар қанча уринмасин, қиролни тинчлантира олмади; сал нарироқда кишанланиб қўйилган икки аёлгина уни юпатди. Уларнинг панд-насиҳатлари қиролнинг кўнглини тинчлантирди ва сабр этишга кўндирди. Қирол улардан хурсанд бўлди, самимий ёқтириб қолди ва уларнинг яхши муомалаларидан мамнун бўлди. У нима сабаб билан турмага қамалганликларини сўради, аёллар баптисткалар¹ бўлганлари учунгина қамалганликларини айтдилар. Қирол жилмайиб, улардан сўрарди:

— Наҳотки шу нарса турмага қамашга арзийдиган жиноят бўлса? Сизлар мени хафа қилиб қўйдинглар: демак, сизлар тезда мени ташлаб кетар экансизлар-да, бу иш учун сизларни турмада узоқ сақламайдилар.

Аёллар ҳеч нарса демадилар, аммо уларнинг юзларида пайдо бўлган хафалик уни чўчитди. Шунда у шошилиб сўради:

— Нега гапирмайсизлар? Марҳамат қилиб, сизларни ҳеч қанақа жазо кутмаётганлигини айтсангизлар-чи!

Аёллар гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлдилар, аммо қирол тинчланмади ва уларга савол бераверди.

— Наҳотки сизларни қамчиласалар?.. Йўқ, қамчиласликлари керак! Бунчалик бераҳмлиқ қилишмас. Жазоламайдилар десангиз-чи! Жазоламайдилар, шундай эмасми? Тегмайдилар сизларга-а?

Фам қийнаган аламлари зиёда бўлган аёллар бу саволларга жавоб бермасликнинг иложини тополмадилар, улардан бири ҳаяжонли овоз билан деди:

— О, раҳмдил бола, сенинг гапларинг юракларимизни эзаяпти. Худо, ўзинг мададкор бўлиб, бизларни...

— Бу ҳа деганингми?— дея унинг гапини бўлди қирол.— Демак, тошбағир йиртқишлар сизларни қамчилар экан-да! О, йиғлама! Кўз ёшларингга чидай олмайман. Мард бўл! Бу хўрликдан сени ўз вақтида қутқазиб қоламан, ўз ҳуқуқингни қайтараман, кўрасан!

Қирол эрталаб уйқудан турганда бу икки аёл турма хонасида йўқ эди.

— Озод қилишибди-да!— дея хурсанд бўлди у ва шу

¹ Христиан динининг баптистлар мазҳабига мансуб аёллар.

заҳотиёқ яна хафа бўлиб, қўшимча қилди:— Бечора бошим, улар мени овутардилар.

Иккаласи ҳам кета туриб, ўз ленталаридан йиртиб эсдалик учун боланинг кўйлагига боғлаб кетган эдилар. Қирол бу ленталарни энг қиммат баҳо софга сифатида бир умр асрайман деди ва тахтга ўтиргач, уларни қидириб топдириб ўз ҳимоясига олишини ният қилиб қўйди.

Худди шу дақиқада турма назоратчиси ўз ёрдамчилари билан биргаликда кириб келди, ҳамма маҳбуслар турманинг ҳовлисига чиқишни буюрди. Қирол қувониб кетди; мовий осмонни кўриб, очиқ ҳавода тўйиб нафас олиш катта бахт эди! У ҳаяжонланди, қоровулларнинг имиллаётганликларидан дарғазаб бўлди, ниҳоят ташқарига чиқишга унга ҳам навбат етди. Деворга қоқилган темир ҳалқадан унинг кишанини чиқазишди; Гендон билан биргаликда бошқа маҳбуслар орқасидан чиқишга буюришди.

Тўрт бурчак ҳовлига тош ётқизилган эди. Маҳбуслар катта тош арк остидан ўтиб, орқаларини деворга қилиб саф тортдилар. Уларнинг олдига арқон тортилган эди; ёнларида қоровуллар туришарди.

Эрта совуқ, рутубатли; кечаси қор ёғиб чиққан; кенг ҳовли оппоқ бўлиб, бу оппоқлик оламни янада ғамли қилиб кўрсатарди. Аҳён-аҳёнда қиш шамоли ҳовлига кириб, қорни тўзитарди.

Ҳовли ўртасида икки аёл ёғочга боғланган турарди. Қирол кўзи тушиши биланоқ уларни таниди-да, сесканиб кетиб, ўзига ўзи деди:

«Эвоҳ, янглишибман-ку, уларни озод қилишмаган экан-ку. Шунақа бегуноҳ, беозор раҳмдил аёллар наҳотки калтакланса! Англияда-я! Мажусий мамлакатда эмас, христианлар Англиясида-я! Уларни қамчилайдилар, мен эса томоша қилиб тураман, ҳолбуки улар менга қанчалик меҳрибон, марҳаматли эдилар, мени овутган эдилар. Ноҳақликни ўз кўзим билан кўриб туравраман-а! Ғалати, жуда ғалати! Мен бу катта давлатнинг ҳукмрони бўла туриб, уларга ёрдам кўрсатишга ожизман. Аммо, аблаҳлар, кўргилигингизни кўрсатаман ҳали! Бу ишингиз учун менинг олдимда сиз жавоб берадиган кун келади. Ҳозир беозор бу аёлларга урадиган ҳар қамчингиз эвазига юз қамчи ейсиз!»

Ҳашаматли дарвоза очилиб, шаҳарликлар оломони

кириб келди. Улар жазоланаётган аёлларнинг атрофини ўраб олишди, қиролдан уларни пана қилиб қўйишди. Ҳовлига руҳоний ҳам кириб келди, одамлар орасидан ўта бошлаб, у ҳам қиролга кўринмай қолди. Қиролнинг қулоғига аллақандай савол-жавоблар чалиниб турди, аммо булардан ҳеч нарсани тушунмади. Шундан кейин тайёргарлик бошланди. Соқчилар югуришиб, гоҳ одамлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлиб, гоҳ пайдо бўлар оломон бесаранжом бўлиб, аста-секин тинчланди, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Тўсатдан команда берилгач, оломон орқага тисарилди, шунда қирол кутилмаган манзарани кўриб, тутақиб кетди: аёлларнинг оёғи ости ва атрофига шохшабба, ўтин қаланган эди, аллақанақа одам тиз чўкиб, олов ёқди.

Аёллар бошларини кўкракларига эгиб, юзларини қўллари билан тутиб турардилар; ёнаётган шохлар чирсиллаб, аланга юқорига кўтарилди, шамол гулхандан чиқаётган тутунни тебратиб, ёя бошлади. Руҳоний қўлини осмонга чўзиб, дуо ўқиди. Худди шу маҳал дарвозадан икки ёш қиз югуриб кириб, додлаб йиғлаб аланга ичидаги аёлларга ташланди. Аммо соқчилар уларни ушлаб аланга ичидан олишди. Бирини қаттиқ тутиб туришди-ю, иккинчиси силкиниб, соқчининг қўлидан чиқиб кетди; у онаси билан бирга ўлажагини айтиб, чинқириб йиғларди; то тутгунларича у яна онасининг бўйнидан қучоқлаб олди. Уни яна алангадан тортиб олишди, кийимлари куя бошлади. Уни икки-уч киши зўрға тутиб турарди; кўйлагининг ёнаётган этагини йиртиб ташлаб, ўзини четга тортишди; аммо тиниб-тинчимас, ўзини ҳар ёққа урар, бу дунёда ёлғиз қолаётганини, ёлғиз қолишни истамаслигини, ўтда онаси билан бирга куйиши маъқулроқлигини айтиб, уни ўз ҳолига қўйишларини ялиниб, илтимос қилиб чинқирарди. Иккала қиз ҳам соқчилар қўлида йиғлайверди; оловда куйиб, жон бераётганларнинг шиддатли доди уларнинг йиғи товушини босди.

Қирол кўзини қизлардан узиб, гулханга қадади, кейин тескари ўгирилиб, бўздек оқарган юзини деворга суяб, ёндирилаётганларга бошқа қарай олмади. У ўзига-ўзи дерди: «Бу кўрганларим эсимдан бир умр чиқмайди, бу манзара умрбод кўз ўнгимда туради, ўлгунимча кечалари тушимга ҳам кириб туради. Кўр бўл-

ганим, бу воқеани ўз кўзим билан кўролмаганим тузук-роқ эди».

Гендон қиролга назар ташлаб, унинг ҳолатидан қа-ноатланиб, ўз-ўзига деди:

«Сезиларли даражада тузалапти, анча ўзгарди, юм-шоқ кўнгили бўлиб қолди. Илгари бу воқеани кўрганида турма назоратчиларига ўшқариб, уларни сўкиб, ўзининг қирол эканлигини айтган, аёлларни озод қилишни дўқ қилиб талаб қилган бўларди. Тез орада бемаъни хаёл-лардан халос бўлади, эси-ҳуши яна жойига келади. Э худо, тезроқ шифо бер бу бечорага!»

Шу куни турмага бир неча маҳбусни олиб келиш-ди. Улар бир кеча шу турмада ётиб, эртасига эрталаб ўз жиноятлари учун жазоланишга турли шаҳарларга жў-натилишлари керак эди. Қирол улар билан узоқ суҳбат-лашди — ўзини подшолик қилишга яхшироқ тайёрлаш учун ишни дастлаб маҳбусларни сўроқ қилишдан бош-лади. Маҳбуслар кўрган машаққатлар қиссаси унинг юрагини эзди. Маҳбуслар орасида эси пастроқ бир бе-чора аёл ҳам бор эди, у тўқувчининг икки ярд¹га етар-етмас мовутини ўғирлагани учун қамоққа олинган эди, бу жинояти учун у осиб ўлдиришга ҳукм этилган эди. Бошқа маҳбус илгари от ўғирлашда айбланган экан. Аммо бу жинояти исбот этилмагани учун ўлимдан қуту-либ қолган экан; озод қилинган орадан кўп вақт ўтмай туриб, қиролнинг боғида буғуни ўлдирганлиги учун яна қамоққа олинибди, бу гал жинояти исботланибди. Энди уни дор сиртмоғи кутарди. Қиролни ҳаммадан кўпроқ бир шогирднинг ҳикояси хафа қилди; кунларнинг бири-да, кечқурун у хўжайинининг уйидан қочиб чиққан ло-чинни тутиб олиб, уйига олиб келган, бунга ҳақим бор, деб ўйлаган. Аммо суд бу ишини жиноят ҳисоблаб, уни ўлим жазосига ҳукм этган.

Бу ваҳшийликлардан ғазаби қайнаган қирол Ген-донга биргаликда турмадан қочиб, ўз тахтига тезроқ ўтириш учун тўғри Вестминстерга боришни таклиф қил-ди; тахтга чиқиши билан ўз салтанат таёғини ана шу бахтсизларнинг ҳимояси учун ишлатишини, уларнинг ҳаётини сақлаб қолажagini айтди.

«Бола фақир! — деб хўрсинди Гендон. — Бу аламли ҳикоялар яна уни эс-ҳушидан ажратиб қўйди. Мел эса тез кунда тузалиб қолади, деб юрибман ҳали».

¹ Ярд — Англияда 0,91 метрга тенг узунлик ўлчови.

Маҳбуслар орасида кўриниши баджаҳл, мустаҳкам иродали бир адвокат чол ҳам бор эди. Уч йил бундан муқаддам у лорд-канцлерни ноҳақлик қилишда айблаб, памфлет ёзган экан; бу иши учун уни уят устунига боғлаб қўйишган; қулоқларини кесиб, оқловчилар табақасидан чиқаришган; унга уч минг фунт стерлинг штраф солиб, турмага қаманган эканлар. Яқинда у яна памфлет ёзибди, бу иши учун эса қулоқларининг қолдиқларини ҳам кесишга, ундан беш минг фунт стерлинг штраф ундиришга, икки бетига тамға босиб, умрининг охиригача турмада сақлашга ҳукм қилишибди.

— Булар қулоқларимнинг фахрли қолдиқлари,— деди у оппоқ сочларини силаб, қулоғининг қолдиқларини кўрсатаркан.

Қиролнинг кўзлари ғазабдан чақнади ва деди:

— Ҳеч ким ишонмаяпти менга, сен ҳам ишонмайсан. Аммо барибир сен бир ойдан кейин турмадан озод бўласан, сенинг обрўйингни тўккан, Англияга иснод келтираётган қонунлар бутунлай бекор қилинади. Олам нотўғри қурилган экан, қироллар аҳён-аҳёнда ўз қонунларини шахсан ўзлари синаб кўришлари ва марҳаматли, шафқатли бўлишни ўрганишлари лозим экан.

XXVIII б о б

АДОЛАТСИЗЛИК ҚУРБОНИ

Турма ва бекор ётавериш Майлснинг жуда жонига тегди. Ниҳоят суд қилинадиган кун етгач, у ўзига, қанақа ҳукм чиқарилса ҳам майли, бундан кейин турмага қамашга ҳукм этмасалар бўлди, деб ўйлади. Аммо бунчалик бўлиб чиқмади: уни ўтакетган саёқ киши ҳисоблаб, ҳақоратловчи жазога, яъни Гендон қалъаси хўжайинини ҳақоратлагани учун уят устунига тагида исканжада ўтиришга ҳукм қилинганини эшитгач, қаҳрланиб кетди. У судда даъвогарнинг акиси эканлигини, марҳум сэр Ричарднинг барча унвон ва меросларига ворис эканини айтганида, унга жирканиб қарашди, бу даъво муҳокама қилиб ўтиришга мутлақо арзимаиди, дейишди.

Уят устунига боргунича ўшқирди, ўзини ҳар ёққа урди, аммо бу ҳаракатлари ёрдам бермади, аксинча, полициячилар уни урдилар, тепдилар.

Қирол эргашиб бораётган оломон орасини ёриб ўтолмади, ўзининг дўсти ва хизматкоридан анча орқада борди. Шубҳали шахс билан дўст бўлгани учун қиролни ҳам уят устуни остидан исканжада ўтқизиш билан жазоламоқчи бўлдилар, лекин унинг ёшлигини ҳисобга олиб, қўйиб юбордилар. Оломон ниҳоят тўхтаб, томоша қила бошлаганидан кейин қирол одамлар орасидан қийналиб зўрға суқилиб ўтиб, олдинга чиқди. Уят устуни тагида фаросатсиз бекорчиларнинг ҳазил-мазахларига бардош этиб, бахтсиз рицарь — Англия қиролининг шахсий соқчиси дарғазаб турарди! Эдуард ҳукмини судда эшитган, аммо туб маъносига яхши тушунолмаган эди. Бу иш аслида қиролнинг шаънига катта ҳақорат эканлигини у энди тушуниб, ғазаби қайнади; отилган хом тухум Гендоннинг юзига текканида, фаросатсиз томошабинлар хохолаб кулганида у беҳад ғазабланди, ғазабдан ўзини унутиб, соқчиларнинг бошлиғига қараб ўшқирди:

— Уят сенга! Ахир у менинг мулозимим. Бўшатиб юбор уни! Мен...

— Гапирма!— дея унга бақирди Гендон. — Бошингга бало орттирасан!. Бошлиқ, унга аҳамият берма, у ақлдан озган!

— Хотиржам бўл, биродар, унга аҳамият бермоқчи эмасман-у, аммо сал одобини бериб қўймоқчиман.

Полициячи ўз қўли остидагилардан бирига қараб, деди:

— Бу тентак болани икки қамчи билан зиёфат қилиб, ҳурмат қилишни ўргатиб қўй.

— Олти мартадан кам бўлмасин,— дея маслаҳат берди худди шу маҳал ҳукмнинг қандай ижро этилишини кўриш учун етиб келган сэр Гью.

Қиролни ушлашди. У ҳатто қаршилик ҳам қилмади — ўзининг олий мансаби қанчалик ҳақорат қилинаётганини ўйлаб, ҳангу манг бўлиб қолган эди. Инглиз қиролларидан бири қамчилангани ҳақидаги ҳикоя тарих саҳифаларига аллақачонлар ёзилган, бу шармандали воқеани такрорлашни Эдуард ҳеч қачон тасаввур ҳам эта олмасди. Аммо на чора, кимдан ҳам мадад кутиш мумкин; у жазоланиши ёки жазони бекор этишни ялиниб илтимос қилиши керак эди. Иккаласидан қайси бирини танлаш қийин: қирол қамчи зарбига бардош бера олади, аммо ялиниш унга қамчиланишдан оғирроқ эди.

Аммо яна Майлс Гендон унинг жонига оро кирди.

— Болани қўйиб юборинглар,— деб илтимос қилди у.— Бераҳм итлар, унинг кичкина ва нозиклигини кўрмаяпсизларми? Уни қўйиб юборинг, унинг ўрнига мени қамчиланг!

— Жуда соз!— дея хитоб қилди Гью, юзида мамнунлик ифодаланиб.— Гадой болани қўйиб юборинг-да, бу баҳодирни ўн икки марта қамчиланг, ўн иккитадан битта ҳам кам бўлмасин!

Қирол баҳслашмоқчи бўлганда, сэр Гью унинг бу шаштидан қайтарди:

— Гапир, гапиравер, уялма!— деди у.— Шуни ҳам билиб қўйки, ҳар бир сўзинг эвазига у олти қамчи ейди.

Гендонни исканжадан чиқариб, елкасини яланғочлашди; уни қамчилай бошлаганларида бечора қирол тескари ўгирилди ва юзларидан думалаб тушаётган кўз ёшларини тия олмай ўзига-ўзи деди:

«Меҳрибон, довюрак инсон! Унинг бунчалик садоқати хотирамдан ҳеч қачон чиқмайди. Ҳеч эсимдан чиқармайман... Уларнинг ҳам эсидан чиқмайдиган қиламан!»— деб қўйди у ғазаб билан.

Гендоннинг олижаноблиги унинг кўзи олдида ўсиб борар, шу билан бир қаторда қиролнинг ундан миннатдорлиги ҳам ортмоқда эди. Қирол ичида ўзича: «Ўз подшосини яраланишдан ва ўлимдан қутқазиб қолган киши унга буюк садоқатини намойиш этган бўлади. У мени ўлимдан қутқарди. Аммо унинг бошқа жасоратлари бунинг олдида ҳеч нарсага, мутлақо ҳеч нарсага арзимамайди. Ахир, ҳозир у ўз подшосини шармандаликдан асраб қолди-я!»— деб ўйлади.

Гендон қамчи зарбига чидам билан солдатдек бардош берди, қичқирмади ҳам, нолимади ҳам. Унинг бу бардоши, шунингдек, болага мўлжалланган жазони ўз гарданига олиши томоша қилиш учун тўпланган бекорчи, паст ва авом оломоннинг ҳам беихтиёр раҳмини келтирди; ҳазил-мазахлар тиниб қолди, қамчи зарбидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди. Гендоннинг қўлоёғини яна исканжа орасига тиққанларида яқиндагина бутун майдонда янграб турган ҳақоратловчи шовқинсурон тинган, жимжитлик ҳукмронлик қилмоқда эди. Қирол Гендоннинг ёнига секингина борди-да, унинг қулоғига шивирлади:



— Сен олижаноб қалб эгассан, сенга олижанобликни қироллар туҳфа қилолмайдилар, чунки сени худонинг ўзи олижаноб қилиб яратган; одамлар олдида қирол мартабангнигина улуг қилиши мумкин.

У ерда ётган қамчининг дастасидан ушлаб, уни Гендоннинг қонталаш бўлган елкасига сал тегизди-да, унга пичирлади:

— Англиянинг қироли Эдуард сени граф унвони билан тақдирлайди.

Бу сўз Гендонга жуда таъсир қилди, кўзларидан чиққан ёш юзларидан оқиб туша бошлади, аммо шу билан биргалликда бу ваъдани у қуруқ хаёл сифатида қабул қилиб, жилмайишдан ўзини зўрға сақлаб қолди. Уят устунни тагида яланғоч, қонга бўялиб турган бир маҳалда, мартабанг бирдан ҳеч қачон муяссар бўлмайдиган графлик даражасига чиқса-я, бунга кулмай бўладими!

«Жуда ишим ўнгидан келяпти-ку!— деди у ўзига ўзи.— Туш ва рўялар оламининг ажойиб рицари энди ажойиб граф бўлиб қолди, айниқса қанотсиз қушнинг шиддатли учиб, юксакка бунча тез кўтарилганини қаранг! Ишим шу тарзда юришаверса мени яқин орада май ойида атрофида ўйин-кулги қилинадиган ёғоч устундек ранг-баранг безаклар билан безаб қўяди, ҳавойи ҳурматга сазовор қилади; уларнинг бошқалар олдида бир пуллик қиммати бўлмаса ҳамки, уларга муяссар қилаётган кишининг менга бўлган меҳр-муҳаббати ифодаси деб қабул қилишим керак. Кутилмаганда тоза қалб ва сахий қўл билан менга берилган фақир ва кулгили бу мартаба ҳасадли ва разил ҳукмдорларнинг аблаҳликлари ва пасткашликлари эвазига сотиб олиннадиган чинакам мартабаларидан афзалроқ».

Қаҳр-ғазабли сэр Гью отининг бошини орқага бурди. Жонли девор унга гап-сўзсиз йўл берди, яна гап-сўзсиз илгариги ҳолига келди. Илгаригидек ҳамон сукунат ҳукмронлик қилар, жазоланганни ҳимоя қилиб, бирор оғиз гапиришга ҳам, уни мақташга ҳам ҳеч ким журъат этолмай турарди; бирор киши уни масхара қилиб, жилмайишни ўзига эп билмай турганининг ўзининг мардлигига ҳурматнинг юксаклигини ифодалаб турарди. Бу томошага кечикиб келган, уят устунни тагидаги одамнинг устига ўлган мушукни отиб, уни масхараламоқчи бўлган кишини оёғига бир тепиб йиқи-

тишди ва келган томонига улоқтиришди; шундан кейин яна чуқур сукунат ҳукмронлик қила бошлади.

XXIX БОБ

ЛОНДОНГА

Гендон уят устунни остида ўтириб, белгиланган муддатни ўтагач, бу округдан тез чиқиб кетиш, ҳеч қачон қайтиб келмаслик шарти билан озод қилинди. Унинг қиличини, хачир ва эшагини қайтариб беришди. Хачирга миниб, қирол билан биргаликда йўлга равона бўлди; оломон гап-сўзсиз секин йўл бериб, улар узоқлашгач, тарқалди.

Гендон хаёл суриб борарди. Кўп нарса тўғрисида ўйлаб олиши зарур эди. Энди нима қилиш керак? Қаёққа жўнаши лозим? Тез орада эътиборли бир ҳимоячи топиши керак, акс ҳолда меросдан маҳрум бўлиб қолган, шармандали равишда сохта кишилигини элга кўрсатган бўлади. Аммо ана шу эътибори зўр бўлган ҳимоячини қаердан топиш мумкин? Мана масала! Унда бир фикр пайдо бўлиб, аста-секин умид бағишлади. Умид камроқ бўлса ҳамки, умидли бошқа тузукроқ фикр йўқлигидан шу ҳақда ўйлашга мажбур эди. У чол Эндрюснинг ёш қиролнинг бахтсиз ва хўрланганларга нисбатан беҳад меҳрибон ва шафқатли эканлиги ҳақидаги гапини хотирлади. Унинг ҳузурига бориб, ёрдам беришини илтимос қилса бўлмасмикин? Бўлади, аммо бечораҳол одамни олий ҳукмдорнинг ҳузурига киритишармикин? Барибир, ишқилиб, умид қилиб бир бориш керак; Гендон зийрак ва тадбирли эски солдат эди; боргач, маблағ ҳақида бош қотиришга тўғри келади, ҳозир эса тўғри пойтахтга жўнайвериш керак. Балки отасининг эски дўсти сэр Гэмфри ёрдам берар, меҳрибон чол сэр Гэмфри марҳум қирол ошхонасинингми ёинки отхонасинингми бош мудири эди. Майлс унинг аллақайси мартабадалигини биларди, аммо анигини эслай олмади.

Олдида кучини сафарбар этадиган аниқ бир мақсад пайдо бўлганида кайфиятини хира қилиб турган маъюслик ва умидсизлик барҳам еди. Бошини кўтариб, атрофга бир назар ташлади. Кўп йўл босилганини се-

зиб, ҳайрон ҳам бўлди — қишлоқ орқада, жуда узоқда қолган эди.

Қирол унинг кетидан эргашиб, бошини эгиб, эшагини ҳайдаб борарди; у ҳам ўзининг хаёллари ва режалари билан банд эди. Унга кўз қирини ташлаган Гендоннинг қалбида ҳозиргина туғилган умид қувончи яна ҳасрат билан алмашинди: у очлик, таҳқирлаш ва калтаклашлардан бошқа нарсани кўрмаган бу шаҳарга борармикин? Ундан буни сўраш керак, барибир ўзи ҳам сўрайди. Гендон хачирини тўхтатиб, орқада келаётган қиролга қичқирди:

— Қаерга бориш кераклигини сендан сўрамабман. Буюр, жаноби олий!

— Тўппа-тўғри Лондонга!

Бундан мамнун бўлган, аммо таажжубланган Гендон яна хачирни ҳайдади.

Йўлда ҳеч қанақа воқеага дуч келишмади. Сафарлари ниҳоясига етаётган маҳалда, Лондонга яқинлашганларидоғина бир воқеанинг устидан чиқдилар. Ун тўққизинчи февралда кеч соат ўнларга яқин иккала йўловчимиз Лондон кўпригига етиб бориб, жанжаллашаётган, қичқиришиб, қаҳ-қаҳ уришаётган оломон қаршисидан чиқиб қолди; кўп сонли машъаллар ёғдусида пиво ичавериб қизариб кетган юзлар ялтираб кўринарди. Йўловчиларимиз кўприкнинг дарвозасидан кираётган маҳалда бир вақтлар герцог ёки катта бирор мансабдор бўлган кишининг дарвоза устида қозиқда ётавериб, ириган боши узилиб кетиб, Гендоннинг тирсагига тегди-да, кейин оломоннинг ўртасига тушди. Қаранг, инсоннинг қўли билан қилинган ишнинг умри қанчалик қисқа; қирол Генрихнинг вафотига бор-йўғи уч ҳафта бўлди, у дафн этилганидан кейин орадан фақат уч кечаю кундуз ўтди-ю, у ўзининг улуғвор кўпригини безаш учун, безакни давлатнинг энг эътиборли кишилари орасидан бетиним излаган бўлса ҳам, бу безаклар дарров кўчиб туша бошлади.. Бир шаҳарлик ерга тушган бошга чалишиб кетиб, боши билан олдидаги кишини беҳосдан туртиб юборди. У одам орқасига ўгирилиб, лат берган одамни бир мушт билан ерга йиқитди, аммо шу заҳотиёқ унинг ўртоғи берган зарбадан ўзи ҳам чалқанчасига йиқилди.

Муштлашиш учун жуда қулай пайт эди. Шу эрта-лаб янги қиролнинг тахтга чиқиш маросими ўтказил-

моқда эди, ҳамма маст, кайфи-сафо авжида; беш минутдан кейин бу муштлашиш анча жойга ёйилди; ўн ёки ўн икки минутдан кейин эса ур-сур бир акра¹дан кўпроқ майдонга қанот ёйиб, каттакон ур-йиқитга айланиб кетди. Гендонни суравериб, қиролдан ажратиб қўйишди, иккаласи ҳам катта шовқин-суронли ур-йиқит орасида бир-бирини топишолмади. Уларни шу ерда ўз ҳолларига қўяйлик.

XXX БОБ

ТОМНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Ҳақиқий қирол мамлакат бўйлаб ярим яланғоч, ярим оч ҳолда гоҳ дайдилардан таёқ еб, масхараланиб, гоҳ ўғри ва қотиллар билан бирга турмада ётиб, ҳамма уни ўзини қирол кўрсатиб юрган жинни ҳисоблаган бир пайтда сохта қирол Том Кенти бутунлай бошқача ҳаёт кечирди.

Охирги марта кўрганимизда, унга қироллик мансаби ёқиб қола бошлаган эди. Қироллик унвони унга жуда маъқул бўлиб қолди, ниҳоят умри нуқул қувонч билан ўта бошлади. Қўрқувлари йўқолди, ҳеч қанақа хавф-хатар қолмади, ўзини ўнғайсиз ҳис қилган пайтлари ўтиб кетди, ўзини осойишта ва тетик тута бошлади. Шахтадан руда қазиб чиқариб, катта бойликни қўлга киритгандек, савалаш учун хизмат қиладиган боладан зарур маълумотларни бирин-кетин олиб турди.

Ўйнагиси ёки гаплашгиси келган пайтларда Елизавета ёки Жэн Грей хонимларни ўз ҳузурига чақирар, кейин эса ўзини бепарволикка солиб, буни оддий иш қилиб кўрсатгандай, уларга рухсат берарди. Хайрлаша туриб маликалар унинг қўлидан ўпганларида энди хи-жолат тортмасди.

Тантана билан ухлашга ётқизишлари, эрталабки мураккаб ва тантанали кийиниш маросимлари энди унга ёқиб қолган эди. Олифта кийинган мулозимлари ва шахсий соқчилари билан биргаликда энди у овқатланадиган столга ғурур билан бемалол борадиган бўлган эди. Мулозимларнинг кўплиги уни мамнун қилди, ҳатто уларни икки ҳисса кўпайтирди ҳам, соқчилари-

¹ Акра — Англияда 4047 квадрат метрга тенг ер ўлчови.

нинг сони эса юз кишига етди. Узун даҳлизда янграйдиган карнайларнинг товушини, «Қиролга йўл беринглар!» деб қичқирган овозларни эшитиб туриш унга ёқиб қолган эди.

Тахт ўрнатилган залда давлат кенгашининг мажлисларида ҳузур қилиб ўтирадиган, лорд-протектор унинг қулоғига айтган гапларни такрорлаш билан қаноатланмай, ўзи ҳам гапга аралашадиган бўлиб қолган эди. Улуғвор, дабдабали мулозимлар билан ўралган чет мамлакат элчиларини қабул қилишни, уни «ука-миз» деб атаган машҳур монархларнинг самимий табрикларини эшитишни яхши кўрарди. О, Чиқиндилар Ҳовлисидан чиққан бахтиёр Том Кенти, қандингни ур!

У ўзининг серҳашам сарполарини севар, улар устига яна янгиларини тикишга буюрган эди. Ўзининг бу улуғлигига тўрт юз хизматкорни кифоя қилмайди деб ҳисоблади ва улар миқдорини уч ҳисса оширди. Сарой аҳлининг хушомадлари унинг қулоғига ёқимли музикадек ёқарди. У мазлумларнинг меҳрибон, самимий ва саботли ҳимоячиси бўлиб қолди ва ноҳақ қонунларга қарши доимий кураша бошлади; агар кўнглига ёқмайдиган бирор иш бўлиб қолса, бирор графга, ҳатто герцогга шундай ўқрайдики, улар қиролнинг вазоҳатидан титрашарди. Бир кун унинг «опаси» қаҳри қаттиқ Мэри хоним унга турмага қамалиши, осилиши ва ўтда куйдирилиши керак бўлган кишиларга шафқат этаётганидан норози бўлиб, бу даражада марҳаматли бўлмаслик кераклигини, марҳум отаси ҳукмронлик қилган пайтларда турмаларда олтмиш минглаб маҳбуслар ётганини, у доноларча подшолик қилган даврида жаллодларининг қўли билан етмиш икки мишг ўғри ва қароқчинни у дунёга жўнатганини тапирганида олижаноб қалби нафратга тўлган бола унга ўз хонасига қайтиб худога ибодат қилишни ва қалбидаги тошни олиб ташлаб, ўрнига инсон юрагини қўйишни буюрди.

Аммо тахтнинг қонуний вориси бўлган, унга яхшилик қилиб, бераҳм соқчини жазолаш учун ташқарига чиқиб, бедарак йўқолиб кетган бечора шаҳзоданинг тақдири наҳотки Том Кентини ҳеч қизиқтирмаса? Ҳа! Шаҳзоданинг ғойиб бўлиши дастлабки кунларда Томнинг фикри хаёлини банд қилган, қаттиқ ранжитган эди; Том унинг қайтиб келишини ва ўз ҳуқуқидан фойдаланишини чин кўнглидан тиларди. Аммо вақт ўт-

моқда, шаҳзодадан эса дарак йўқ, қувончли таассуротлар унинг қалбини банд қилавериб, диққатини тортган, аста-секин ғойиб бўлган шаҳзодани унутишга ундаган эди; ниҳоят шаҳзода аҳён-аҳёндагина эсига туша бошлади, баъзан истар-истамас хаёлига келар, бундай пайтларда Том хафа бўлар, ўзидан-ўзи уяларди.

Бахтсиз онаси ва сингиллари ҳам борган сари ёдига кам тушадиган бўлиб қолганди. Дастлабки пайтларда уларни соғинди, кўргиси келди, кейинчалик эса улар олдимга бирор вақт жулдур кийимда, кир ва ифлос ҳолда келиб, кўз ёши қилиб ўпадилар-да, мени тахтдан маҳрум этиб, яна ифлослик, ғурбат, очлик ва хўрликлар оламига тортадилар, деб ўйлаб, қўрқа бошлади. Хуллас, уларни деярли эсига олмади, ҳатто бундан хурсанд ҳам эди, анча вақт ўтгач, энди уларнинг ғамли, ташвишли қиёфалари унинг кўзи олдида гавдаланаркан, ўзидан-ўзи жирканарди.

Ун тўққизинчи февраль куни ярим кечада Том Кенти саройда серҳашам тўшакда осойишта уйқуга кетди, садоқатли мулозимлар ва сердахмаза бутун қирол аъёнлари унга соқчилик қиларди; бахтли эди: эртага унинг тахтга ўтириш маросими тантанали равишда ўтказиларди.

Худди шу соатда ҳақиқий қирол Эдуард оч, ёмғирда ивиган ва ифлос, йўл азобида толиққан, йиртиқ кийимда — кийимлари кўприк устидаги муштлашишда йиртилиб кетган эди — Вестминстер монастири яқинида чумолилардек майдонни тўлатган ишчилар оломони ўртасида қисилиб, қимирлай олмай турар, уларга тикилар, томоша қиларди. Улар эртага ўтказиладиган қиролнинг тахтга чиқиш маросими кайфини олдиндан сурмоқда эдилар.

XXXI боб

ТАХТГА УТИРИШ МАРОСИМИ

Эртаси кун эрталаб, Том Кенти уйқудан турган маҳалда осмонни гулдурос садолари қоплаган, ҳамма ёқдан шовқин-сурон қулоққа чалинарди. Бу Том Кентининг қулоғига музикадай ёқди. Чунки товуш бутун Англия улуғ кунни табриклаб, бўкираётганини англайиб турарди.

Темзада сузиб юришдан иборат тантанали маросимда яна Том биринчи ўринда бўлди. Қадимий одатга кўра, қиролнинг бунақа тантанали юриши Тауэрдан бошланиб, бутун Лондонни кезиб ўтиши керак эди. Шунинг учун ҳам Том даставвал Тауэрга йўл олди. У бу қалъага келиши биланоқ қадимий қалъанинг деворлари тўсатдан минг жойдан ёрилиб кетгандек бўлиб, осмонга қизил олов шиддат билан отилди, кейин оқ тутун тарқалди. Қулоқларни қар қиладиган даражада баланд товуш эшитилди, оломоннинг қичқириқлари унга жўр бўлди; гумбурлаган товушдан ер ларзага келди; олов, тутун, гумбурлаган товуш тез-тез такрорланди, бир минутдан кейин қадимий Тауэр қуюқ тутундан ҳосил бўлган булут орасида кўринмай қолди; фақат Оқ Тауэр деб аталадиган, байроқлар билан безатилган баланд минора шу тутун денгизи устида худди булутлар устида чўққайиб турган тоғ чўққисидек кўриниб турарди.

Салобатли кийинган Том ёпиғи ерга тегай-тегай деб турган гижинг отга миниб, ҳаммадан олдинда борарди; унинг «тоғаси», лорд-протектор Сомерсет ҳам худди шунақа отда орқасида изма-из юрар, икки ёнда ялтироқ қурол-аслаҳали қирол гвардияси кузатиб бормоқда эди; улар орқасида олифта кийинган мансабдорлар ўз ясовуллари билан, улардан кейин эса кўкракларидан олтин занжирли қизил бахмал мантиялар кийган шаҳар ҳокими ва оқсоқоллари; сўнг яхши кийинган, уюшмаларининг чиройли байроқларини кўтаришган ҳолда Лондоннинг барча тильдиялари депутацияси савлат тўкиб юрмоқда эди. Энг кейинда қадимий фахрли артиллерия бригадаси борарди. Бу бригада ўша пайтларда салкам уч юз йилдан бери мавжуд бўлиб, парламентнинг буйруғига бўйсунмаслик ҳуқуқига эга бўлган (ҳозир ҳам шундай) бирдан-бир ҳарбий қисм эди. Бу ажойиб бир манзара эди! Бригада ҳар қадамда қичқиришиб табриклаётган одамлар орасидан ўтиб борарди.

Бу тўғрида солномачи бундай ҳикоя қилади:

«Қирол шаҳарга кириб келгач, халқ уни хитоблар, дуолар, яхши тилаклар ва фуқаронинг ўз подшосига беҳад садоқатини ифодаловчи ташаккурлар билан кутиб олди; қирол қувноқ чеҳра билан оломонга боқиб, ўзига яқин кишилар билан самимий суҳбатлашар, ўз фуқаросининг яхши тилакларидан терисига сиғмай,

хурсандлигини намоён этиб борарди. «Яшасин Англиянинг қироли!» «Эдуард Олтинчи жаноб олийларини худо ўзи паноҳида асрасин!»— деган хитобларга у илтифот билан: «Ҳаммангизнинг ҳам худо паноҳингиз бўлсин! Содиқ халқим, ташаккур сенга!»— деб жавоб қайтарарди. Халқ ўз қиролининг самимий жавобларидан беҳад қувонарди».

Фенчерч кўчасида аллақандай «башанг кийинган ёқимтой бола» тахта супачага чиқиб, жаноб олийларини қуйидаги шеър билан табриклади:

Яшасин қирол!— деб куйлайди диллар.
Яшасин қирол!— деб қиламиз хитоб.
Яшасин қирол! Бор бўлсин кўп йиллар!
Худо улуғворлик берсин беҳисоб!

Бутун оломон боланинг сўзларини бир оғиздан такрорлади.

Том Кенти қувноқ юзларнинг тўлқинли денгизига назар ташлаб, қувониб кетди; дунёда яшаганда ҳам халқнинг сеvimли кишиси, қироли бўлиб яшаш керак экан, деган фикр хаёлидан ўтди. Шунда у тўсатдан узоқда таниш икки жулдур кийимли болани кўриб қолди. Улар Томнинг Чиқиндилар Ҳовлисидаги ўртоқларидан эди (болаларнинг бири бир пайтлар ёлғондакам саройда унинг лорд-адмиралли, иккинчиси эса ётоқхонасининг биринчи лорди вазифасини бажарарди), уларга кўзи тушгач, янада мағрурланди, о, қани энди болалар ҳозир уни танисалар! Улар фақир кулбаларнинг ва чолдеворларнинг ёлғондакам қироли бўлган Том энди чинакам қирол бўлиб қолганини, герцоглар ва шаҳзодалар унга хизмат қилиб юрганини, бутун Англия халқи унга тиз чўкиб турганини билишса, у ўзини мисли кўрилмаган даражада бахтиёр ҳис этарди! Аммо бу кайфдан воз кечмай, бу хоҳишини йўққа чиқармай иложи йўқ эди, акс ҳолда улар билан учрашса, унга қийин бўларди. Том тескарига ўгирилди, болалар Томни табриклайётганларини пайқамай, сакрашиб, қичқиришиб қолишди.

— Хайр қил! Хайр қил!— дея қичқирарди халқ.

Том оломонга қараб янги ялтироқ тангаларни ҳовучлаб сочарди.

Солномачи буни шундай тасвирлайди:

«Грэсчерч кўчасининг юқори қисми тугайдиган жой-

да «Бургут» ошхонасининг олдида ҳашаматли арк қурилган, унинг остида кўчанинг бир қанотидан иккинчи қанотигача тахта супалар қилинган эди. Ана шу супаларда қиролнинг яқин аждодларининг тасвирлари қўйилган. Елизавета Йоркская катта оқ атиргул ўртасида турар, атрофида гул барглари жимжимаси кўзга ташланарди: унинг ёнида, қизил атиргул орасида Генрих VII ўтирибди; иккаласи бир-бирининг қўлини ушлаган, нижоҳ узуклари кўриниб турибди. Оқ ва қизил атиргуллардан биттадан новда қўшни супага эгилган, бу супадаги очилган оқ-қизил атиргул ичида Генрих VIII янги қиролнинг онаси билан ўтиргани тасвир этилган. Бу супадан учинчи супага яна новда чўзилган бўлиб, бу супада Эдуард VI тахтда, савлат тўкиб ўтиргани акс этирилган. Ҳамма супалар оқ ва қизил атиргул чамбараклари билан ўраб олинган».

Бу ажойиб ва кўркем манзара байрам қилаётган халқнинг завқ-шавқини келтирди, ана шу супаларда тасвир этилган манзаранинг моҳиятини тушунтирувчи мадҳияни ўқийётган боланинг товуши оломоннинг хитоблари, табрик сўзлари остида кўмилиб кетди. Аммо Том Кенти бундан афсусланмас, содиқ фуқаросининг қичқириқлари унга ҳар қандай шеърлардан, ҳатто мадҳияю қасидалардан ҳам маъқулроқ эшитилар эди. Том навқирон юзини халққа қаратган маҳал расмга унинг жуда ўхшашлигини кўрган халқ яна табриклай кетди.

Ҳамма безатилган арк остидан, янги қиролнинг фазилатлари, талант ва хизматлари кўрсатилган тасвир ёнидан ўтиб, олға юрмоқда эди. «Бутун Чипсайд кўчасининг бошидан охиригача ҳар бир деразадан, ҳар бир қарнизда осилган байроқлар, чиройли гиламлар, сандиқларда асраладиган қиммат баҳо матолар ва заррин кимхоблар мавжи кўзларни қувонтирарди; бошқа кўчалар ҳам бундан қолишмас, ҳатто баъзилари бундан ошиб тушарди».

— Бу ажойиб-ғаройиботларнинг ҳаммаси менинг шаънимга,— деб пичирлаб қўйди Том Кенти.

Сохта қиролнинг юзлари ҳаяжондан ёнар, кўзлари чақнарди, у гоят хушнуд, хушбахт эди. У одамларга танга сочиш учун қўлини кўтарган ҳам эдики, худди шу маҳал одамлар орасида ранг-рўйи оқариб, таажжуб билан тикилиб турган бировга кўзи тушди. Томнинг кўз олди қоронғилашди: у ўз онасини таниган эди! У

кўзини қўлининг орқаси билан уқалади: рўй берган янги вазият муносабати билан унутган эски одатини қилган эди. Буни пайқаган она одамлар орасидан тикилиб ўтиб, бир зумда унинг олдида пайдо бўлди. Она унинг оёғини тутиб, ҳовлиқиб ўпа бошлади, йиғлаб:

— Болам, азиз болагинам!— деб қичқирди ва қувониб кетган ҳолда меҳр-муҳаббат ифодаси тўла кўзларини Томга қадади.

Соқчилардан бири шиддат билан уни орқага итариб юборди. Том аёлга: «Мен сени танимадим!»— демоқчи бўлган эди, аммо онасининг хўрланиши уни ранжитди, бу сўзларни айтишга имкон бермади. Аёл орқага қайрилиб, одамлар ўғлини кўздан пана қилгунча яна бир кўриб қолиш ниятида Томга қараган эди, унинг ҳозиргина қувонч акс этган юзлари ғамли кўринди, бундан Том уялиб кетди. Бу уят унинг ғурурини йўқотди, сохта улуғворликдан баҳраманд бўлиб турган хурсанд қиёфасини сўндирди-қўйди. Ҳамма завқ-шавқу тантана унга бир пул бўлди, татимади.

Одамлар оқими ҳамон оқмоқда; кўчалар тобора рангбаранг либосларда уларни қарши олар, табрик хитоблари тобора кўпроқ янграр эди. Аммо Том Кенти буларни кўрмаётгандай эди. Кўзи ҳеч нарсани кўрмас, қулоғи ҳеч нарсани эшитмасди. Қироллик ҳокимияти унинг учун гўё ўз кўркини бирдан йўқотгандек бўлди; апрофидаги дабдабалар унга таъна тоши отаётгандек туюла бошлади, қалби виждон азобида қийналди. У ўзига-ўзи: «Қошки худо мени бу асирликдан қутқазса эди!»— дерди. Ноилож шахзодалик қилган дастлабки кунлардагидек, яна қийнала бошлади.

Одамлар оқими қадимий шаҳарнинг эгри-бугри кўчалари бўйлаб, ялтироқ тангачалар билан қопланган узун илонга ўхшаб юрмоқда, одамларнинг табрик хитоблари ҳавода янграрди; қирол эса бошини эгиб бормоқда, кўзига ҳақоратланган онасининг қиёфасидан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Унга чўзилган қўлларга энди ялтироқ тангалар ҳам сочилмаётган эди.

— Хайр қил! Хайр қил!

У бу қичқирдиқларга парво ҳам қилмасди.

— Яшасин Англия қироли Эдуард!

Бу хитобдан ер ларзага келаётгандек туюларди-ю, қирол унга жавобан ҳеч нарса демасди. Бу хитоблар унга қирғоққа уриладиган денгиз тўлқинининг узоқ-

узоқлардан келаётган шовқинига ўхшаб эшитиларди, ўз кўкрагида, ўз қулоқларида ҳозиргина айтмоқчи бўлган: «Мен сени танимадим!»— сўзлари янграб, уни виждонан азоблантирмоқда эди.

Энг яқин кишисини тириклигида вафосизлик билан ранжитган одамга ўша азиз кишисининг жанозасида черков қўнғироғининг товуши қандай таъсир қилса, бу сўзлар сохта қиролга ҳам шундай таъсир этган эди.

Ҳар бир муълншда уни янги иззат-икром, янги безаклар, янги ажойиботлар, табриклар отилган ўқ овозлари, одамларнинг завқ-шавқ товушлари қаршиларди; аммо қирол бирор сўз билан ҳам, имо-ишора билан ҳам уларга жавоб қайтармасди, қалбини нотинчлантираётган виждон азобидан бошқа ҳеч нарса унинг диққатини торта олмасди.

Аста-секин томошабинларнинг ҳам очиқ чеҳралари хиралаша борди, қувончлари бирин-кетин барҳам еб, ҳайронлик аломатлари пайдо бўлди, табрик хитоблари камайди, суст эшитила бошлади. Лорд-протектор буни пайқади, сабабини ҳам фаҳмлади. У отини қирол сари ҳайдаб, секин энгашиб, қиролнинг қулоғига деди:

— Тақсир, ҳозир хаёл сурадиган пайт эмас! Халойиқ сенинг бошинг эгилганини кўриб, ғамгин чеҳранга қараб, буни ёмонлик аломати деб билади. Маслаҳатимга қулоқ сол, қироллик қуёшинг яна порласин, фуқаронгни шу нурдан баҳраманд эт. Кўтар бошингни, халойиққа қараб жилмай.

Герцог ўнг-сўлига бир ҳовучдан танга сочди-да, ўз жойига қайтди. Сохта қирол илтимосни дарров адо этди. У жилмайди, бу жилмайиш самимий эмасди, аммо жуда камдан-кам кишиларгина, ўткир кўз насиб бўлганларгина пайқашни мумкин эди, кўпчилик ундан узоқдалигидан, буни пайқай олмади. У укпарлар билан безатилган бошини тик тутиб, тантанали нигоҳ ташлади, атрофига янги ялтироқ тангаларни сахийлик билан яна ҳовучлаб соча бошлади. Халқда пайдо бўлган парижонлик тумани тез тарқади, табрик хитоблари яна илгаригидай тантанали янграй бошлади.

Аммо қиролнинг бу ҳолати кўпга бормади. Герцог яна унинг ёнига келиб, тартибга чақирди. У қиролга:

— Улуғ ҳукмдоримиз, кўнглингдаги совуқ қайғуни улоқтир, бутун оламнинг кўзи сенга қаралган!— деди ва хафа бўлиб, яна:— Даф бўлиб кетсин эди у гадой

хотин! Жаноб олийларининг кайфиятини ўша тентак бузди!— деб қўшиб қўйди.

Бу гапдан ғазабланган қирол герцогга сўниқ кўзлари билан бир олайиб қаради ва хириллаган товуш билан:

— У менинг онам эди!— деди.

— Э худо!— дея афсусланди лорд-протектор, орқага тисарилиб.— Ёмонлик аломати ўнгидан келди: у яна ақлдан озиб қолди!

XXXII боб

ҚИРОЛНИНГ ТАХТГА ЎТИРИШИ

Бир неча соат орқага қайтиб, Вестминстер монастырида қирол тахтга ўтириши лозим бўлган маълум куннинг эрталаб соат тўртларида нималар бўлаётганидан огоҳ бўлайлик. Бу ерда ёлғиз эмасмиз: ҳали қоронғи бўлса ҳам, машъаллар билан ёритилган болохоналар одамлар билан тўлмоқда; бу одамлар ҳеч ким умрида икки марта кўришни умид қилмайдиган воқеани—қиролнинг тахтга чиқишини ўз кўзи билан кўриш учун олтиетти соат кутиб ўтиришга тайёр эдилар. Ҳа, Лондон билан Вестминстер кечаси соат учларданоқ ҳаракатга келди, дастлабки замбарак овози янграши биланоқ аслзодалардан бўлмаса ҳамки, бадавлат граждандардан бир гуруҳи болохонага эгалик қилиш учун аллақачон пул тўлаб, ўз табақалари учун мўлжалланган жойни банд қилиш мақсадида эшиклар олдида йиғилишди.

Вақт жуда секин имиллаб ўтаётгандай. Ҳар қандай югур-югурлар тинчиган, болохоналар аллақачон лиқ тўлган. Биз ҳам ўтириб олайлик: кўриш ва мулоҳаза юритиш учун етарли вақтимиз бор. Қаёққа қарасанг, соборда ҳукмронлик қилаётган зулмат орасидан томошабинлар билан лиқ тўлган болохоналар кўринади. Баъзи болохоналарнинг бир қисмини тош устунлар пана қилиб турибди. Соборнинг шимолий қисми чароғон кўринар, ҳамманинг кўзи ўша ёқда. Қиммат баҳо матолар билан безатилган супача ҳам диққатни тортарди. Унинг ўртасига тўрт зинапояли тахт ўрнатилган. Тахтнинг ўтирғичи остида тарашланмаган ясси Скон тоши¹

¹ Бу тош авваллари Шотландия шаҳари Сконда сақланар эди. 1297 йилда қирол Эдуард I, бу тошни Лондонга келтирган, кейинчалик Вестминстер монастыридаги тахтга ўрнатилган.

қўйилган, Шотландия қиролларининг кўп авлоди ана шу тош устига ўрнатилган тахтда ўтирганлар. Тахтга ҳам, унинг пастига ҳам зар кимхоблар ёпилган.

Жимжитлик, машъалларнинг ёғдуси хира; соатлар эриниб юраётгандек. Ниҳоят тонг ота бошлади; машъалларни ўчиришди, кенг ҳашаматли бинога тонг нури кирди. Мана энди бу ажойиб эҳромнинг ҳамма бурчакларини кўриш мумкин, аммо ҳали аниқ кўринмаяпти, тушда кўринаётгандек хирароқ, бу ҳавонинг булутлигидан.

Соат етти бўлганда кутавериб мудроқ босган зал бирдан жонланди: жом сўнгги чалингандан кейин шимолий меҳробда Сулаймонга ўхшаб қиммат баҳо кийинган бир аслзода хоним кўринди; шойи ва бахмал кийинган бошқарувчи киши хонимга тайёрлаб қўйилган жойгача унинг узун этагини кўтариб, бошлаб борди; унинг орқасидан яна бир хоним кўринди, бошқа бир башанг кийинган киши унинг этагини кўтариб келди, хоним ўтиргач, этагини унинг тиззасига йиғиштириб берди. Кейин скамейкачани хонимнинг оёғи остига сурди, хонимга тожни олиш қулайроқ бўлсин деб, тожни унинг яқинига келтириб қўйди. Тож кийиш маросими бошланганда аслзодалар ўз тожларини киярдилар.

Бирин-кетин пэрларнинг хотинлари тизилишиб чиқаришди, улар орасида бошқарувчилар кўзга чалинар, хонимларга хизмат қилиб туришарди. Энди эҳромнинг ичи жонланиб қолганди. Ҳамма ёқда югур-югур, ҳаракат, хилма-хил рангдаги кийимлар жилваланиб турибди. Бир оз фурсатдан кейин яна сукунат чўкди; пэрларнинг хотинлари ва қизларининг ҳаммаси ҳам келиб, жой-жойларини эгаллашди, уларнинг жами хилма-хил гулли катта гулзорга ўхшар, брильянтлар ярқираши эҳромда янги сомон йўлини вужудга келтирган эди. Бу ерда ҳар қанақа ёшдаги кишиларни кўриш мумкин: Ричард III нинг тахтга чиқиш маросимини ва унинг аллақачонлар унутилиб кетган қироллик даврини кўрган, юзларини ажин босган, ранглари сарғайган, оппоқ сочли кампирлар; ўрта ёшли чиройли аёллар; гўзал ёш жувонлар; латофатли, кўзлари чақнаб турган, юзлари тиниқ, дўндиқ дилбар қизлар ҳам бор эди, бу қизлар олмослар билан безатилган ўз тожларини улуғ фурсат келганда, кийишга довдираб қолишлари ҳеч гап эмасди, ахир, улар ҳали ҳеч нарсани кўрмаган, ҳаяжон энгиб қўйиши мумкин эди. Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин

эмас, ахир, қизларнинг ҳаммаси сочини бир хил та-
раб, бошига бир хил ўраган, тожни осонгина кийишля-
ри мумкин.

Хонимларнинг яхши кийиниб, брильянтлар билан
безанганларини кўрдик, улар вужудга келтирган ман-
зара беҳад кўркем; аммо томошанинг сараси ҳали ол-
динда. Соат тўққизга яқинлашганда осмон бирдан
ярақлаб кетиб, қуёш нури ибодатхонанинг ичини ёрит-
ди, офтоб хонимларнинг скамейкалари орасида жилва-
ланди; рангли қиммат баҳо тошлар мавжи ажойиб ман-
зара кашф этди, кўркемлик жилваси электр токи урган-
дек, бирдан юракларни қитиқлади; худди шу маҳалда,
қуёш нури сәрбар тасма ҳосил қилиб тушиб турган
жойга узоқ шарқий мамлакатлардан бирининг фавқу-
лодда элчиси кириб келиб, бошқа элчиларга эргашди.
Нафас олишни ҳам тўхтатиб, кўзларни қадамай илож
йўқ, ҳосил бўлган манзара шунчалик жозибадор эди.
Элчи бошидан оёғигача қиммат баҳо тошлар билан бе-
занган эди, ҳар қадам ташлаганда, атрофига олмос
учқунлари сочиларди.

Ҳикоямизни яна орқадан бошлайлик. Бир соат ўтди,
икки, икки ярим соат ўтди; замбараклардан бир йўла
отилган ўқ қирол ва намойишчилар етиб келганини
билдирди; кутавериш толиққан оломон жонланди. Ҳам-
ма ҳали ҳам анча кутиш лозимлигини билар, қиролга
ибодат кийими кийинтириш ва уни тантанали маросим-
га тайёрлаш керак эди, ҳозирча қирол пэрларини, улар-
нинг башанг кийимларини томоша қилиб туриш мум-
кин; бошқарувчилар ҳар бир пэрни иззат-ҳурмат билан
бошлаб келиб, жой-жойига ўтқазиб, олдиларига тож-
ларини қўйишди. Болохоналардаги томошабинлар бу-
ларнинг ҳаммасига зўр эътибор билан тикилишарди:
томошабинларнинг кўпчилиги беш юз йилдан бери ном-
лари тарих саҳифасидан тушмаётган граф, герцог ва
баронларни биринчи марта кўраётган эдилар. Пэрлар-
нинг ҳаммаси ўтирганларидан кейин болохонада ўтир-
ганлар кўзи олдида шунақаям кўркем манзара ҳосил
бўлдики, уни томоша қилиб, бир умр эслаб юрса арзир-
ли эди.

Энди епископлар парад либосида, бошларига мит-
ра¹ кийган ҳолда супага бирин-кетин чиқиб, ўз ўрин-

¹ Митра — епископларнинг ибодат вақтида киядиган бош
кийими.

ларини эгалладилар; улардан кейин лорд-протектор ва бошқа катта амалдорлар, улардан сўнг эса нўлат яроғ-аслаҳаларини ярқиратиб гвардиячилар чиқишди.

Бир минутлик сукунатдан кейин сигнал берилиб, тантанали музыка садоси янгради, узун зар мантия кийган Том Кенти эшикда пайдо бўлиб, супага кўтарилди. Ҳамма гур этиб тикка турди, тож кийиш маросими бошланди.

Тантанали гимн садоси бутун монастирни тўлдирди, ана шу гимн садоси остида Том Кентини тахтга бошлаб олиб келишди. Қадим замонлардан бери тақрорланиб келаётган тантанали ва улуғвор урф-одатларга биринкетин риоя қилинди, томошабинлар кўз узмай тикилиб туришди; маросим ниҳоясига етган сари Том Кентининг ранги оқараверди, қалбини нотинчлантираётган ички ҳиссиётлар уни тобора кўпроқ эза борди.

Ниҳоят энг сўнгги урф-одат адо этилди. Архиепископ Кентерберийский Англия тожини ёстиқ устидан олиб, қалтироқ босиб турган сохта қиролнинг боши устига олиб борди. Худди шу фурсатда ибодатхонанинг ичида гўё камалак ҳосил бўлди — барча мартабаси улуғ лордлар ва хонимлар ўз тожларини олиб, бошларига қўндирдилар ва бир дақиқа қотиб, қимирламай жим турдилар.

Бутун ибодатхонага жимжитлик чўкди. Ана шу унутилмас дақиқада ибодатхонанинг ўртасида кимдир қимирларди — уни илгари ҳеч ким пайқаманган эди. У бош яланг, оёғига йиртилган бошмоқ, бутун жойи йўқ даражада жулдур кийинган бола эди. Ифлос ва жулдур кийимларига, гадойлардек қиёфасига мос келмайдиган тантанали тарзда у қўлини кўтариб, қичқирди:

— Англиянинг тожини бу жиноятчига кийгизишни таъқиқлайман! Қирол — мен!

Шу заҳотиёқ уни ушлаб, қўлини қайиришди. Аммо Том Кенти тахтдан чаққон тушиб, жарангдор овози билан қичқирди:

— Қўйиб юборинг, тегманг унга! У ростдан ҳам қирол!

Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди; таажжубланиб ўринларидан туришди, бир-бирларига ғалати қарашиб, бу воқеани тушда кўришяптими, ўнгларидами — тушуна олмай, ажойиб томошанинг бош қаҳрамонларига тикилишди. Лорд-протектор ҳам бошқалардек эсанкираб

қолган эди, аммо тезда эсини йиғиб, амирона фармо-йиш берди:

— Жаноб олийларининг гапига аҳамият берманг-лар: ақл-ҳуши яна шикастланиб қолди. У дайдини ушлаб олинг!

Агар сохта қирол ер тепиниб қичқирмаганида, унинг айтганини қилишарди.

— Тегманг, ким унга тегса ўлим жазоси бераман! Қирол — ўша!

Болага шиддатли чўзилган қўллар бўшашиб тушди. Ҳамма ҳангу манг, ҳеч ким қимир этмас, тиллар калимага келмасди. Тўғриси айтганда, ҳеч ким нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмасди, юз берган воқеа шу қадар ғалати ва кутилмаган эди. Бошқалар ўзларини қўлга олиб, бирор фикрга желгунларича, бесаранжомликнинг айбдор бошини мафрур, қад-қоматини тик тутган ҳолда борган сари тахтга яқинлашаверди. У супага чиққанда ҳам ҳамма нима қилишни билмай, ҳангу манг турарди. Сохта қирол қувноқ чеҳра билан уни кутиб олди, қаршисида тиз чўкиб, хитоб қилди:

— О, тақсир! Бечора Том Кентининг сенга ўз садоқатини билдириб, биринчи бўлиб қасамёд этишига рухсат эт, ўз тожингни ўзинг кий, олий мартабанг ўзингга насиб қилсин!

Лорд-протектор келгиндига ўқрайиб қаради; аммо бирдан қаҳридан тушиб, қиёфаси мулоийм тус олди. Унда таажжуб ифодаси пайдо бўлди. Бошқа амалдорлар ҳам таажжубланиб бақрайиб қолишди. Ҳаммаси бир-бирига қараб қўйиб, беихтиёр орқага тисланишди. Ҳамманинг ҳам хаёлига бир хил фикр келганди: «Икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш-а!»

Лорд-протектор бир минут ўйлаб олиб, кейин жиддий тарзда, эҳтиром билан деди:

— Агар малол келмаса, сэр, мен оизга бир неча савол берсам...

— Беринг саволларингизни, жавоб қайтараман, милорд!

Герцог марҳум қирол тўғрисида, сарой, шаҳзода ва қироличалар тўғрисида ундан сўради. Бола бу сўроқларга мукамал, ҳеч дудуқланмай жавоб қайтарди. У саройдаги турли маросимлар ўтказиладиган хоналар, марҳум қиролнинг бўлмалари ва инглиз тахти вориси-

нинг хоналари тўғрисида қаноатлантирарли ҳикоя қилиб берди.

Бу ғалати эди. Бу таажжублантирарли эди. Ҳа, бу тушуниб бўлмайдиган воқеа эди — унинг жавобларини эшитганларнинг ҳаммаси шундай фикрда эди. Иш ўнгидан келган, Том Кенти оқимнинг ҳақиқий қиролни ўз тахтига келтиришига ишонган эди, аммо лорд-протектор бош чайқаб, деди:

— Ростдан ҳам ғалати бу, аммо қиролимиз ҳам буларни билади, ундан ошиб тушадиган жойи йўқ.

Лорд-протекторнинг бу гапи Том Кентини хафа қилди — ахир, ҳали ҳам уни қирол ҳисоблаётган эдилар, умидим пучга чиқмасмикин ҳали, деб қўрқди у.

— Бу далил бўлолмайди, — деди лорд-протектор.

Тўлқинлар Том Кентини яна тахтда қолдириб, тахтнинг ҳақиқий эгасини очик денгизга улоқтирганди.

Лорд-протектор ўйлаб, бошини тебратиб қўйди — унда пайдо бўлган бир фикр уни нотинчлантираётган бошқа турли мулоҳазаларига чек қўйди: «Бу жумбоқ устида узоқ бош қотириб ўтиришимиз давлатимизга ҳам, ҳаммамизга ҳам хатарли, халқ ўртасида низо туғдиради, қироллик ҳокимиятининг асосларига зарба беради». У ўгирилиб, деди:

— Сэр Томас, қамоққа олинг уни... Йўқ, тўхтанг!

Унинг юзи ёришди-да, тахт даъвосини қилиб турган жулдур болага яна бир савол ташлади:

— Катта давлат муҳри қаерда? Ана шу саволга тўғри жавоб олсак, жумбоқ ечилган бўлади, инглиз тахтининг ҳақиқий ворисигина бу саволга жавоб бера олади!

Тахт ва династия тақдири шунчалик арзимас бир нарсага боғлиқ бўлиб қолганини қаранг!

Бу фикр масалани яхшилик билан ҳал қиладиган яхши фикр эди. Катта мансабдорларнинг ҳаммаси шундай деб ўйлаган эди, улар бу саволни маъқуллаб, кўзларини пирпиратдилар. Ҳа, катта давлат муҳрининг ғойиб бўлиш сирини ҳақиқий шахзодагина билиши мумкин. Сохта қирол ҳамма нарсани ўрганиб, қойил қилди-ю, муҳрга келганда оқсади, унга кўп нарсани ўргатган устоз ҳам бу саволга жавоб беролмасди. Яхши! Жуда соз! Энди тез орада бу ғалати ва хавфли ҳолатдан чиқа оламиз. Ҳамма ҳам бошини сал силкиб қўйиб, мушкулни осон қиладиган бу саволнинг пайдо бўлганидан кул-

гиси келиб, ўзини зўрға тутиб турди, ҳамма ёлгончи боланинг ўз гуноҳи туфайли паришон бўлиб, лол бўлиб қолишини умид қилганди.

Аммо бундай бўлмади, бола ҳаммани ҳайрон қолдириб, саволни эшитган заҳотиёқ осойишталик билан деди:

— Бу жумбоқни ечиш жуда ҳам осон.

Шундай деди-ю, рухсат ҳам сўраб ўтирмай, орқага ўгирилиб, фармойиш беришга ўрганиб қолган кишидек буюрди:

— Милорд Сент-Жон, саройдаги менинг кабинетимга бор — уни сендан бошқа киши яхши билмайди, — менинг хонамда, чап бурчакнинг энг четида, даҳлизга чиқиладиган эшикдан нарида мис мих бор; михни бармоқ билан боссанг, кичкинагина махфий правоқча очилади, буни ҳалига қадар сен ҳам билмасдинг, мен билман-у, уни менга қилиб берган садоқатли уста билди, бошқа ҳеч ким билмасди. Қопқоқ очилиши билан дастлаб катта печать кўринади, ўшани дарров олиб кел!

Бу гап, айниқса гадо боланинг ўйлаб ўтирмай, лордлар орасидан тўғри Сент-Жонга мурожаат қилгани, унинг номини худди бир умр бирга жўриб-билиб юрган кишисидек осойишталик билан тилга олгани ҳаммани ҳайрон қолдирди. Амалдор буйруқни бажариш учун югурмоқчи бўлди. У бир қатъий қадам қўйди-ю, негадир иккиланди, нима қилишга ҳайрон бўлгани қиёфасидан сезилди. Шунда Том Кенти унга ўгирилиб, кескин тарзда деди:

— Нега бақрайиб қолдинг? Қиролнинг фармойишини эшитмадингми ё? Жўна!

Лорд Сент-Жон икки букилиб таъзим қилди; унинг бу таъзими ниҳоятда усталик билан қилинганини кўплар пайқашди: ўзини ёмон аҳволда қолдирмаслик учун у иккала қиролдан бирига эмас, иккаласига ҳам бир марта, иккаласига ҳам тегишли қилиб таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

Супаларда ўтиришган башанг жийимли амалдорлар тўдаси ҳаракатга келди, бу ҳаракат сезилар-сезилмас бошланиб, кўзга аниқ ташланди, умуман бу амалдорлар тўдаси калейдоскопни эслатарди. Калейдоскоп¹ни айлантирганда унинг ичидаги турли рангдаги заррача-

¹ Калейдоскоп — ичига турли рангдаги тош ва ойначалар ўрнатиб, дурбинга ўхшатиб ясалган асбоб-ўйинчоқ.

лар бир марказдан иккинчисига ўтиб, янги шакл ҳосил қилганларидек, Том Кенти атрофидаги бу амалдорлар тўдаси ҳам келгиндининг атрофида парвона бўлишга ҳозирланмоқда эди. Ниҳоят Том Кенти деярли ёлғиз бўлиб қолди. Бир неча минут кутиш билан ўтди, бу пайт ичида ҳадиксираб Том Кентининг атрофида турган озгина киши ҳам дадилланиб, бирин-кетин кўпчилик томонига оғди. Шоҳона кейинган, қиммат баҳо тошлар билан безанган ҳолида мана энди бутунлай ёлғиз қолди, атрофида бирорта ҳам яқин кишиси қолмаганди.

Ибодатхонанинг эшигида лорд Сент-Жон кўринди. Гапириб турганлар уни кўришлари биланоқ гапларини тўхтатишди, орага чуқур сукунат чўкди, келаётган лорднинг оёқ товушларигина эшитилиб турарди. Ҳамма унга қимир этмай, қотиб тикилиб турар, ҳеч ким ундан кўз узмасди. У супага чиқиб, қадамини секинлатди, ниҳоят Том Кентига таъзим қилиб, деди:

— Тақсир, муҳр йўқ!

Мансабдорлар тўдаси сесканиб кетиб, ўзини Англия тахтининг вориси қилиб кўрсатаётган жулдур боладан шунчалик ранг-рўйлари оқаришиб, ваҳима босиб, орқага тез тисарилдики, агар кўчадан вабо касалига йўлиққан одам кириб келганида ҳам ундан бунчалик қўрқимасди. Бир зумда у яна ёлғиз қолди, ҳамма унга ғазаб ва нафрат билан ўқрайди. Лорд-протектор эса тажанг бўлиб бақирди.

— Бу гадони кўчага улоқтиринг, қамчилаб-қамчилаб, шаҳардан ҳам ҳайданг! Садқайи эътибор кетсин бу сурбет!

Гвардиячилар болага ташланишди, аммо Том Кенти уларга ишора қилиб, бақирди:

— Чекининг! Унга қўлини тегизган киши бошидан ажрайди!

Лорд-протектор нима қилишини билмай, эсанкираб қолди. У Сент-Жондан сўради:

— Яхшилаб қидирдингизми? Умуман, бу ҳақда ортиқча гапнинг ҳожати ҳам йўқ. Ҳеч нарсага тушунолмаяман! Кичик нарсалар йўқолганда, майда-чуйда деб аҳамият бермайсан киши, эътиборга арзимади ҳам. Аммо бунақа каттагина нарса, Англиянинг давлат муҳри қаерга йўқоларкин, наҳотки уни топиш шунчалик қийин бўлса? Олтиндан қилинган кап-каттагина доира нарсани...

Том Кенти шунда кўзларини катта очиб, унинг олдига югура туриб, қичқирди:

— Тўхтанглар! Қанақа нарса эди у ўзи? Доира нарса деяпсизми? Йўғон-а? Аллақандай ҳарфлар, эмблема ўйилган нарсами? Э! Мана энди билдим, шунча шовқин-сурон ҳали ўша туфайлимиди?! Қанақалигини менга уч ҳафта илгари тушунтирганларингизда, ўша пайтдаёқ топиб берардим. Қаерда турганлигини яхши биламан, аммо уни мен яширмаганман.

— Бўлмаса ким яшириб қўйган эди, тақсир?— деб сўради ундан лорд-протектор.

— Қаршиларингизда турган ҳақиқий Англия қироли яшириб қўйган эди уни! Қаердалигини ҳозир унинг ўзи гапириб беради, ҳамма нарсадан унинг хабардорлигига ишонасизлар. Бир ўйлаб қара, тақсир! Эсингга ол! Менинг жулдур кийимларимни кийган ҳолда саройдан чиқиб, мени хафа қилган солдатни жазолашга жазм этган кунинг саройдан чиқа туриб нима қилганингни бир эсла.

Орага яна қабристондагидек даҳшатли сукунат чўкди — ҳеч қанақа товуш эшитилмасди. Кўзлар саволга жавоб қайтариши лозим бўлган кишига қадалди; у эса бошини хам қилиб, қошларини чимириб турар, чуқур ўйга ботган эди, хотирасига бебаҳо воқеликлар тушарди-ю, бошқаларига нисбатан ҳеч нарсага арзимайдиган муҳр воқеасини эслай олмай хуноб эди, чунки тахтда ўтирадим, дарбадар гадо бўладими, унинг тақдири ана шу арзимас нарсага боғлиқлигидан хафа эди. Секундлар, минутлар ўтаверди, бола эса чуқур ўйга ботиб тураверди. Ниҳоят оғир хўрсинди, бошини секин чайқади-да, лаблари титраб, аламли товуш билан деди:

— Ўша кунги воқеаларнинг ҳаммасини эсладим, аммо муҳрни нима қилганимни эслай олмаяпман.

У бир зум ерга тикилиб жим турди, кейин бошини кўтариб, мулойимлик билан деди:

— Милорд ва жентльменлар, агар шу арзимас нарса туфайли ўз қонуний қиролларингизни тахтдан маҳрум қиладиган бўлсангизлар, майли энди, нима ҳам қила олардим. Аммо...

— Э, тақсир, тентаклик-ку, бу!— деб бақирди ваҳима билан Том Кенти.— Тўхта, ўйлаб қара! Тез таслим бўлаверма! Эсингга тушади! Гапимга қулоқ сол, ҳар сўзимнинг маъзини чақ! Ўша кунги воқеаларни бирма-

бир эсингга келтираман. Биз гаплашиб ўтирдик. Мен сенга сингилларим Нэн билан Бэт тўғрисида гапирдим... Ҳа, мана қара, эсингда экан. Бувим тўғрисида, Чиқиндилар Ҳовлисидаги болалар билан биргаликда ўйнаб юрганларимиз ҳақида сўзладим... Бу ҳам ёдингдами? Жуда соз! Шуларни бир хотирла — ёдингга тушади ҳали. Сен мени овқатлантирдинг, улардан уялиб овқатдан тортинмаслигим учун хизматкорларингга ўйдан чиқишни фармойиш эттинг... Аҳа, эсингга тушди бу ҳам!

Том ўша куни қилганларининг ҳаммасини муфассал гапирди, шаҳзода эса эсига тушганини таъкидлаб, бошини қимирлатиб турди; амалдорлар эшитиб, ҳайрон бўлиб қараб ўтиришди: бу гаплар ҳақиқатга яқин, аммо шаҳзода билан гадо ўртасидаги бу дўстликнинг қандай пайдо бўлганидан улар ҳайратда эдилар. Одамлар ҳеч қандай томошани бунчалик қизиқсиниб кузатмаган, бунчалик паришон ва ҳайрон бўлиб бақрайиб қолмаган эдилар.

— Ўшанда биз, тақсир, ҳазиллашиб, бир-биримизнинг кийимимизни кийиб олдик. Кейин ойнанинг олдига бориб қарасак, бир-биримизга шунчалик ўхшар эканмизки, худди кийим алмаштирмагандек кўриндик... Шу ҳам эсингдами? Кейин эса солдат менинг қўлимни қонатганини сезиб қолдинг. Қара, ҳалигача тuzалмаган, қўлимга ҳали ҳам қалам ушлай олмайман, қовушмайди. Сен ўшанда қўлимга қараб, сен жаноб олийлари, солдатдан менинг қасдимни олиш учун югуриб ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлдинг. Столнинг ёнидан ўтишинг керак эди. Сизлар муҳр деб атаётган ўша нарса стол устида турган эди. Сен уни олиб, яшириб қўймоқчи бўлиб, атрофга алангладинг-у, қарасанг...

— Тўхта! Кифоя! Худога шукур, эсимга тушди!— дея хитоб қилди ҳаяжонланиб кетган жулдур бола.— Бор, меҳрибон Сент-Жон, деворда осилиб турган Милан совутининг қўлқопида давлат муҳри бор, олиб кел!

— Тўғри, тақсир, тўғри!— дея қичқирди Том Кен-ти.— Энди Англия давлати сенинг қўлингга, бу ҳақда сен билан баҳслашмоқчи бўлганларнинг шўри қурийдилар! Шошил, милорд Сент-Жон! Оёқларингни қўлингга олиб югур!

Ҳамма оёққа қалқиди. Ҳамма ҳангоматалаблик билан нотинч, тажанг бўлди. Ибодатхонанинг ичи асалариларинига ўхшаб, ғала-ғовур бўлиб кетди. Ҳамма ҳовлиқиб,



куйиб-пишиб гапирар, пастда ҳам, тахта супадагилар ҳам бетиним гўлдираб муҳокама қилишарди. Ҳеч ким ҳеч нарсани яхшироқ эшитолмас, ҳар ким ё ёнидаги кишининг қулоғига қичқирар, ё ёнидаги киши унинг қулоғига қичқирарди. Вақт тез ўтарди. Мана, оёқ товуши ҳам эшитилди. — Сент-Жон супа устида пайдо бўлди, у давлат муҳрини баланд кўтариб келаётган эди. Шунда ҳамма:

— Яшасин ҳақиқий қирол!— дея қичқирди.

Ибодатхона беш минут қичқириқлар ва музыка овозидан янграб турди; одамлар боши устида қўл рўмолчалар тўлқини пайдо бўлганди. Халқ табриклаётган жулдур кийинган бола эса — энди у Англияда биринчи даражали киши эди — ҳамманинг эътиборини жалб

қилган ҳолда тахта супанинг ўртасида бахтиёр ва мағрур, юзлари ёниб турар, қиролликнинг барча амалдорлари унинг қаршисида тиз чўкиб туришарди.

Ҳамма тик тургач, Том Кенти деди:

— Энди, тақсир, ўзингнинг шоҳона кийимларингни ол, бечора Томга унинг жулдур кийимларини қайтариб бер!

Лорд-протектор фармойиш этди:

— Бу ярамас боладан кийимларни ечиб олинг ва уни Тауэрга ташланг!

Аммо қирол, ҳақиқий, янги қирол эътирсиз билдирди:

— Мумкин эмас! Унинг ёрдами билангина мен яна ўз тахтимни қўлга киритдим, тегманг, хафа қилманг уни! Сен азиз тоға, сен, милорд-протектор, наҳотки бу боладан хурсанд бўлмасанг! Эшитишимча, у сенга герцог титулини берибди-ку!..

Протектор қизарди.

— Аммо у чинакам қирол эмас экан, у сенга ҳады қилган титул ҳам қонуний эмас. Сен эртага бу титулнинг менга тасдиқлатишни ундан илтимос қиласан, акс ҳолда, герцогликдан маҳрум бўласан, прафлигингча қолаверасан.

Бу гапдан кейин герцог Сомерсетский ўзини четга олишни маъқулроқ билди. Қирол Томга қайрилиб, юмшоқлик билан деди:

— Бечора бола, муҳрни-ку мен яширган эдим, менинг эсимдан чиқибди-ю, унинг қаердалиги қандай қилиб сенинг эсингда турди?

— Э, тақсир, мен бир неча марта ундан фойдаланган эдим, шунинг учун ҳам ёдимда.

— Ундан фойдаланган эдинг?.. Фойдаланибсан-у, қаердалигини нега илғари айтмадинг?

— Қидириб юрган нарсалари ўша эканлигини билмадим-да. Унинг қанақа нарса эканлигини менга тусунтириб айтмаган эдилар-да, тақсир!

— Ундан нима мақсадда фойдаланган эдинг?

Томнинг юзлари қизарди, ерга қараб, нима дейишини билмай қолди.

— Гапиравер, биродар, қўрқма!— деди унга қирол жилмайиб.— Англиянинг катта давлат муҳридан нима мақсадда фойдаланган эдинг?

Том яна дудуқланиб, хижолат тортиб деди:

— Ёнғоқ чаққан эдим у билан!

Бечора! Атрофидагилар унинг бу сўзларини қаҳқаҳа билан кутиб олишди, у эса зўрға ўзини кўтариб турарди. Аммо Том Кентининг Англия қироли эмаслигидан кимки шубҳаланиб ўтирган бўлса, бу жавоб шунақа шубҳаларга барҳам берди.

Томдан серҳашам мантияни ечиб олиб, уни қиролга кийгизишди. Мантия жулдур кийимларни ёпди. Шундан кейин, анчагина тўхтаб қолган тож кийиш маросими яна давом қилди. Ҳақиқий қиролга хушбўй мой суришди, бошига тож кийгизишди, замбараклар отилиб, бу қувончли воқеани шаҳарга маълум қилди, бутун Лондон тантана қилди.

XXXIII боб

ЭДУАРД — ҚИРОЛ

Майлс Гендоннинг қиёфаси у Лондон кўпригида байрам кайфини сураётган оломонга дуч келгунича ҳам диққатни тортадиган даражада йиртиқ-ямоқ эди, оломон орасидан зўрға чиққанидан кейин эса ундан ҳам баттароқ бўлди. Илгари ҳам пули йўқ даражада эди, энди эса ҳамёни бутунлай бўшаб қолди. Ўғрилар чўнтагини кавлайвериб, уни сўнгги чақалардан ҳам маҳрум қилган эдилар.

Аммо бунга у парво қилмади, болани излаб топсам бўлгани, деб ўйлади у. Ҳақиқий жангчи бўлгани учун у ҳеч қачон таваккалига иш қилмас, олдин режа тузиб, сўнг ҳаракат қиларди.

Бола нима қилиши мумкин? Қаёққа жўнадийкин? У даставвал илгари турган жойига борган бўлиши мумкин, деб ўйлади Майлс: ақли жойидами, жойида эмасми, бундан қатъи назар, уйсиз-жойсиз бўлиб қолган ҳар қандай киши ҳам шундай қилади. Бу бола илгари қаерда яшаган экан? Жулдур кийинганлиги, уни яхши билган, ҳатто ўғлим деб юрган ана шу дағал дайди билан яқинлигига қараганда, у Лондоннинг энг хароб кварталларидан бирида яшаган. Кўп овора бўлармикинман? Йўқ, Майлс уни осон ва тез топа олади. У болани эмас, кўчалардаги йиғинларни кўзлайди, каттами, кичикми йиғинлар орасида ўз дўстини эртами, кечми топа олади у; чунки у одатдагидек ўзини қирол

ҳисоблаб юради, одамлар эрмак қилишади уни. Майлс Гендонга ана шу қўпол кўча дайдиларидан бирини савалашга ҳам тўғри келар, ишқилиб, ўзининг кичик дўстини эрмакдан қутқазиб, яхши гап билан уни эркалатади, кейин ундан ҳеч ажралмайди.

Шундай қилиб, Майлс болани излай кетди. У одамлар йиғинини излаб, кўчама-кўча санғиди; бундай йиғинлар ҳар қадамда учрар, аммо бола кўринмасди. Бу ҳайратлангирди, аммо умидсизланмади у. Белпилаган режасидан хафа эмасди, фақат ҳарбий ҳаракатларнинг мўлжалидан узоққа чўзилаётганидан ташвишланарди.

Тонг отгунча кўп йўл босди, ҳар қанақа сон-саноксиз кишиларга дуч келди, оқибатда ўлгудек чарчади, жуда оч қолди. Уйқуси келди. Зўр иштаҳа билан нонушта ҳам қиларди-ю, чўнтаги қуп-қуруқ, садақа сўраш ҳақида тасаввур қилолмас, бирдан-бир пулга арзийдиган тузукроқ нарчасини — қиличини гаровга қўйишга ор қиларди. Кийимларидан баъзиларини сотсинми, аммо бу жулдур кийимлар кимга керак?

Туш маҳалида у қиролнинг тож кийиши муносабати билан намоийшчиларга эргашган одамлар орқасидан кетаётганди; бу томоша жинни боланинг диққатини жалб қилади, деб ўйлаган эди. У одамлар орқасидан юравериб, эпри-бугри кўчалар бўйлаб Лондондан Вестминстергача, монастиргача борди. У ҳеч эринмасдан юравериб, одамлар орасидан болани излади, натижа чиқмагач, умидини узиб, одамлар орасидан четга чиқди, бошқа яхшироқ режа туза бошлади. Хаёл суриб юравериб, шаҳардан четга чиқиб кетганини, кун тугаб, оқшом бўлиб қолганини ҳам пайқамай қолди, ниҳоят шаҳардан ташқарига чиқиб, бадавлат кишиларнинг қўрғонлари кўркам манзара ҳосил қилган жойга, дарё яқинига келиб қолганини пайқади. Бу ерларда унга ўхшаган жулдур саёқларни ёқтирмас эдилар.

Ҳаво иссиқ эди; бир девор тегиде бир оз ўтириб, сал дам олмоқчи, нима қилиш кераклигини ўйлаб олмоқчи бўлди. Утириши билан уйқу босди; узоқлардан замбаракдан отилган ўқ товуши қулоғига чалинди; у ўзига: «Қиролнинг тож кийиш маросими тугади», деди-ю, уйқу босган кўзлари ўз-ўзидан юмилди. Бечора ўттиз соатдан кўпроқ вақтдан бери дам олмаган эди. Фақат эрталаб бўлиб қолгандагина уйқудан уйғонди.

Очликдан қорни қапишган, жуда бўшашган ҳолда

жойидан зўрға қўзғалиб, дарё қирғоғига борди, ювинди, қорнини бирор нарса билан алдаш ниятида бир оз сув ичди, шунча вақтни ухлаб, беҳуда ўтказгани учун унга янги режа тавсия этди: у даставвал сэр Гэмфри Марло чолнинг олдига бориши, ундан бир неча шиллинг қарз олиб, кейин... Ҳозирча шу режа кифоя, кейингисини бу амалга ошгандан кейин ўйлар.

Соат ўн бирларда Майлс сарой олдига борди, ясанган одамлар сон-саноксизлигига қарамай, у ўз кийими туфайли эътиборсиз қолмади. Кекса сэр Гэмфри ҳақида маълумот бериш малол келмайдиган одам излаб, олдидан чиққан ҳар бир кишига тикиларди. Жулдур кийими билан ўзининг саройга кириши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Шу маҳал унинг ёнидан шаҳзода ҳузурида савалаб туриш учун асраладиган бола ўтиб қолди; у Майлсни кўриб, орқасига қайтди-да, яхшилаб кўриб олиш учун унинг ёнидан яна ўтди.

«Жаноб олийлари ташвишланаётган дайди шу, худди ўзи, ҳар нарса бўлайки, ўзи... Барибир мени одам ўрнида кўришмайди-ю, башараси кўрсатиб турибди. Худо ҳеч қачон иккита бир хил бунақа бадбашарани бирданига яратмагандир. Бирданига яратганида жуда ортиқчалик қилиб, нархи арзонлашиб кетган бўларди. Қандай қилиб у билан гаплашсам экан?!»

Аммо шу пайтда уни бу қийин ҳолатдан Майлс Гендоннинг ўзи қутқазди, унга кўз қадаб турганларини пайқаб, орқага қайрилди. Бола қизиқиб тикилиб турганини сезиб, унга деди:

— Ҳозир саройдан чиқиб келяпсан шекилли, саройда хизмат қиласанми?

— Ҳа, нима эди?

— Сен сэр Гэмфри Марлони биласанми?

Бола бу кутилмаган саволдан чўчиб тушди, ичида: «Э худо, у менинг марҳум отамни сўраяпти-ку!»— деб қўйди ва овоз чиқариб:

— Яхши биламан, тақсир,— деди.

— Саройдами у?

— Ҳа,— деди бола ва ичида ўзига-ўзи: «Қабрда ётипти»,— деб қўйди.

— Малол келмаса, унга менинг исмимни айтиб, яширинча гапирадиган икки оғиз гапим борлигини маълум қилсангчи.

— Истагингизни бажонидил бажараман, марҳаматли сэр.

— Агар шундай бўлса, унга, сэр Ричарднинг ўғли Майлс Гендон сизни кутиб турибди дегин. Сендан жуда миннатдор бўлардим, яхши бола!

Бола ҳайрон бўлган эди. «Қирол унинг номини бошқача айтган эди шекилли,— деди ичида ўзига ўзи.— Барибир. Бу унинг укаси бўлса керак, ишонаманки, акаси тўғрисида қиролга гапириб беради бу». То жавоб олиб келгунича кутиб туришни илтимос қилди. У саройга кириб кетди, Гендон эса келишилган жойда, сарой деворидаги тахмондаги тош скамейкада, ёнгарчилик пайтларида соқчилар пана бўладиган ерда уни кутиб турди. Майлс тош скамейкага ўтирган эдики, ойболтали соқчилар отряди офицер етакчилигида унинг ёнидан ўта бошлади. Унга офицернинг кўзи тушиб қолиб, отрядини тўхтатди ва Гендонга тахмондан чиқишни буюрди. Гендон унинг айтганини қилди, аммо у сарой атрофида санғиб юрган хавfli киши сифатида қамоққа олинди. Аҳволи мушкуллашиш хавфи туғилган эди. Бечора Майлс мақсадини тушунтирмоқчи бўлди, аммо офицер дағаллик билан уни оғиз очишга қўймади ва одамларига уни қуролсизлантиришни ва тинтишни буюрди.

— Балки бирор нарса топишларингга худонинг ўзи ёрдам берар,— деди Майлс.— Мен бу чўнтакларни кўп кавлаб, ҳеч нарса тополмадим, бирор чақа топилишини жуда ҳам истагандим.

Қидиравериб, ростдан ҳам унинг чўнтакларидан бир хатдан бошқа ҳеч нарса топишолмади. Офицер конвертни йиртди, Майлс бечора кичкина дўстининг хатини кўриб, жилмайиб қўйди. Бу хат Гендон қўрғонида ўша унутилмас кун қирол томонидан ёзилган эди. Офицер хатнинг инглизча қисмини ўқиб, ранги сарғайди, уни эшитган Майлснинг эса ранги бўздек оқарди.

— Тахтни яна бирови даъво қияпти-ку!— дея хитоб қилди офицер. Булар қуёнга ўхшаб кўпайишяпти. Мен бу қиммат баҳо мактубни қиролга олиб борай, келгунимча бу аблахни ҳеч қаёққа юбормай тутиб туринарлар.

«Мана энди куним битди,— дея шивирлади Майлс,— яқин орада насибам дор бўлади. Бу хат мени тинч қўй-

майди. Бечора боланинг аҳволи нима бўлади энди? Эвоҳ, фақат худо билади!».

Салдан кейин Майлс офицернинг йўрғалаб келаётганини кўриб, бутун кучини йиғиб, мард киши ўз ўлимини қандай қарши олса, у ҳам шундай қарши олишга ҳозирлана бошлади. Офицер яқинлашиши билан асирни озод қилиб, қиличини тез қайтариб беришни буюрди, кейин эса Майлсга таъзим қилиб, иззат билан деди:

— Илтимос қиламан, сэр, менинг орқамдан юринг!

Гендон унинг орқасидан итоаткорона юриб, ичида ўз-ўзига дерди: «Агар барибир ажалим етиб турганини, ортиқча гуноҳ қилишнинг ҳожати йўқлигини билмаганимда, мени мазах қилаётган бу аблаҳни нима қилишимни яхши билардим».

Улар одам билан гавжум бўлган ҳовли ўртасидан саройга жириладиган бош дарвоза сари юришди, бу ерда офицер Гендонни ясанган бир амалдорга иззат-хурмат билан топширди, амалдор Майлсга таъзим қилиб, уни катта зал орқали яхши кийинишган хизматкорларнинг икки сафи ўртасидан олиб ўтди. Утгунича бу хизматкорлар унга таъзим қилиб туришди, ўтганидан кейин бу баҳайбат қўғирчоққа унинг орқасидан қараб, мийиғларида кулиб қўйишди. Амалдор Гендон билан биргаликда ясанган жентльменлар билан тўлиб турган кенг зинапоядан кўтарилиб, ҳашаматли хонага киришди, бу хона Англиянинг энг машҳур амалдорлари билан тўлган эди; амалдор Майлсни олдинга ундаб, ўзи эгилиб Майлсга яна таъзим қилди-да, унга шляпасини бошидан олишни эслатиб, унинг ўртасида уни қолдириб, чиқиб кетди. Атрофидагиларнинг ҳаммаси унга тикилиб турарди. Баъзилар қсвоқларини осишган. Баъзилар жилмайиб турибди.

Майлс Гендон довдираб қолди. Унинг қаршисида, бор-йўғи беш қадамча нарида ҳашаматли тахти-равон остида ёш қирол ўтирарди; ён томонига бошини сал буриб, инсон қиёфасидаги жаннат қуши билан — афтидан бирор герцог билан гаплашиб ўтирарди. Гендон унга қараб, бу қадар хор қилмасдан туриб ҳам қирчиллама йигитлик давримда жувонмарг қилишаётгани етарли эмасмиди, деб ўйлади. У қиролнинг тезроқ ҳукм чиқаришини истарди, аммо атрофидаги мансабдорлар қиролни гапга солиб, Гендоннинг ғашига тегаётган эди. Худди шу маҳал қирол бошини кўтарди, Гендон унинг

юзини аниқ кўрди. Кўрди-ю, қотди-қолди! У мафтун бўлиб бақрайиб қолиб, боланинг чиройли юзидан кўзларини узолмаган ҳолда, тўсатдан хитоб қилди:

— Тавба. Тушлар ва Соялар оламининг қироли тахтда ўтирибди-ку!

У қиролдан кўз узмай, яна алланималар деди, кейин атрофига, ясанган одамлар оломонига, ажойиб қилиб безатилган залнинг деворларига кўз югуртириб, деди:

— Бу *ҳақиқат-ку!* Уйқу эмас, *мавжудот-ку!*

Кейин яна қиролга қараб ўйлади: «Ё туш кўраётганмикинман?.. Ё у мен ўйлаганимдек бошпанасиз дайди жинни бўлмай, Англиянинг ҳақиқий қиролимикин-а? Менга ким тушунтираркин?» Шунда тўсатдан хаёлига ғалати бир фикр келди. У деворга яқин бориб, стулни олди-да, залнинг ўртасига стулни қўйиб, ўтириб олди.

Сарой аъёнларининг ғазаблари қайнади: кимдир унинг елкасидан туртди, кимдир дарғазаб бақирди:

— Тарбиясиз тентак, қирол ҳузурида ўтиришга қандай журъат қилолдинг!

Ғала-ғовур қиролнинг диққатини жалб қилди; у қўлини чўзиб, қичқирди:

— Ўз ҳолига қўйинг уни, тегманг, унинг ҳақи бор!

Сарой аъёнлари ҳайрон бўлиб, жим қолишди. Қирол эса гапини давом эттирди:

— Хонимлар, лордлар ва жентльменлар, билиб қўйингки, бу одам менинг энг садоқатли ва севимли хизматкорим Майлс Гендон. У мени ўз қиличи билан яраланишлардан, ҳатто ўлимлардан ҳам сақлаб қолган, бу хизматлари учун қирол иродаси билан рицарликка олинган. Шунинг ҳам билиб қўйингларки, у қиролга бундан каттароқ ҳам хизмат қилган: у ўз подшосини қамчиланишдан ва шарманда бўлишдан асраб қолган, ўз ихтиёри билан бу азобларни мен учун ўзи тортган, бу садоқати учун унга Англиянинг пэри ва граф Кентский унвони берилган, ҳамда бу унвонларга мос мулк ва мул инъом қилинади унга. Бундан ташқари, ҳозир у фойдаланаётган ҳуқуқ унга қирол томонидан берилган, унинг авлодлари ҳам бу ҳуқуқдан фойдалана оладилар, улар Англия қиролларига хизмат қилиб, уларнинг олдида бемалол ўтира оладилар. Тегманг унга!

Пойтахтга фақат шу кунигина етиб келган, қиролнинг тож кийиш маросимига кечикиб келган икки киши бор эди. Уларнинг бу маросимга келганларига беш ми-



нут бўлганди, холос; улар гоҳ қиролга, гоҳ «полиз қўриқчиси» қиёфасидаги хизматкорга тикилар, зўр тааж-жуб билан гангиб қолган эдилар. Булар сэр Гью билан Эдит хоним эди. Аммо янги граф ҳали уларни пайқамай ўтирарди. У қиролга мафтун бўлиб тикилиб, тўнғилларди:

— Ўзинг раҳм қил, худо! Ахир, бу менинг гадо болам экан-ку! Бу менинг жинни дўстим-ку!.. Мен тентак унга ўзимнинг бойлигимни — етмиш хонали ва йигирма етти хизматкор ишлаётган қўргонимни айтиб, мақтанган эдим! Мен уни жулдур кийимлардан бошқа нарса киймаган, калтакланишдан бўлак ҳаловат кўрмаган, сарқитлардан бошқа овқат емаган, деб юргандим! Мен уни ўз тарбиямга олиб, одам қилмоқчи бўлгандим! Худо, кошки, менга бир қоп беришса, уятдан унга кириб олганим ҳам афзалроқ эди!

Кейин эсини йиғиб олиб, бирдан тиз чўкди, қирол келиб унинг қўлини сиқиб кўришди. Майлс эса берган титул ва мол-мулклари учун унга ташаккур изҳор қилиб, бир умр садоқатли бўлиб қолишга қасамёд қилди. Кейин ўрнидан туриб, ҳурмат билан четга ўтди. Ҳамма унга қизиқсиниб тикилар, кўп амалдорлар эса ҳасад билан бақрайишарди.

Шу маҳалда қирол сэр Гьюни кўриб қолиб, кўзлари чақнади ва ғазаб билан деди:

— Ана шу қароқчини унинг алдамчилик билан қўлга киритган титулидан ва ўғирлик билан топган мол-мулкидан маҳрум қилинг, то махсус фармойишимгача уни қамоқда сақланг!

Собиқ сэр Гьюни олиб чиқиб кетишди.

Залнинг нариги томонидан мулозимлар кўринди; залнинг ўртасидагилар йўл бериб, икки томонга чекинишди, саройнинг бош хизматкори билан биргаликда Том Кенти келарди, у серҳашам, қиммат баҳо кийимлар кийиб ясанган. Том қиролнинг олдига бориб, бир оёғи билан тиз чўкди.

— Бир неча ҳафта ичида қилган ишларингни билдим,— деди унга қирол,— сендан жуда мамнун бўлдим. Менинг давлатимни қобиллик ва раҳм-шафқатлик билан яхши бошқарибсан. Сен, билишимча, онанг билан сингилларингни топибсан шекилли? Жуда яхши бўлибди! Уларга ғамхўрлик қиламиз. Аммо отангни агар қаршилик қилмасанг, агар қонунимиз имкон бер-

са, дорга осииш керак. Сизлар, ҳаммаларингиз эшитиб қўйингларки, Исо даргоҳи¹да қирол ҳисобига тарбияланаётган болаларни фақат овқатлантириш билангина кифояланмай, уларга ақлий ва маънавий озуқа ҳам берилади. Бу бола ўша ерда яшаб, тарбияланувчилар орасидан фахрли ўрин олади; қироллик қилгани учун у махсус эҳтиромга лойиқ, унинг кийимига қаранг; бу кийимни фақат унинг ўзигина кийиб юриши мумкин, бошқа ҳеч кимнинг бунақа кийинишга ҳақи йўқ. Кийимига қараб ҳамма уни билади, бир вақтлар унинг қирол бўлганини билиб, иззат қилишади. У махсус равишда ҳимоя қилиниб турилади, умуман қиролнинг ҳомийлиги остида бўлади, унга қиролнинг асрандиси деган фахрий титул берилди, буни билиб қўйинглар.

Том Кенти беҳад хурсанд ва мағрур ҳолда тиз чўкиб ўтирган еридан туриб, қиролнинг қўлидан ўпди; кетишига рухсат этилди. Вақт ўтказмай, у онасининг ёнига югурди, бўлган воқеаларни онасига ва сингилларига гапириб беришга, қувончини улар билан баҳам кўришга ошиқарди у.

Х о т и м а

АДОЛАТ ВА ҚАСОС

Ҳамма сирлар фош этилгач, Гью Гендон Эдитни Майлсдан умид узишга мажбур қилганига иқрор бўлди. Агар у Майлс Гендондан умидини узмаса, ўлдиражагини айтиб, дастлаб уни қўрқитган, шунда у ўлишга розилигини, аммо Майлсга садоқатли бўлиб қолажагини айтган; кейин Гью унга раҳм қилишини, аммо Майлс ўлимга мубтало бўлиши муқаррарлигини уқдирган, шундан сўнги Гью Эдит ноилоҳ Гью билан яшашга мажбур бўлган.

Гьюга бу ишлари ва акасининг унвони билан молмулкни ўзлаштириб олгани учун жазо бериш керак эди, аммо Майлс билақ Эдит уни жавобгарликка тортиришни истамадилар; умуман қонунда хотинга эрини жавобгарликка тортишга урниниш ман қилинган эди.

¹ Исо даргоҳи ёки Кўк картонлар мактаби замондошларнинг таъкидлашларича, «дунёда энг яхши муассасалардан бири» бўлган. Эдуард VI бу мактабни етим-есирларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш мақсадида ташкил этган.

Гью шундан кейин хотинини ташлаб, мамлакатдан бош олиб чиқиб кетди, у кўп ўтмай ўлди, Майлс, яъни граф Кентский эса Эдитга уйланди. Улар биргаликда Гендон-холлга қайтганларида бутун округ катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Том Кентининг отаси дом-дараксиз кетди.

Қирол юзига тамға босиб, қул қилиб сотилган фермерни излаттириб топди, уни жинояткор шайкадан воз кечтирди ва унга зориқмай, кам-кўстсиз яшашга шароит яратиб берди. Қирол кекса қонуншуносни ҳам турмадан озод қилиб, унга солинган штрафни бекор қилди. Ўз кўзи олдида гулханда ёқилган икки баптист аёлнинг қизлари тарбияланишига ғамхўрлик қилди, Майлс Гендонни бекордан-бекор қамчилатган амалдорни қаттиқ жазолади. У эгасидан адашган лочинни тутгани учун осиб ўлдиришга ҳукм этилган шогирдни бу жазодан қутқарди; тўқувчидан бир парча мовут ўғирлаган аёлнинг гуноҳини ҳам кечди; аммо қиролнинг боғидан буғу ушлаган кишини ўлим жазосидан қутқазишга улгуролмади — бу ҳукм ижро этилган экан.

Уни чўчқа боласини ўғирлашда айблашган пайтда раҳми келган судьяга доимий илтифот кўрсатиб юрди, бу судья аста-секин ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлиб қолганини, машҳур ва эътиборли киши бўлганини кўриб, жуда хурсанд бўлди.

Қирол ўзининг болаликдаги ана шу ажойиб саргузаштларини, соқчи сарой дарвозасидан ҳайдаб юборган пайтдан то монастирни безаётган ишчиларга қўшилиб, ибодатхонанинг ичига киргани, Исповедник'нинг мақбарасига яшириниб, қаттиқ ухлаб қолгани, эрталаб тож кийиш маросимига зўрға етиб келганигача бошидан ўтганларни ҳикоя қилишни яхши кўрарди. Умрининг охиригача у буларни тез-тез эслаб турди. Бу хилдаги қиммат баҳо сабоқлар мени ўз халқим манфаати йўлида кўпроқ ва яхшироқ хизмат қилишга ундайди, токи тирик эканман, бу воқеани тез-тез эслаб, ҳикоя қилиб тураман. Мен бошдан кечирган ў қайғули таассуротлар шафқат-мурувват ҳисларини дилимга жо қилиб юришга ундайди, дерди.

Майлс Гендон билан Том Кенти Эдуард VI қироллик қилган қисқа даврда унинг энг яқин кишилари бўлиб қолган эдилар, қирол вафот этганда унга чуқур мотам

¹ Эдуард Исповедник — англиз қироли (1002—1066).

тутдилар. Марҳаматли граф Кентский ақлли, инсофли одам эди, қирол дўсти берган имтиёзни у ортиқча суи истеъмол қилмади, бу ҳуқуқидан у бизга маълум воқеадан ташқари бор-йўғи фақат икки мартагина фойдаланди: бир гал қиролича Мария тахтга чиққанда, иккинчи марта қиролича Елизаветанинг тож кийиш маросимида. Унинг авлодларидан бири Иаков I тахтга чиққан маҳалда бу имтиёздан фойдалангунича орадан чорак асрга яқин вақт ўтган эди, «Кентлар имтиёзи»ни сарой амалдорларининг кўпчилиги эсдан чиқариб юборган эдилар, кунларнинг бирида Кент қирол Карл I ҳузурида ўтириб олганида сарой амалдорлари уни одобсизликда айблаб, шовқин-сурон кўтаришди. Аммо бунинг сабаби тез орада маълум бўлди, унинг имтиёзи тасдиқланди. Граф Кентлардан сўнггиси Англия революцияси даврида гражданлар урушида қирол учун жангда ҳалок бўлди, шу билан бу ғалати имтиёз ҳам барҳам еди.

Том Кенти узоқ умр кўрди; у оппоқ соч-соқолли, нуроний ва улуғвор қиёфали чиройли чол эди. Ҳамма уни самимий ҳурмат қилар, ёлғиз ўзи қиядиган ғалати кийими унинг бир вақтлар қирол бўлганидан далолат бериб турарди. Уни кўрганда одамлар ҳурмат билан йўл беришар, бир-бирларига пичирлашиб:

— Шляпангни ол, бу қиролнинг асрандиси!— дейишарди.

Ҳамма унга таъзим қилар, у эса табассум қилиб қўярди; унинг шу табассумига юксак баҳо беришарди, чунки бу китобда баён этилган воқеаларда у узининг олижаноблигини намоиш қилган эди.

Ҳа, Эдуард VI нинг умри қисқа бўлса ҳам мақташга арзийдиган бўлди. Мартабаси баланд амалдорлар ёки олтинга бурканган вассаллар унинг раҳмдилликини ҳаддидан ошираётганини ёки қонунларни юмшатишга интилишини ўринли эмас, қонунларимиз раҳмдилликка асосланган, ҳеч кимнинг бошига ортиқча азоб-уқубат, машаққат келтирмайди, деб айтганларида, ёш қирол уларга ғамгин кўз тикиб, ҳамма вақт:

— Зулм ва азоб-уқубатларни сен қаердан биласан? Буларни мен биламан-у, халқим билади, сен билмайсан,— дерди.

Уша ёвуз замонларда Эдуард VI нинг қироллик қилган йиллари раҳмдиллиги ва беозорлиги билан тарихда ноёб давр бўлди. Қиссасини тугатарканмиз, унинг яхши хотирасини унутмасликка ҳаракат қиламиз.

СЎНГГИ СЎЗ

Марк Твен ҳикоя қилган бу ажойиб воқеа ҳаётда рўй берганмикин? Англияда гўё бундан тўрт юз йилча муқаддам Чиқиндилар Ҳовлисида яшовчи бир жулдур кийимли бола тўсатдан мамлакат ҳукмдори бўлиб, ҳақиқий шаҳзода Эдуард VI эса ҳашаматли саройдан ташқарида қолиб кетиб, ҳукмронлигидан ва хизматкорларидан маҳрум бўлиб қолганини, шаҳзодалигини ҳеч ким тан олмаганини, дайдиб гадо боладек сарсон-саргардон юрганини ўқиб билдингиз. Англия тарихида рўй берганми бу воқеа?

Йўқ, албатта. Англия тарихида бунақа ажойиб, афсонавий воқеа йўқ. Шунинг учун ҳам ёзувчи китобни ўқишга киришганларни огоҳлантириб, бу қисса қадимий ривоятдир, дейди. Аммо бу ривоят ишонарли — китобни ўқиб чиқиб, Англиянинг бундан 400 йил муқаддам қандай аҳволдалиги билан танишасиз.

Мана, Том билан бирга саройдасиз. Қирол саройнинг серҳашам, ярамас ва шафқатсиз муҳити кўз олдингизда намоён. Сарой урф-одатларини ва тартиб-қоидаларини кўрган кичкина гадо уларни ўзича баҳолайди. Генрих VIII ва унинг маслаҳатчиларининг мамлакатни бошқариш тартиби Томга ёқмайди. Қироллар ва шаҳзодалар, олижаноб рицарлар ва гўзал хонимлар тўғрисидаги китобларни ўқиган Том ўзи муяссар бўлмайдиган бу оламни бир зумгина кўриш орзусида эди. Шу ҳақда у яқиндагина қилган орзу-хаёллар беҳад жозибадор эди, аммо мавжуд ҳаёт эса нақадар даҳшатли ва ғамгин бўлиб чиқди!

Сарой ҳаёти Томнинг хаёли ва тасаввуридагидек бўлиб чиқмади.

Том шаҳзода бўлиб қолган дастлабки дақиқалардаёқ қўл-оёғини сарайнинг бемаъни тартиб-қондалари ки-

шанида кўрди. Албатта, Чиқиндилар Ҳовлисида Том қийин турмуш кечирарди — қашшоқ эди, очлик, отасининг бетининг таёқлари уни қийнарди, аммо эркин эди, ўртоқлари кўп бўлиб, бирга ўйнар, чўмилардилар... Эдуардга бу ўйинлар тўғрисида Том гапириб берганида у завқланиб кетди, лой ва қум босиб оёқ яланг югуриб, бошқа болалар билан бирга каналда чўмилишга жонжон деб ўз тожини алиштиришга тайёрлигини айтди. Том эса қирол бўлганидан кейин: «Нима гуноҳ қилиб, худонинг ғазабига гирифторм бўлдимки, у мени қуёш нуридан, тоза ҳаводан, далалар ва ўтлоқлардан маҳрум қилди, мени қирол қилиб, бу зиндонга тиқиб қўйди!» — дейди.

Марк Твен маънисиз тартиб-қоидалардан кулади, Томнинг тантанали кийиниш маросими пайтида ҳар бир кийим кам деганда ўнтача амалдорнинг қўлидан қўлига ўтиб турганини тасвирлайди. Сарой аъёнлари қоидага риоя қилиб, уни кийинтириб қўядилар, ечинтирадилар, овқатлантирадилар, ҳолбуки бу ишларни унинг ўзи ҳам қила оларди. Том биринчи куни бурни кичиганда ишқалаб қўйишдан ҳам чўчийди, бурнини ишқалашнинг ҳам тантанали тартиб-қоидалари бўлса керак, деб ўйлайди.

Ҳамма ишни ўзи қилиб ўрганган бу кўча боласи дабдабали маросимларни, уч юз саксон тўрт аъён хизматини ҳурмат ифодаси эмас, бемаънилиқ, машаққат ва зиқналик деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у ўз қўл-оёғим, бошим бор-ку, мени қўғирчоққа айлантиришнинг нима зарурати бор дейди.

Тартиб-қоидалар, асрлардан бери давом этиб келатган одатлар Томнинг эркини олиб, унинг қўл-оёғини кишанлагандек ҳолатга солгани учунгина Томнинг ҳафсаласини пир қилмади. Эртаклардагидек дабдабали сарой муҳити инсонга, халққа бешафқат эканлигини тушунгандагина Том ўзини тутқун, эрдан ажралиб қолган, қафасга тушган ҳис этди. Том подшолик қилаётган қирол Генрих VIII нинг қанчалик раҳмсизлигини ўз кўзи билан кўрди. У Томга нисбатан меҳрибон, ғамхўр эди, чунки уни ўз ўғлим деб ўйлаганди, аммо фуқароларига нисбатан у бешафқат ва қатъий эди. Қиролнинг фармойишига кўра герцог Норфолькнинг боши кесилиши керак эди, сарой аъёнлари ҳеч иккиланмай унга бўйсундилар, бутун парламент унинг айтганини қилади.

Дўппослаб туриладиган бола-чи! Бошдан-оёқ қора кийинган озгин бу боланинг саройга нима кераги борлигини Том анча вақтгача тушунолмайди. Шармандали ва кишини қийновчи бу вазифани ўйлаб топган кишилар қанчалик инсофсиз!

Томнинг саргузаштларидан қирол саройининг ҳалланган панжараларидан ичкарида нималар яширинганини билсангиз, Англиянинг бўлажак қироли Эдуарднинг бошига тушган фожиалар орқали мамлакатнинг кўча ва бозорлари, йўллари ва ўрмонларидаги воқеалар билан, инглиз халқининг ҳаёти билан танишасиз. Эдуард қиролликнинг шафқатсиз қонунлари қурбони бўлган кўп сонли кишиларга дуч келади. У дайдилар ва гадолар, ўғрилар, шайкалари билан бир қанча муддат бирга яшайдикки бу даҳшатлар ёзувчининг уйдирмаси эмас. Уша йилларда Англияда бой лордлар ривожланаётган тўқимачилик саноатини жун билан таъминлаш учун қўй подаларини кўпайтиришга киришган эдилар. Қўй боқиш учун катта ўтлоқлар зарур эди, бунинг учун деҳқонларни ердан маҳрум қила бошлаган эдилар.

Уша даврнинг йирик ёзувчиси, инглиз камбағалларининг ҳимоячиси бўлган Томас Мор «Қўйлар одамларни емоқда» деб ёзган эди.

Ердан маҳрум қилинган деҳқонларнинг қисмати даҳшатли эди. Дайдиларнинг ҳикояларини эшитган Эдуард бундан хабардор бўлади. Уларнинг — софдил фермерларнинг ерларини тортиб олиб қамчилайдилар, уят устунларига боғлаб қўядилар, темирни қиздириб тамға босадилар турмаларга қамайдилар, қулоқларини кесадилар, ҳолбуки, уларнинг бирдан бир асосий айби — қашшоқлик. Дайдиб юргани учун одамларни қул қилиб сотадилар, ҳатто уларга ўлим ҳам берадилар.

Хукмрон черковнинг таълимотига диний эътиқоди мос эмаслиги туфайли икки аёлни куйдирадилар, арзимаган нарсани ўғирлагани учун ярим жинни бир кампирни ўлимга ҳукм қиладилар, буларни Эдуард ўз кўзи билан кўради. Ҳеч қанақа жиноят қилмаган бўлса ҳамки ўзини ҳам ўлдириб қўйишларига сал қолади, қочиб қутулади. Даставвал жулдур кийинган нодон кишиларга жирканиб қараган Эдуард турма тўла «жиноятчилар»ни ўзи сўроқ қилади, бу билан халқининг аҳволини, мақсадини билмоқчи, Англия қонунларидаги ҳақсизликларни яхшилаб ўрганмоқчи бўлади.

Эдуард VI, қирол бола шу тарзда ҳаёт мактабини кўради, сабоқ олади. XVI асрнинг бошларида Англия халқининг ҳаёти ҳақида Марк Твен шунақа ҳаққоний ҳикоя қилади.

Англия тарихининг ёрқин саҳифаларини ақлдан озган дарвеш-монах образи ҳам очади, у Англия қиролига алами бўлганидан Эдуардни ўлдириб қўйишига ҳам сал қолади. Генрих VIII ҳокимият ва бойлик талашиб, католик черковининг бошлиғи бўлган Рим папасига қарши курашган эди. Қирол хазинани бойитиш ниятида Англиядаги монастирларни тугатиб, кенг черков ерларини тортиб олган эди. Дарвеш қирол уни ризқи-рўзидан ва келажакдан маҳрум қилганини айтиб, бундан нолиган эди.

Твен яратган монах образи китобхонда унга нисбатан раҳм-шафқат туйғулари уйғотмайди, балки ваҳима, нафрат ҳосил қилади: католик черкови ҳам монархия каби халқни эзарди. Халқ ўзининг бу иккала эзувчиси ўртасидаги ўзаро курашдан ҳеч қанча манфаатдор бўлолмайди: черковдан тортиб олинган ерлар қиролга ёққан кишиларга инъом қилинади ёки сотилади. Том катта ер участкасини қиролликнинг катта амалдори лорд Гертфордга, унинг ўғлига ва укасига инъом қилишга мажбур бўлганини кўрдик.

Балки китобхонлардан бири, Англия тарихини ҳеч қанақа уйдирмасиз баён этилса бўлмасмиди, тахтга ўтирган гадо бола ва дайди бўлиб машаққатлар кўрган шаҳзоданинг саргузаштлари ҳақидаги «эртакка» нима ҳожат бор эди, дейиши мумкин. Албатта, бошқачароқ тавсиф этиш ҳам мумкин эди, лекин Марк Твен тарихчи эмас эди-да, ҳамма гап шундаки, тарих дарслигини ўқишдан кўра Твеннинг қиссаси қизиқарлироқ, бундан ташқари, ёзувчининг уйдурмалари ҳаётни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Гадо бола қирол бўлгач, мамлакатни ўзича бошқаришга киришади. Сарой аҳли қирол кенгашининг мажлисларида қирол саройининг дабдабалари ҳақида, ўзларининг шахсий манфаатлари ва мартабалари тўғрисидагина ўйласалар, кичкина Томни даставвал оддий кишиларнинг тақдири қизиқтиради, у бозор ёнида кичкинагина фақир уйда яшаётган қашшоқ онланинг аҳволи, ўзининг бечора онаси, Чиқиндилар Ҳовлисида яшаётган бахтсизлар ҳақида ўйлайди. Том халқ орасидан келганлиги учун ҳам ҳаммиша халқ тўғрисида ўйлай-

ди, донолик билан ҳукмронлик қила бошлайди; ноҳақ қонунларни, уч гуноҳкорга берилган ўлим жазосини бекор қилади. У Чиқиндилар Ҳовлисида яшаб юрган пайтларида, хаёлан шаҳзода бўлиб юрган пайтларида ҳам одамларга ёрдам беришга интиларди. Том тахтга чиққанда ҳам халққа ғамхўр қирол бўлади.

Эдуард қалби пок бола эди, шунинг учун ҳам сарой соқчиси қўполлик қилиб, Томни урганида унга раҳми келади, аммо саройда яшаб, хизматкорларни одам ўрнида кўрмасликка одатланиб қолган, ўзидан бошқалар тўғрисида ҳам ўйлашга ўрганмаган. Саройдаги тартиб-қоидалар шафқатсизлигини, қонунлар инсофсизликдан иборатлигини ҳам билолмаган.

Марк Твеннинг повестида Эдуард VI шунақа шароитларга дуч келадик, тарихда қироллардан ҳеч бирининг бошига бунақа кунлар тушмаганди: у қувғин қилинади, гадо сифатида ҳамма жойдан уни ҳайдашди, ўз мамлакатининг адолатсиз қонунлари туфайли жафо тортади, камбағалларнинг машаққатларини ўз кўзи билан кўради. Эдуард ижтимоий чиқиши жиҳатдан қирол, аммо бошига тушган кунлар уни халққа яқинлаштиради, халқ орасидан чиққан кишига айланади. Ана шундагина у давлатни донолик билан бошқаришнинг аҳамиятини тушунади.

У жулдур кийимда Англия йўлларида кезиб, хонавайрон қилинган деҳқонларнинг аҳволини кўриб, турмада ўтириб, қўлланилаётган жазо чораларини томоша қилиб, илгари билмаган кўп нарсалардан хабардор бўлади. Ўзи ҳам шармандали жазо чораси таҳликасида қолади. Халқ кўраётган жабру жафоларни ўзи ҳам кўради, ўрганади.

Марк Твен ўзининг кичкина қаҳрамонлари тақдири тўғрисида ҳикоя қиларкан, китобхонга халқ билан алоқада бўлган, ҳамма вақт халқни ёдида тутган, унга ғамхўрлик қиладиган кишигина мамлакатни бошқара олади, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган қонунларгина ҳаққонийдир, деб уқтиради.

Бу фикр — асарнинг асосий ғоясидир.

* * *

Том Кенти ва Эдуард — Англиянинг энг эътиборсиз боласи билан энг эътиборлиси — бир шаҳарда, бир кунда дунёга келадилар. Аммо уларни хилма-хил тақдир

кутарди! Бирининг насибаси — қашшоқлик ва очлик, иккинчисиники эса қиролликнинг бутун бойлиги. «Адолатданми бу?»— деб савол беради Марк Твен ва ана шу саволга китобда жавоб беради.

Одамларнинг тенгсизлигини, бировларнинг аслзода ва бой, бошқа бировларнинг эса ҳуқуқсиз ва қашшоқлигини оқлаш мақсадида ҳукмрон синфлар кишиларнинг тенгсиз бўлиб туғилишлари тўғрисида турли «назариялар» яратганлар, «оқ суяк» ва «асл зот» тўғрисида, зоти асл кишиларнинг паст табақага мансуб кишиларга нисбатан асллиги ва ақллилиги тўғрисида ҳар хил уйдирмаларни ўйлаб чиқарганлар. Қиролликнинг отадан болага мерос бўлиб қолиши худонинг амри деб тушунтирилди; тахтга ўтирган киши давлатни бошқариши кераклигини гўё худонинг ўзи тайинлар эмиш. Твеннинг асарида эса шаҳзода билан гадо бир-бирларининг кийимини кийиб олгач, уларни ҳеч ким, ҳатто ота-оналари ҳам билмайдилар. Марк Твен шаҳзода билан гадони бир-биридан уларнинг кийими ажратиб туришини кўрсатади.

Ҳамма одам ҳам туғилганда бир хил бўлади, бир-биридан фарқ қилмайди, деб уқдиради бизга бу китоб; дворянларнинг, аристократларнинг, қиролларнинг махсус сифатлари ҳақидаги уйдирмаларни шу уйдирмалардан манфаатдор бўлган кишилар ўйлаб чиқарганлар.

Марк Твен «Шаҳзода ва гадо» китобини XIX асрнинг охирларида, 1881 йилда ёзган. У Англиянинг XVI асрдаги ҳаёти тўғрисида ҳаққоний ҳикоя қилади. У замонасидаги, ўз ватани бўлган Америкадаги ноҳақликларга қарши курашиш ниятида узоқ ўтмишга мурожаат этади. Марк Твен халқ қашшоқ ва ҳуқуқсиз бўларкан, одамлар аслзода ва оддий фуқарога, бойлар ва камбағалларга бўлинаркан, шуларга имкон берган гартиб-қоидалар тўғри эмас, деб ҳисоблайди.

Американинг энг яхши ёзувчиларидан бири бўлган Марк Твеннинг ўзи ҳам халқ ичидан чиққан эди. У 1835 йилда Ганнибал деган шаҳарчада туғилган.

Марк Твен — ёзувчининг адабий таҳаллуси бўлиб, унинг асли исми Самюэл Клеменсдир. У унча бой бўлмаган оилада туғилган, отасининг вафотидан кейин ўн икки ёшида ишлай бошлаган. У кўп касбларда ишлайди, мамлакатининг энг узоқ бурчакларида ҳам бўлади туғилган шаҳрида босмахонада шогирд бўлиб ишлайди;

кейин дайдиб юриб ҳарф терувчилик қилиб юради; Узоқ Фарбда текширилмаган ерларда фойдали қазилмалар топиш учун қидирувчи бўлади; журналистлик қилади. Клеменс машҳур ёзувчи бўлган пайтларида Миссисипи дарёсида пароход ҳайдашни ўрганган, лоцманга шогирд бўлган пайтларини тез-тез хотирларди. У «Марк Твен» тахаллусини денгизчининг оғир, аммо қувноқ меҳнати шарафига, ажойиб дарё Миссисипи хотирасига қўяди. «Марк Твен» инглизча сўз бўлиб «ўлчов—икки» маъносини беради, дарё чуқур бўлиб, пароход олға суза оладиган пайтда денгизчилар шу сўзни ишлатардилар.

Марк Твен ўз ватанини, қирғоғида ўзи ўйнаб ўсган суви кўп Миссисипини, кенг чўлларни, ўтиб бўлмайдиган ўрмонларни беҳад севарди, мард ва ҳаракатчан халқни, америка болаларини яхши кўрарди.

Сиз Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» ва «Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари» деган ажойиб китобларини ўқигандирсиз. Бу китобларни у «Шаҳзода ва гадо» яратилган йилларда ижод этган. Бу китобларда жасур ва софдил икки ўртоқ тўғрисида, уларнинг ажойиб саргузаштлари, мардлик кўрсатиш, эркин яшаш ҳақида хаёл сурувчи Томнинг ўйинлари ҳақида ҳикоя қилинади. Гек Фин оиласидан ажратиб, қул қилиб сотмоқчи бўлганларида негр Жимнинг қочишига ёрдамлашади. Автор бу воқеани шунчалик қизиқарли қилиб ёзадики, китобхон ўзини қочоқлар билан биргаликда Миссисипи бўйлаб сузаётгандек, кутилмаган тўсиқларга қарши курашаётган, таъқиблардан қочаётгандек ҳис қилади.

Бу америкалик болаларнинг мардликлари, Америкадаги энг эзилган, энг камситилган киши — қочоқ негрга ёрдам берганларини китобдан ўқиркансиз, Том билан Гекнинг ҳаёти бизнинг ҳаётимизга мутлақо ўхшамаслигини кўрасиз: улар ўқиган мактабда болаларни урадилар, диний уйдурмалар билан аҳмоқ қиладилар, улар яшаган мамлакатда энг асл нарса пул ҳисобланади, инсонни мол-мулк сифатида сотадилар.

Орадан ўн йилча ўтгандан кейин, 1895 йилда китобхонлар Твеннинг «Каллаварам Вильсон» деган повестини ўқидилар, бу китобда ҳам «Шаҳзода ва гадо»даги сингари ғалати воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу китобда узоқ Англияда эмас, Америкада, Қўшма Штатларнинг жанубида рўй берган воқеа баён этилади.

Повесть қаҳрамонлари — америкалик икки бола: бири машҳур ва бой қулдорнинг ўғли, иккинчиси чўри негрнинг боласи. Бу болалар ҳам Том Кенти билан Эдуард каби бир-бирларига жуда ўхшаш. Улар кичкиналигида негр аёл уларнинг кийимларини алмаштириб қўяди, худди «Шаҳзода ва гадо»даги сингари, уларни бири-биридан фарқ қилолмай қоладилар. Оқ танли эркак билан қора танли аёлдан туғилган қул болани бойнинг боласи деб ўйлашади, бой хонадоннинг фарзанди эса шаҳарда қул бола сифатида хорланади.

Ҳамма одам ҳам туғилганда тенгдир, бойлар ва камбағаллар, оқ танлилар ва қора танлилар — ҳаммаси ҳам бир одам, деб таъкидлайди Марк Твен. У бу билан негрлар паст ирқ деган уйдирмани чиппакка чиқаради, ёзувчи Америкада негрларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши тарафдори сифатида кўринади.

Марк Твен — чинакам ватанпарвар эди, шунинг учун ҳам у Американинг сиёсий корчалонларига ва миллионерларига нафрат билан қарарди. У адолатсиз босқинчилик урушларига ғазаб билан норозилик билдирган эди. У кўп сонли софдил америкаликлар билан ҳамкорликда тинчлик учун курашган эди.

Марк Твен ўз памфлетларида ва мақолаларида Қўшма Штатлар Филиппин оролини хоинларча босиб олганини, тинч яшаётган хитой халқини талаётганлигини кўрсатади.

Буржуа газеталари Твенга ҳужум қилдилар, ёзувчининг дўстлари бунақа мақолалар ёзмасликни маслаҳат бердилар; аммо у парво қилмай ёзаверди, курашини давом эттирди.

Марк Твен меҳнаткаш америка халқини, оқ танли ва қора танли камбағалларни доимо эсида тутди. Шунинг учун ҳам унинг китоблари ҳаққоний, шунинг учун ҳам унинг кулгиси ғазабли ва фош этувчи, қувноқ ва серзавқдир.

Т. Ланина.

М У Н Д А Р И Ж А

<i>I боб.</i> Шаҳзоданинг ва гадонинг тугилиши	3
<i>II боб.</i> Томнинг болалиги	4
<i>III боб.</i> Томнинг шаҳзода билан учрашгани	9
<i>IV боб.</i> Шаҳзоданинг бошига қора кунлар тушгани	18
<i>V боб.</i> Том—шаҳзода	21
<i>VI боб.</i> Томга насиҳат уқдиришгани	30
<i>VII боб.</i> Томнинг шоҳона зиёфатда бўлгани	38
<i>VIII боб.</i> Муҳр масаласи	43
<i>IX боб.</i> Дарёда байрам	45
<i>X боб.</i> Шаҳзоданинг мусабатлари	48
<i>XI боб.</i> Рагушада	57
<i>XII боб.</i> Шаҳзода ва унинг халоскори	62
<i>XIII боб.</i> Шаҳзоданинг ғойиб бўлиши	74
<i>XIV боб.</i> Le roi est mort — vive le roi	78
<i>XV боб.</i> Том—қирол	91
<i>XVI боб.</i> Тантанали зиёфат	102
<i>XVII боб.</i> Қирол Фу-фу Биринчи	105
<i>XVIII боб.</i> Шаҳзода саёқлар орасида	117
<i>XIX боб.</i> Шаҳзода деҳқонлар орасида	124
<i>XX боб.</i> Шаҳзода ва дарвеш	130
<i>XXI боб.</i> Гендоннинг ёрдамга етиб келгани	137
<i>XXII боб.</i> Хонлик қурбони	141
<i>XXIII боб.</i> Шаҳзода қамалади	147
<i>XXIV боб.</i> Қочиш	151
<i>XXV боб.</i> Гендон-холл	155
<i>XXVI боб.</i> Танимадилар	162
<i>XXVII боб.</i> Турмада	166